Ш26

Озод Шарафиддинов

# ОЛАМНИНГ ҚАЛБИ

# Оламнинг қалби ёхуд китоб менинг тақдиримда



Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих
выдач

ООО «Чирчикская городская типография» Зак 1003-3341

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ
МИЛЛИЙ ГОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

# ОЛАМНИНГ ҚАЛБИ

## ЁХУД КИТОБ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2014

УДК 821.512.133(092)
КБК 83.3(5Ў)6
Ш 26

Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг халқимизга қолдирган маънавий-маърифий мероси ўзининг кўламдорлиги билан кишини ҳайратга солади. Кейинги йиллар давомида олимнинг «Довондаги ўйлар», «Ижодни англаш бахти», «Домлалар», «Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида» сингари бир-биридан ўқишли китоблари чоп этилди.

Қўлингиздаги тўпламга эса Озод Шарафиддиновнинг китоб, унинг инсоният тамаддунидаги ўрни ва аҳамияти, китобга муносабат, китобхонлик маданиятига оид долзарб ўйлари, теран кузатишлари акс этган мақолалари, суҳбатлари, таржималари жамланди. Устоз умр йўлининг турли даврларида яратилган мазкур мақолаларнинг барчасига ажиб бир хусусият хосдир. У ҳам бўлса, ўзи излаб топгани – маънавий хазинани бошқаларга ҳам илиниш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қўлдан келганча кўмаклашиш истагидир.

Нашрга тайёрловчи ва тўпловчилар:
*Муҳаббат Шарафутдинова, Шаҳноза Тўйчиева*

Масъул муҳаррир
*Раҳмон Қўчқор*

**Шарафиддинов, Озод.**
Ш 26 **Оламнинг қалби ёхуд китоб менинг тақдиримда** / О. Шарафиддинов; нашрга тайёрловчи ва тўпловчилар: Муҳаббат Шарафутдинова, Шаҳноза Тўйчиева; масъул муҳаррир Раҳмон Қўчқор. – Тошкент: «Маънавият», 2012. – 264 б.

**УДК 821.512.133(092)**
**КБК 83.3(5Ў)6**

**Ш 4702620204–14 / M25(04)–13**

ISBN 978-9943-04-207-0
© «Маънавият», 2014

# КИТОБСЕВАР ВА КИТОБСЎЯРЛАР ТЎҒРИСИДА ДОСТОН

...Подшо бир одамни ўлимга буюрибди. Тумонат оломон олдига маҳкумни олиб чиқибдилар. Тахтиравонда ўтирган подшо маҳкумга дебди:

– Подшо боболаримдан бир удум қолган. Ўлимга буюрилган маҳкумга: тила тилагингни, дейилади. Сен ҳозир сўнгги нафасингни оляпсан, шу дақиқаларда нима истайсан, айт, бажо келтираман.

– Подшойи олам, илтимос, мени шу жаллод сўймасин. У илмсиз, оми. Маҳкумни қандоқ сўйишни ҳам билмайди. Дуч келган жойидан – оёғиданми, тирсагиданми сўяверади. Жон томири қаердалигини билмайди. Илтимосим шуки, мени тажрибали, истеъдодли, ҳунарманд жаллод сўйсин.

Подшо бошқа бир суюкли жаллодини чақириб, маҳкумга дебди:

– Истагингни бажо келтираман. Сени тишимнинг ковагида асраб юрган, сўйган одами тўппа-тўғри жаннатга тушадиган бир инсонпарвар, қўли гул жаллодим сўяди. Аммо-лекин маза қиласан...

Агар менга газета муҳаррири «Китобингга фалон адабиётчи тақриз ёзяпти», деса, албатта, ранжийман.

– У адабиётчи китобнинг томирини тополмайди, – дейман. – Бир чеккадан варақлаб, тўғрими-нотўғрими, деб ўтирмай ураверади. Китобни жуда қийнаворади. Дурустроқ, тажрибалироқ, китобнинг қон босимини тез аниқлайдиган, китобсевар танқидчи топсанглар, дуруст бўларди. Китобсўярдан Худо асрасин.

Унга «Озод ёзсин» деб ҳам айтолмайман. Айтсам, мени мақтайдиган олимни топинглар, деган маъно чиқмасин, дейман-да...

АНА ЭНДИ ЁҚИМТОЙ ИНСОН, БИЛИМДОН ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ КИТОБСЕВАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА БИЛГАН ВА БИЛМАГАНЛАРИМ:

Ўзингиз биласиз, кўпчилик ёзувчиларнинг хусусий маши-

налари бор. Улар бирон жойга сафар қилмоқчи бўлсалар, Озод уларга ҳамроҳ бўлади. Бу дилкаш, истарали олимнинг ҳамсафар бўлишидан ҳузур қиласиз. Йўл-йўлакай ундан оҳори тўкилмаган гапларни эшитасиз. Дунёда шу бола ўқимаган китоб қолдимикан, деб ўйлайсиз. Вой, бунинг билағонлиги, вой унинг топағонлиги. Шуни ҳам айтиб қўяйки, Озод билан сафарга чиқиш роҳат, сафардан бирга қайтиш азоб.

Албатта, машинада сафарга чиққан ёзувчига хотин, бола-чақалари Марғилоннинг оқ луччагидан ола келинг, дейишади. Бири Ғирвоннинг аноридан кўпроқ олиб келинг, деса, бири Косонсойнинг ноки эсингиздан чиқмасин, дейди. Яна бири Андижоннинг девзирасини биладиган одамга кўрсатиб олинг, деб тайинлайди. Бирови Олтиариқдан ғириллаб ўтиб кетмай, турпидан бирон қоп, албатта, олинг, дейди.

Озод билан сафарга чиққан одамга бу гаплар ҳайф. Чунки сафардан наинки унинг ўзи, ҳатто уни сафарга олиб кетган машинали дўстлари ҳам икки қўлларини бурунларига тиқиб, қуп-қуруқ қайтадилар.

Сабаб?

Йўлда қандоққи китоб дўкони кўринса, Озод тўхтат, деб шофёрнинг билагига ёпишади. У, албатта, дўконга киради. Икки соат чамаси китоб титади. Кейин икки қўлтиғи тўла китоб, орқасида ўшанча китоб қўлтиқлаган сотувчи чиқиб машинанинг юкхонасига тапиллатиб ташлайди. Шунақа дўконларнинг тўрттасига киргандаёқ машина тўлади. Шундан кейин Озод бошқа машинага ўтади. Уни ҳам китобга тўлдиради. Иккала машинанинг ғилдираги юк оғирлигидан ерга қапишади. Қўзғалганда мотор инграб юборади. Нечта машина билан йўлга чиққан бўлсак, ҳаммаси китоб билан банд бўлади.

Бу «китоб жинниси» дўстимиз сўнгги тийинигача китобга сарфлаб, охири бизга қарам бўлиб қолади. Хотини Шарофатхон билан қизи Муҳаббат атлас олиб келинг, деб берган пул ҳам қулоғини ушлаганча кетади. Тошкентда бола-чақалари, келину куёвлари, неваралари дадамиз уни-буни олиб келади, деб, чучварани хом санаб ўтираверишади.

Озод билан сафарга чиқиш бир дунё қувонч. Аммо сафардан бирга қайтишни Худо ҳеч бир мусулмон бандасининг бошига солмасин. Чунки бирга сафарга чиққан ёр-биродарлар машинада жой қолмаганидан кўпчилиги поезд ё самолётда қайтиб кетса, пули қолмаганлари ноилож китоблар орасида бир пой думбаси билан ўтириб, инсон боласи кўрмаган азобларда уйга етиб келади.



Озод машҳур китобсеварлардан ҳисобланади. Китобсевар бошқа, китобсўяр бошқа.

Адабий танқидчилигимизда ҳар иккови ҳам бор. Китобсевар китобни муқаддас билади. Унинг муаллифига ҳурмат билан қарайди. Китобсўяр эса китобнинг ичак-човоғини ағдариб сўяди. Унинг маъносига, бадиийлигига кўр-кўрона ёндашади.

Начора, гул битган жойда тикан ҳам битади.

Янги китоб қўлёзмалари муҳокамаларига Озодни ҳам чақириб туришади. Маълумки, бу китобларни ё бирон врач, ё бирон инженер ёки бўлмаса пенсияга чиқиб, нима иш қилишни билмай ўтирган, мен ҳам биттагина роман ёзиб қўяй, деган «ҳаваскорлар» ёзган. Кўпчилик бўлиб ёзган нарсасини эринмай муҳокама қиладилар. Натижада, бўлмайди, бошқа тирикчилик қилинг, деган гап айтилади. Озод ўз фикрини назокат билан, муаллифнинг дили оғримайдиган қилиб айтади. Яъни, олдин сўз айтган ўртоқларнинг фикрига қўшилган бўлади. Лекин дўстларимиз айтган камчиликлар қунт билан тузатилса, жуда яхши асар бўлиши мумкин, дегандек. Олдинги гапирганлар «асар»нинг турган-битгани нуқсондан иборат, уни янгитдан ёзиб чиқиш керак, деган хулосага келишади. Озод ҳам аслини олганда худди шу гапни айтяпти. Фақат йўли билан, жуда чиройли қилиб айтяпти.

Бир воқеа эсимга тушди.

Девонафеъл шоир бўларди. Бир гапни айта туриб, бошқа гапларни ҳам аралаштириб юборарди. У ҳар куни редакцияга келиб, битта жойни эгаллаб ўтирар, алмойи-алжойи гапларни айтаверарди. Бир кун гапи жуда айниб кетганда унга, жиннилик қилманг, дедим. Шунда у мени урганди. Эртасига Ғафур Ғулом келди. У билан бирпас гаплашиб, унинг мияси айниб қолганини сезди. Елкасига қўлини қўйиб, дўстим, жинни бўлсанг ҳам жуда ширин жинни бўпсан, деди. Бу гап шоирга малол келмади. Қайтага ёқди. «Раҳмат», деб Ғафур аканинг қўлини қисиб қўйди. Қаранг, аслини олганда Ғафур ака билан икковимизнинг гапимиз бир маънода эди. Аммо Ғафур ака малол келмайдиган, ҳатто унга ёқадиган қилиб «жинни» деди.

Гапнинг йўғон томирини ушлаб туриб гапиришни Ғафур акага чиқазганди. Озод ҳам гапнинг қон босимини томир ушламай туриб билади.

Ёзувчилар уюшмасига китоб олиб келадиганларнинг баъзи «асарлари» бадиийликдан узоқ, тузатиб, эпақага келтириб бўлмайдиган нарсалар бўлади. Аммо уларга тушунтириб бўлмайди. Ўзларича қойил қилганман, деган фикрда бўладилар.

Минг марта ишлаган билан эпақага келтириб бўлмайдиган «асар»нинг муаллифини Озод қайта ишласа яхши асар бўлади, деб умидвор қилиб кузатиб қўяди. Нега ундай қилдинг, минг ишлаган билан ундан ҳеч вақо чиқмайди-ку, деганга, у, қўявер, дунёйи бо умид, шу билан овора бўлиб кун ўтганини билмай қолади, дейди.

Бир ривоят.

Афанди бас бойлашиб, шайтонни енгибди. Шарт бўйича енгилган енганга қул бўлиб хизмат қилиши керак. Шайтон нима иш буюрасиз, дегандек ишшайиб турганда, Африкага бориб она-бола туякуш олиб кел, деб буюрибди-ю, Афанди оғзидаги носни тупурибди. Нос ерга тушгунча шайтон она-бола туякушни ҳовлига олиб кирибди.

– Оббо, – ўйлабди Афанди, – бу бедаво махлуқ энсамни қотириб қачонгача тўғримда ўтиради. Бирон қийин иш топшириб бир оз дам олмасам бўлмайди, – дебди ўзига ўзи ва бошидаги қоракўл қалпоғидан битта тола юлиб шайтонга берибди ва:

– Жуда қийшайиб, буралиб кетибди. Шуни текислаб, тўппа-тўғри қилиб бер, – дебди.

Орадан неча юз йиллар ўтиб кетибди ҳамки, шайтон ҳамон қоракўл тукини тиззасига қўйиб, кафти билан ишқаб ўтирган эмиш...

Юқорида айтганим «асар»и муҳокама бўлган йигит соқоли кўксига тушибди ҳамки, бели букчайиб ҳассага таяниб қопти ҳамки ёзувчи бўламан, деб шайтонга ўхшаб ҳамон уриниб ётибди.

Озод шунақалар тўғрисида гапирганда, ҳар ким ўзи билган, биладиган ишни қилиши керак, дейди. Ёзувчиликни осон иш деганлар, майли, ёзиб азобини татиб кўрсин, адабиёт қанақа мушкул иш эканини билиб қўяди.

Озод ўттиз йилдан ортиқ Тошкент давлат дорилфунунида ўзбек адабиётидан муаллимлик қилди. Минг-минглаб шогирдлар тайёрлади. Йигирмадан кўп шогирди унинг илмий раҳбарлигида фан номзоди даражасига эришди. Улар орасида фан докторлари, профессорлар бор. Профессор Умарали Норматов, доцент Ортиқ Абдуллаев, Абдуғафур Расулов, Раҳмон Қўчқоров ҳамон устоз Озод Шарафиддинов билан илмий-ижодий алоқаларини узмайдилар.

Профессор Озод Шарафиддинов илмий-педагогик фаолиятидан узилмаган ҳолда адабиётимизнинг чирсиллаб турган масалалари тўғрисида юзлаб мақолалар эълон қилди. У яратган «Замон. Қалб. Поэзия» китоби адабиётшунослигимизга сарин бир шабада олиб келди. «Адабий этюдлар», «Биринчи мўъжиза», «Абдулла Қаҳҳор», «Ҳақиқатга садоқат» китоблари унинг нақадар теран фикрли, мулоҳазаси кенг, услуби равон олим ва публицист эканини намойиш қилди.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деб шуни айтадилар-да.

Озод тиниб-тинчимайдиган, ҳар бир воқеага шахс сифатида муносабатини ўз вақтида билдира оладиган ҳозиржавоб олим, ёзувчи, педагогдир. Шу безовта қалб эгаси, дўстларига меҳрибон, шогирдларига қаттиққўл, ҳаётнинг жами аччиқ-чучукларини татиб кўрган, жарроҳ пичоғига танини мардона тутиб берган дўстим Озод ҳамиша дўстлар ардоғида. Шогирдлар қуршовида. Ихлосмандлар қош-кабоғидадир.

Унинг ҳурмати ўз йўлига, у учун ҳамма нарсани қиламан. Аммо у билан сафарга бормайман ва у билан сафардан бирга қайтмайман.

Хафа бўлса бўлар. Гапнинг очиғини айтдим.

Менинг ушбу мақолам кимга маъқул келган бўлса, қўлини кўтарсин! Раҳмат, туширинглар. Аксарият.

**Саид Аҳмад,**
*Ўзбекистон Қаҳрамони,*
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*
(«ЎзАС». 1999 йил 12 март сони)

## АДАБИЁТКИ БОР – ОДАМЛАР УЧУН

**Мухбир: – Домла, «Санъат санъат учунми ёки халқ учунми» деган савол жиддий мунозараларга сабаб бўла оладими? Умуман, мазкур савол устида баҳслашиш шартми? Сиз бу саволни қандай изоҳлайсиз?**

**Озод Шарафиддинов:** – Агар менга дабдурустдан «Адабиёт нима?» деб савол берсалар, мен аниқ, тугал бир жавоб тополмайман. Шу пайтга қадар ҳам қидириб, ўйлаб тополганим йўқ. Бир пайтлар «Адабиёт – оламнинг бадиий инъикоси» деб айтиларди. Бу умумий гапдан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди. Бунда ҳеч қанақа ҳақиқат, кашфиёт, теранлик йўқ. Адабиётнинг образлилиги, специфкасигина тўғри англангандек. Лекин, умуман, адабиёт нима? У якка одамнинг ишими ёки кўпчиликнинг ишими? Ёзувчи кўпчилик учун ёзиши керакми ёки хос одамлар учунми? Ҳозир Ғарбда шундай ёзувчилар бор эканки, уларнинг асарларини тушунса дунё бўйича икки юзта одам тушунар экан. Улар ҳам тан олинган катта ёзувчилар, аммо асарлари тушунарли эмас. Майли, замонавий модерн ёзувчиларни қўя турайлик. Классикларни олайлик. Уларнинг ҳам асарларини ўқиш осон эмас. Масалан, ҳаммамиз тилимиздан бол томиб Толстойни, Достоевскийни мақтаймиз. Бироқ, ўша ёзувчиларни сабри чидаб, тагига етиб, охиригача ўқиб чиққан нечта одам бор экан? Миллионлаб ўқувчилар уларни ўқиб тушунмайди. Шолохов гарчи зўр ёзувчи бўлса-да, унинг ҳам кўп томлик асарлар тўпламини ўқиб чиқиш осон эмас. Демак, адабиёт ўзининг мавҳум томонлари билан кишини ўйлантиради.

Бундан ташқари, ҳозирги замонда яна бир муаммо пайдо бўлди. Адабиёт энди олди-сотдининг предметига айланган. Бу муаммони ҳеч бир ёзувчининг яхши-ёмонлигига боғлаб бўлмайди. Бозор иқтисодиётида китоб санъати пайдо бўлганидан кейин китоб ҳам маҳсулотга айланди: биров уни ишлаб чиқаради, яъни ёзади, биров эса босиб чиқаради, яна биров сотади. Ёзувчининг ўзи ҳам китоб сотиб, даромад эвазига тирикчилик қилади. Олди-сотди бўлган жойда эса мутлақ эркинлик бўлиши мумкин эмас. Ёзувчи хоҳласа-хоҳламаса ўша келадиган даромадни ҳисобга олиб, нима ҳақда ёзаётганини, қандай ёзса китоби ўтишини ўйлайди. Оқибатда, у энг олий туйғулардан бири бўлган муҳаббат ҳақида ёзса, асрлар давомида куйланиб келаётган муҳаббат туйғусини бир четга қўйиб, ошкора порнографияга ўтади... Қизиғи шундаки, айнан мана шунақа «асарлар»нинг бозори чаққон. Эротик, порнографик асарлар нафақат ҳозир, умуман, XX асрда кенг тарқаб кетди. Кинода ҳам, театрда ҳам, адабиётда ҳам шу аҳвол. Айниқса, Ғарбда. Хусусан, Америкада шу йўл билан миллионер бўлиб яшаётган, ўнлаб асарлар ёзган аёл ёзувчилар бор. Яна жиддийроқ ёзувчилар борки, улар ҳам порнографияни четлаб ўтаётгани йўқ. Биз «Жаҳон адабиёти» журналида Америка ёзувчиси Шелдоннинг бир романини беряпмиз. Роман ҳалқаро миқёсдаги ўткир, олғир, муттаҳам аёл ҳақида. Асар ниҳоятда қизиқарли, зўр ёзилган. Аммо ёзувчи мазкур асарда эротикадан «гарнир» сифатида фойдаланган. Биз буни шармандалик деймиз, Ғарбда эса бу масала аллақачонлардан буён шармандалик ҳисобланмайди.

Бугунги рус адабиётида китоблари миллион-миллион нусхада чоп этилаётган Эдуард Токернинг ҳам қалами бақувваттина. Лекин ёзганлари бутунлай порнографиядан иборат...

**М. : – Шунақа асарларни адабиёт дейиш мумкинми?**

**О.Ш.:** – Сиз билан биз учун бу адабиёт эмас, бундай асарларнинг санъатга алоқаси йўқ, деймиз. Аммо бу ишни битта одам, битта мамлакат ёки бир авлод вакили қилаётгани йўқ. Бутун дунёда шундай. Бу хил ёзувчиларнинг эса ўқувчилари беҳисоб. Мен бундай адабиётни санъат дейишга жуда қийналаман, лекин шу билан бирга, бунақа адабиёт билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Аммо бундай асарлар санъат асари эмас, ҳақиқий санъат асарлари фақаттина санъатга хизмат қилади, дейиш ҳам нотўғри. Агар ёзувчи бирор асар ёзса-ю, уни ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмаса, у ёзган асарнинг кимга кераги бор? Бир вақтлар Константин Симонов муҳаббат ҳақида шеърлар ёзиб, уларни нашр қилдирган китобини Сталинга олиб борганида у китобни ўқиб чиқиб: «Бу китобни икки нусхада чоп этиш керак эди, бири ўзига-ю, иккинчиси маҳбубасига» деган экан.

Менинг назаримда «Санъат санъат учунми ёки халқ учунми?» деган савол устида баҳслашиш шарт эмас. Аммо ҳозирги ёшлар со-

вет замонида адабиётга мафкура ҳукмронлик қилгани учун шундан қўрқиб қолибми, санъатнинг жамиятга алоқаси йўқ, адабиёт одамлар учун эмас, дейишяпти. Мен бу гапларга қаршиман. Ўқувчилар «домла аввал ҳам санъат жамият учун дерди, ҳозир ҳам эски қўшиғини айтяпти», деб ўйламасин. Бу гапни мендан буюкроқ, донороқ ижодкорлар – мутафаккирлар, адабиётшунослар, буюк ақл соҳиблари айтган. Улар асрлар мобайнида мунозара қила-қила бир нуқтага етиб келган. Адабиётки бор – одамлар учун.

Июль ойида «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг суҳбати чиқди. Ёзувчи мана шу суҳбатда адабиётнинг ижтимоий ролини жуда юксак қўйиб, санъатнинг яшашини оқлайдиган бирдан-бир нарса унинг кўпчиликка хизмат қилишидир, дейди. Август ойида эса қозоқ ёзувчиси Ўлжас Сулаймоновнинг суҳбати эълон қилинди. Мазкур суҳбатда ҳам адабиётнинг инсонпарварлиги, халққа хизмат қилиши ва бусиз адабиёт барҳаёт бўлолмаслиги ҳақида қимматли фикрлар айтилган. Адабиётнинг ижтимоий ролини шундай катта ёзувчилар эътироф этганидан кейин бу гапга ишонишимиз, мантиқ нуқтаи назардан ҳам ишонишимиз керак.

«Санъат – халқ учун» деган тўхтам шундан далолат берадики, санъат йиллар давомида ўз шаклларини ўзгартириши, яъни шакллари бойиб, янгиланиб бориши, мазмун ҳам янгиланиши мумкин. Лекин у моҳият-эътибори билан турли шаклларда инсоният тарихида қолади. Инсоният бор экан, санъат ҳам бўлади. Инсоният йўқолган жойда санъат ҳам йўқолади. Зеро, санъатсиз ҳаёт мумкин эмас. Нимага? Чунки санъат намунаси осмондан тушмайди. У, гарчи талант ҳосиласи бўлса-да, барибир катта эҳтиёжларга хизмат қилади. Инсониятнинг ўз эстетик туйғуларини, гўзалликка ташналигини қондириш эҳтиёжи бор. Одам боласи фақат қорин билан ёки «яхши» ва «ёмон», «фойдали» ёхуд «зарарли» деган меъёрлар билангина яшамайди, яшай олмайди. Дунёда «гўзал», «хунук» деган тушунчалар ҳам бор. Гўзалликдан лаззатланиш, хунукликдан нафратланиш туйғулари ҳар хил жойларда, ҳар хил миллатларда, ҳар хил даврларда турлича намоён бўлса ҳам инсонлар албатта турли шаклдаги хилма-хил гўзалликдан баҳра олиб яшайди. Санъат инсоннинг гўзалликка бўлган эҳтиёжидан туғилади.

Биз шу пайтга қадар «санъат – халқ учун, у инсониятнинг катта эҳтиёжига хизмат қилади», деб келдик. Хўш, нима учун энди – XX асрнинг охирига келиб бундай мунозара бошланди? Тўғрисини айтганда, бу мунозара тасодифий эмас, бунинг муҳим



сабаблари бор. Боя айтганимдек, социалистик тузум емирилгандан кейин адабиёт халққа хизмат қилмайди, деган гаплар пайдо бўлди. Совет замонида ҳаётимизнинг кўп қирралари нотўғри таълимотларга асослангани каби, санъат оламида ҳам кўп масалалар оёғи осмондан қилиб кўрсатилди. Санъат учун ўйлаб топилган расмий талаблар, турли қонуниятлар ва бошқа тазйиқлар унинг ривожланишига жуда катта ғов бўлди. Мафкуравий қонуниятлар таъсирида яшаган адабиёт одамлар эҳтиёжига хизмат қилмай қўйди. Ўша пайтда ҳақиқий санъат йўқ эди. Мен бу сўз билан якка мафкуранинг ҳукмронлигини кўзда тутяпман. Адабиётда эркинликнинг йўқлиги, уни хоҳлаган-хоҳламаган ишига сунъий равишда мажбур қилиш оқибатида адабиётдан путур кетиб, у мафкура қуролига айланди. Лекин шундай бўлса-да, адабиёт ўз моҳиятидан бутунлай узилиб қолмади. Салкам 70 йил давомида советлар адабиёти тарзида яшаган адабиётимиз бир жойда тўхтаб тургани йўқ, балки совет адабиёти шаклида бўлса ҳам ривожланди, жуда кўп яхши асарлар яратди, халққа хизмат қилди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон ва улардан кейинги авлодлар – Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар яхши асарлар ёзди. Буларнинг барчаси совет шоирлари, совет ёзувчилари эди.

**М: – Аммо «Улар ҳақиқий санъат асарлари ярата олмадилар, «ўзбек совет адабиёти» замонасозлик қилди, агар бу адабиёт қайта таҳлил қилинса, ундан аччиқ сабоқ олиш мумкин, холос», деган фикрлар ҳам бор.**

**О.Ш.**: – Юмшоқ қилиб айтганда, мен бу гапларга мутлақо қўшилмайман. Аввало, шуни истардимки, биз етмишга кирганмизми, олтмишгами, донороқмизми, йўқми, бундан қатъи назар, ўзимизни тарих номидан ҳукм чиқарадиган ҳакам деб билмайлик. Бу тўғрида тарихнинг ўзи ҳукм чиқаради. Ўйлайманки, халқнинг ўтмишига, тарихига беписандлик билан қараш адолатдан эмас. Бу гапларнинг қаердан келиб чиқаётганини тушунаман. Адабиётимиз ҳақиқатан ҳам мафкура зулми остида яшади, аммо мана шу зулмнинг чеклаш, тақиқлашларига қарамай, тақиқлар ичидан ёриб чиқди. Ўзининг образлилигига, санъаткорона табиатига ёриб чиққан адабиёт бор. Агар шундай адабиёт бўлмаганида, эҳтимол, ҳаммасига қўл силкиш мумкин бўларди...

Ахир, Абдулла Қодирийдан қандай юз ўгирамиз?! Худо билсин, у яна неча юз йил ўқилади. Чўлпонни нима қиламиз?

Хўп, Чўлпоннинг шеърлари эрксеварлик руҳида ёзилган экан, романлари-чи? Умуман, шу муносабат билан мен бир нарсани айтиб ўтай. Етмиш йиллик адабиётни инкор қиладиган ўртоқлар: «Мафкура адабиётга тўсиқ бўлади. Биз мафкурасиз адабиёт яратишимиз керак», дейди. Бу ҳам жуда саводсизларча айтилган гап. Мафкура бу – фикрлар мажмуаси. Ўзбек адабиётининг энг буюк чўққиси, ўзбекнинг энг буюк шоири Навоий, деймизми? Навоийда мафкура йўқми? Навоийда исталганча мафкура бор. Бояги ўртоқлар эса «мафкура» деганда коммунистик идеологиянинг таъсирини кўзда тутяпти. Аввало, «коммунистик идеология» шартли тушунча. Қолаверса, бу ғояни ўз-ўзича қабул қилишнинг ёмон томони йўқ. Коммунистик ғоялар ҳам инсоният билан баравар туғилган. Инсоният бутун тарихи давомида рўшнолик кўриб, тўла-тўкис бахтиёр ҳаёт кечирган эмас. Айрим бахт элементлари бўлиши мумкин. Масалан, киши уйланганда, фарзанд кўрганда бахтли бўлар. Лекин инсониятни яхлит ҳолда олганингизда, у ҳеч қачон ўз бахтидан мамнун бўлмаган. Инсоният ҳамиша қийинчиликлар билан яшаган. Ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликлар – ожизликлар, хўрликлар...

Агар инсоннинг орзу қилиш қобилияти, хаёлот дунёси бўлмаганида у ҳаёт қийинчиликларига чидай олмасди. Хаёл, орзу, гўзаллик инсонга доим умид бағишлайди. Коммунистик ғоялар одамларнинг рўшноликни орзу қилиши оқибатида туғилган. Одамлар Ер юзида гадо бўлмаслигини, инсоф, адолат бўлишини, ҳамма тенг ва бир-бири билан биродар бўлиб яшашини доимо орзу қилган. Ўйлаб қарасангиз, барча динлар ҳам мана шу орзулар асосига қурилган. Христиан динининг асосида ҳам шу ғоялар ётади, мусулмон динининг ҳам. Демоқчиманки, коммунистик ғоялар айбдор эмас, уни амалга оширмоқчи бўлганлар айбдор. Улар бу ғоялардан нотўғри хулосалар чиқариб, «синф» деган нарсани ўйлаб топишди ва шундай деб билишдики, дунёда яшашга ҳақи бор синф бу – пролетариат – заводда ишлайдиган одам. Буржуанинг, бойларнинг, феодалларнинг яшаши мумкин эмас. Марксистик таълимотнинг негизи шунда эдики, пролетариат кишанларидан қутулиб, ўзи бутун дунёга хўжайин бўлиши лозим. Унинг асосий душмани эса буржуазия, эксплуататорлар. Уларни қириш керак. Мустабид тузумнинг охирига қадар, ҳатто Горбачёв даврида ҳам компартиянинг фалсафаси ёки яшаш стратегияси моҳиятида шу нарса бор эди: «Дунёни янгилаймиз. Барча эксплуататорларни қувамиз ва ўрнига ўзимизнинг пролетарча ҳаётимизни қурамиз!» Куракда турмайдиган бу талаб натижасида ғоялар бузиб юборилди ва шу бузилган ғояларни гўё тўғри ғоя каби барчамизнинг онгимизга сингдиришга ҳаракат қилдилар. Аслида эса, ғоя моҳияти тубдан ўзгариб, «тенглик» сўзи «нотенглик» билан алмашди.

Давлатнинг ўзи тоталитар давлат бўлиб, монополияга асослангани учун идеология ҳам битта эди: «Биз социалистик мамлакатда яшаб коммунизм қуряпмиз». Советлар мана шу шиордан бошқа ҳеч нарсани тан олмасдилар. Биродарлар, бойларни қоралаяпмиз, аммо бойлар бўлмаса, саноатни ҳеч ким яратмаса, пролетариат қандай қилиб саноатда ишлайди-ю, қандай қилиб тирикчилик қилади, дейдиган бирорта мард топилмасди. Топилган тақдирда ҳам бу гапни айтиш мумкин эмас эди. Аста-секинлик билан адабиётда шундай қарашлар вужудга келдики, бу қарашлар шак-шубҳасиз, ўз-ўзидан тўғри, деб ҳисобланарди. Адабиёт албатта ўша «ҳақиқат»ларни тасдиқлаши шарт, йўқса у халққа хизмат қилмайди.

Хўш, қанақа ҳақиқатлар? Масалан, «1917 йилги Улуғ Октябрь инқилоби инсоният тарихида янги давр очди». Биринчидан, ўзи бу инқилобми, йўқми? Иккинчидан, бу революция улуғми, улуғ эмасми? Учинчидан, 1917 йилги инқилоб инсоният тарихида янги давр очганми, очмаганми? Булар номаълум. Аммо барча асарлар «ўтмиш – ёмон, бугунимиз – яхши» деган «ҳақиқат»ни тасдиқлаши керак. Барча асарларда «партия бизга раҳнамо, партия – ташкилотчимиз, доҳиймиз – Ленин, руслар – улуғ оғамиз, улар бизга гўзал ҳаёт олиб келди», деган мазмун бўлиши шарт эди. Ваҳоланки, адабиётнинг ўз ички мантиғи бўлади. Қайси бадиий асарда ички мантиқ бузилса, ўша жой туртиб, хунук бўлиб чиқиб туради. Масалан, «Қутлуғ қон» романининг дастлабки нусхасида Петров образи бўлмаган. Аслида Йўлчи қамалар, қамоқдан чиқиб келиб исёнга қатнашиб, исёнда ўларди. Лекин асар муҳокамасида: «Рус халқининг етакчилик роли қаерда қолди? Йўлчи қандай қилиб ўзидан-ўзи инқилобчи бўлди? Унга рус инқилобчиси ёрдам бермади-ку?» қабилидаги гаплар бўлган. Шундан кейин ёзувчи асарга махсус боб қўшган...

Садриддин Айнийнинг ҳам «Қуллар» романида шундай парча бор. Бир одам зиндонда ётган коммунист билан учрашиб, бир кечада энг етук коммунист, салкам Маркснинг шогирди даражасига етиб, зиндондан чиқади. Бир кечада бундай бўлиши мумкин эмас,

албатта. Аммо бу тўкималар ёзувчидан талаб қилинар эди. Совет тузумида туппа-тузук, тажрибали, катта ёзувчилар ҳам шу схемага амал қилишга мажбур бўлган.

Уйғуннинг «Навбаҳор», «Ҳаёт қўшиғи» номли пьесаларида замонасозлик кучли, айниқса, «Навбаҳор»да. Пьесада ота билан қиз ўртасида конфликт туғилади. Ота – раис, қиз – бригадир. Ота қизининг янги ер очишига йўл қўймагани учун ораларида жанжал кўтарилади. Охири райком секретари қизнинг отасини чақириб, янгиликка қарши чиқманг, дея насиҳат қилади ва шу билан ота ўзгаради... Буларнинг барчаси кулгили, бемаъни, аҳмоқона гаплар. Аммо шулар ўз вақтида адабиёт ҳисобланарди, ҳурмат қилинарди. Ёзувчиларни бу учун мукофотлардилар. Хуллас, мана шунақа ўртамиёна асарлар ёки адабиётга ўхшаган адабиёт рағбатлантириларди. Бунақа шароитда юракка яқин, интим, муҳаббатга бағишланган ёки фожиали, қайғули асарлар ёзиш мумкин бўлмаган.

1956 йилда шеърият тўғрисида катта дискуссия ўтказилган. Дискуссияда энг асосий масалалардан бири сифатида «Лирик қаҳрамон қайғуриши мумкинми?» деган жиддий савол ўртага ташланган. Зеро, «Фақатгина кулиш, яйраш, севиниш керак, «қайғу», «ғам-ғусса», «ҳазинлик» деган сўзлар бўлмасин, ҳатто бу сўзлар адабиётдан чиқариб ташлансин», деган талаблар қўйилган. Мана шунинг учун ҳам мен ҳозирги ёшларни тушунаман. Улар кечаги асарларга қарши гапирганда, адабиётни мажақлаган, мажруҳ қилган бояги дардларни кўзда тутаётган бўлишлари мумкин. Шубҳасиз, бунақа типдаги адабиётнинг кераги йўқ, бунақа адабиёт фақат ўлимга маҳкум.

Аммо шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтайин. Энди «ўша замон ўтиб кетди, биз янги босқичга кўтарилдик, мустақил довонга қадам қўйдик, адабиётдаги иллатлар ўз-ўзидан қолиб кетади», деб ўйлаш ҳам нодонликдир. Бу иллатлар ўз-ўзидан қолиб кетмайди. Агар мана шу иллатларнинг номини ихчам қилиб «идеологик схемалар» деб атасак, уларнинг янгилари туғилади ва янги адабиётнинг ўсишига, эркинлигига тўғаноқ бўлиши мумкин. Ёзувчи истаб- истамай «янги қонуниятлар»га бўйсунишга мажбур бўлиб қолади. Мана шуниси жуда ёмон. Ҳозир ҳам айрим янгича схемалар туғилаётганини кўрсатиш мумкин. Баъзилар айтаётган «мустақиллик адабиёти» деган махсус адабиёт йўқ, ахир. Қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар, мустақиллик даври адабиёти ҳақиқий адабиёт, санъат даражасига кўтариладиган гўзал адабиёт



бўлиши керак! Шуни таъкидлаш керакки, бизда етмиш йил мобайнида «долзарб мавзу» деган талаб адабиётимизни ўлдирган тазйиқлардан бири бўлди. Қачон қараманг, «актуал мавзу», «керакли мавзу», «долзарб мавзу», «сиёсий жиҳатдан қимматли мавзу»...

Адабиётнинг санъатлик моҳиятига зид бориши учун имкон туғдирадиган зуғумлардан бири мана шу. Бундай пардалар билан санъатнинг йўқлигини хаспўшлаш тенденцияси пайдо бўлади. Масалан, ҳозир истиқлол мавзуси актуал мавзу. «Истиқлол», «Ватан» деган сўзлар ишлатилса, демак, бу асар яхши. Биродар, публицистик мақола ёки очерк шунақа бўлиши мумкин! Бироқ адабиёт бундай бўлмайди. Адабиётнинг ўз спецификаси бўлади. Босиб чиқарилган ҳар қанақа асар адабиёт саналавермайди, шакли адабиётга ўхшаши мумкин, холос. Юракка етиб борадиган, юрак орқали фикрни уйғотиб, ё йиғлатадиган, ё яйратадиган асаргина адабиёт бўлади. Ёзувчи эса бу муваффақиятга юз минг хил йўл билан эришади, унга ўргатиш шарт эмас.

Яқинда ўнинчи синф ўқувчилари иштирокида «Синфдош» деган кўрсатув берилди. Буни қарангки, бу ўқувчиларнинг орасида китобхони деярли йўқ экан. Фақат бир қиз биттами, иккитами роман ўқиган экан, холос. «Нега китоб ўқимайсизлар?» деб сўраса, улар: «Ёзувчилар орқада қолиб кетди, бизга керакли асарларни етказиб бермаяпти», дейди. Мен уларнинг тасаввурига, шогирдларига шундай тасаввур берган адабиёт ўқитувчисига ҳайрон қолдим. Ахир, миллатидан, динидан, тилидан, давридан қатъи назар, инсон умр бўйи ўқиб адо қилолмайдиган улкан бир хазина – жаҳон адабиёти бор-ку! Ёзувчилар бу ўқувчилар учун истиқлол ҳақида асар ёзиб берса, шу асар бадиий китоб ҳисобланармиш. Бу энди адабиётга бир ёқлама, саводсизларча муносабатдан бошқа нарса эмас!

Етмиш йил давомида бизга ёт «идеологик схемалар» адабиётимизни ўлдирди. Бироқ, хайриятки, бахтимизга шўролар замонида яшаган юксак истеъдод соҳиблари ҳақиқий санъат асарлари яратди. Йўл-йўлакай яна бир нарсани айтиб ўтайин. Ҳозир Ҳамзани айримлар ёмон кўради. Ҳамза десанг пешанаси тиришади. Одамлар уни ўзбек совет шеъриятининг асосчиси, совет замонининг байроқдори, деб бурнини жийиради. Ахир, шу пайтга қадар Ҳамзани мақтаб келдилар. Унинг юбилейлари ўтказилди, «Ҳамза» номли давлат мукофоти таъсис этилди, унга бағишланган кинофильмлар, опера яратилди, суратлар ишланди, хуллас, Ҳамзадан

буюк, Ҳамзадан улуғ сиймо йўқ эди. Бу ёлғон бизнинг катта иллатимиз бўлди. Бу адабиётшуносликдаги, танқидчиликдаги ёлғон, улкан адабиётдаги ёлғон эди. Ҳолбуки, бизнинг ёлғонларимизга Ҳамзанинг нима алоқаси бор? Ахир, Ҳамза 1889 йилда туғилди, 40 йил яшади, тошбўрон қилиб ўлдирилди. Ўзи ҳаётлигида бирорта тўла танланган асарларини кўрмади. Гарчи у ҳаваскорлик билан асарларини тор доирада саҳнага олиб чиққан бўлса-да, унинг тириклигида бирорта асари кенгроқ миқёсда саҳнада қўйилмаган. Ҳамза ўзи ҳақидаги дабдабаларнинг ҳеч қайсисини кўргани йўқ. У ўлганидан кейин, 1939 йиллардан бошлаб, «Ҳамза – режиссёр», «Ҳамза – социалистик реализм асосчиси», деган гаплар чиқди. Агар мўъжиза рўй бериб, Ҳамза гўридан туриб келганида «социалистик реализм» деган гапга тушунмасди.

Энди айтинг-чи, Ҳамза шахси ва ижодини биз тўла идрок қила олдикми? Таъкидлаш керакки, 20-йилларда Ҳамзанинг драматик асарлари саҳнавийлик нуқтаи назаридан, драматургия нуқтаи назаридан ўзбек адабиётидаги, ҳатто Ўрта Осиёдаги энг бақувват асарлар эди. Бошқа ҳеч ким Ҳамзачалик драматик томонлари, техникаси жиҳатидан зўр асарлар ёзган эмас. Тўғри, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитратлар бор эди. Бироқ драматик асарларнинг бадиий даражаси деган масалалар борки, Ҳамза ўзининг ижодида ниҳоятда ўткир бўлган. Майли, бунисиниям қўя туринг. Ҳамзанинг 1915–1917 йилларда ёзилган шеърларини олинг. Унинг миллат ҳаёти ҳақида куюнчаклик билан ёзган бу шеърлари миллатни уйғотишга қаратилган. Жадид эди Ҳамза. Унинг жадид сифатида маърифатпарварлик ғояларига амал қилиб ёзган шеърлари жуда ҳам ўқишли. Лекин улар ўз вақтида яшириб келинди. Бунинг учун бечора Ҳамза айбдорми? Нимага энди биз уни бўяб, пардозлаб, Ҳамзанинг асл моҳиятини йўққа чиқариб, яъни уни бутунлай ўлдириб, унинг ўрнига бир қўғирчоқ ясаб олсакда, энди эркин замонлар келганида ўша қўғирчоқни ўлдираман деб, ҳақиқий Ҳамзани ҳам йўққа чиқариб юборсак?! У яхшими, ёмонми, қўлидан келганича ёзган, имкон қадар миллатга хизмат қилган шоир эди.

Мана, Ғафур Ғуломни олинг. Тўғри, Ғафур Ғулом ҳам замонасозлик қилган. Биродарлар, шуни тушуниш керакки, нафақат Ғафур Ғулом, балки, совет адибларининг деярли 90 фоизи замонасозлик қилишга мажбур бўлган. Бироқ уларнинг аксарияти бирор манфаатни кўзлаб, ғирромлик билан эмас, коммунизмга, коммунистик ғояларга, партиянинг ташкилотчилигига ишониб,



сидқидилдан хизмат қилган. Партиянинг расволиги, ўғрилиги эса ошкоралик йилларида маълум бўлди. Улар чин юракдан хизмат қилган бўлса, бугун биз доно бўлиб, уларни тепкилашимиз керакми? Улар гўрида тинч ётсин-да, энди.

Ғафур Ғуломнинг рус халқини улуғлаб, Сталинни мақтаб, давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаб ёзган шеърларини бугун ўқий олмасмиз, лекин шу билан бирга, «Ғафур Ғулом шоир эмас эди, халққа қарши ёзди, бети қурсин...» дейиш адолатданми? Ғафур Ғулом шоир эди. Мен аминманки (Чўлпон, эҳтимол, истиснодир), Ғафур Ғуломдай шоирлик истеъдодига эга бўлган катта ижодкор ҳали бизда етишиб чиққани йўқ. Унинг бугун бирорта ҳарфини ўзгартирмасдан ўқиса бўладиган шеърлари кўп, бугун ҳам халқ оғзида мақол, ҳикмат, афоризм бўлиб юрган сатрлари бор:

*Тақдирин қўл билан яратар одам,*
*Ғойибдан келажак бахт – бир афсона.*

Ўйлайманки, Ғафур Ғуломнинг насрий асарлари, хусусан, «Шум бола»си жаҳон миқёсида Марк Твенлар асарлари даражасида туради. Агар «Шум бола» бутун юмори билан таржима қилинса, Марк Твен ҳам орқада қолади. Ундаги миллийлик, деталлар, ранглар... Асарни кино қилишди, киноси ҳам тузуккина чиққан. Хуллас, асар ўлмаган, ҳали узоқ ўқилади.

Ўша тузумда замонасозлик қилишга мажбур бўлган Ойбек ҳам катта санъаткор эди. Бироқ Ойбекнинг «Қутлуғ қон», «Навоий» романлари тамом ажралиб туради. Бошқа насрий асарлари эса, афсуски, унинг касаллиги туфайлими, анча бўш ёзилган. Заиф, схематик, ҳатто эзмалик билан ёзилган жойлари бор. Аммо Ойбек Шарқда биринчи бўлиб Навоий ҳақида роман ёзиб, уни юксак бадиий образ даражасига кўтарди. Биз «Навоий» романининг ўзи учунгина Ойбекка таъзим қилсак, унга ҳайкал қўйсак арзийди.

Абдулла Қаҳҳордан қандай воз кечиш мумкин? Қайси ёзувчи Абдулла Қаҳҳордек ўзбек тилининг нозик жиҳатларини сайратиб, тилнинг энг гўзал, энг инжа нуқталаригача очиб берган? Ҳали бунақа ёзувчи йўқ, ваҳоланки, Абдулла Қаҳҳорда ҳам замонасозлик бўлган. У миллатпарварликни ёмон деб билган. Чунки совет ҳокимиятига қарши кучлар халқ душмани, советлар уларни енгиб ўтади, деган тасаввур унинг ҳам онгига сингдирилган. Айнан мана шу тушунча «Сароб»да акс эттирилган. Энди шуни деб, Абдулла Қаҳҳордай улуғ ёзувчидан воз кечиш керакми?



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI AXBOROT RESURS MARKAZI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI 1-FILIALI

Ёки ўнлаб шеърий китобларида «Яшасин СССР! Яшасин советлар!» деб айтгани учун «Мирзо Улуғбек» номли буюк асар ёзган Мақсуд Шайхзодадек санъаткорни бир четга чиқариб қўйиш инсофдан бўладими? Ахир ўзбек адабиётида биринчи бўлиб Мирзо Улуғбек ҳақида улкан трагедия яратилди. Ҳозир ҳам бундоқ варақлаб ўқисангиз, ҳар саҳифасида ҳикмат, тарихдан чиқарилган хулоса: «Эй, сен одамзод! Юлдузлардан ўрнак ол, юлдуз каби юксак бўл! Булғанма ўзингнинг ахлатларингга! Нима учун одамлар ҳамиша ифлосликларга ағанаб яшайди, юлдуздай тоза бўлиб яшамайди, нега?!»...

Билиб қўйинг, Шайхзода бу гапларни Расул Ҳамзатовдан олдин ёзган. Хўш, унинг «Жалолиддин Мангуберди» асарини ҳам йўққа чиқариш керакми? Шайхзода бу асарни ниҳоятда ўринлатиб ёзган. Айниқса, Жалолиддин образи қайта-қайта ўқишга арзийдиган зўр романтик образ.

Миртемирдан қандай қилиб юз ўгирамиз? У Ватан ҳақидаги шеърлари орқали Ватан муҳаббатини юрагингизга шундай сеҳр билан сингдирадики, ҳайрон қоласиз. Миртемир ўз шеърларида ўзбекнинг табиатини, она табиатни, юртнинг ҳусну жамолини, майсаларни, шабадаларни, экинларни... жуда жонли, предметли қилиб кўрсата олган.

Ҳатто, Чўлпон ҳам замонасозлик қилишга мажбур бўлган-ку. У янги тузумни чин юракдан қабул қилганми, йўқми, билмадим. Лекин энг кейинги тўплами – «Соз»даги шеърлар Октябрнинг 17 йиллигига, Ўзбекистоннинг 10 йиллигига бағишланган. Чўлпон ўша шеърларида «Янги тузум яхши бўлади, денгизда кетаётган кемамизни энг сарамиз бошқаряпти», қабилидаги гапларни ёзган.

Хуллас, уларни ўзбек адабиётининг катта авлоди, деб айтадиган бўлсак, биз ўша авлод болаларимиз. Оталарга тош отиш – бехосият иш. Уларни тушунишимиз, гуноҳлари, хатолари бўлса кечиришимиз керак. Улар ҳам ўз вақтида халқ ўртасида катта эътибор қозонган обрўли ижодкорлар эди.

Агар биз адабиётни яхши тушунганимизда оталаримизга нисбатан беписандлик қилмаган бўлардик. Афсуски, бизда адабиётни тушуниш масаласи ҳамиша оқсаб келган. Бир қанча назарий мақолалар ёзилган бўлса-да, биз адабиётнинг табиатини, образлилигини ҳамон тўла тушунмаймиз. Мен буни мисоллар билан исбот қилиб беришим мумкин. Масалан, санъатнинг турлари кўп ва ҳар бир тури ўзининг ички қонуниятларига эга. Сиз лирик шеър ёздим деб, бир бет проза ёзиб беролмайсиз. Чунки шеърнинг вазни, қофияси, туроғи, шеърга тўғри келадиган мазмуни бўлади. Йўқса, у шеър бўлмайди. Шеърият шундай ҳодисаки, прозанинг қонуниятларини қабул қилмайди.



Айтайлик, қишлоқдан шаҳарга ўқишга келган бир талаба ҳақида ҳикоя бошлаб, ёзувчи ўзини эркин қўйиб, «унда хаёлот дунёси бўлиши керак», деган ўй билан ҳикояга ҳар нарсани қўшаверса, ишончсизлик туғилади. Аммо «Талаба шаҳарга келиб қанот чиқарди, у ҳар кун эрта тонгда кўкка парвоз қилади, яйраб ўйнаб кулади», мазмунида бир шеър ёзсангиз, ҳеч ким сизга одам ҳам парвоз қиладими, демайди. У шеър бўлади. Демак, назм ва насрнинг қонуниятлари ҳар хил.

Масалан, балет санъатининг предметлари чекланган, бу санъатнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Ҳамма нарсани балет қилиб бўлмайди. Дейлик, Ленин билан Крупская бир аҳволда танца тушса-ю, Ленин уни кўтариб юрса... Тасаввур қилолмайсиз.

Санъат турларининг қонуниятларини бир-бирига татбиқ қилиб бўлмайди. Биз эса ҳамма вақт аралаштириб келганмиз. Романдан нимани талаб қилсак, балетдан ҳам шу нарсани талаб қилардик. Натижада, сал ўзига хосроқ бирор асар чиқиб қолса, «Э, бу ўхшамайди-ку», деб эътироз билдирамиз. Абдулла Тўқайнинг танқидчилар ҳақида ёзган ажойиб бир шеъри бор. У бечора ҳам танқидчилардан куйган экан-да. Бир танқидчи отнинг орқа томонидан келиб, отнинг думини силаб кўриб: «Бу нимаси, отнинг боши шунақа бўладими, жуда ялпайиб кетган-ку?! Бу от эмас, отнинг боши бундай бўлмайди», деган экан... Шунга ўхшаб, отнинг бошини «топадиган» танқидчилар кўп. Энди бундай қарашлардан қочиш лозим. Сунъий қонуниятлар тўқиб чиқараверишн ярашмайди. Адабиётга бағрикенглик билан муносабатда бўлиш керак.

**М: – XX аср ўзбек шеърияти ҳақида яхши гаплар айтдингиз. Дарҳақиқат, қанчалар қийин бўлмасин, бу даврда ижод қилган шоирларнинг кўпчилиги ўзига хос мактаб яратди. Уларнинг эндиги муваффақияти таржиманинг муваффақиятига боғлиқ. Лекин айнан шу фикр билан чекланиш ҳам тўғрими? Шеъриятда забт этиладиган маълум бир қоя йўқ, бундан-да юксакка кўтарилиш мумкин-ку?! Шундай деймиз-да, Абдулла Ориповнинг мана бу сатрлари эга тушади:**

*Икки дарё оралиғида*
*Қолиб кетди учқур овозим...*

**О.Ш.:** – Шарқ шеърияти жамият уйғонган маълум бир даврларда анъанавийликдан қочди, тўғрироғи, инсониятнинг дардларини ошкора ифодалай бошлади. Гарчи ҳали анъанавийлик кучли бўлса-да, XIX асрнинг охирида турк шеъриятида ҳам, ҳинд ва араб шеъриятида ҳам, шунингдек, ўзбек шеъриятида ҳам мана шундай жиддий ўзгариш юз берди. Бизда аруз барибир қолди. Аруз 30-йилларгача асосий шакллардан бири эди. Лекин арузда ҳам мазмунан кундалик ҳаётни бевосита ифодалаш кучайди. Илгарилари шеърият қуёшу юлдузларга ҳамоҳанг, у қора ҳаётнинг предмети бўлолмайди, дейишарди. Аммо асримиз бошларида ана шу «қора ҳаёт» шеъриятга кирди ва бунда жадидларнинг роли катта бўлди. Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Сидқий Хондайлиқий, Таваллолар ўткир шеърлар ёзди. Айникса, Таваллонинг арузда ёзган шеърлари жуда содда, ҳаётий чиқди. У миллат турмушининг кемтик жойларини усталик билан топиб айтган. Таваллo ижоди ҳозир ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ. Шундай қилиб, ўзбек шеъриятида янги тўлқин пайдо бўлди. Худди мана шу паллада Чўлпон вужудга келди ва ўз шеърияти билан юксакларга кўтарилди. Биз Чўлпон ижодини фақат озодлик ҳақидаги шеърлари учун эмас (гарчи «Бас энди!», «Кўнгил» сингари шеърларининг ўзи ҳам чакана бўлмаса-да), шу билан бирга, бошқа лирик шеърлари учун ҳам юксак баҳолаймиз. Унинг «Гўзал», «Бинафша» каби шеърлари шу қадар теран, шу қадар юксакки, ўқувчини ҳайратга солади. Чўлпон дардли, тўлқинли зулматда қолиб, бутун умр ёруғ юлдузга – яхши бир аъмолга интилган юракнинг кардиограммасини маҳорат билан чизиб берган шоир бўлди. Менинг назаримда шу даражага етган Чўлпонни XX аср янги ўзбек шеъриятининг юксак чўққиси, десак бўлар, аммо Чўлпондан кейин ижод қилган шоирларни ҳам ўшандай чўққи даражасида кўриш мумкин.

Ғафур Ғулом, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовларнинг Чўлпонга нисбатан таланти заифми, Чўлпон даражасидами ё ундан ўтадими? Билмадим. Аввало, масалани бу тарзда қўйиш бир оз ноўрин, ғалатироқ. Талантни аниқ ўлчайдиган тарозимиз йўкки, бунисида 50 грамм кам бўлди, бунисиники 100 грамм ошиб кетди, деб айтолсак. Уларнинг бири бир жиҳатдан, иккинчиси иккинчи жиҳатдан ўткир. Айтмоқчиманки, бу шоирларнинг ҳар бири ўзбек шеъриятида ўзига хос чўққи.

60-йилларга келиб, XX съезддан кейин вазият ўзгарди. Бизни ўраб турган иҳота деворидаги заиф тешиклар бир қадар кенгайгандай, озроқ шабада киргандай бўлди. Ўша йилларда Эркин билан Абдулла тенгдошларидан кўра кучлироқ нафасда чиқди. Улар одамларнинг юрагида қат-қат бўлиб ётган дардларни куйлади.



Биз янги авлодлар ҳақида гапирганда Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповдан бошқаларни тилга олмасак, адолатсизлик бўлади. Умуман, 60–70-йиллар авлоди кучли авлод. Бу авлоднинг Омон Матжон, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Шавкат Раҳмондек зўр шоирлари бор.

**М.: – «Ота-боболаримиз этикдўз, чиптачи, ҳаммол ва шу каби оддий юмушлар билан кун кўриб, дурустгина ижод қилиб ўтган», деймиз. Лекин «Ҳақиқий янгиликни кўпроқ моддий жиҳатдан тўқ бўлган ижодкорлар яратади», деган фикрга нима дейсиз? Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида молиявий шароитнинг ёзувчи ижодига таъсири ҳақида гапириб берсангиз.**

**О.Ш.:** – Мен «Тўқ ёзувчи яхши ёзади, оч ёзувчи ёмон ёзади» деган гапни қонуни азал деб билмайман. Оч ўтириб ҳам буюк асарлар ёзган ижодкорлар тарихда кўп. Улар тирикчилиги ўтмасдан, хароб, ғариб бир аҳволда ижод қилган. Ҳатто, жуда кўп пул топган Бальзакдек ёзувчи ҳам умр бўйи қарз бўлиб яшаган. Қарзларини тўлашнинг имкони бўлмаган. У ишлаб ўтирган вақтлари қарз берганлар пулини сўраб келса, бошқа эшиклардан чиқиб қочиб кетишга мажбур бўлган. Фурмановнинг ҳам уй-жойи йўқлиги туфайли ишхонасига келиб, жамадончасини тиззасига қўйиб, зинанинг устида ўтириб ёзган романлари бор.

Агар ёзувчи қийналиб, оч-наҳор азоб чекиб, озодликни қўмсаб ёзмаса, асари яхши чиқмайди, дейдиганлар ҳам топилиб туради. Бу гапларни ҳам қоида қилиб бўлмайди. Чунки моддий жиҳатдан тўқ яшаган буюк ёзувчилар ҳам кўп. Совет замонида ўртамиёна ёзувчи ҳам уй, ҳовли-жой ва машинага етадиган даражада пул топарди. Аммо ҳозир китоби сотилмайдиган ёзувчиларнинг тирикчилиги ўтмай қолади. Бозор иқтисодиёти шароитида яна бир муаммо бор. Ёш ёзувчиларнинг асарлари қанчалик яхши бўлмасин, одамлар улар ёзган асарларни кўп ҳам харид қилмайди. Бунинг учун ёш адиб ижодидан бехабар китобхонни ҳам, адабиётшунослик ва ОАВ ўз вақтида тарғиб этмаган китобларни ҳам айблаб бўлмайди. Қолаверса, бугунги шароитда ёзувчиларнинг ўзлари ҳам қайсидир даражада пул топишлари шарт. Илгариги ёзувчиларнинг кўпчилиги савдогар, ҳунарманд бўлишган, бу нарса уларнинг ижод қилишига халақит бермаган.

Бизда маданият ва маънавият соҳасига жуда катта эътибор бериляпти. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Агар маънавият

ўз ҳолига ташлаб қўйилса, давлатимиз ҳар қанча бой, қудратли бўлмасин, ўзимиз руҳан чекланган, ақлимиз ҳеч нарсага етмайдиган одам бўламиз. Тўғри, пулсиз яшашнинг иложи йўқ, аммо пулнинг ўзи билан ҳаёт кечириб бўлмайди. Инсон деганлари одамни одам қиладиган сифатларга ҳам эга бўлиши керак. Бугун маънавиятга шундай катта эътибор бериляптими, демак, маърифатпарвар давлат, халқ шунинг қаторида ўзининг адабиётига ҳам ғамхўр бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг давлатимиз ҳам ёзувчиларга катта ғамхўрлик қиляпти. Яқинда бир гуруҳ ижодкорларнинг орден-медаллар билан тақдирланганидан барчамиз хурсанд бўлдик. Давлатнинг ижодкорларига ғамхўрлигини эътироф этдик. Аммо, шу билан бирга, ҳали қилинадиган ишлар кўп.

Айни пайтда китоб чиқариш ва китоб сотиш масалалари жиддий муаммо бўлиб турибди. Бу муаммолар тадбиркорларнинг зиммасига юклатилса ёмон бўлмайди. Қолаверса, Ёзувчилар уюшмасининг ҳозир мана шу ишлар билан шуғулланадиган авж палласи. Энди машина, уй, ҳовли-жой тарқатишлар қолмади. Ёзувчилар уюшмаси тадбиркорлар билан ҳамкорликда мана шундай муаммоларни ҳал қилса бўлади. Ҳозир бозорда тоннаси 400 минг сўмлик китоб қоғозини 60 минг сўмга олиб келаётганлар бор. Агар 60 минг ҳисобига келган қоғоздан китоб қилинса, китобнинг нархи камида икки баравар арзонлашади. «Жаҳон адабиёти» журналининг 4-сонида америкалик бир журналистнинг 1970 йилда ёзилган мақоласини бердик. Мақолада айтилишича, полиграфия ишлари шу қадар яхшиланган эканки, ўша пайтдаги Америка шароитида мактаб боласи пишлоқ учун олиб чиққан пулига китобини чиқарса бўлар экан.

...Чўлпоннинг «Катта йўл бўйида учраган япроқ учун» номли шеърини кўринг. Япроқ нима ўзи? Оддийгина барг. Барг тўғрисида нима ҳам деб ёзиш мумкин? Аммо Чўлпон шу барг ҳақида шундай бир шеър ёзганки, одамни ларзага солади. Баргнинг сарғайиши, титраши, узилиши, учиб тушиши, уни «бутоқларда қалтираган варам япроқ» сифатида тасвирлашлари... Битта шеърнинг ўзида кишини улкан дардга соладиган куч бор. Яна бир мисол. Яқинда Америка ёзувчиларидан бирининг мушук тўғрисида ёзган қиссасини таржима қилдим. Мушук ҳам оддий уй ҳайвони. Лекин ёзувчи мушук тўғрисида 150 бетлик қисса ёзибди. Бу қисса мушук ҳақида экан, санъатга алоқаси йўқ, деб бўлмайди. Чунки



«Мушук» деб номланган бу қисса аслида инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббати ва тошбағирликнинг фожиалари ҳақида.

Хуллас, бизга ҳар жиҳатдан ранг-баранг бўлган адабиёт зарур. Бу гапни мендан аввал Маяковский жуда чиройли қилиб айтган: «Бизга ҳар хил ва яхши шоирлар керак». Назаримда, бизга ҳам мана шу мустақиллик замонида ҳар хил ва яхши адабиёт – турли жанрларда, ҳар хил изланишларга, кашфиётларга тўла бўлган, инсонни турли нуқтаи назардан таҳлил қиладиган, инсон ҳақидаги мавҳум ҳақиқатларни янгитдан очадиган ва энг муҳими, санъат даражасига етадиган адабиёт керак. Шундагина XXI аср ўзбек адабиёти жаҳон адабиётига эш бўлади. Бир сўз билан айтганда, адабиёт ўзининг моҳиятига янада яқинлашади. Адабиётнинг моҳияти эса битта – ИНСОНШУНОСЛИК.

## БИРИНЧИ МЎЪЖИЗА

Қадим замонлардан бери одамлар оламда етти мўъжиза бор, деб ҳисоблашади. Булар – Миср фиръавнларининг эҳромлари, Бобилнинг осма боғи, ов худоси Артемида маъбуди, Зевснинг ҳайкали, Галикарнас мақбараси, қуёш худоси Гелиоснинг ҳайкали ва ниҳоят, Наҳри Нилда Фарос оролидаги маёқдир. Дарҳақиқат, улар бениҳоя улуғвор, бениҳоя ноёб ва гўзал. Улар яратилгандан бери неча асрлар ўтди. Лекин етти мўъжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан кам эмас. XX аср одамининг ҳаётига у нондек, ҳаводек, радиодек сингиб кетган, шунинг учун уни қўлга олганимизда мўъжиза билан учрашгандай ларзага тушмаймиз, унинг муқаддаслигидан орзиқиб-энтикиб кетмаймиз, тилимиз лол бўлмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканини кўпгина буюк одамлар қайд қилган. «Китоб – билим манбаи», деган эди Алексей Максимович Горький. «Китоб – бизнинг жипс саҳифаларга жойлаштирилган кўп асрлик тажрибамиздирки, у ер юзидаги инсон ақлига мангу ҳаёт бағишлайди», деб ёзади Леонид Леонов. Австриялик машҳур ёзувчи Стефан Цвейг китобнинг кашф қилинишини ғилдиракнинг ихтиро қилиниши билан баравар қўяди. У ҳам китоб мадҳига бениҳоя эҳтиросли, жўшқин мисралар бағишлаган. «Китоб бор жойда одам ўз-ўзи билан, ўз савиясининг чор деворига ўралиб, ортиқ ёлғиз қололмайди, балки у ўтмишдаги ва ҳозирги жамики ҳодисаларга ошно бўлади, бутун инсониятнинг фикрлари ва ҳисларидан баҳраманд бўлади».

Дарҳақиқат, китоб, китоб шаклида яшайдиган адабиёт бугунги инсонни унинг узоқ авлод-аждоди билан, ота-боболари



билан боғлайди. Китоб, адабиёт минг йил аввал инсоният қандай яшаганини, бошидан қандай ташвишлар, кулфатлар, фожиалар кечирганини маълум қилиб қўя қолмайди, балки уларнинг ҳис-туйғуларини ҳам, қалбидаги шодлик ва ғурурини, ғам ва андуҳини, умид ва ишончини ҳам гард юқтирмай бизнинг кунларга етказиб келади.

XX аср одами ҳар жиҳатдан жуда илгарилаб кетган одам. У масофани, вақтни енгиб олган, ўз хонасида ўтириб, 5000 чақирим нарида ўзга юртларда, бегона вилоятларда бўлаётган воқеаларни кузатади. У мислсиз ихтиролар қилади. Тенги йўқ кашфиётлар очади. Унинг фикрлаши ҳам ўткир. У ўтмишни беш қўлидай билади, бугунги ҳаётни таҳлил қилади, келажакка назар ташлаб, унинг қандай бўлишини белгилаб қўяди. XX аср одамининг мана шу буюклиги, иқтидори тасодифан пайдо бўлган эмас, ҳавода муаллақ осилиб турмайди, балки инсониятнинг минг йиллар давомида олтин зарраларидек майда зарралардан тўпланган, тома-тома кўл бўлган тарихий тажрибасига асосланади. Бу тажрибани эса бизга китоб, санъат ва адабиёт етказиб келди.

Шуниси ажабланарлики, санъат ва адабиётнинг жамият ҳаётидаги ана шундай улуғвор ролига қарамай, унинг душманлари кўп. Уларга ихтиёр берилса, аллақачонлар санъат ва адабиётни чуқур бир чоҳга кўмиб, устидан тегирмон тоши бостириб қўярдилар. Шу кунларда Хитойдаги баъзи бир одамларнинг хатти-ҳаракати, санъатга, китобга муносабати гўрковларнинг ишини эслатади. Бундай одамларга буюк рус ёзувчиси Антон Павлович Чеховнинг сўзлари билан жавоб бериш мумкин: «Санъат қариб, мункиллаб қолди, боши берк кўчада адашиб юрибди, ўзининг қиёфасини ва моҳиятини йўқотиб қўйди ва ҳоказо ва ҳоказо дейиш – емоқ ва ичмоқ хоҳиши эскирди, керак бўлмай қолди, деганга ўхшаган гап. Албатта, очлик эски нарса, қорин тўйғазиш хоҳишида биз боши берк кўчага кириб қолганмиз, бироқ, барибир, бирор нарса тамадди қилиб туриш керак ва файласуфлар билан серзарда қарияларимиз ҳар қанча фол боқишмасин, биз бирор нарса тамадди қилмоқдан тўхтамаймиз».

Санъат, адабиёт, китоб эскирмайди, чунки у инсон билан, унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ. Инсоният мавжуд экан, у тарих ғилдирагини айлантирар экан, бу борада фақат ақли билан эмас, ҳислари билан ҳам иш юритар экан, санъат ва адабиёт ҳам яшайверади. Яшаганда ҳам инсон учун энг зарур нон, кийим-кечак, бошпана сингари ардоқли бўлиб яшайди. Санъат ва адабиёт

одамларнинг қалбига озиқ беради, уларни янги-янги ишларга, курашларга илҳомлантиради. Айниқса, бизнинг давримизда санъатнинг роли, адабиётнинг тарбиявий аҳамияти ҳам кун сайин орта боради. Бироқ санъат ва адабиётнинг қадрига етиш учун, унинг бойликларидан тўла баҳраманд бўлиш учун, унинг ривожланиш йўлини аниқ белгилаш учун санъат ва адабиётнинг тарбиявий аҳамияти масаласини тўғри ҳал қилиш керак.

Бир қарашда бу масала жуда жўн, ҳал қилиниши бир пиёла чой ичишдек осон кўринади. Адабиёт инсонни тарбиялайдиган муҳим восита, янги жамият қурилишида ўткир жанговар қурол. Буни ҳамма ёд билади, ҳамма тан олади. Шундай экан, яна қандай мураккаблик бўлиши мумкин? Аммо, гап шундаки, ҳар қандай қуролдан маҳорат билан фойдалана билиш керак. Ношуд қўлларда зарур пайтда пистони чақилмай қолса ёки отилган ўқ варанглашдан бошқа нафи тегмай, зое кетса, бундан ёмони йўқ. «Адабиёт – атомдан кучли, – дейди Абдулла Қаҳҳор. – Бироқ, унинг кучини музёрар кемани юргизишга ҳам, ўтин ёришга ҳам сарфлаш мумкин». Биз адабиётнинг тарбиявий аҳамияти катта эканини назарий жиҳатдан яхши биламиз-у, аммо ҳаётда ундан фойдаланишда ҳамон кўп адашамиз. Айниқса, бирон асарни баҳолаб, унинг тарбиявий аҳамиятини, қимматини, умуман эмас, конкрет белгиланганда кўпинча нўноқлик қилиб қоламиз. Бу иллат танқидчиликда ҳам кўп учрайди. Яқин-яқинларда ҳам пахтакорлар ҳақидаги романнинг қиммати унда пахта экишни яхшилашга ёрдам берадиган агротехник маслаҳатларнинг бор-йўқлиги билан ўлчанарди. Романнинг қаҳрамони боғбон бўлса, асардан боғдорлик проблемалари, зарарли ҳашаротларга қарши кураш методлари ҳақида консультация қидирилларди. Асар металлурглар тўғрисида бўлса, ёзувчи металлургиянинг муҳим технологик масалаларини очиб бериши керак, дер эдик. Бир танқидчи Шуҳратнинг «Балоғат» деган ҳикоясининг қимматини «проектлар асосида бамаслаҳат қурилган уй арзон ва пишиқ бўлади», деган «ғояси»да кўрган эди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биронта колхозда биронта деҳқон бадиий асарга қараб деҳқончилик қилмагани, бирон металлургия комбинатида ёзувчининг тавсияси билан пўлат эримагани, биронта иморат ҳикояга қараб қурилмагани бизни заррача хижолатга солмас эди. Адабиётга бундай муносабатнинг қолдиқлари ҳозир ҳам бор. Бирдан адабиётимизда ўт ўчирувчилар ҳаёти ёритилмагани эсимизга тушиб қолади-ю, ёзувчиларни ёппасига шу темада



ёзишга ундаймиз. Ёки монтёрлар ҳаётидан, санитарлар ҳаётидан, соатсозлар ҳаётидан ёзасан, деб тиқилинч қиламиз. Ҳаётда неча хил касб-кор бўлса, ҳаммаси адабиётда акс этсин, деймиз. Адабиёт ҳар хил касб-корлар ҳақида маълумот берувчи каталог эмаслигини, биринчи навбатда, инсоншунослик эканини, унинг қаҳрамонлари қайси соҳанинг вакили экани билан эмас, инсонлиги, одамлиги билан қимматли эканини унутиб қўямиз.

Китобхонлар ўртасида ҳам адабиётнинг ролини, тарбиявий қимматини бир ёқлама тушуниш ҳоллари кўп. Бундай китобхонлар асарда ҳамма нарса «икки карра икки тўртдай» содда, лўнда ва аниқ бўлишини, ҳамма нарса сўзсиз айнан ҳаётнинг ўзидагидек бўлишини талаб қилишади. Масалан, Темур сағанасида Улуғбек бобосининг руҳи билан суҳбатлашганини ўқиб, бўлмаган гап, бизнинг давримизда арвоҳ йўқ деб «чуқур» хулоса чиқарилади. Ёхуд ёзувчи айтадиганини айтиб бўлиб, баъзи тафсилотлар ҳақида индамай асарни тугатса, балога қолади, «бу ёғи нима бўлади?» деган саволларга кўмилиб кетади. О. Ёқубовнинг «Муқаддас» повести чиққанда шундай бўлган эди. Кўп ўқувчилар, асосан, Шариф билан Муқаддас топишадими-йўқми, деган ташвишга тушиб қолишган эди. Ҳолбуки, повестнинг маъноси, мағзи, асосий масаласи Шариф билан Муқаддаснинг топишиш-топишмаслиги эмас, ҳаётдаги дастлабки мустақил қадамларда икки ёшга дуч келган қийинчиликлар ва уларни енгишда ёшлар характерининг тобланиши, тўғрилик, виждонийлик, одамийлик сифатларининг шаклланиши эди.

Адабиётга бир томонлама муносабат мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам кучли. Мен ўрта мактабни битирган ёшларнинг иншолари билан тез-тез танишиб тураман. Улар одатда темир қолипга ўхшаш қатъий план асосида ёзилади. Бу план: «Кириш, асосий қисм ва хулоса», деган уч қисмдан иборат бўлади. «Хулоса» баъзан «асарнинг тарбиявий аҳамияти» деган маънода ҳам келади. Мен бу ўринда ҳозирги иншо ёзиш тажрибасининг нуқсонлари, методикадаги камчиликлар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Бу – алоҳида муҳим мавзу. Мен фақат иншоларда «Хулоса» қисмида ёзиладиган гапларга эътиборни жалб қилмоқчиман. Бу «хулоса»ларнинг ҳаммаси ҳам янги чиққан беш тийинлик чақалар каби бир-бирига ўхшайди. Иншо қайси темага бағишланган бўлмасин, унда романи, поэмами, драмами таҳлил қилинмасин, қаҳрамонлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, барибир бир хил хулоса билан якунланади. Масалан, 10 синфни тугатган қиз «Қутлуғ қон»даги

Йўлчига характеристика бериб, «Мен ҳам Йўлчи каби мард,
қаҳрамон, вафодор, курашчи бўлишни истайман» деган хоҳиш
билдиради. На қиз, на йигит Йўлчига, Ғофирга, Жамилага ўхшаш
керакми ўзи, эҳтимол, бугун яна бошқа сифатларга ҳам эга бўлиш
лозимдир, ахир, «Йўлчига ўхшаш учун қаршимда менинг ўз
Мирзакаримбойим, Салимбойваччаларим ҳам бўлиши керак-ку!»
– деган саволни ўзига бериб кўради. Тарихий асарлар ҳақидаги
иншоларнинг ҳаммасида «биз бу асарни ўқиб ўтмишдан нафрат-
ланамиз, ҳозирги кунимизга муҳаббатимиз яна ортади», деб ёзи-
шади. Замонавий асарларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида ҳам
бир хил гап айтилади: «Биз бу асарни ўқиб, она Ватанимизни яна-
да ортиқроқ севамиз». Ҳаётнинг ўзидек хилма-хил, кўп қиррали,
бой, ранг-баранг адабиётга, бир-биридан осмон билан ерча фарқ
қиладиган ҳар хил асарларга мана шундай бир хил муносабат
адабиётнинг инсон ва жамият ҳақидаги ролини тушунмасликдан,
унинг жамики бойликларидан баҳраманд бўлиш йўлини билмас-
ликдан, адабиёт ҳақидаги тушунчаларимизда муайян маҳдудлик
борлигидан далолат беради. Адабиётга бундай бир ёқлама му-
носабатни вульгар утилитаризм деб аташ мумкин. Утилитаризм
принципи, умуман, яхши принцип. «Утилитар» сўзи лотинча
бўлиб, фойдали деган маънони билдиради. Бинобарин, санъат ва
адабиёт фойдали бўлиши керак. Бошқача айтганда, ҳаётдан аж-
ралган, ўз қобиғига ўралиб олган, «санъат – санъат учун» деган
сохта принципга амал қилиб яшайдиган, жамият манфаатларини
назар-писанд қилмайдиган санъатни, адабиётни инкор қилади.
Чинакам санъат асари, ҳақиқий адабиёт ҳаётдан озиқланади ва у
жамият ҳаёти учун фойдали бўлиши, ижтимоий тараққиётга ёрдам
бериши керак. Адабиётнинг фойдалилигини қандай тушуниш ке-
рак? Бу – ғоят муҳим ва мураккаб масала. Албатта, М. Горький-
нинг «Она» романи, А. Фадеевнинг «Ёш гвардия»си, Ойбекнинг
«Қутлуғ қон»и, А. Қаҳҳорнинг «Синчалак» повести ҳақида гап
кетганда, уларнинг фойдасини, яъни жамият ҳаётидаги ролини,
тарбиявий аҳамиятини қийналмай, осонгина белгилаш мумкин.
Бироқ адабиёт бениҳоя мураккаб нарса. У мактаб программаси-
да кўрсатилган асарлардангина иборат эмас. Унда бир-биридан
узоқ, бир-бирига ўхшамайдиган, бир-бирини рад этувчи асарлар
бор. Масалан, Лев Толстойнинг «Тирилиш» романини эслайлик.
Унда, бир томондан, чор Россиясидаги тартиботлар кескин фош
қилинади, ҳар қандай ниқоблар сидириб ташланади, иккинчи то-
мондан эса, реакцион дунёқараш, патриархал фалсафа олдинга



сурилади. Ёки Шекспирнинг «Отелло» трагедиясини олайлик. Бу трагедия бугунги ёшларимизни «мард, қаҳрамон, ватанпарвар қилиб тарбиялайди», дея оламизми? Йўқ, албатта. Шунга кўра унинг фойдаси йўқ, деган хулосага келамизми? Бу саволга ҳам салбий жавоб бериш керак. Алишер Навоийнинг «Кеча келгумдир дебон» деб бошланадиган ёхуд Бобурнинг «Чархнинг мен кўрмаган...» деб бошланадиган ғазалларининг бугунги кун учун қандай фойдаси бор? Яна бир мисол: Миртемирнинг «Булут» деб аталган ўн олти мисралик шеъри бор:

*Кўк юзида паға булут – оқ булут,*
*Оқ булутдан сут ёғарми ёки қут?*
*Паға булут – яхши кўклам элчиси,*
*Ҳаволарда ёмғир иси, сел иси.*

*Кўк юзида дам қалтироқ, дам сукут,*
*Ёғмай ўтма паға булут – оқ булут!*
*Ёғиб ўтсанг – тизза бўйи ўт бўлур,*
*Ўт бўлур, мой, сут бўлур, ҳам қут бўлур.*

Шеърнинг қолган саккиз мисрасида булутнинг оққувга, қорли чўққига, оқ баркутга ўхшаши, унда кузги пахта хирмонларининг акси кўриниши айтилади. Хўш, бу шеърнинг қандай фойдаси ёки тарбиявий аҳамияти бор? Агар биз «фойда» сўзини жуда тор маънода тушунсак, унга бир томонлама ёндашсак, савдо-сотиқдаги фойдадан фарқ қилмасак, хуллас, «фойда» тушунчасига қўпол моддий маъно берсак, унда Толстой ва Шекспир асарининг ҳам, Навоий ва Бобур ғазалларининг ҳам деярли фойдаси йўқ, бинобарин, тарбиявий аҳамиятга молик бўлмаган кераксиз асарлар, деган хулосага келамиз. Миртемир шеърининг фойдасини эса, «шоир чорвачиликни ривожлантиришда баҳор ёмғирининг ролини яхши очиб берган», деб белгилашдан ҳам тоймаймиз. Хуллас, утилитаризм принципини вульгарлаштириш амалда жуда хунук оқибатларга олиб келади, жуда кўп санъат асарларини рад этишга сабабчи бўлади, улардаги ҳақиқий бойликни топишга халақит беради. Вульгар утилитаризм туфайли санъат гўзаллигини кўролмайдиган кўр, унинг ажиб оҳангларини эшитолмайдиган кар бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Вульгар утилитаризм эстетик дидни зангга солинган аррадек ўтмаслаштиради.

Шу ерда ўз-ўзидан бир савол туғилади. Хўш, утилитарлик принципи-ку дуруст экан, нега энди у вульгарлаштирилади? Нега

айрим танқидчиларнинг асарларида ҳам, адабиёт ўқитувчиларининг фаолиятида ҳам, қолаверса, ўқитувчилар ва китобхонларнинг адабиётга муносабатида ҳам вульгар утилитаризм кўринишлари бор? Бунинг илдизи, сабаби қаерда? Бу саволга жавоб бериш қийин эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, биз кўпинча адабиёт ҳақида фикр юритганда, унинг специфик хусусиятини эътибордан соқит қилиб қўямиз. Биз адабиёт – воқеликнинг инъикоси эканини яхши биламиз, аммо, умуман, инъикоси эмас, образли инъикоси эканига эътибор бермаймиз. Адабиётнинг ижтимоий онг формаларидан бири эканини биламиз-у, аммо тарих, фалсафа каби формаларидан фарқ қилувчи алоҳида категория эканини ҳисобга олмаймиз. Биз бадиий асарларни завқланиб ўқиймиз-у, лекин нега уларнинг баъзилари бир ўқиганда умрбод қалбга сингиб қолади, баъзилари эса охирги саҳифасини ёпиб улгурмасдан эсдан чиқиб кетади, умуман, бадиий асар одамга нега ва қандай таъсир этади, одамни қандай тарбиялайди, деган саволларни бериб кўрмаймиз. Маълум ҳақиқатларни ўзлаштириб олган билан уларнинг моҳияти чуқур тушунилмаса, уларнинг замиридаги маъно тўла англашилмаса, шу ҳақиқатлар ҳақида юзаки фикр юритилади. Адабиётда ҳам шундай. Унинг спецификаси, ўзига хослиги ҳақидаги қоидаларни ёдлаб олган билан иш битмайди, унинг моҳиятини чуқур идрок этиш ҳам керак. Шундагина адабиётга тўғри ёндашиш, унинг утилитарлигини тўғри тушуниш, ҳар бир бадиий асарнинг тарбиявий қимматини тўғри белгилаш мумкин бўлади. Бадиий адабиёт – воқеликнинг образли инъикоси. Санъатнинг ҳамма турлари каби адабиёт ҳам воқеликни инсон орқали, унинг фаолияти, орзу-истаклари, кечинмалари орқали акс эттиради. Бадиий адабиёт бизга ҳаёт тўғрисида билим беради, ҳаёт ҳодисалари ва инсон тўғрисидаги тасаввуримизни бойитади, шу орқали оламни билиб олишимизда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Аммо ҳар қандай асар ҳам бу вазифани бажаравермайди. Санъаткор ҳар қанча катта тарихий воқеаларни акс эттирмасин, ҳар қанча ижодий проблемаларни кўтармасин, агар унинг асари чинакам бадиийликдан маҳрум бўлса, у етарли таъсир кучига эга бўлмайди.

Хўш, бадиийлик ёки образлилик нима? Санъат асарида ҳаёт қандай акс этади? Ахир, илм, фалсафа ва ҳоказолар ҳам ҳаётни акс эттиради-ку? Санъат билан уларнинг ўртасида қандай фарқ бор? Булар жуда муҳим масалалар, уларнинг ичига кирмай, моҳиятини тушунмай, санъат ва адабиёт асарларининг бизга нега ва қандай таъсир қилишини билиб ололмаймиз.



Олим ҳаёт ҳақида фикр юритар экан, асосан силлогизмлар, ҳукмлар асосида иш тутади. Масалан, олим момақалдироқни ўрганар экан, минглаб кузатишлар қилади, тажрибалар ўтказади, булутлар ичига учиб, момақалдироқни бевосита текширади ва шуларнинг оқибатида момақалдироқнинг табиат ҳодисаси экани, ҳаво оқимларининг ҳаракати ва тўқнашувидан пайдо бўлиши, момақалдироқдан электр зарядлари ҳосил бўлиши ҳақида хулосалар чиқаради. Унинг хулосаларида момақалдироқнинг энг муҳим хусусияти, моҳияти ифодаланган бўлади. Ёзувчи эса момақалдироқни тасвирлашда бошқа йўлдан боради: у ҳам, албатта, момақалдироқнинг табиат ҳодисаси эканини, яъни моҳиятини қайд қилади, бироқ бу билан чекланмайди. Ёзувчининг тасвирида биз, умуман, момақалдироқни эмас, худди шу бугун, шу соатда ўрмон устида ёки далада бўлиб ўтган конкрет момақалдироқни кўрамиз, унинг гумбурлашини эшитамиз, момақалдироқни ҳосил қилган оғир қора булутларнинг оқимини кўрамиз ва момақалдироқ билан бирга ёққан жаланинг ҳамини ҳис қиламиз. Хуллас, ёзувчи ҳаёт ҳодисасини конкрет, такрорланмас индивидуал белгилари орқали акс эттиради. Бу бадиийликнинг, образлиликнинг биринчи белгисидир. Буни умумлаштирсак, шундай таъриф чиқариш мумкин: бадиий образ ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятини такрорланмас, индивидуал белгиларда очишдир. Бу белги ҳар қанча муҳим бўлгани билан образ яратиш учун етарли эмас. Дарҳақиқат, нон дўконларининг деразасида оби, гижда, тешиккулча кабиларнинг сурати ишлаб қўйилади. Буни кўп кўргансиз. Ана шу суратларда оби, гижда, тешиккулчаларнинг моҳияти, яъни нон экани ифодаланган. Айни чоқда оби ноннинг ҳам, гижданинг ҳам, тешиккулчанинг ҳам қандай экани, қайсисининг юзида седана борлиги, қайсиси сингиб пишгани, қайсиси куйиброқ кетгани ёки хом бўлиб қолгани билиниб туради, яъни предметларнинг индивидуал хусусиятлари конкрет очилади. Бироқ, шундай бўлса-да, уларни ҳеч ким ҳеч қачон санъат асари деб, бадиий образ деб ҳисоблаган эмас ва ҳисобламайди ҳам. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчи сабаб шуки, дўконнинг деразасига ишланган суратларда катта умумлашма, доно фикр йўқ. Улар жуда тор мақсадга, шу дўконнинг нон дўкони эканини маълум қилиш мақсадига хизмат қилади. Мақсад кичкина бўлса, тор маҳаллий тарғибот ва ташвиқот учунгина хизмат қилса, образ йўқолади. Аксинча, ҳаёт ҳодисалари, у ҳодисалар ҳар қанча арзимас бўлмасин, чуқур умумлашмаларга хизмат қилдирилса, доно фикрларга йўғрилса, бадиийлик, образлилик пайдо бўлади.

Н.В. Гоголнинг «Шинель» қиссасини эсланг. Унинг бор-йўқ воқеаси шундан иборатки, бир амалдор кўп йиллар ҳаракат қилиб, янги шинель тиктиради-ю, биринчи кун кийганидаёқ шинелни ўғирлаб кетишади. Бир қараганда воқеа жуда кичкина, жуда арзимас, санъат асари учун боп эмас. Бироқ ана шу арзимас воқеа асосига қурилган қисса бизни ларзага солади, чоризмдан, ундаги тартиблардан нафратлантиради, муштипар, ожиз Акакий Акакиевичга қалбимизда жуда чуқур раҳм-шафқат туйғуларини уйғотади. Бу шунинг учун содир бўладики, автор бир ҳаёт факти орқали, умуман ҳаёт ҳақида чуқур умумлашмалар чиқарган, доно фикр айта олган ва буни олижаноб, эзгу мақсад билан, одамларнинг онгини, қалбини уйғотиш, ундаги инсонийлик туйғусини алангалатиш мақсади билан қилган.

Дўконнинг деразасидаги суратлар бадиий образ бўлолмаслигининг иккинчи сабаби шуки, улар эстетик қимматдан, гўзалликдан маҳрум. Буюк рус танқидчиси Добролюбов Кольцов ҳақидаги мақоласида бадиийлик учта нарсанинг чамбарчас бирикишидан туғилишини айтган эди. Булар доно фикр, чуқур умумлашма, гўзаллик ва эзгулик, олижаноб ниятдир. Улар бир-биридан ажраган ҳамон образлилик йўқолади, унинг ўрнига санъатнинг совуқ сояси пайдо бўлади. Бадиий образ нарсалар, ҳодисалар моҳиятини бевосита ҳаёт формасида, конкрет, такрорланмас индивидуал белгилари орқали чуқур умумлашмалар, доно фикрлар билан акс эттирсин, бу муайян эстетик қимматга эга бўлсин, бизнинг эстетик туйғуларимизни уйғотсин. Шундагина санъат асари вужудга келиши мумкин.

Ёзувчи ўқувчининг фикрига, ақлига, тафаккуригагина эмас, унинг ҳисларига, қалбига ҳам мурожаат қилади. Чернишевский бадиий адабиётнинг нима сабабдан ўқувчиларга таъсир қилишининг ички жиҳатларини очар экан, шундай деган эди:

«Шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларга бошловчи кишилардир: уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабиҳ ва разил нарсадан нафратланишни, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушунишни, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз; уларнинг асарларини ўқир эканмиз, ўзимиз яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ бўлиб борамиз».

Бинобарин, бадиий адабиётнинг фойдалилиги асарда фақат шу бугун учун хизмат қилувчи бирон маслаҳат ёки консультациянинг мавжудлиги билан эмас, «яхши одам бўл, ахлоқли бўл, одобли бўл», деган қуруқ насиҳатлар билан эмас, балки ҳар қандай асарнинг онгимизга ва қалбимизга берадиган озиғи билан, дунё ҳақидаги билимларимизни бойитиши, маънавий дунёмизни кенгайтириши, гўзаллик туйғусини ўткирлаштириши, ҳисларимизни тарбиялаши билан ўлчанади. Санъат, адабиёт бизга маънавий озиқ беради, қалбимизга нур олиб киради. Ана шу нуқтаи назардан юқорида номлари қайд этилган асарларга қарасак, уларнинг ҳар қайсиси жуда катта тарбиявий қимматга эгалигини кўрамиз. Масалан, 500 йилдан бери яшаётган «Отелло» бизда ёвузликка нафрат уйғотади, олижаноб, пок қалбли инсонга муҳаббат туғдиради. Навоий ғазали инсон қалбининг бойлигини куйлайди. Бобур эса инсон тақдиридаги фожиалардан нола чекади. Миртемирнинг «Булут» шеъри, албатта, чорвачиликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мен шу шеърни ўқисам, назаримда ҳаммаёқни баҳор иси тутиб кетгандай, майин ёқимли шабадалар юзимни силаб ўтаётгандай бўлади. Ўзимни лолалар очилиб ётган, ҳар томондан хушбўй кўкатларнинг ҳиди анқиб турган, арилар шарбат қидириб гулдан-гулга кўчиб юрган қир бағрида кўраман. Гўё чалқанча ётиб олиб, булутлар орасидан кўриниб турган ложувард осмонни томоша қилаётгандай, пағa булутларни қўлим билан ушлаб кўраётгандай, уларнинг оқлигидан кўзларим қамашаётгандай, хушбўй ҳидлардан кўкрагим кўтарилаётгандай бўлади. Югургим, чопгим, яна ўт-ўланлар, пичанлар устига ўзимни отгим келади. Руҳим енгил тортади. Менимча, шеърнинг кучи ана шунда – одамлар қалбига нур олиб киришида, қалбларда ухлаб ётган ҳисларни қўзғатишида. Бундай мисолларни кўпайтириш мумкин.

Бу ўринда китобхоннинг роли ҳақида ҳам алоҳида гап айтиш керак. Бадиий асар китобхон учун яратилади, унинг гўзаллиги, ундаги туйғулар, фикрлар ўқувчи қалбида акс садо бериб, унинг қалбида ҳам гўзаллик туйғусини уйғотса, унинг қалбидаги ҳисларни алангалатса, уларнинг қўшилишидан асарнинг таъсир кучи вужудга келади. Бироқ, китобхон ҳар хил бўлади. Уларнинг баъзилари ўткир дидли, чуқур билимли бўлса, баъзилари ҳали адабиётнинг гўзалликларини тўғри пайқай олмайдиган, улардан етарли баҳра ололмайдиган бўлади. Бинобарин, санъат ва адабиётнинг тарбиявий роли, улардан максимал фойдаланиш ҳақида гапириш ўқувчининг эстетик дидини, бадиий адабиётга тўғри муносабатини тарбиялаш ҳақида гапириш ҳам демакдир. Китобхонни, эстетик диди баланд адабиёт мухлисини тарбиялашда мактабнинг роли катта. Афсуски, мактабда адабиёт ўқитиш ҳамма вақт ҳам даврнинг талабларига жавоб бермайди. Бу соҳада аҳволни тузатиш учун баъзи ишлар қилиш лозим. Биринчидан, мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсадларини янада аниқлаб олиш лозим. Айниқса, ўрта мактабда адабиёт тарихини ўргатганда, ҳар

қандай ёзувчининг биографиясини ҳамма икир-чикирларигача, кўшнисининг ким бўлгани-ю, ҳолвайтарни қандай еганигача ёд олиш шарт эмас. Ҳар бир асарни анализ қилганда, баъзи бир методик қўлланмаларда кўрсатилганидек, социал характеристикаларга қул бўлиб қолиш, ҳар бир образнинг ижтимоий келиб чиқишини сунъий кўпиртириш шарт эмас. Балки, менимча, адабиёт тарихи курсини ўқиган бола, биринчи навбатда, ҳаёт ҳақида, одамлар тўғрисида, ҳаётдаги сон-саноқсиз муаммолар борасида мустақил фикрлай олсин. Ўқувчида мустақил фикрлаш малакасини ҳосил қилишда бошқа фанларнинг ҳам роли катта. Аммо адабиётнинг роли ҳам уларникидан қолишмайдиган бўлсин. Ўқувчи эса ҳаётни ўрганишда адабиётни энг муҳим восита, энг яқин ёрдамчи сифатида севиб қолсин. Иккинчидан эса, бешинчи синфдан ўнинчигача адабиёт тарихини, адабий ўқиш дарсини ўтган ўқувчи адабиётнинг гўзаллигини ҳис қила олсин. Унинг қалби адабий асар берадиган барча маънавий бойликларни сиғдира оладиган кучга эга бўлсин. У ҳақиқат, адолат, виждон, тўғрилик деган категорияларни ақлангина эмас, қалбан ҳам ҳис қилсин. Хуллас, адабиёт унинг ҳаётида шундай ўрин олиб қолсинки, мактаб кучоғидан чиқиб кетгандан кейин ҳам у бирор кунини бадиий асарсиз тасаввур қилолмасин. Китоб унинг учун сув ва ҳаводек зарур, нондек азиз бўлиб қолсин.

Фақат шундагина адабиётнинг янги одамни тарбиялаш қуроли сифатидаги бутун қудратидан тўла фойдаланишимиз мумкин. Фақат шундагина адабиётга бир томонлама муносабат йўқолиши, унинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги ўлик, ҳиссиз, сийқа гаплар йўқолиб, улар ўрнини гўзалликка муҳаббат туйғуси эгаллаши мумкин. Гўзаллик туйғуси эса шу қадар қудратли туйғуки, у одамни ҳам бир неча бор юқорироқ, олижаноброқ қилади, адабиётимизнинг янги парвози учун ҳам қанотлик вазифасини ўтайди.

Адабиёт – инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улуғвори. У ажойиб булоқ. У шундай булоқки, унда кўз ёшининг мусаффолиги, қизлар хандасининг қўнғироқдек оҳангдор жаранги, камалак нурларидек ранг-баранг товланиши бор. Бу мусаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичишга, ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз бизга мерос қолдириб кетган асрий ташналикни – зиё, нур, фикр ташналигини қондиришга шошилинг, одамлар!

*1968*



## АДАБИЁТ – ҲАЁТ ДАРСЛИГИ

Мақолани ёзишга киришар эканман, бир неча йил муқаддам «Комсомольская правда» газетасида бўлиб ўтган мунозара эсимга тушди. Мунозара ленинградлик (*ҳозирги Санкт-Петербург – таҳр.*) бир инженернинг мақоласи билан бошланганди. Инженер «Адабиёт керакми?» деган саволни қўйиб, қатор мулоҳазалар сўнгида «Адабиёт бундан буён мутлақо ортиқча, кераксиз нарса», деган хулосага келганди. Унинг фикрича, илмий-техника революцияси даврида инсоният ҳаётида илм-фан ва техниканинг роли борган сари ортиб боради. Бу эса, инсоннинг яшаш тарзини ҳам, психологиясини ҳам ўзгартиради, ақл, тафаккур биринчи ўринга чиқиб, ҳиссиёт чекинади. Бундай шароитда у ўз кучидан имкони борича самарали фойдаланишга, умрини зое кетказмасликка интилади, вақтнинг қадрига етадиган бўлиб қолади. Бинобарин, у бадиий асар ўқишга сарфлайдиган вақтини бошқа бирон фойдали ишга сарфлайди. Бирон реал моддий бойлик яратмайдиган адабиёт шу тарзда ортиқча нарсага айланиб қолади ва ўлади…

Ўз вақтида кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлган бу «кароматнни бугун эсламай қўя қолса ҳам бўларди. Аммо масаланинг бир «лекин»и бор.

Тўғри, баъзан айрим одамлар орасида, айниқса, ёшлар ўртасида китобга, адабиётга бефарқ муносабатни ҳам учратиш мумкин. Баъзи ёшлар китоб ўқишдан кўра телевизор кўришни афзал биладилар. Баъзан эса ошкора тарзда адабиётнинг қадрига етмаслик, унинг истиқболига ишончсиз қараш ҳоллари ҳам учрайди. Менинг назаримда, бундай ҳодисалар ўқиш малакасининг камлигидан эмас, умуман адабиётнинг нима эканини яхши билмаганлан, унинг моҳиятини, инсон ҳаётида тутган ўрнини, жамият ривожидаги ролини тасаввур қилмасликдан содир бўлади. Бундай ҳолларда кўпинча ўзимизнинг билмаслигимизни илмий-техника революцияси билан пардалашга уринамиз.

Илмий-техника революцияси (ИТР) инсон ҳаётига жуда катта ўзгаришлар олиб кирди. Булар таъсирида инсоннинг яшаш тарзи, психологияси ўзгармай қолиши мумкин эмас, албатта. Биз ҳозирги ҳаётимизни самолёт ва автомобилсиз, телефон ва телевизорсиз, пилесос ва кир ювадиган машинасиз тасаввур қилолмаймиз. ИТР бизни кўпгина хурофот ва бидъатлардан, маъносиз анъаналардан, пуч урф-одатлардан халос этмоқда. Бунинг оқибатида шахснинг ҳаёти янада чуқурроқ мазмун касб этмоқда, унинг эрки, иродаси, истакларининг бемалол рўёбга чиқиши учун, бинобарин, шахснинг батамом эркин бўлиши учун шароит вужудга келмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ИТР ҳамма мамлакатларда, ҳамма қитъаларда ҳам бир хил самара беравермайди. Муносабатлар фақат пулга, бойликка асосланган жойларда XX аср инсон ҳаётини соддалаштирибгина қолмай, уни энг зарур нарсадан – маънавиятдан маҳрум этмоқда. Юксак, олижаноб идеаллар инсонга раҳнамо бўлмаса, у эски хурофотлар ва бидъатлар билан бирга диёнат, виждон, одамийлик деган нарсаларни ҳам улоқтириб ташласа, бундай одамнинг ҳаёти ғоят аянчли ва ҳатто даҳшатли тус олади. Бундай шароитда одам бир-бирига кўпроқ панд бериб, ўзига кўпроқ ўмариш йўлини излайдиган йиртқичга айланади.

1975 йилда «Иностранная литература» журналида француз ёзувчиси Анри Труайянинг «Анна Предайль» деган романи босилди. Ҳозирги даврдаги француз воқелигини тасвирловчи бу романнинг марказий қаҳрамони Анна Предайль исмли йигирма беш ёшли қиз. У отаси ва онаси билан бирга яшайди. Турмушга чиқмаган. Институтни битириб бир нашриётда хизмат қилади. Бироқ, ота-она билан қиз ўртасида меҳр-муҳаббатдан нишон ҳам йўқ. Уларнинг ҳар қайсиси ўзича, бир-бирини тушунмай, тушунишни истамай ҳаёт кечиради. Меҳрнинг йўқлиги эса шафқатсизликни туғдиради. Она оғир касал. У ўлим тўшагида ётибди. Анна онасига қарашга мажбур. Лекин бу унга малол келганиданми ёки бошқа сабабданми, Анна доридан кўпроқ бериб, онасини ажалидан беш кун бурунроқ ўлдиради. Энг даҳшатлиси шундаки, кейин у бу иши учун изтироб ҳам чекмайди, ўзини «ҳақ» деб ҳисоблайди. Ҳа, онанинг ўлими муқаррар эди – қизи дорини кўп бермаганда ҳам оламдан ўтарди. Лекин бу Аннани оқлаёладими? Ҳатто қизи бўлганида ҳам, онанинг ҳаёт-мамотини ҳал қилишга қандай ҳақи бор? Фақат меҳрсизлик, бағритошлик, виждонсизлик оқибатидагина, фақат худбинлик ва лоқайдлик туфайлигина одам шундай разил ишни қилиши мумкин.



Анри Труайя ўз романида буржуа воқелиги одамни нечоғлик мажруҳ қилиб қўйгани, ваҳшиёна инстинктларга бемалол йўл очиб қўйганини яхши кўрсатган. Тўғри, Ғарбдаги одамларнинг ҳаммаси бирваракайига Аннадек бемеҳр, тошбағир одамлар деб хулоса чиқариш тўғри бўлмас. Лекин, ҳарҳолда, пул ҳукмрон бўлган жамиятда, одамнинг қадри фақат молу дунё билан ўлчанадиган жамиятда инсонийлик, инсоф, олижаноблик каби инсонни инсон қиладиган азалий удумлар бугун гўё эскилик сарқитларидай ортиқча ва кераксиз бўлиб қолган.

Адолатли жамиятда эса бутунлай ўзгача ҳолни кўрамиз. Бу жамият тарих билган тузумлар ичида энг инсонпарваридир. Унда ҳамма нарса – хўжалик соҳасидаги ютуқлар ҳам, илмий-техник революция самаралари ҳам ягона бир мақсадга – инсон ҳаётини чинакамига фаровон ва гўзал қилишга, унинг қадр-қимматини мислсиз юксакларга кўтаришга, инсонийликка путур етказадиган ҳар қандай иллатлардан уни фориғ қилишга қаратилади. Бу жамиятнинг асосий вазифаларидан бири келажак одамини тарбиялаб етиштиришдир. Адолатли жамият кишиси ҳар томонлама мукаммал – онги юксак, гражданлик туйғуси ўткир, ақли баркамол, маънавий олами бой, виждони пок, қалби меҳр-шафқатга тўла олижаноб инсон бўлади. Инсоният минглаб йиллар давомида ардоқлаб орзу қилган инсоний фазилатлар, ўтмишнинг не-не зукко мутафаккирлари, не-не даҳо санъаткорлари ҳар бир одам эришмоғи даркор бўлган идеаллар сифатида тараннум этган сифатлар унда мужассам бўлади. Бундай одамни тарбиялаб, вояга етказишда санъат ва адабиётнинг роли ҳам бениҳоя каттадир. Дарҳақиқат, бугун адабиётимиз сон жиҳатидангина эмас, биринчи навбатда, сифат жиҳатидан ҳам янгиланиб боряпти. У тобора халқ ҳаётининг ич-ичига сингиб бормоқда, чунки бу адабиёт халқ дилидаги гапларни бaралла айтмоқда, ривожимизга ёрдам берадиган муҳим ҳаётий муаммоларни дадил кўтариб чиқмоқда, ғоят жиддий ахлоқий-маънавий масалаларга жавоб изламоқда. Шу туфайли у халқимизнинг меҳр-муҳаббатини қозонди ва халқимиз дунёда энг китобхон халқ сифатида донг таратди. Шунинг учун ҳам бугун китоб нондай ардоқли ва азиз нарсага айланиб қолди. Шундай шароитда адабиётга лоқайд қараган, ундаги гўзалликларга бефарқ муносабатда бўладиган, китоб ўқимайдиган одам доимо овқатнинг ёнида бўлиб, унинг таъмидан бехабар, лаззатидан бебаҳра қоладиган қошиқнинг аҳволига тушиб қолади.

* * *

Н.Г. Чернишевский адабиётни «ҳаёт дарслиги» деб атаган эди. Адабиётнинг моҳиятига жуда мос тушган бу ихчам ва аниқ таърифнинг тўғрилигини исботлайдиган жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Адабиёт инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурини бойитади, ҳаёт ҳақидаги билимини кенгайтиришда жуда катта ёрдам беради.

Масалан, поляк адабиётининг классиги Болеслав Пруснинг «Фиръавн» деган романи бор. Ёзувчи бир неча йиллик умрини сарфлаб, археологик қазилмаларнинг натижасини ўрганиб, ўнлаб олимларнинг китобларини кўриб, шу романни битган ва унда қадимги Миср ҳаётини, ундаги ижтимоий муносабатларни, расм-русумларни, қадимги мисрликлар қандай яшагани, меҳнат қилгани, севишгани, урушлар қилганини, улар нимани орзу қилиб, нималарга интилганини батафсил тасвирлаб берган. Бу романни ўқиган одам қадимги Миср тарихининг муайян бир даври ҳақида тўла ва аниқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Худди шунингдек, Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» каби романлари ҳам бизга халқимизнинг ўтмиши ҳақида, XV–XVI асрларда Ўрта Осиёда содир бўлган тарихий ҳодисалар, ўша давр одамларининг қиёфаси, ҳаёти, курашлари тўғрисида унутилмайдиган тасаввур беради. Ойбекнинг «Қутлуғ қон»и, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар»и XX аср бошларида ўзбек халқи, меҳнаткаш омма нечоғлик ҳақсизлик ва зулмат қўйнида ҳаёт кечирганини тасвирлайди.

Бадиий адабиёт ўтмишнигина эмас, бугунги кунимизни ҳам яхшироқ англаб олишимизга, бугунги одамларнинг меҳнатидаги жасоратини чуқурроқ тасаввур қилишимизга ёрдам беради. Унда бугунги кун одамларининг фикр-зикрини банд этган муаммолар, уларнинг орзу-интилишлари, унга эришиш йўлидаги ҳаракатлари батафсил ёритилади.

Бугунги ҳаётимиз ҳақида ёрқин тасаввур берувчи асарлар қаторида Асқад Мухторнинг «Бўронларда бордек ҳаловат» ёхуд Одил Ёқубовнинг «Диёнат» каби асарларини эслаш кифоя. Максим Горький «Китоб – билим манбаи» деганида, биринчи навбатда, бадиий адабиётнинг ана шу фазилатини кўзда тутган эди. Биз бадиий адабиёт ёрдамида ўтган авлодларнинг ҳаётий тажрибасига шерик бўламиз ва бу тажрибадан ўз ҳаётимиз учун зарур бўлган хулосалар чиқарамиз. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, адабиётнинг бу функциясини бир томонлама талқин қилиб, унинг



моҳиятига зид келадиган талаблар қўйиш, яъни бадиий асардан бирон конкрет ҳаётий соҳа бўйича қатъий амал қилса бўладиган тавсияномалар излаш тўғри бўлмайди. Ёзувчи ўз асарининг характеридан келиб чиқиб ёхуд бадиий ниятининг тақозоси билан бирон конкрет соҳа ҳақида атрофлича маълумот бериши мумкин. Масалан, Л. Леонов «Рус ўрмони» романида ўрмон хўжалигига доир илмий муаммоларни, А. Коптяева «Иван Иванович» романида нейрохирургия масалаларини ёхуд Г. Николаева «Йўлдаги жанг» романида трактор заводига доир ишлаб чиқариш проблемаларини анча батафсил тасвирлаган. Шунга қарамай, буни конкрет мутахассисликлар бўйича ахборот берувчи маълумотнома эмас, балки ҳаётнинг умумий оқими ҳақида, унинг ички жараёнлари тўғрисида тасаввур берувчи ҳаёт дарслиги, дейиш керак.

Адабиётнинг инсон ҳаётидаги роли шу билан чегараланмайди, албатта. Адабиёт инсонга олам ҳақида билим бериш билан бирга, айни чоқда, унинг руҳий оламини бойитишга, унинг қалбида умумбашарий маънавий эътиқодларнинг барг ёзишига кўмаклашади. Қуш парвоз учун, инсон бахт учун дунёга келади. Лекин бахт нима? Унга қандай эришилади? Унинг учун қандай курашмоқ керак? Бундай саволлар инсон ҳаётининг муайян босқичида ҳар бир фикрловчи одам қаршисида кўндаланг бўлади. Одам бу саволларга жавоб бериш учун «яхши» дегани нима-ю, «ёмон» дегани нима эканини аниқлаб олиши, олижаноблик, эзгулик билан ёвузлик, разолат ўртасидаги фарқни билиб олиши керак. Бу саволларни ҳал қилиш жараёнида муқаррар тарзда яна бир жумбоқ кўндаланг бўлади: «Инсон ҳаётининг маъноси нима? У дунёга нима учун келади? У ҳаётда қандай из қолдиради? Бу ҳаётда унинг ўзидан бошқа бирор кимсага кераги борми?»

«Ҳаёт» деганлари шу қадар мураккаб ва баъзан шу қадар бешафқатки, одам ёлғиз ўзи бу саволларга ҳамма вақт ҳам тўғри ва аниқ жавоб топа олмайди. Адабиёт ҳаётнинг мураккаб йўлларида адашмай тўғри юришда одамга ёрдамга келади. Йўқ, адабиёт турли-туман вазиятларда ўзини қандай тутиш лозимлиги ҳақида тайёр кўрсатмалар, бир қолипдаги дастуриламаллар бермайди. Одам ҳаётда шундай жумбоқларга рўпара келиши мумкинки, уларни ёлғиз ўзи, ҳеч кимнинг кўрсатмасисиз, мустақил ҳал қилгандагина унинг қалбида қаноат туйғуси пайдо бўлиши, маънавий ўсишининг янги босқичига кўтарилиши мумкин. Адабиёт билан доимий мулоқотда бўлган одам бундай жумбоқларни тўғри ҳал қилишда унча қийналмайди. Гап шунда-

ки, жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари, биринчи навбатда, бизнинг виждонимизни ҳаракатга келтиради, уни тинимсиз уйғоқ бўлишга ундайди, ҳаётдаги ҳар бир қадамимизни виждон амри билан мослаштириб босишга одатлантиради. Бунга у биздаги адолат ва ҳақиқат туйғусини ўткирлаштириш йўли билан, қалбимизда шафқат алангасини гуриллатиш билан эришади. Бу мулоҳазаларни далиллаш учун адабиётдан юзлаб, минглаб мисоллар келтириш мумкин. Мен икки мисол билан чекланаман.

Буларнинг бири ҳаммамизга яхши таниш бўлган Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи. Романни ўқир эканмиз, биз асар қаҳрамонлари Отабек билан Кумушни чин қалбдан севиб қоламиз. Уларнинг қувонч ва шодликлари бизни ҳам мамнун этади, дард ва изтироблари эса қайғуга солади. Биз ўзимизга қадрдон бўлиб қолган бу икки ёшнинг чинакамига бахтли бўлишини истаймиз ва уларнинг шод-хуррам, осуда ҳаёт кечиришини интиқиб кутамиз. Аммо улар бахтга эришолмайдилар. Кумуш заҳарланади, севгилисидан ажраган Отабек ҳалок бўлади. Бу фожиа бизни ларзага солади, «нега бу икки ёш, икки мусаффо қалб эгаси ўн гулидан бир гули очилмай фожиага учрайди, уларнинг гуноҳи нима, ким уларнинг турмушига оғу солди, уларни бадбахт қилган сабаб нима, қандай адолатсизлик бу?» деган саволлар қалбимизни ўртайди. Ўқиганларимизни хаёлдан қайта ўтказар эканмиз, икки ёшнинг бахтига чанг солган нарса Ҳомидга ўхшаш разилларнинг ҳасадгўйлиги, ичи қоралиги, ўғлининг бахтини ўткинчи «орзу-ҳавасга» қурбон қилган Ўзбек ойимнинг эски урф-одатларга асирлиги эканига амин бўламиз. Ўқиганларимизни таҳлил этишда давом қилсак, кўрамизки, ҳасадгўйлик ё ёвузлик психологияси Ҳомид ва Ўзбек ойимнинг шахсидаги фавқулодда иллатлар эмас, балки ҳамма замонларда учраши мумкин бўлган ижтимоий яралардир. Жумладан, феодал жамиятда инсон қадри пўчоқча кўринмайди, адолат, инсоф, диёнат деган ақидалар топталади. Бу жамиятда инсон бахти, эрки, иродаси, орзу-ниятларини поймол қилиш ҳисобига ўткинчи урф-одатларнинг тантанаси, феодал тартибларнинг барқарорлиги таъминланади. Отабек ва Кумуш фожиасининг замирида ётган ва ёзувчи зўр маҳорат билан кўрсатиб берган бу ҳақиқат бизнинг онгимиздагина эмас, қалбимизда ҳам чуқур из қолдиради. Бу эса, ўз навбатида, биздаги адолат туйғусини ўткирлаштиради, виждонимизни ҳаракатга келтиради, эзгулик ва олижанобликка муҳаббатимизни, ёвузлик ва шафқатсизликка нафратимизни кучайтиради.



Энди иккинчи асар – В.П. Катаевнинг «Бинафша» ҳикоясини кўриб чиқайлик. Унинг воқеаси бизнинг кунларда кечади. Ҳикояда Екатерина Герасимовна билан унинг собиқ эри Иван Николаевич Новоселовларнинг ҳаёт йўли бадиий гавдалантирилган. 80 ёшларга кирган Екатерина Герасимовна қариялар уйида истиқомат қилади. 30 йил аввал уни ташлаб, бошқага уйланган Иван Николаевич куни битиб қолганини ҳис қилиб, бир замонлардаги гуноҳи учун кечирим сўрагани унинг ҳузурига келади. Бу гуноҳ тоши, виждон азоби уни 30 йилдан бери эзиб келади, шу оғир юкдан халос бўлмай туриб, у дунёдан кўз юмолмайди. Лекин Екатерина у билан гаплашишни истамайди, кўпчиликнинг илтимоси билан эрини қабул қилган эса-да, ҳар қанча ялиниб-ёлворганига қарамай, унинг гуноҳидан кечмайди. Орадан кўп ўтмай Иван Николаевич қазо қилади. Екатерина Герасимовна эса унинг дафн маросимида иштирок этишдан ҳам қатъиян бош тортади. Хўш, нима учун? Нега у эрининг гуноҳидан ўтмайди? Нега у қазо қилгандан кейин ҳам юмшамади? Екатерина Герасимовна шу қадар бемеҳр, бағритош аёлми? Ахир, гуноҳларни кечириш ҳам баъзан олижанобликка киради-ку! Ҳикояда қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлини тасвирлаш орқали бу саволларга жавоб берилган.

Екатерина Герасимовна гражданлар урушининг иштирокчиси. Ўша пайтларда у кўпгина махфий топшириқларни бажарган. Яширин лақаби «Бинафша» бўлган. Ана шу аёл бир умрга яхши фазилатларини сақлаб қололган – у мард, жасур аёлгина эмас, айни чоқда, кўнгилчан, одамларнинг яхши томонларини кўра оладиган, яхшиликнинг устунлигига ва тантанасига ишонадиган инсон. Шу кўнгилчанлиги туфайли турмуш қураётганида эрининг ҳақиқий моҳиятини, қанақа одамлигини кўра олмаган. Иван Николаевич унга уйланаётган кезларида анча тадбиркор, тумтароқ, баландпарвоз гапларни боплаб ташлайдиган сўзамол одам бўлган. Ана шу худбин, маслаксиз одам хотинига нисбатан ўта разил, ақл бовар қилмайдиган даражада қабиҳ жиноят қилган. У ўн тўққиз яшар қизни севиб қолади. Аммо унга уйланиб, турмуш лаззатларидан баҳраманд бўлиши учун Екатеринадан қутулиши керак. Бу гапларни очиқ айтишга унинг юраги дов бермайди. Шунда «разиллигимни ҳеч ким билмайди» деган ишонч билан хотинини «халқ душмани» қилиб кўрсатиб, сохта маълумот беради. У мақсадига етади. Екатерина қамалади. Иван Николаевич уйланади. Аммо иккинчи марта уйлангандан кейин Иван Николаевич

ҳаёт лаззатини эмас, том маънода дўзах азобини кўра бошлайди. Ёш хотин уни истаганча ҳақорат қилади, ундан истаганини олиб бўлгач, бошқасига эрга тегиб кетади. Иван Николаевич эса борган сари шиддат билан тубанлик сари сирғалаверади. Турмуш азобларига чидаёлмай ича бошлайди, ишдан ҳайдалади. Хуллас, энг охири – черковда шам сотиб тирикчилик қилади. Бу эса тиланчилик билан баравар эди.

Екатерина Герасимовна ўзига нисбатан эрининг разиллик қилганидан хабардор. У эрини кечириши ҳам мумкин эди. Лекин бунинг учун Иван Николаевич бир замонлар нечоғлиқ қабиҳ иш қилганини ич-ичидан тушуниб етган бўлиши керак эди. Ҳолбуки, у ўз гуноҳини Екатеринадан кечиб, ёш қизга уйланганида деб биладиi, холос.

Екатерина билан Иван ўртасидаги суҳбатда Иван «ҳаёт мени шу кўйларга солди» деб шикоят қилади. Екатерина эса бошқача фикрда – одам ўз бошига тушадиган кулфатлар учун, тортадиган изтироблари учун ҳаётни айблашдан аввал, «ўзимнинг разиллигим, виждонсизлигим, хиёнатим мени шу кўйларга солмадимикин?» деб ўйлаб кўриши лозим. Екатерина Иваннинг уйланганини кечириши мумкин, лекин унинг разиллигини, хиёнатини кечирмайди, бу масалада ён беришни истамайди – шунинг учун ҳам Иван Николаевичнинг дафн маросимига боришдан бош тортади. Шундай қилиб, ҳикояда бутун умрини ҳалол ва пок кечирган, ҳамиша виждон амри билан яшаган, одамларнинг меҳрига, муҳаббатига, яхшилигига чин юракдан ишонган ва шу туфайли кексайганида ҳам уларнинг меҳридан баҳраманд бўлиб яшаётган Екатерина Герасимовна чинакам инсонийликнинг тимсоли сифатида гавдаланади, ҳикоянинг ўзи эса виждонийлик, ҳалоллик, поклик каби инсоний сифатлар шаънига айтилган мадҳиядек жаранглайди.

Бу ҳикоя ҳам туйғуларимизни жунбушга келтиради. Биз бутун вужудимиз билан Иван Николаевичдан, унинг энг яқин одамига қилган қабиҳ хиёнатидан, виждонсизлигидан нафратланамиз. Шу нафратнинг ўзи бизни улғайтиргандек, маънавий ўстиргандек бўлади. Иван Николаевичнинг аччиқ, фожиали тажрибаси, ундан олган сабоғимиз зарур пайтда бизнинг хатти-ҳаракатимизни тўғри изга солиш учун қалбларимиз қаърига ўрнашиб қолади. Адабиётнинг қудрати ҳам шунда – у фақат онгимизга эмас, туйғуларимизга, ҳисларимизга ҳам таъсир кўрсатиб, уларни тарбиялаб, бизга ҳаётдан ибратли сабоқлар беради.



* * *

Адабиёт ҳаёт дарслиги сифатида ўз вазифасини муваффақиятли бажариши учун жуда юксак эстетик қимматга эга бўлиши, яъни бадиий жиҳатдан мукаммал ва баркамол бўлмоғи керак. Ҳаётни юзаки тасвирлаган, чуқур ва салмоқли фикрлардан холи бўлган, сунъий ва уйдирма воқеалар асосига қурилган ўртамиёна асарлар ҳеч қачон китобхоннинг ҳаётида бирон сезиларли из қолдирмайди. Бу тўғрида Чингиз Айтматов шундай деган эди: «Китоб ўқувчининг виждони ва онгини уйғотиб, ҳаётдаги гўзал ёки, аксинча, хунук нарсаларнинг манзараси билан унинг қалбини ларзага солиб, ўзига ва атрофини қуршаган муҳитга чуқурроқ, синчковроқ назар солишга ундаб, бутун вужудини қамраб олса, уни биз санъатнинг қудрати деймиз. Масаланинг моҳияти ҳам шунда. Агар асар китобхонни руҳий ҳаяжонга солишга, унинг эстетик дунёсини бойитишга, унинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштиришга ожиз бўлса, ҳар қанча гап айтгани билан, ҳар қанча фойдали ва ўта муҳим нарсаларни маълум қилгани билан, ҳар қанча зарур мавзулар ва муаммолар қўйилгани билан бари беҳуда – бу чинакам санъат эмас». Бу фикр яна бир карра бадиийлик, санъаткорлик адабиётнинг ҳаётдаги ўрнини таъминловчи энг зарур шарт эканини тасдиқлайди.

Хўш, адабиёт шу сифатга қандай қилиб эришади? Унинг бадиий баркамоллиги қандай вужудга келади?

Бадиийликни вужудга келтирадиган жиҳатлар кўп: булар – асарнинг сюжет ва композицияси ҳам, уларнинг замирида ётувчи конфликт ҳам, асар қаҳрамонларининг ички дунёсини ишонарли ва самимий тасвирлаш ҳам, асарнинг тили, тасвир воситалари ҳам. Буларнинг барчаси бир-бири билан уйғунликда асарнинг бадиий муҳитини ҳосил қилади. Албатта, бир мақолада уларнинг ҳаммаси ҳақида мулоҳаза юритиш қийин. Шунинг учун биз бадиийликнинг бирламчи ва энг зарурий шарти бўлмиш ҳаётийлик ҳақида, ҳаёт ҳодисасининг санъат ҳодисасига айланиш жараёни тўғрисида фикр билдириш билан чекланамиз.

Санъат масалаларига бағишланган назарий асарларнинг ҳаммасида «адабиёт ҳаётнинг инъикосидир» деган иборага дуч келамиз. Бу ибора тўғри, лекин у адабиётнинг ҳаётни акс эттиришидаги энг муҳим хусусиятларини очиб беролмайди. Албатта, ҳар қандай бадиий асарнинг асосини ҳаёт ташкил қилади, лекин адабиёт ҳаётни оддий кўзгудек пассив акс эттирмайди. Ҳаёт ҳодисалари бадиий асарда санъаткор шахси орқали ифодалана-

ди. Бунинг маъноси нима? Ёзувчи, авваламбор, ҳаётда ниманики кўрса, ҳаммасини бир бошдан тасвирлаб кетавермасдан, балки хилма-хил ҳаёт ҳодисаларини саралаб, танлаб акс эттиради. У ҳаёт ҳодисаларини доимо кузатиб, ўрганиб, таҳлил қилиб боради, бунинг оқибатида ҳаётдаги муайян жиҳатлар ҳақида унда ўзига хос тасаввур, ўзига хос хулоса пайдо бўлади. Бора-бора улар ёзувчи онгида тиниқлашиб, муайян ғоявий ниятга айланади ва санъаткор шу ниятига мос, уни мукаммал ифодалайдиган ҳаёт моделини яратади. Шундай қилиб, санъат ҳақиқати туғилади. Санъат ҳақиқати ҳаёт ҳақиқатининг баайни ўзи эмас, у бунга даъво ҳам қилмайди. Санъат ҳақиқати ёзувчининг онги ва қалби орқали ўтиб, унинг фикрлари ва туйғуларига йўғрилиб, фантазия билан бойиб тиниқлашган ҳаёт ҳақиқатидир. Бинобарин, ҳаёт ҳақиқати анча мураккаб жараённи бошидан кечириб, санъат ҳақиқатига айланар экан, камида учта хусусият касб этади: у сараланган бўлади, оқибатда умумлаштирувчи характер касб этади; унда муқаррар тарзда бадиий тўқима мавжуд бўлади ва ниҳоят, унга санъаткорнинг тасвирланаётган ҳаёт ҳодисасига муносабати, ҳукми сингиб кетади. Шу туфайли санъат ҳақиқати ҳаёт ҳақида юзаки тасаввур бермасдан, ҳар бир воқеага, ҳатто, биринчи қарашда, жуда оддий, жуда содда кўринган ҳодисаларга ҳам ҳаёт моҳиятини ифодаловчи чуқур салмоқ бахш этади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Масалан, бир одам кўп йиллар орзу қилиб юриб, янги пальто тиктиради-ю, уни биринчи кийган куниёқ ўғирлатиб қўяди. Бундан ҳам жўнроқ, аҳамиятсизроқ воқеани ўйлаб топиш қийин! Лекин санъаткор қалами остида, Гоголнинг қудратли даҳоси билан шу оддий воқеа ҳақидаги ҳикоя бутун чоризмни қораловчи ҳужжат, кичкина одамни ҳимоя қилувчи ҳайқириқ даражасига кўтарилган.

Бир хоним тунда кучукнинг акиллашидан озор чекиб, уни чўктиришни буюради. Бу ҳам ғоят жўн ҳодиса. Лекин Тургенев қалами остида жуда оддий ҳодиса дворянлар дунёсининг шафқатсизлигини фош этувчи қудрат касб этган. Яна бир мисол: Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема» қиссасини эслайлик. Унинг замиридаги воқеа ҳам икки оғиз гап билан айтиб берса бўладиган даражада оддий: қаттиққўл Ўрозқул раҳмдил, бўш-баёв Мўмин отага она буғуни оттиради, бунга чидолмаган бола ўзини сувга отади. Лекин санъаткор қалами билан шу оддий воқеа буюк бир умумлаштирувчи маънога эга бўлган – у зўравонлик, одамлар эркини поймол қилиш ва шу зўравонлик қўлида қамчи бўлиш



ҳаётнинг энг гўзал қирраларини маҳв этиши, тузатиб бўлмайдиган фожиаларга олиб келиши мумкинлигини очиб берган.

Бундай мисолларни юзлаб, минглаб келтириш мумкин. Улар шундан далолат берадики, ёзувчи ҳаётга фаол муносабатда бўлган, ҳаёт ҳодисаларининг моҳиятига чуқур кириб борган ва қаламга олган ҳодисасида ҳаётнинг муҳим жиҳатларини умумлаштириб берган тақдирдагина юксак бадиийликка эришиши мумкин. Акс ҳолда, асар ҳаёт ҳодисаларини қуруқ санашдан, рўйхат қилишдан нарига ўтмайди, бинобарин, том маънода ҳаёт дарслиги бўлолмайди.

Бадиий асар қандай мавзуга бағишланган бўлмасин, унда қандай воқеалар тасвирланмасин, барибир, унинг марказида инсон туради. Ёзувчи инсон ҳаётининг тарихини тасвирлар экан, айни чоқда, инсон қалбининг ичига киришга, унинг сирларини ўрганишга, таъбир жоиз бўлса, инсон руҳиятининг қонуниятларини кашф қилишга интилади. Бинобарин, асарда инсон характери қанчалик мукаммал бўлса, унинг ички дунёси қанчалик чуқур очилса, асарнинг бадиийлиги ҳам шунча юксак бўлади. Бунинг учун асар қаҳрамонларининг ҳар бир ҳаракати, гап-сўзи, туйғулари китобхонни ишонтириши, яъни психологик жиҳатдан далилланган бўлиши керак. Бунинг мураккаблиги шундаки, асар қаҳрамони ўзининг ички мантиғига эга бўлса, кўп ҳолларда нисбий мустақиллик касб этади ва баъзан, ҳатто, ёзувчини дастлабки ниятларидан воз кечишга, асарни қайтадан ёзишга ҳам мажбур қилади. Ҳаёт ҳақиқатига путур етказмаслик учун тугалланган асарни янгидан ёзиш ҳар қандай санъаткорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу жиҳатдан жаҳон адабиётининг энг нодир дурдоналаридан бири бўлмиш «Анна Каренина» романининг ижодий тарихи характерлидир.

Маълумки, Л. Толстой асарга ўзи ҳаётда кузатган воқеаларни асос қилиб олган. Романнинг биринчи вариантида Каренин аянчли, ночор, бечора бир одам сифатида кўрсатилган. Унинг хотини Татьяна (романнинг дастлабки вариантида Анна шундай деб аталган) – навқирон, кучга тўла, ҳаётга чанқоқ, гўзал жувон бўлган. Табиийки, аянчли Каренин бундай аёлни кўп вақт ўзига ром қилиб туролмасди. Татьяна биринчи учрашувдаёқ ёш ва хушбичим офицер йигитга кўнгил қўяди ва эрини ташлаб, қишлоққа кетади. Бундай вазиятда Каренин йиғлабсиқтайди, хотинига ялиниб-ёлворади, гуноҳидан ўтади, хуллас, шўрпешона, бахтсиз, иродасиз эрнинг аянчли аҳволига тушади.

Унинг аҳволига раҳми келган Татьяна гуноҳига ўкиниб, уйдан чиқиб кетади ва ўзини Невага ташлайди.

Роман шу аҳволда тор оилавий-маиший мавзудаги асар бўлиб қолганини, оддий сентиментал драмадан нари ўтмаганини ҳис қилган Толстой уни қайта ёзишга киришади. Кейинги вариантда Татьяна Аннага айланади, унинг номигина эмас, характери ҳам ўзгаради. Энди Анна ақлли, туйғуларга бой, гўзал аёлга айланади. Бундай аёл лапашанг ва ландавур одамга турмушга чиқиши мумкин эмас эди. Шунга кўра, Каренининг ҳам характери ўзгарди. У энди иродали, ақлли, аммо совуқ қалбли йирик мансабдор тарзида кўрсатилади. Иккита кучли шахс ўртасидаги шиддатли кураш эса охир-пировардида Аннанинг фожиасига жуда чуқур ижтимоий мазмун бахш этади. Бу фожиа ўтмишда ҳатто киборлар доирасида ҳам мавжуд бўлган инсон ҳуқуқсизлигини, эрксизлигини очувчи қудрат касб этади. Шу тарзда характер мантиғига амал қилиш, ҳаёт ҳақиқатига содиқлик жаҳон адабиётининг энг буюк асарларидан бирини туғдирган.

Биз ижоднинг ғоят мураккаблигини кўрсатувчи баъзи мисоллар билангина танишдик. Албатта, адабиётнинг бадиий баркамоллиги яна кўпгина жиҳатларга эга. Аммо ўйлаймизки, айтилганларнинг ўзи ҳам бадиий адабиётнинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида, ҳар бир одамга берадиган бебаҳо маънавий бойлиги ҳақида муайян тасаввур беради. Ниҳоят, биз ижодий ишнинг қийин кечувчи, санъаткордан бутун билимини, ғайратини, ақл-идрокини, қалб ҳароратини талаб қилувчи соҳа эканини озми-кўпми кўрсатишга уриндик. Бизнинг мулоҳазамиз сиз – азиз китобхонларнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурларингизни жилла бойитган бўлса, қалбингиздаги адабиётга меҳрни жилла кўпайтирган бўлса, олдимизга қўйган мақсадга эришдик, деб ҳисоблаймиз.

*1973*



## ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА АДАБИЁТ

Телевидение (ТВ) – илмий-техник инқилобнинг энг ажиб самараларидан биридир. У кундалик турмушимизга шу қадар сингиб кетдики, биз бирор кунимизни телевизорсиз тасаввур қилолмаймиз. Бугун телевизор республикамизда ҳар бир хонадонга кириб борган десак, хато бўлмас. У одамларнинг яқин дўсти, кўмакчиси, доно маслаҳатчиси бўлиб қолди. Биз бўш вақтимизни кўнгилхушлик билан ўтказиш учунгина, кўнглимиз эрмак тилаган чоғлардагина телевизор қулоғини бурамаймиз. ТВ олам ҳақидаги тасаввурларимизни бойитмоқда, бизни бутун дунёдаги воқеаларнинг шоҳиди ва иштирокчисига айлантирмоқда, билимимизга билим қўшмоқда, маънавий ривожимизда тобора катта роль ўйнамоқда. ТВ ғоят муҳим ва фойдали гапларни қулоғимизга қуйибгина қолмай, кўзимизга кўрсатади ҳам. Бу эса ТВга фавқулодда таъсир кучи бахш этади. Шу туфайли ТВ фақат информатив функциялар билан чекланолмайди; у бизнинг дунёқарашларимизни шакллантиради, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, гражданлик туйғуларимизни ўстиришда муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, ТВ аллақачон инсон тарбиясининг қудратли ва таъсирчан қуролларидан бири бўлиб қолди. Бу жиҳатдан ТВ адабиётга яқин туради – улар муштарак вазифаларга эга, бир умумий мақсад йўлида чолишадилар. Бироқ бу йўлда улар рақобатчи, кундош эмас, ҳамдўст, ҳамфикр соҳалар сифатида ҳамжиҳатлик билан иш тутишлари керак. Китобхонлар оммасини янада кенгроқ қамраб олиш учун, жонли, ёрқин, образли сўзни халққа тезроқ етказиш учун адабиёт ТВ имкониятларига таяниши, ТВ ҳам, ўз навбатида, ёзувчиларни кўпроқ жалб қилиб, кўрсатувларнинг янада ҳаётий ва таъсирчан бўлишига эришмоғи лозим. Бугун адабиёт ва ТВ бир-бирисиз самарали иш олиб боролмайди, бир-бирисиз яшай олмайди. Бу – аксиома. Шундай экан, бу икки соҳа ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш,

самаралироқ қилиш, унинг янгича таъсирчан шаклларини излаш бугуннинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолди.

Мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзбек телевидениесининг ижодий жамоаси кўп йиллар мобайнида адабиётга катта эътибор билан қараб келмоқда. Адабиётимиз ютуқларини тарғиб қилишда, ёзувчилар жамоатчилигини кўрсатувларга кенг жалб қилишда анча ишлар қилинди, бой тажриба тўпланди. Айниқса, сўнгги йилларда ТВнинг умумий кўрсатувларида адабиётга бағишланганларининг салмоғи тобора ортиб бормоқда. «Ёзувчи ва замон», «Ижод саҳифалари», «Ижод гулшани», «Шеърият билан учрашув», «Шеърият мухлисларига», «Шеърият дафтаридан», «Ғазал оқшоми», «Илҳом» каби кўрсатувлар мунтазам бериб борилмоқда. Уларнинг айримлари аллақачонлар томошабинлар ўртасида чуқур ҳурмат қозонди. Одамлар уларни кутишади, ишларини қўйиб томоша қилишади. Бундай кўрсатувлар томошабинни бефарқ қолдирмайди – улар кўрсатувдан кейин фикр алмашишади, мулоҳазаларини редакцияга ёзиб юборишади. Буларнинг ҳаммаси жуда яхши, албатта. Аммо ТВ ижодий жамоасининг хизматларини мутлақо камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, адабиёт кўрсатувларининг ҳаммаси ҳам кишида мамнуният туйғусини уйғотавермайди.

Гап шундаки, «зангори экран» орқали бериладиган ҳар бир адабий кўрсатув бошқаларидан кескин ажралиб туриши, томошабин учун орзиқиб кутилган байрам бўлиши керак. Ахир томошабин экран орқали сўз санъаткори билан учрашади. Атоқли адиб, машҳур шоир, истеъдодли драматург, таниқли танқидчининг экран орқали миллионларга айтадиган гапи жўн, шунчаки, хомаки, ҳамма ҳам айтаверадиган гап бўлмай, тингловчиларнинг юрагига чўғ ташлаши, фикрини уйғотиши, ҳисларини қўзғатиши, янги-янги ҳаётий муаммолар ҳақида ўйлашга ундаши керак. Бугун «зангори экран»даги адабий кўрсатувларнинг ҳаммасини шу талабга жавоб беради, деб айтоламизми? Холисанилло айтганда, йўқ. Нега шундай бўляпти? Бунинг сабаблари кўп. Шу сабабларнинг баъзилари ҳақида ўйлаб кўрайлик.

ТВдаги адабий кўрсатувларни мазмуни ва мақсадига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳни адабиётимиз ютуқларини тарғиб қилиш, адабий меросимизни кенг китобхонлар оммасига таништириш, ёзувчи ҳақида, ижод жараёни тўғрисида маълумот бериш, халқнинг эстетик дидини тарбиялаш мақсадлари билан боғлиқ кўрсатувлар ташкил қилади. Иккинчи гуруҳга эса адабиётимиздан ташвиқот ва тарғибот қуроли сифатида фойдаланишни кўзда тутган кўрсатувлар кириши мумкин.



Биринчи гуруҳ кўрсатувлари соҳасида ТВнинг ютуқлари катта. ТВ адабиётни тарғиб қилиш ишини юқори савияда олиб боряпти, дейиш мумкин. Мана, масалан, адабий меросимизнинг қандай тарғиб қилинаётганини эслайлик. Шоир Эркин Воҳидов олиб борадиган «Ғазал оқшоми» кўрсатуви мумтоз шеъриятимизнинг дурдоналари билан кенг халқ оммасини таништиришда, унинг ғазалдек мураккаб жанри сирлари ва сеҳру жодуси билан ошно қилишда катта роль ўйнамоқда. Бу кўрсатувда мерос ҳақидаги суҳбатлардан ташқари, лозим бўлганда ғазаллар ўқилади, Шарқ классик куйларидан, миниатюра санъатидан кенг фойдаланилади. Кўрсатувга билимдон мутахассисларнинг жалб қилиниши ҳам яхши самаралар бермоқда.

ТВ ўзбек адабиётининг янги асарларини, айниқса, маданий ҳаётимизда салмоқли из қолдирган асарларни тарғиб қилишда ҳам анча ишлар қилди. Бу ишда ТВ янги-янги шакллардан, имкониятлардан ҳам фойдаланмоқдаки, бу таҳсинга сазовордир. Шу изланишлар оқибатида сўнгги йилларда жамоатчилик Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Мирмуҳсиннинг «Умид», Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» ва «Диёнат», Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» ва «Нур борки, соя бор», Ўктам Усмоновнинг «Гирдоб» каби асарлари билан видеофильмлар ёхуд телеспектакллар тарзида танишишди. Уларнинг томошабинларга қанчалик манзур бўлганини мухлислардан келган минглаб миннатдорлик мактубларидан ҳам билса бўлади.

Адабиётдаги янги асарларни тарғиб қилишнинг шаклларидан бири сифатида «Шеърият билан учрашув» туркумидаги кўрсатувларни ҳам айтиш мумкинки, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева ва бошқа шоирлар ижодига бағишланган бундай кўрсатувлар бевосита ўқув юртларининг залларидан, корхоналарнинг маданият масканларидан, кутубхоналардан олиб берилади. Бу кўрсатувларда шоирларгина эмас, уларнинг асарларини маҳлиё бўлиб тинглаётган аудитория ҳам иштирок этадики, бу мазкур кўрсатувларнинг жонли ва қизиқарли чиқишига ёрдам беради.

Айримлар «Шеърият билан учрашув» туркуми «Марказий ТВнинг шеърият ҳақидаги кўрсатувларига ўхшаб қоляпти» деган мулоҳазани айтишди. Менимча, бундай таънага мутлақо ўрин йўқ. Ўзбек ТВси Марказий ёхуд қардош республикалар тажрибасининг яхши томонларидан ижодий фойдаланса,борингки, ҳатто баъзан кўрсатувлар шаклидан фойдаланса, бунинг нимаси ёмон? Бу ўринда энг муҳими, айнан тақлид қилмай, тажрибани бойитиш, ривожлантириш.

Тўғри, «Шеърият билан учрашув» туркумидаги кўрсатувлар муайян камчиликлардан холи эмас эди. Уларда шеърият мухлислари томонидан бериладиган саволлар ҳамма вақт ҳам теран ва оригинал саволлар бўлгани йўқ. Фикр уйғотмайдиган, силлиқ, юзаки, шунинг учун кўпчиликни қизиқтирмайдиган саволлар ҳам берилади. Табиийки, бундай саволларнинг жавоби ҳам ўзига яраша бўлади. Улар кўрсатувнинг умумий савиясига путур етказмай, унда сунъийлик элементларини кучайтирмай қолмайди. Афсуски, кейинги пайтларда бу туркум кўрсатувлар тўхтаб қолди. Менимча, уни давом эттириш керак. Имкони бўлса, фақат шоирларнинг эмас, адиблар, драматурглар, танқидчиларнинг ҳам жонли аудитория билан учрашувлари кўрсатилса, уларда асарлар ҳақида хар хил, ҳатто мунозарали фикрлар айтилса, жонли мубоҳаса бўлса, ҳаёт ва адабиётнинг салмоқли, жиддий муаммолари ўртага ташланса, чакки бўлмас эди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, баъзан бир-бирига яқин, бир-бирини такрорловчи кўрсатувлар кўпайиб кетмоқда. Масалан, ҳозирнинг ўзида «Шеърият мухлисларига» ва «Шеърият дафтаридан» деган туркумлар мавжуд. Уларнинг фарқи шундаки, «Шеърият мухлисларига» кўрсатуви кундузи берилади ва унда кўпинча ҳали ижодда йўлини топиб олмаган, машқий даражадан унча кўтарилмаган муаллифлар чиқишади. Шу муносабат билан яна бир муаммо кўтарилади: модомики, ТВда адабиётга бағишланган бирор туркум кўрсатувлар бериладиган бўлса, биринчи навбатда, унинг ўзига хос хусусиятларини, бошқа туркумлардан фарқини, мақсадини, йўналишини ва ҳатто истиқболини аниқ белгилаб олиш керак. Акс ҳолда, бир-бирини такрорловчи кўрсатувлар кўпайиб кетади. Ҳозир «Ёзувчи ва замон» ва «Ижод саҳифалари» туркумидаги айрим кўрсатувлар ўртасида деярли фарқ кўринмайди. Баъзан эса туркумнинг режаси, истиқболи аниқ бўлмагани учун бир-икки кўрсатув берилади-ю, сўнг тўхтаб қолади.



Адабий бойликларни тарғиб қилишда, менимча, яна бир-икки қўшимча ишлар қилиш керак. Албатта, ўзбек адабиётининг ютуқларини кенг халққа етказиш жуда муҳим иш, бироқ ТВ фақат шу билан чекланиб қололмайди. Айни чоқда жаҳон адабиёти дурдона асарларини, жаҳон классикларининг ижодий тажрибаларини ҳам кенг тарғиб қилиш керак. Шунингдек, қардош халқлар адабиётидаги ҳудудсиз бойликдан ўзбек китобхонини мунтазам баҳраманд қилиб бориш ҳам ТВнинг шарафли бурчидир. Бундай кўрсатувлар юксак савияда олиб борилса, қизиқарли ва жонли бўлса, халқни байналмилаллик руҳида тарбиялашда ҳам, эстетик дидини юксалтиришда ҳам катта аҳамиятга эга бўлади.

Энди иккинчи гуруҳни ташкил қилувчи кўрсатувлар ҳақида икки оғиз тўхтайлик. Ҳозирча бу гуруҳга «Ёзувчи ва замон» туркумидаги кўрсатувлар киради. Ўйлашимча, бу кўрсатувларда ёзувчи ҳозирги даврнинг энг долзарб масалалари ҳақида ўзининг кузатишлари, мулоҳазалари, ўйлари, хулосалари билан ўртоқлашиши, кўпчиликни ташвишга солиб турган масалаларни ўртага ташлаб, уларни ҳал қилишга ёрдам бермоғи керак. Лекин бу кўрсатувларнинг ҳам характери ёхуд жанр спецификаси аниқ бўлмагани учун, унда иштирок этувчилар кўпинча тор профессионал доирадан чиқиб кета олмаяптилар. Албатта, ёзувчининг асар устида қандай ишлагани, қайси қаҳрамонга қандай юк ортгани, келажакдаги режалари муҳим нарсалар, лекин миллионлаб одамлар учун ёзувчидан кутиладиган бундан ҳам муҳимроқ гаплар бор, ҳарҳолда шу пайтга қадар мен «Ёзувчи ва замон» туркумида бирор ёзувчининг бирор муҳим, чинакамига ҳаётий муаммони кўтариб чиқиб, уни ҳаётий фактлар, номлар, ҳодисалар билан далиллаб, охирига етказганини билмайман. Ҳолбуки, ёзувчининг аралашувини, ўткир сўзини кутиб ётган масалалар ҳаётда озмунчами? Қишлоқ хўжалигими, саноатми, қурилишми, ўқиш-ўқитиш соҳасими, маданий турмуш масаласими – қайси бирини олманг, ўйлаб кўриш лозим бўлган, тузатиш лозим бўлган жиҳатлар анча топилади. Хуллас, бу ўринда мен ёзувчиларнинг янги бир жанр – телепублицистика жанри билан яқиндан жиддий шуғулланиши лозимлигини айтмоқчиман. Ёзувчи фақат адабий эшиттиришларда қатнашмай, ҳамма таҳририятларнинг кўрсатувларида иштирок этса, масалан, табиат муҳофазасига, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, турмуш ва маданият масалаларига бағишланган кўрсатувларда теран ва ҳаётий

ўйлари билан чиқса, қандай яхши бўлади. Ёки шундай бир масалани олайлик: бизнинг ёзувчиларимиз ҳар йили чет элларга сафар қилишади, қардош республикаларга саёҳат қилишади, йирик саноат ва маданият марказларида бўлишади. Албатта, бу сафарлар давомида улар кўпгина янги нарсаларни кўришади, уларда янги фикр, янги мулоҳазалар туғилади. Ёзувчи «зангори экран» орқали ана шу кўрганларини гапириб берса, қардошларимиз ҳаётининг илғор ва ибратли жиҳатларини тарғиб қилса, бу ҳамма учун ҳам фойдали, ҳам шавқли иш бўларди-ку! Кўриниб турибдики, ҳали ёзувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам ТВ адабиётнинг энг яқин дўсти, энг яхши кўмакчиси экани ҳақидаги фикрни ўзига тўлалигича сингдириб олгани йўқ. Ҳали ҳамма ёзувчиларимиз ТВ соҳасида ташаббус билан иш тутаётгани йўқ.

Телевидение кўрсатувларининг сифати кўп жиҳатдан муҳаррирга ҳам боғлиқ. Шуниси қувонарлики, ўзбек ТВсининг адабий-драматик кўрсатувлар редакциясига адабиётни чуқур биладиган ва севадиган, ТВ спецификасини чуқур ўзлаштирган малакали мутахассислар тўпланишган. Бўлимнинг бош муҳаррири, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати Ғани Расулов, унинг ўринбосари Самад Пўлатов, муҳаррирлардан Асқар Ҳолиқов, Ўрол Ўтаев ва бошқалар кўп йиллардан бери адабий кўрсатувларнинг ранг-баранг ва ҳаётий бўлиши учун, давр талабларига жавоб берадиган савияга кўтариш учун жонбозлик билан меҳнат қилиб келмоқдалар. ТВ муҳаррирининг иши ҳаддан ташқари оғир иш – у кўрсатувнинг характери ва йўналишини аниқлаши, кўрсатув сценарийсини тайёрлаши, етарли даражада инжиқ ва вақти тиғиз ёзувчиларнинг бошини бошига қўшиб жамлаши, кўрсатув режиссёри билан ҳамкорлик қилиши керак. Кўрсатувнинг сифати учун жавобгарлик тўлалигича муҳаррир зиммасига тушади. Хуллас, муҳаррирнинг масъулияти катта, лекин имкониятлари чекланган. Адабий-драматик кўрсатувлар редакцияси ходимлари ана шу мураккабликларга дош бериб, жонбозлик билан меҳнат қилмоқдалар. Лекин бу айтилганлардан уларнинг ишида мутлақо камчилик йўқ, деган хулоса чиқмайди. Муҳаррирлар иши билан боғлиқ камчиликлардан бири шундаки, адабий кўрсатувларнинг мавзуси ҳамма вақт ҳам кўнгилдагидек танланмайди. «Зангори экран»да, асосан, матбуотда эълон қилинган, бинобарин, маълум даражада синовдан ўтган асарлар кўрсатилади. Ҳолбуки, ТВ учун, унинг ҳамма хусусиятларини



ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, махсус асарлар ёздириш пайти келмадими?

Бундан ташқари, «Ижод саҳифалари», «Ижод гулшани» туркумидаги кўрсатувларда ижодкорлар шеърларидан ўқилади, асарларидан парчалар кўрсатилади. Бундай ҳолларда ҳам танланадиган шеърлар кўпинча шоирнинг энг яхши шеърлари бўлмайди, парчалар эса асарнинг энг қизиқарли, энг яхши жойларидан олинмайди, асар ҳақида тугалроқ тасаввур бермайди. Асардан парча танлаш энг масъул ишлардан бири бўлиб, унга панжа орасидан қарамаслик керак. Асарлардан парча кўрсатиш билан боғлиқ яна бир мулоҳаза бор. Дуруст танланган ва яхши ижро этилган парча асарни жонлантиради, қизиқарлироқ қилади. Лекин нуқул шу услуб такрорланаверса, кўрсатувларда бир хиллик пайдо бўлиб қолади-ку. Иккинчидан, бу ишда меъёрни унутиш ҳам ярамайди. Ҳозирги айрим кўрсатувларда парчалар биринчи ўринга чиқиб қолипти, ёзувчининг гапини босиб кетяпти. Масалан, бир ёзувчи ижодига бағишланган кўрсатувга 45 минут берилса, шундан камида 25 минутида парча кўрсатилади, шеър ўқилади. Одатда, бундай кўрсатувларда бир ёзувчи эмас, 3–4 нафар ёзувчи иштирок этади. Бинобарин, қолган ёзувчиларнинг ҳар бири 5–6 минутдан гапириш имкониятига эга бўлади. Албатта, ТВ учун 5–6 минут ҳам катта вақт. Лекин шундай бўлса-да, бу вақт ёзувчи учун бирон жўяли, батафсил, теран гап айтишга камлик қилади. Хуллас, ҳар бир кўрсатувда ёзувчи ва танқидчиларнинг гапини, суҳбатини парчалар билан иллюстрация қилиш тажрибасини пухтароқ таҳлил қилиб кўриш керак. Менимча, баъзи кўрсатувларда бундан воз кечса ҳам бўлаверади. Худди шу масалада мен муҳаррир ўртоқларнинг эътирозларини кўп эшитганман. Уларнинг айтишича, ўзбек томошабини гапдан безор, уларга кўпроқ қўшиқ ва рақслар керак. Бу тўғрисида томошабинлардан кўплаб хатлар ҳам келар экан. Мен бу фикрга қўшила олмайман. Томошабин қуруқ гапдан безор десак, тўғри бўлади. Лекин маъноли, теран, ҳаётий гапдан, ҳаммани ўйлатадиган гаплардан безор эмас, аксинча, бундай гапларнинг гадоси. Мен шундай хонадонларни, шу жумладан, қишлоқда яшайдиган хонадонларни ҳам биламанки, улар доно гапларга соатлаб қулоқ солишади, уни эшитиб таҳлил қилишади, ўз тажрибалари тарозисида ўлчаб кўришади. Марказий ТВ адабий кўрсатувларини эслайлик: уларда кўпинча иллюстратив материал минимал даражада, кўрсатувнинг асосини ёзувчининг гапи

ташкил қилади. Бундай кўрсатувларни ҳаммамиз, шу жумладан, қишлоқ аҳли ҳам жон қулоғимиз билан тинглаб, мамнуният билан кўрамиз-ку! Йўқ, ҳар қандай гап эмас, қуруқ гап, маъносиз гап, замирида катта ҳаётий тажриба ётмайдиган ўткинчи гап ҳеч кимга ёқмайди. Бинобарин, адабий кўрсатувларда нуқул такрорланавериб сийқаси чиққан иллюстрациячилик усулини йўқотиш экрандаги ҳар бир жумла, ҳар бир фикр учун ёзувчининг ҳам, муҳаррирнинг ҳам масъулиятини ошириш билан боғлиқ жиддий муаммодир. Мана шундай муаммолар муҳаррирларни доимий ижодий изланишда бўлишга, дадилликка, жасоратга, қолипларни ҳайиқмай ёриб чиқишга, янги-янги усуллар ва шаклларни топиб, улардан кенг фойдаланишга ундайди. Дадиллик, доимий изланиш муҳаррир ижодининг қанотидир.

Адабий кўрсатувларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан яна бир шахсга – режиссёрга боғлиқ. Режиссёр кўрсатувнинг композициясини, безакларини, темпини белгилайди, гапириладиган гаплар билан кўрсатиладиган нарсаларнинг мослигини таъминлайди, мусиқа танлайди, кўрсатувда иштирок этувчиларни йирик, ўрта, узоқ планларда беришни ҳал қилади, актёрлар танлайди ва улар билан репетиция қилади. Кўриниб турибдики, буларнинг ҳаммаси кўрсатувнинг жонли чиқиши, қизиқарли бўлиши, томошабинни зериктириб қўймасликда муҳим роль ўйнайди. ТВдаги бирорта адабий кўрсатувни режиссёрсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Режиссёрнинг таланти, топқирлиги, фантазиясининг бойлиги, ижодий дадиллиги кўрсатувнинг бадиий савиясини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ҳозир адабий-драматик кўрсатувлар редакцияси ўз ишини пухта биладиган, қобилиятли, юксак малакали режиссёрлар жамоасига эга. Бу ўринда редакциянинг бош режиссёри Мели Маҳкамовни, режиссёрлардан Мақсуд Юнусов, Толиб Ҳамидов, Ҳамид Қаҳрамонов, Дамира Қурбоноваларни тилга олиш мумкин. Уларнинг ижодий меҳнати туфайли туғилган қатор видеофильмлар, телеспектакллар, адабий ва драматик кўрсатувлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Уларда режиссёрларимизнинг профессионал маҳорати, нозик бадиий дидн яққол сезилиб туради. Шу билан бирга, кўпгина кўрсатувлар режиссёрнинг санъати жиҳатидан оқсаётганини ҳам айтиш керак. Бу ўринда, биринчи навбатда, ижодий изланишнинг камлигини, ижодий кашфиётларнинг етарли эмаслигини таъкидлаш лозим. Бунинг оқибатида



деярли ҳамма кўрсатувлар фақат мазмун жиҳатидан эмас, шаклан ҳам бир-бирига ўхшаб қолмоқда. Кўрсатувларда ҳар қайси режиссёрнинг ўзига хос индивидуал қиёфаси, ижодий хусусиятлари яққол кўриниб турмайди. Бунинг сабаби профессионализмнинг етишмаслигида ёхуд қобилиятнинг кемтиклигида эмас, балки изланишнинг озлигида, бор имкониятлардан тўла фойдаланмасликда. Биз бу тўғрида режиссёрлар билан суҳбатлашганда, кўпинча Марказий ТВ кўрсатувларини мисол келтираман. Уларда режиссёрлар фақат павильон ёхуд студиядан кадр кўрсатиш билан чекланмайди, кўп кадрлар студиядан ташқарида – шаҳар кўчаларида, кутубхоналарда, хиёбонларда, хонадонларда олинади. Бундай кўрсатувларда режиссёрлар монтаж ёрдамида мўъжизалар яратишади. Бу ҳақда гап кетганда бизнинг режиссёрлар бир овоздан монтаж учун имконият йўқлигидан шикоят қилишади, видеомагнитафонлар камлигини, ленталар етишмаслигини, плёнкалар ўлчоғлигини айтишади. Шунингдек, жойлардан кўрсатувлар уюштириш ҳам катта ташкилий қийинчиликлар билан боғлиқ экан. Эҳтимол, шундайдир. Эҳтимол, телемарказ ходимлари ҳақиқатан ҳам ижодий жамоани зарур техник воситалар билан етарли таъминламас. Мен бу томонларини яхши билмайман. Лекин шунга аминманки, бу масалада қандайдир ўзгартиришлар киритиш лозим.

Режиссёрлар билан боғлиқ яна бир масала бор: адабий кўрсатувларга актёр танлаш масаласи. Менимча, бу ишда ҳам баъзан шошмашошарлик билан иш тутилади, ҳамма вақт ҳам юксак маҳоратли актёрлар танланмайди. Натижада, адабий парчалар кўнгилдагидек чиқмайди.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, ТВдаги ҳар бир кўрсатув каттагина ижодий жамоа меҳнатининг самарасидир. Лекин нима учун машаққатли меҳнат билан кўрсатувни тайёрлаган, унинг сифатини таъминлаган ёхуд аксинча, сифатсиз чиқишига сабаб бўлган одамларнинг номи кенг томошабинлар оммасига маълум қилинмайди. Ҳар бир кўрсатувнинг сўнгида унинг устида иш олиб борган муҳаррир, режиссёр, тасвирчи, рассом ва бошқаларнинг номи кўрсатилса бўлмайдими? Бу уларнинг масъулият ҳиссини ҳам оширарди, меҳнатига муносиб маънавий рағбат ҳам бўларди.

Мақоланинг сўнгида яна бир масалага диққатни жалб қилмоқчиман: кўриниб турибдики, ТВ соҳасида муҳокама қилиш

лозим бўлган муаммолар етарли. Бу кўпчилик билан бирга бўладиган иш. Аммо, афсуски, ҳозирча ТВ ишларига, уларнинг муҳокамасига кўпчилик жалб бўлганича йўқ. Масалан, ТВ адабиётнинг яқин дўсти, адабий тарғиботнинг қудратли қуроли эканига қарамай, Ёзувчилар уюшмаси ҳали бирон марта ёзувчилар билан ТВ муносабатларини муҳокама қилгани йўқ. Шу пайтга қадар, уч-тўрт мисолни истисно қилганда, биронта танқидчи ТВ ҳақида, ундаги адабий кўрсатувлар тўғрисида дурустроқ мақола билан чиққани йўқ. Матбуот органлари ҳам ТВ ишларини ёритиш, таҳлил қилиш, тажрибасини умумлаштириш унчалик муҳим иш деб қарамайди, шекилли, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон санъати» журналлари ТВга доир материалларни деярли бермайди…

Бизнинг тилагимиз эса эзгу – «зангори экран» билан ҳар кунги учрашув халқимиз учун чинакам байрам бўлсин!

*1980*



## АДИБ КУТУБХОНАСИДА

Абдулла Қаҳҳор ҳаётлигида у киши билан ўн йилдан сал кўпроқ мулоқотда бўлиб, бирон марта бу хонанинг остонасидан хатлаб ўтган эмасдим. Албатта, мен Абдулла аканинг иш кабинетини кўришни, китоблари билан танишишни жуда истардим, лекин «кабинетингизни бир кўрай», деб ботиниб сўрай олмаганман. Абдулла аканинг ўзи ҳам бирон марта «юринг, бизнинг кабинетни бир кўриб қўйинг» деган эмас. Назаримда, бундай дея олмас эди ҳам, чунки бунақа чучмаллик у кишининг табиатига тўғри келмас эди. Абдулла Қаҳҳор камтар, камсуқум, тортинчоқ ва андишали одам эди. Ўзининг шахсиятига алоқадор нарсани кўз-кўз қилишни ёқтирмасди. Ҳатто, қўлёзмаларини, асарларининг қоралама нусхаларини «қоғоз кўпайиб кетди» деб ташлаб юборар эди. Булар кейинчалик тадқиқотчиларга керак бўлишини, адабиётимиз тарихини яратишда асқотишини ўн йил гапириб, Абдулла акага уқтира олмаганман. Бошқа бирон одамни сабабсиз-несиз ўз кабинетига олиб кириб томоша қилдиришни бу одам мақтаниш деб билар эди. Мақтаниш эса Абдулла акага бутунлай ёт хислат, у киши ҳамма нарсанинг табиий ва содда бўлишини ёқтирарди.

Орадан йигирма йил ўтди. Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги тадқиқотларимни давом эттирар эканман, у кишининг кабинети ва кутубхонаси билан танишишга эҳтиёж туғилди. Ниҳоят, Кибриё опанинг ижозати билан бу хонага қадам қўйдим...

Буюмлар ўз эгалари ҳақида кўп нарса айтиб бериши мумкин. Дарҳақиқат, кабинет, унинг анжомлари, жавонларидаги китоблар Абдулла Қаҳҳорнинг жонли сиймосини, характерини, баъзи бир қизиқ сифатларини кўз ўнгимда қайтадан гавдалантирди. Кабинет иккинчи қаватдаги кенггина чорбурчак хонага жойлашган. Хонанинг ҳовлига қараган бор-йўғи битта деразаси бўлса ҳам, анча ёруғ. Ўнг томондаги иккита девор бўйлаб полдан шифтгача китоб жавонлари ўрнатилган. Қолган деворларда бир-иккита

фотосурат осилган. Кираверишда – чап томондаги девор ёнида диван, тўғрида яна бир китоб жавони. Ўнг томонда каттагина ёзув столи ва стул. Хонанинг бор-йўқ анжоми шулар.

Ростини айтсам, мен Тошкентда ҳам, Москвада ҳам, Ленинградда ҳам анча-мунча зиёлиларнинг иш кабинетини кўришга муяссар бўлганман. Албатта, уларнинг ҳаммасида ҳам катта ўринни китоб эгалларди. Бироқ, уларнинг кўпчилигида кабинет келган одамни лол қолдиришга мўлжаллаб безатилгани сезилиб турарди. Бу хоналарнинг деворларига ғаройиб суратлар осилган бўлар, стол устида, жавонларда турли-туман антиқа буюмлар, олис-яқин мамлакатлардан келтирилган сувенирлар қалашиб ётарди. Бундай хонада одам ўзини музейга кириб қолгандай ҳис қиларди. Абдулла Қаҳҳор бунақа нарсаларга буткул бепарво эди. Унинг кабинетида шунчаки безак учун ёки бировга кўз-кўз қилиш учун қўйилган биронта буюм йўқ. Стол анча эски, лекин ишлашга қулай. Стуллар ҳам оддий, лекин пишиқ. Стол устида мактаб болалари тутадиган оддий ручка. Ҳадеб сиёҳдонга ботиравермаслик учун бўлса керак, иккита перо устма-уст қилиб боғланган.

Ҳа, буларнинг бари эътиборга лойиқ, албатта. Булар Абдулла Қаҳҳорнинг ҳар қандай дабдабадан, ҳашамдан йироқ бўлгани, ташқи безакка ҳуши бўлмаганини кўрсатади. Бироқ бу хонада мени ҳар нарсадан ортиқ лол қолдирган нарса китоблар бўлди.

Адибнинг кутубхонаси унча катта эмас, лекин унча кичик ҳам эмас. Кибриё опанинг айтишича, бу ердаги китоблар урушдан кейин йиғила бошланган. Китобларга разм солган одам бир нарсани пайқайди – адиб китобларни тўғри келганча эмас, ижоди учун, иш учун зарур бўлганларини тўплаган. Кутубхонада мақсадсиз олинган биронта ортиқча китобни тополмайсиз.

Кутубхонани кўздан кечирар эканман, беихтиёр Абдулла ака билан китоб ҳақида, китобхонлик санъати тўғрисида қилган суҳбатларимиз эсга тушади. Абдулла Қаҳҳор китоб ўқишни ёзувчилик маҳоратини эгаллашнинг энг зарур шартларидан бири деб биларди. Афсуски, ёзувчилар ўртасида ҳам, танқидчилар ўртасида ҳам жуда кўп ўқийдиган том маъноли зиёли одамлар билан бирга китоб ўқимайдиган, фикри тор, савияси паст, аллақачон орқада қолиб кетганлар ҳам учраб туради. Улар кўпинча билимсизлигини қуруқ сафсата билан, баландпарвоз гаплар билан ниқоблашга уринади. Абдулла ака бундайларни жинидан баттар ёмон кўрарди. Бир мақоласида улар тўғрисида аччиқ киноя билан «Бир тоифа ёзувчилар бор – улар китоб ёзишдан кўра китоб ўқиш қийинроқ



деб билганлари учун ёзувчилик қилишади», деб ёзган эди. Абдулла аканинг ўзи жуда кўп ўқирди. Тўғри, Абдулла ака ҳеч қачон кўп ўқиганини рўкач қилмас, билағонлигини пеш қилиб мақтанмас эди. Тўғрисини айтсам, ўша пайтларда мен Абдулла Қаҳҳорнинг қай тарзда, қандай шароитда китоб ўқишини ҳам билмасдим. Бироқ суҳбатлардан аён эдики, Абдулла ака жаҳон адабиёти классикларининг ҳам, ҳозирги замон адибларининг ҳам ижодини беш қўлдай билар эди. Биз ўн йил мобайнидаги суҳбатларимизнинг ҳаммасида, албатта, бирон конкрет адабий асар ҳақида, ўзимизда ёхуд чет элда пайдо бўлган янгиликлар тўғрисида гаплашардик. Шундай пайтда Абдулла аканинг бирор марта «шошмай туринг, бу янги асар экан, ҳали ўқиб улгурганим йўқ, янаги гал гаплашармиз» деганини эслай олмайман.

Кибриё опанинг айтишича, Абдулла Қаҳҳор кабинетга ўзгаларнинг киришини ёқтирмас, холи ишлашни маъқул кўрар экан. Эҳтимол, ана шундай холи қолган пайтларида, ёзишдан толиққан пайтларида китоблар орқали буюк мутафаккирлар билан, даҳо сўз санъаткорлари билан тез-тез суҳбат қуриб тургандир. Ахир, уларнинг суҳбати ҳамиша бениҳоя мароқли бўлади...

Адиб кутубхонасида жаҳонда машҳур бўлган деярли ҳамма ёзувчиларнинг кўп жилдлик танланган асарлари бор. Ёзув столининг орқа томонидаги жавонларда Ғарб классиклари саф тортган: В. Шекспир, Ч. Диккенс, Голсуорси, Ж. Лондон, В. Скотт, Стендаль, Т. Манн, Шиллер, Г. Уэллс, Мопассан, А. Франс... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин. Улар қаторида Лу Синь ёхуд Рабиндранат Тагор каби Шарқнинг буюк сиймолари ҳам бор. Айтиш мумкинки, Абдулла Қаҳҳор бу классикларнинг баъзи бирлари билан яқиндан дўст тутинган, айримларини ўзининг устози деб атаган ва умрининг охиригача ҳам улардан ўрганишдан тўхтамаган. Буюк француз адиби Ги де Мопассан ёхуд буюк сатирик Марк Твен шундай устозлардан эди. Абдулла Қаҳҳор ўзининг машҳур комедияларини яратганда В. Шекспир ва Бернард Шоу каби драматурглардан кўп нарса ўрганди. Жек Лондон ҳам унинг севимли адибларидан эди. Танқидчилар «Сароб» билан «Мартин Иден» романининг сюжетида муайян ўхшашликлар борлигини таъкидлашади. Лекин ҳозирча ҳеч ким бу икки адиб ўртасидаги яқинликнинг сирини очиб берганича йўқ. Ҳарҳолда, Жек Лондонни нақадар суюб ўқиганини ёзувчининг ўзи ҳам таъкидлаган эди. Абдулла Қаҳҳор кенг столига бағрини бериб, оқ қоғоз билан ҳарб олишар экан, бу классикларнинг ҳаммаси унинг елкаси узра

нигоҳ ташлаб, қаламининг югуришини кузатиб туришган, унга омад тилашган, мададкор бўлишган.

Ўнг томондаги жавонлар ҳам тирбанд. Мана – Гоголь. Бу адибдан Абдулла Қаҳҳор сатира сирларини ўрганган, инсон характерини яратиш бобида сабоқлар олган. Мана – Чехов. Бу адиб Абдулла Қаҳҳорга муборак кўзойнагини бериб, турмушга чуқуррок қарашни ўргатган. Абдулла Қаҳҳор бу устозлар олдидаги қарзларини жиндай бўлса-да, ўташга уриниб, уларнинг асарларини ўзбек тилига ағдарган. Мана, эллик йилдирки, ўзбек китобхони Пушкиннинг «Капитан қизи»ни, Гоголнинг асарларини Абдулла Қаҳҳор таржимасида мириқиб ўқиб келмоқда. Абдулла Қаҳҳорнинг қалами Лев Толстойнинг шоҳ асари «Уруш ва тинчлик»ни ўзбек китобхонига яқин қилди.

Абдулла Қаҳҳор ўзи таржима қилолмаган асарлар таржимасини таҳрир қилиб бўлса-да, ўзбек китобхонига етказишга уринган. М.Ю. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», И.С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» романлари, А.П. Чеховнинг бир қатор ҳикоялари биринчи марта ўзбек тилида Абдулла Қаҳҳор таҳририда босилган эди.

Булардан ташқари, Т. Шевченко, В. Василевская, В. Лацис каби ижодкорларнинг кўп жилдлик асарлари ҳам кутубхонадан муносиб ўрин эгаллаган. Ва яна ўнлаб уч томлик, икки томлик, бир томлик танланган асарлар, ҳар хил тўпламлар, айрим-айрим китоблар борки, буларнинг бари Абдулла Қаҳҳорнинг қизиқиш доираси ғоят кенг бўлганини кўрсатади. Ҳарҳолда жаҳон адабиётининг кечаги ва бугунги кунини ифодаловчи ранг-баранг харитада Абдулла Қаҳҳорнинг нигоҳи тушмаган нуқта йўқ эди, десак муболаға бўлмас. Унинг ижоди ана шундай мустаҳкам заминга қурилган эди.

Адиб кутубхонасининг бойлиги фақат бадиий асарлар билан чекланмайди. Бундаги яна бир гуруҳ китоблар менинг алоҳида эътиборимни тортди.

Маълумки, Абдулла Қаҳҳор беназир сўз устаси эди. Ёзувчини ёзувчи қиладиган энг муҳим нарсалардан бири сўзни ҳис қила билишдир. Балки ёзувчилик истеъдоди каби сўз туйғуси ҳам туғма бўлар, лекин шуниси ҳам аниқки, ёзувчи бутун умри давомида бу туйғуни тарбиялаб, парваришлаб, озиклантириб бориши зарур. Адиб сўз устида ишлаганда ҳар хил имкониятлардан, манбалардан, луғатлардан фойдаланади. Абдулла Қаҳҳор кутубхонасида турли-туман луғатлар жуда кўп экан. Мен, ҳатто, тилшунос дўстларимнинг



кутубхоналарида ҳам бу қадар кўп луғат кўрмаганман. Шу луғатлар билан танишганимда адибнинг тил бобидаги сеҳргарлиги сирларини, жиндай бўлса-да, англагандай бўлдим.

Кутубхонада В. Далнинг тўрт томлик рус тили луғати, Д.Н. Ушаковнинг тўрт томлик рус тилининг изоҳли луғати, С.И. Ожеговнинг бир томлик рус тили луғатлари бор. Кўп ишлатилганидан уларнинг муқовалари эскириб, айрим саҳифалари титилиб кетибди. Булардан ташқари, русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатларнинг ҳамма нашрлари мавжуд.

Абдулла Қаҳҳор ҳар бир сўзнинг маъно турларини таг-тагигача англаб олишга интилар, уларнинг ўзбек тилидагина эмас, қардош туркий тилларда қандай қўлланилишини билишни истар, сўзлар этимологияси билан ҳам жиддий шуғулланарди. Бу ишда унга «Девони луғотит турк» каби қадимий луғатлар, ўзбек тилининг фразеологик луғати ёхуд арабча-русча, форсча-русча, афғонча-русча, туркча-русча, русча-озарбайжонча луғатлар ёрдам берарди. Луғатлар орасида М.С. Боднарскийнинг 1958 йилда нашр этилган «Географик номлар луғати» ҳам бор. Бундай китоблар айрим сўзларнинг келиб чиқиши ва таржимаи ҳолини ўрганишда фавқулодда аҳамиятга эга. Одатда, уларда тарихий, филологик, этнографик маълумотлар кўп бўлади. Ҳамма нарсани пухта билишга интилган адибнинг бундай қимматли китобни қўл остида сақлагани бежиз эмас, албатта. Луғатлар ҳақида гапирганда яна икки китобни тилга олишни истардим. Буларнинг бири аллақачон библиографик нодир асарга айланиб кетган, ҳатто илмий кутубхоналарда ҳам топилавермайдиган китоб – 1920 йилда Қозонда «Аср» деган китоб нашр этиш ширкатида босилган тўла рус-татар луғатидир. Уни С. Раҳмонқулов ва А. Карам тузган бўлиб, луғат ҳозир ҳам ўзининг илмий қимматини йўқотган эмас. Иккинчи китоб эса 1959 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти томонидан нашр қилинган С. Иброҳимовнинг «Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси» деб аталган асаридир. Китоб сотувга чиққан кезларда «менга зарурати йўқ» деб харид қилмаган эдим, энди жуда афсусланяпман. Жуда катта меҳнатнинг, чинакамига илмга фидокорликнинг маҳсули сифатида майдонга келган бу асарда турли касбларда қўлланадиган сўзларнинг маъноси мукаммал очиб берилган. Бу луғатни ғаройиб бир саргузашт романдек ўқиб чиқасиз... Табиийки, бундай асар ёзувчининг энг яқин ёрдамчиси бўлади, сўзларнинг сирини ўрганишда, сеҳрини кашф этишда унга ҳар жиҳатдан мадад беради.

Кутубхонадаги луғатлар орасида лотинча-русча, французча-русча, немисча-русча луғатлар ҳам бор эдики, уларни кўриб таажжубга тушдим. Чунки Абдулла Қаҳҳорнинг Европа тилларидан бирортасини билганидан бехабар эдим. Шундоқ экан, бу луғатларнинг унга нима кераги бор? Кибриё опанинг изоҳидан кейин масала равшан бўлди. Маълумки, урушдан кейинги йилларда Абдулла Қаҳҳор Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» асарини таржима қилган эди. Эпопеяда француз тилида ёзилган парчалар, персонажларнинг нутқи кўп учрайди. Афтидан, Абдулла Қаҳҳор айрим француз сўзларининг маъносини чуқурроқ англаш учун луғатларга мурожаат қилган.

Ҳа, Абдулла Қаҳҳор луғатлар устида кўп тер тўккан, кунт билан меҳнат қилиб, тил бобидаги маҳоратини чархлаган. Хилма-хил луғатларни варақлар эканман, уларнинг саҳифаларида адибнинг қалами қолдирган беҳисоб белгиларни кўздан кечирар эканман, миямда бир фикр тинимсиз чарх уради: бу дунёда ҳеч нарсага осон эришиб бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор асарларини ўқиганда бизга адибнинг қалами осон ва равон югургандай, сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келгандай туюлади. Ҳолбуки, бу равонлик ва табиийлик заминида игна билан қудуқ қазишдек машаққатли меҳнат бор экан.

Абдулла Қаҳҳорнинг қизиқиш доираси ғоят кенг бўлгани ҳақида юқорида гапирдик. Абдулла Қаҳҳор ёзувчининг савияси жуда юқори бўлиши кераклигини кўп таъкидларди. Савиянинг пастлиги қизиқиш доирасини торайтиради, бу эса атрофингда содир бўлаётган воқеаларга лоқайд муносабат уйғотади ва шу тарзда аста-секин нодонлик ботқоғига ботиб бораётганингни ҳис қиласан. Ҳолбуки, минглаб одамларга таъсир кўрсатишни мақсад қилиб олган, уларнинг қалбларида яхшилик уруғларини ундиришга интилган ёзувчи, биринчи навбатда, мутафаккир бўлиши лозим. Унинг китобхонга айтадиган салмоқли гапи бўлиши шарт. Фикр ҳам, салмоқли гап ҳам осмондан тушмайди. Улар кўп ўқиш, кўп ўрганиш оқибатида, инсоният яратган билим захираларини имкони борича кенгроқ ва чуқурроқ ўзлаштириш оқибатида туғилади.

Абдулла Қаҳҳор адабиётдан ташқари жаҳон халқларининг ўтмишига, уларнинг маданияти тарихига, санъати босиб ўтган мураккаб йўлларга ҳам катта қизиқиш билан қараган. Унинг кутубхонасидаги ўн томлик «Умумжаҳон тарихи» деган фундаментал тадқиқот, олти томлик «Санъатнинг катта тарихи», Авдиевнинг «Қадимги Шарқ тарихи» каби асарлар шундан далолат беради. Адиб, айниқса, Ўрта Осиё халқлари тарихига алоҳида қизиқиш билан қараган. Шунинг учун ҳам бу масалаларга бағишланган китоблар нисбатан кўпроқ. Кутубхонадаги тарихий асарлар орасида шундайлари ҳам борки, улар бугунги кунда ғоят нодир асарлар ҳисобланади. Масалан, Н.Остроумовнинг Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори К.П. фон Кауфман ҳақидаги хотиралари ёхуд Генри Говортнинг «Чингизхон» асари шулар жумласидандир.

Кутубхонада ижтимоий таълимотлар тарихига доир «Сен-Симон таълимотининг баёни», ижтимоий тарихга оид А.И. Тюменевнинг «Меҳнат тарихи», дин тарихига алоқадор Р. Шарлнинг «Мусулмон ҳуқуқи» ва Г. Иброҳимовнинг «Исломнинг чиқиб келиши ва ижтимоий илдизлари» каби китоблар ҳам бор. Ниҳоят, Клаузевицнинг «1812 йил» ва Ф. Вительснинг 1925 йилда Ленинградда нашр этилган «Фрейд. Унинг шахсияти, таълимоти ва мактаби» деган китобларини ҳам айтиш керакки, булар ҳам адибнинг билимга чанқоқлиги нақадар зўр бўлганидан далолат беради. Албатта, шунчалик кўп китоб кўрган, шунчалик кўп нарсага қизиққан одамнинг нигоҳи ҳам жуда теран бўлади. Бундай одам инсониятнинг кечмиши ҳақидаги билимларга таяниб, унинг келажагига ҳам назар ташлай оладиган қудратга эга бўлади.

* * *

Ҳар гал минглаб томлардан ташкил топган кутубхоналарни кўрганимда қаршимда бир савол кўндаланг бўлади: кутубхона эгаси бу китобларнинг қанчасини ўқиганикин? Худди шу савол Абдулла Қаҳҳор кутубхонаси билан танишганимда ҳам қалқиб чиқди. Абдулла ака ҳаётлигида у киши билан бу мавзуда гаплашмаган эдик. Абдулла аканинг жуда кўп ўқиганини билардим-у, лекин кутубхонасидаги ҳамма китобларни ўқиганми-йўқми, буни билмасдим. Ҳозир ҳам – кутубхонадаги китоблар билан танишиб чиққанимдан кейин бу саволга узил-кесил жавоб беришга ожизман. Албатта, китобларнинг кўпида муайян белгилар бор, уларга қараб ҳукм қилганда, Абдулла ака бу китобларни синчиклаб ўқиган. Лекин фақат шунга қараб ҳукм қилиб бўлмайди-да. Масалан, Пушкиннинг танланган асарларида ёхуд Гоголь асарларида биронта китобга белги қўйилмаган, биронта жумла ёки биронта сўзнинг тагига чизилмаган. Шунга қараб, Абдулла

Қаҳҳор Пушкин ёки Гоголь асарларини ўқимабди, деб хулоса чиқарсак кулгили бўларди-ку. Ахир, адиб уларнинг асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган эди. Масаланинг яна бир томони бор. Умрининг сўнгги йилларида, хасталик сабаб бўлиб, Абдулла ака китоб ўқишнинг янги усулига ўтиб олган эди. Бу усулга кўра, Абдулла ака ишдан толиққан пайтларида диванга ёнбошлар, Кибриё опа эса стулни диванга яқинроқ суриб, бурнининг устига кўзойнагини қўндириб, эскими-янгими бирор асарни овоз чиқариб ўқишга киришар эди. Абдулла ака диққат билан қулоқ солар, керакли ўринларда Кибриё опани тўхтатиб, мулоҳазаларини айтар, китоб ўқиб бўлингач, икковлари яна анча вақтгача уни муҳокама қилишар эди. Кибриё опа шу усул билан анча-мунча китоб ўқилганини эслайдилар. Табиийки, бу йўл билан ўқилган китобларга ҳам қалам билан белги қўйилган эмас. Ўйлайманки, «Адиб кутубхонасидаги китобларнинг қанчасини ўқиган?» деган саволга энди ҳеч ким узил-кесил жавоб беролмаса керак. Очиғини айтганда, бу саволга жавоб қидиришнинг унча зарурати ҳам йўқ. Муҳими – адиб ҳамиша кўп ўқишга интилган.

Ёшлар масаланинг яна бир жиҳатига эътибор беришса ёмон бўлмас эди. Бу «Абдулла Қаҳҳор китобни қандай ўқиган эди?» деган масала.

Агар одам бир кунда ўртача ҳисобда 50 бет китоб ўқийди десак, 70 йил умр кўрса, ҳар бири 250 саҳифалик 3–3,5 минг китоб ўқиб чиқиши мумкин. Ҳолбуки, шу пайтгача яратилган ва бундан кейин яратиладиган яхши китобларнинг сони бу рақамдан икки-уч баравар ортиқ. Хуллас, бугунги кунда ҳар бир китобхон олдида умуман ўқиш муаммоси эмас, танлаб ўқиш муаммоси кўндаланг турибди. Бугина эмас. Бугунги кун китобхондан ўқиш техникасини мукаммаллаштириш, ўқилган нарсани хотирада пухтароқ сақлаб қолиш, оз вақт ичида кўпроқ нарса ўқишни ҳам талаб қиляпти. Бу масалаларни самарали ҳал қилишда, шубҳасиз, Абдулла Қаҳҳордек юқори малакали китобхонларнинг тажрибаси, улар қўллаган ўқиш методикаси катта ёрдам бериши мумкин.

Абдулла Қаҳҳор кутубхонасидаги китобларнинг биридан бир варақ қоғоз чиқди. Сарғайиб кетган бу бир варақ қоғозга зангори ҳарфлар билан лотинча ёзувда тақриз ёзилган эди. Уни тўлалигича келтираман:

«Ғилоф бандаси»

Чехов. Р. Исҳоқов таржимаси. 1935 й.

Таржима аслига яқин, шу билан бирга, бошқа кўп таржималарга ўхшаган ўзбекча жумла тузилишларига риоя қилинмаган эмас. Баъзи ерларида дарров тушуниб бўлмайдиган ўринлари бўлса-да, бу нахрий белгиларнинг қўйилишига диққат қилинмаганликдан келиб чиққан. Бу нарса ЎзГИЗ маҳсулотининг деярли ҳаммасида учрайди, чунки солиштирувчилар, корректорларнинг кўпчилиги бу белгиларни билмайдилар. Масалан, ё ҳозирги китобларда тамом йўқ, мабодо учраб қолса ҳам нотўғри қўйилган бўлади. Яна шуларнинг айби билан бўлса керак, монолог ва диалог аломатлари нотўғри қўйилган. 13-саҳифада Беликовнинг гапини бошқа одам айтади. Беликовнинг бошлаган сўзи ярмига борганда бошқа одамга берилади. Китобда анчагина ҳарфий хатолар ҳам бор. Китобнинг кўриниши яхши. Ҳарфлар ўқишли...

6. XII. 36.»

Кўриниб турибдики, адиб Чеховнинг битта ҳикоясидан ташкил топган китобчани қўлда қалам билан синчиклаб ўқиган ва ўқиб чиқиб, ўзида туғилган мулоҳазаларни тақриз шаклида ёзиб қўйган. Тўғри, бу тақризда асарнинг ғоявий мазмуни, асосий қаҳрамонлари ҳақида гап йўқ, лекин шу аҳволда ҳам тақриз фойдали. Унинг фойдаси шундаки, бу тақриз китобхонга ўқилган китобни чуқурроқ эслаб қолишга ёрдам беради. Йиллар ўтиб, ўқилган нарсанинг мазмуни хотирадан кўтарилиб кетса ҳам, тақриз ёрдамида уни қисқа муддатда қайта тикласа бўлади. Билмадим, Абдулла Қаҳҳор бу методни мунтазам қўллаганми, йўқми? Ёхуд ўқиган китобларини бирон дафтарга қайд қилиб қўйганми? Эҳтимол, Абдулла Қаҳҳор шундай қилгандир, бироқ кейинчалик «қоғоз кўпайиб кетди» деган баҳона билан ташлаб юборгандир. Ҳарҳолда, унинг юқоридаги тажрибасидан келиб чиқиб, ёш китобхонларга бу нарсани тавсия этса бўлади.

Ўқиган нарсаларингизни чуқурроқ эслаб қолишни истасангиз, битта дафтар тутинг. Унга ёзувчининг фамилиясини, китобнинг номини, неча саҳифа эканини, сурати бор-йўқлигини, қайси йили, қайси шаҳарда, қайси нашриётда босилганини, таржима асар бўлса, таржимони ким эканини, китобга ким муҳаррир бўлганини, китобни неча кунда, қандай шароитда ўқиганингизни ёзиб қўйинг. Шундан сўнг китобнинг асосий мазмунини, сюжет ривожини, бош қаҳрамонларини, уларнинг тақдирини ёзинг. Ўзингизга жуда маъқул бўлган жойларни алоҳида таъкидланг, ҳатто китобдан парчалар кўчиринг, маъқул бўлмаган жойлари ҳақида танқидий мулоҳазаларингизни ёзиб боринг. Буларнинг

бари 2–3 саҳифа бўлиши мумкин ва бунга кўп деса ярим соат вақт кетади. Аммо бир-икки йилдан кейин шу дафтарингизни қайта ўқисангиз, худди ўша асарни янгидан ўқиётгандай бўласиз. У ўзининг теран мазмуни билан, гўзал деталлари ва жозибадор тафсилотлари билан кўз ўнгингизда қайта гавдаланади. Фақат адабиётчилар, ижодкорларгина эмас, бошқа жамики китобхон ҳам шу тавсияга амал қилса, чакки бўлмас эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг китобхон сифатида яна бир ибратли усули бор эди. У кўп китобларини қўлда қалам билан синчиклаб, эътиборини тортган жойларининг тагига чизиб ўқиган (у фақат шахсий китобларига белги қўйганини алоҳида таъкидлаш шарт бўлмаса керак).

Бу ўринда, Абдулла Қаҳҳор бадиий асарларни ўқиганда уларнинг мазмунига, сюжетнинг ривожига, характерлар тасвирига, воқеалар ўртасидаги боғланишга алоҳида аҳамият берганини айтиш лозим. У, айниқса, ўзбек ёзувчиларининг асарларини ўқир экан, улардаги тасвир меъёри бузилган ўринлардан, ҳаёт мантиғига путур етган ўринлардан кўз юмиб ўтиб кетолмасди. Асар тилидаги ҳар қандай сохталик унинг диққатини тортар, ғализ иборалар, ўринсиз ишлатилган сўзлар остини чизиб, ҳошиясига савол белгилари қўйиб қўярди. Бир адибнинг ҳикоясида қизғин жанг бораётган чоғда жангчи йигитнинг тўнка устида онасига мактуб ёзаётгани тасвирланган эди. Абдулла Қаҳҳор шу тасвир ёнига каттагина савол аломати қўйган. Кейинчалик ёшлар билан учрашувда шу ҳикояни ҳаётийликдан маҳрумлиги учун қаттиқ танқид қилган эди. Бошқа бир асарда эса «Катта қишлоқни, водийнинг қирғоғи бўлишига қарамай, икки областнинг киндиги деса бўлади» деган жумланинг остига чизган. Шунингдек, шу асарда яна «унинг чўзиқ оқиш юзи, катта қора кўзлари, ўнг бетидаги холи, туташиб кетган қайрилма қоши, майда ўрилган узун сочлари сув бетида ўйнаб турар эди» деган жумланинг ости чизилган. Кўриниб турибдики, бу жумлалар ғализлиги билан, маъносининг саёзлиги билан адибнинг ғашини келтирган. Ахир, қандай қилиб қишлоқни областларнинг киндиги дейиш мумкин ёхуд қандай қилиб ўнг бетдаги холнинг сув бетида ўйнаб турганини тасаввур қилиш мумкин. Бадиий асарга ана шундай синчковлик ва талабчанлик билан ёндашилган мисолларни яна кўплаб келтирса бўлади.

Бадиий асарларни профессионал ёзувчи сифатида ўқиган Абдулла Қаҳҳор илмий асарларни бошқачароқ ўқир эди. Уларни ўқишда, биринчи навбатда, асардаги илмий хулосаларга, янги мулоҳазаларга, баҳсли ўринларга эътибор берар, аввал хабари бўлмаган фактларга, маълумотларга дуч келганда уларнинг остини чизиб қўяр ва шу нуқталарни албатта эслаб қолар эди. Бу ўринда ҳам битта мисол келтириш билан чекланаман. Юқорида адибнинг китоблари орасида Генри Говортнинг «Чингизхон» деган асари борлигини айтган эдик. Бу асар қайси йилда нашр қилингани, қайси нашриёт чиқаргани ҳақида маълумот йўқ. Китобнинг охирига Абдулла Қаҳҳор қизил қаламда имзо чекиб, «7.XI.42» деган санани ёзиб қўйган. Бу китобнинг харид қилинган санаси эмас – 7 ноябрь куни магазинлар ишламаган. Ҳарқалай, шу куни китоб ўқиб тугатилган бўлса керак. Бу китобнинг ҳам жуда кўп жойига қалам теккизилган. Абдулла Қаҳҳор Чингизхон биографиясидаги кам маълум бўлган нуқталар остига чизган, унинг армиясидаги тартибларни таъкидлаган. Уни, айниқса, Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга юриши билан боғлиқ воқеалар, бу ердаги аҳолининг унга кўрсатган қаршилиги, Жалолиддиннинг Чингизхонга қарши кураши қизиқтирган. Шунингдек, Чингизхоннинг шафқатсизлигини кўрсатадиган фактлар ҳам алоҳида таъкидланган. Масалан, унинг Ҳиротга юриши, бир неча ой давомида уни қамал қилгани, шаҳарни олгандан сўнг унинг аҳолисидан фақат қирқ кишигина тирик қолгани ҳақидаги фактларнинг остига чизилган. Буларнинг барчаси Абдулла Қаҳҳорнинг китобни нақадар синчковлик билан ўқиганини ва ҳамиша ўқиган нарсасини пухта ўзлаштириб борганини кўрсатади. Баъзан суҳбат чоғида, хонаси келиб қолганда Абдулла ака Чингизхоннинг ҳаёти ва юришларига оид ғалати фактларни гапирса, уларни қаёқдан билишини англаёлмай кўп ҳайрон бўлардим. Кейин маълум бўлишича, буларни у ноёб китоблардан ўқиб билиб олган экан.

Абдулла Қаҳҳорнинг китобхонлик бобидаги тажрибасидан чиқадиган яна бир оддий, лекин ғоят муҳим хулоса шундайки, ёзувчи тинмай маҳоратини ошириб бориши учун кўп ўқиши кифоя эмас, ўқиганини уқиши ҳам зарур.

* * *

Абдулла Қаҳҳор кутубхонасидаги жавонлардан бирида дастхатли китоблар сақланади. Юзлаб ёзувчилар ва шоирлар, драматурглар ва мунаққидлар китобларига дил сўзларини ёзиб, адибга тақдим этишган. Улар орасида атоқли рус ёзувчилари ҳам, жаҳонга танилган украин ва белорус, арман ва озарбайжон, турк-

ман ва қозоқ, қорақалпоқ ва тожик ёзувчилари ҳам, ҳатто бир қатор чет эл адиблари ҳам бор. Лекин, табиийки, дастхатли китобларнинг кўпи ўзбек ёзувчилариники. Улар Абдулла Қаҳҳорнинг жуда катта обрўга эга бўлганидан, ҳамкасб дўстлари ўртасида йирик санъаткор, талабчан устоз, ҳалол ва самимий инсон сифатида чуқур ҳурмат қозонганидан далолат беради. Дастхатлар Абдулла Қаҳҳорга ҳурмат ва муҳаббатнинг ҳароратини, юксаклигини ҳам, географияси кенглигини ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбек ёзувчилари Абдулла Қаҳҳорга 30-йилларнинг бошлариданоқ китоб тақдим қила бошлашган. Бу китоблар орасида Мўминжон Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари»ни, Туйғуннинг достонларини, Олтой, М. Даврон, Ойдин, Ҳасан Пўлат, Қосимжон Ҳошим, Талас, Темур Фаттоҳ кабиларнинг китобларини кўрамиз.

Шу ўринда бир қизиқ фактга дуч келамиз: кутубхонада кўп ёзувчиларнинг китоблари бор-у, 30-йилларда фаол ижод қилган, китобхон ўртасида анча-мунча шуҳрат қозониб қолган Усмон Носир, Амин Умарий, Боту, Элбек, Шариф Ризо кабиларнинг, шунингдек, Абдулла Қодирийнинг биронта дастхатлик китоби йўқ. Буларнинг ҳаммаси бўлмаганда ҳам, лоақал баъзилари Абдулла Қаҳҳорга китобини тақдим этмаган бўлиши мумкин эмас. Масалан, Шариф Ризо Абдулла Қаҳҳорга ҳамшаҳар бўлишидан ташқари, улар ўртасида муайян ижодий ҳамкорлик мавжуд эди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида Шариф Ризо тўплаган Афанди латифаларини Абдулла Қаҳҳор таҳрир қилиб, олтита китобча шаклида нашр қилдирган. Шундоқ экан, Шариф Ризо «Қор ёғди, излар босилди» қиссасини дўстига тақдим қилмаслиги мумкинмиди? Ёки Абдулла Қодирийни олайлик? Абдулла Қаҳҳор бир неча суҳбатда уни жуда ҳурмат қилишини, ораларида яқин муносабатлар бўлганини, ёзувчининг руҳий дунёси ғоят бой, маданий савияси жуда юксак бўлганини гапирган эди. Абдулла Қодирий ҳам бирон китобини энди ўсиб келаётган, ёшлигига қарамай, зўр ижодий дадиллик билан қалам тебратаётган адашига тақдим қилган бўлиши мумкин. Лекин бу китобларнинг ҳеч қайсиси кутубхонада сақланиб қолмаган – улар ё эски уйда қолиб кетган ёки бошқа бирон сабаб билан йўқолган.

Дастхатли китобларнинг бир қисми Абдулла Қаҳҳорнинг тенгдош дўстларига – у билан ё олдинма-кейин адабиётга кириб келган, ўзбек адабиётининг юксалишига катта ҳисса қўшган ижодкорлар қаламига мансуб. Булар Ойбек, Уйғун, Ғафур Ғулом,



Ҳамид Олимжон, Зулфия, Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулла каби ижодкорлардир. Уларнинг дастхатлари бу адиблар билан Абдулла Қаҳҳор ўртасидаги бирда самимий, дўстона, бирда қуруқ расмий муомалалардан юқорига кўтарила олмаган муносабатлар ҳақида тасаввур беради. Мана, Ойбекнинг дастхатини олайлик. Ойбек Абдулла Қаҳҳорга учта китобини совға қилган. Буларнинг биринчиси «Қутлуғ қон» романининг 1943 йилда Тошкентдаги русча нашри бўлиб, унга арабча ёзувда «Дўстим Қаҳҳорга! Севги билан юракдан Ойбек. 26.VIII.43», деб ёзилган. Иккинчи китоб – «Қизлар» достони. Ундаги ёзув ҳам мазмунан биринчи ёзувни такрорлайди: «Қимматли дўстим Абдуллага юракдан эсдалик. 1.XII.48».

Бу китобни совға қилганда Ойбек Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг раиси эди. Учинчи китобни совға қилганда эса Абдулла Қаҳҳор раислик лавозимида эди. Бироқ шунга қарамай, бағишловлар оҳангидаги самимият сира ўзгармайди. Бу гал Ойбек дўстига «Олтин водийдан шабадалар»нинг украин тилидаги нашрини совға қилади ва рус тилида бағишлов ёзади: «Дорогому товарищу Каххару с большим уважением и пожеланием творческих успехов. 27.X.56».

Кўриниб турибдики, учала бағишловда ҳам Ойбек Абдулла Қаҳҳорга теран ҳурматини изҳор қилган ва ўрталаридаги самимий дўстликни таъкидлаган. Бу бежиз эмас эди, албатта. Икки улкан адиб ўртасида чиндан ҳам теран дўстона муносабатлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча ижодий ҳамкорликда ҳам намоён бўларди. Бу ўринда бир фактни эслаш кифоя: Абдулла Қаҳҳорнинг уруш йилларида ва урушдан кейинги дастлабки йилларда чиққан китобларининг деярли ҳаммасини Ойбек таҳрир қилган.

Ҳозир адабиётимиз оқсоқолларига айланиб қолган Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Ғулом, Туроб Тўла, Шуҳрат ва яна бошқа кўпгина ёзувчилар 50–60-йилларда адабиётимизнинг ўрта авлод вакиллари ҳисобланарди. Юзлаб ижодкорлардан ташкил топувчи бу авлоднинг бирорта вакили йўқки, у Абдулла Қаҳҳорга китоб тақдим этмаган бўлсин. Уларнинг баъзилари бир эмас, бир нечталаб китобларини совға қилишган. Табиийки, у бағишловларнинг ҳаммасини бу ерда келтириб бўлмайди. Шартли равишда уларни мазмунига қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳдаги бағишловларда муаллифлар Абдулла Қаҳҳорни «устоз» деб аташади, ўзларини адибнинг шогирди сифатида таърифлашади, устознинг ибрати учун, ижодий

сабоқлари учун ҳар хил шаклларда миннатдорлик билдиришади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорга беш-олтита китобини совға қилган Саид Аҳмад деярли ҳамма бағишловида ўзини адибнинг шогирди эканини таъкидлайди: «Ҳурматли Абдулла ака! Сизга шогирдингиздан самимий эсдалик!» деб ёзади у 1967 йилнинг 1 январь куни адибга совға қилган «Уфқ» романининг бағишловида. Дарҳақиқат, Саид Аҳмаднинг ёзувчи сифатида камол топишида Абдулла Қаҳҳорнинг хизмати катта бўлган. Бу «Уфқ»қа ёзилган сўзбошидан аниқ кўринади.

Яна бир мисол. Таниқли адиб Пиримқул Қодиров илк романи «Уч илдиз»ни Абдулла Қаҳҳорга қуйидаги бағишлов билан тақдим этган: «Мухтарам Абдулла ака! Ҳам адабиёт, ҳам одамиёт бобида ҳам таълим бериб, ҳам ўрнак бўлаётганингиз учун раҳмат! Шогирдингиз Пиримқул. 10 январь. 1959. Москва».

Бундай бағишловларни жуда кўплаб келтириш мумкин. Шу муносабат билан яна бир мулоҳазани ўртага ташлаш кераккa ўхшайди. Албатта, «Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди» деган ном жуда юксак. Кўпдан-кўп қалам аҳли ўзининг шундай аталишини ич-ичидан жуда исташи мумкин. Бироқ, одам ўзини шогирд деб атаган билан шогирд бўлавермайди-да. Шогирд бўлишнинг ҳам муайян шартлари, талаблари бор. Шогирд бўладиган одам устозининг ишини давом эттиришдан ташқари, устозидаги сифатларнинг ҳаммасини бўлмаса ҳамки, баъзи бирларини эгаллаган бўлиши, устозидай бағри кенг, талабчан, принципиал, мослашишни билмайдиган, ҳалол бўлиши керак.

Афсуски, бағишловларда Абдулла Қаҳҳорни «устоз» деб атаган, ўзини унинг шогирди деб эълон қилган юзлаб ёзувчиларнинг ҳаммаси ҳам шу мартабага муносиб эмасди. Бироқ ҳозир гап бунда эмас, гап 50–60-йилларда деярли ҳамма ўзбек ёзувчиларининг Абдулла Қаҳҳорга жуда теран муҳаббат билан қараганида.

Кўп бағишловларда Абдулла Қаҳҳорнинг ёзувчиларга яқиндан берган ижодий кўмаги ҳақида гап боради. Таниқли шоир Мамарасул Бобоев Мусо Жалил шеърларини таржима қилиб нашр эттирган ва шу китобини 1956 йилда Абдулла Қаҳҳорга тақдим этган эди. Шоир ёзади: «Ҳурматли Абдулла акамга! Маънавий ёрдамингиз билан чиққан шу китобни Сизга хотира учун тақдим қиламан. Таржимон М. Бобоев. 24.2.56». Ёзувчи Носир Фозилов ҳам «Қуш қаноти билан» деган китобини тақдим этар экан, «Ушбу китобчанинг юзага чиқишида берган устозлик маслаҳатларингиз учун раҳмат», деб миннатдорчилик билдиради. Носир Фозилов



билан Абдулла Қаҳҳор ўртасидаги ижодий алоқа анча бақувват бўлса керакки, Носир Фозилов баъзан бағишловларида ҳадди сиғиб ҳазил ҳам қилади. У Габиден Мусреповнинг ўзи таржима қилган китобини Абдулла Қаҳҳорга қуйидаги бағишлов билан тақдим этади: «Ардоқли устоз Абдулла Қаҳҳорга – ўзбек адабиётининг генералига! «Қозоқ солдати»ни ағдариб ташлаган ўзбек солдатидан. Носир. 20.VIII.63».

Албатта, дастхатли китоблар муаллифларининг ҳар қайсисига Абдулла Қаҳҳор қандай ёрдам берган – асар қўлёзмасини ўқиганми, тақриз ёзганми ё ёзувчининг ниятини маъқуллаганми – аниқ айтиш қийин. Шуниси аниқки, бу улкан адиб қўлидан келган жойда ҳеч кимдан ёрдамини аяган эмас.

Дастхатли китоблар ичида яна бир гуруҳ бағишловлар борки, улар ҳам ғоят ўзига хос. Маълумки, Абдулла Қаҳҳор ижодда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам жуда талабчан эди. Унга бирон нарсани маъқул қилиш ғоятда қийин иш эди. Мабодо бирон асар маъқул бўлмаса, муаллифнинг ишидан кўнгли тўлмаса, у битта-иккита жумлада асарга шундай таъриф берардики, кейинчалик бу таъриф адабий доираларда тилдан-тилга кўчиб юрарди. «Адиб мих урибди-ю, лекин михи қайрилиб қолибди», «Бу асар чала дамланган ошга ўхшайди», «Бу роман ўқиб ёзилибди» қабилидаги таърифлар шулар жумласидан. Лекин, қизиғи шундаки, Абдулла аканинг чақиб оладиган таърифидан қўрқмай, китобини совға қилиб, унинг фикрини эшитишни истаган ёзувчилар кўп бўлган. Бағишловларнинг кўпида ана шу истак рўй-рост айтилади. Баъзи муаллифлар асар ёзаётганларида Абдулла Қаҳҳор кўз ўнгида туришини, гўё ёзувчи елкаси оша қоғозга назар ташлаб, қаламининг юришини тергаб тургандек туюлишини таъкидлашади. Яна шоир Мамарасул Бобоевдан мисол келтираман. У 1958 йилда «Танланган асарлар»ига шундай бағишлов ёзган: «Ҳурматли адиб Абдулла Қаҳҳорга! Шу китобдаги маъқул топилган шеърларнинг ёзилаётганида доимо қаршимда турган талабчан муҳтарам сиймонгизга самимий миннатдорчилигимни билдираман, устоз. Автор. 7.VI.1958».

Услубидаги жиндай ғализликни муаллифнинг ўта ҳаяжони билан изоҳлаш мумкин, лекин бағишловнинг самимийлиги шубҳа туғдирмайди. Раҳмат Файзий 1959 йилгача ҳам анчагина танилиб қолган эди. Лекин Абдулла Қаҳҳорга китоб берган эмас экан. Буни 1959 йилда «Кишиларимиз қиссаси» китобига ёзган бағишловида шундай изоҳлайди: «Ҳурматли устоз Абдулла ака! Шу вақтгача китоб ҳадя қилолмаганман. Бу гал шунга

журъат этдим. Ғашингизни келтирадиганлари бор, албатта, койиманг. Маслаҳат, насиҳатларингизга ҳамиша муҳтожман. Чукур ҳурматим сизга. Таъзим билан Р. Файзий. 8.I.60».

Бу бағишловларда теран эҳтиром билан бирга алланечук ҳайиқиш ҳам сезилиб турибди. Шундай экан, нега улар Абдулла Қаҳҳорга китоб тақдим этишади? Бунинг сабаби битта: чин ёзувчи мақтовдан кўра кўпроқ адолатли, ҳалол гапга муҳтож. Абдулла Қаҳҳор эса адолатли гапи билан шуҳрат қозонган эди. Муаллиф ҳақида айтиладиган гап одил, ҳалол, беғараз бўлса, аччиқ бўлса ҳам билинмайди. Унинг устига, бундай фикр қадрли бўлади. Шунинг учун кўп ёзувчилар ўз ижодлари ҳақида Абдулла Қаҳҳордан фикр эшитишга муштоқ бўлишган.

Гап айланиб, танқид масалаларига келаётганини сезаётгандирсиз. Дастхатли китоблар ичида танқидчиларники ҳам кўп. Уларга қараб адиб билан танқидчиларнинг муносабати жуда зўр бўлган экан-да, деб ўйлаш керак эмас. Аксинча, бу муносабатлар анча мураккаб бўлган. Адашмасам, Абдулла Қаҳҳор ўзбек ёзувчилари ичида танқиддан энг кўп «калтак» егани бўлса керак. Унинг йирикроқ асарларидан биронтаси ҳам тўғридан-тўғри тан олинган эмас – аввал танқидчилар бу асарларнинг бошига тўқмоқ билан бир уриб, ҳам тўқмоқнинг зарбини, ҳам асарнинг бардошини синаб кўришган, шундан кейингина у асарларни тан олишган. «Сароб» ҳам, «Қўшчинор» ҳам, «Синчалак» ҳам, ҳикоялар ҳам, «Шоҳи сўзана» ҳам, «Тобутдан товуш» ҳам, ҳатто шапалоқдеккина келадиган «Ҳуснбузар» деган мақола ҳам шу қисматни бошидан кечирган. Энг ёмони шунда эдики, бу ҳолларнинг биронтасида танқид ҳақ бўлган эмас – унинг адибга қўйган айблари ё асарнинг табиатини тушунмаслик оқибатида тўқиб чиқарилган уйдирма айблар бўлган ёки ғаразли мақсадларда онгли равишда адибнинг юзига қора чаплашга хизмат қилган. Шундай бўлгач, адибдан танқидга яхши муносабатни кутиш анча қийин эди.

Лекин шунга қарамасдан, адибнинг адабий танқидга муносабати ижобий эди. У танқидчи ёзувчини тушунадиган, унга бўлишадиган кунлар келишига ишонарди, ҳақиқий танқидчини ҳурмат қиларди ва ундан адабиётга катта фойда келишини биларди. Шунинг учун Матёқуб Қўшжонов «Жизнь – характеры – мастерство» деган китобини адибга шундай бағишлов билан тортиқ этган эди: «Большому писателю Абдулле Каххару! В знак признания дружеских отношений к критике. С искренним уважением к Вам М.Кошчанов. 12.III.64».



Баъзи бир танқидчиларнинг бағишловларида адиб олдидаги ўтмишда қилган гуноҳлари учун узр сўраш оҳанги ҳам сезилади. Баъзи ёзувлар ўта қисқа, ўта расмий. Яна баъзи бир ёзувларда танқидчининг қўли кўринса-да, юраги кўринмайди. Лекин шундай бағишловлар борки, уларда Абдулла Қаҳҳорнинг адабиётимиз тарихидаги ўрни, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси, характерининг, ижодининг бирор қирраси яхши очилган. Масалан, М. Юнусов «Традиция ва новаторлик» китобини шундай ёзув билан тақдим этган: «Ўзбек совет адабиётига асос солувчилардан бири, прозамизнинг наққоши Абдулла акага чуқур ҳурмат ва самимият билан автордан. 13.VII.65».

И. Ғафуров илк китобларидан бирини совға қилар экан, «Сўз мулкининг сеҳргари устоз Абдулла акага ботинмай, автордан», деб ёзади. Бу қисқа таърифда Абдулла Қаҳҳорнинг бадиий маҳоратига урғу берилган.

Адибнинг кутубхонасида менинг ҳам учта китобим турибди. Ўз вақтида мен уларни қўрқа-қўрқа, минг андишалар билан адибга тақдим этган эдим. Менинг китобларим ҳам, бошқа мунаққидларнинг китоблари ҳам адибнинг танқидга ҳурмати, унга мададкор бўлгани учун қалбимизда жўш урган туйғуларимизнинг элчилари бўлган эди.

Кутубхонада ёш ёзувчиларнинг дастхатли китоблари ҳам анчагина. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев… Булар ўша пайтларда эндигина биринчи китобларини нашр этган ижодкорлар эди. Маълумки, Абдулла Қаҳҳор ёшлар ижодига алоҳида эътибор ва ишонч билан қарар эди. Ўзининг иши ҳамиша бошидан ошиб-тошиб ётганига қарамасдан, бирор ёшнинг асари матбуотда пайдо бўлиши билан уни, албатта, ўқиб чиқар эди. Ўқиб чиқардигина эмас, баъзан муаллифга хат йўллаб, унга далда берар ёки асарларида заиф ўринлар бўлса уни койир эди, баъзан Ёзувчилар уюшмасидаги йиғинларда, ёшларнинг семинарларида улар ҳақида гапирарди. Табиийки, тажрибали улкан ёзувчининг бундай муносабати ёш ёзувчини рағбатлантирар, унга мадад бўлар ва жиддий ижодий ишларга бошлар эди. Абдулла Қаҳҳор бир қанча нутқларида ва мақолаларида 60-йилларнинг бошларида адабиётга кириб келган ёшларга жуда катта ишонч билдириб, келажакнинг улуғ адабиётини шу ёшлар яратишини башорат қилган эди. Устоздан бундай ғамхўрлик кўрган ёшлар, табиийки, ўз қалбларида унга нисбатан муҳаббат ва эҳтиром туйғуларини ҳис қиладилар. Кутубхонада ёшларнинг китобларидаги

бағишловлар бир-бирига жуда ўхшаб кетади: уларнинг ҳаммасида устоз ёзувчига миннатдорлик туйғулари ифодаланган. Бир-биридан шу билан фарқ қиладики, уларнинг баъзилари дадилроқ оҳангда, баъзилари ўта тортинчоқлик билан, истиҳола билан ёзилган. Мана, дадилроқ ёзилган бағишлов: «Ҳурматли Абдулла ака! Шу ҳикоялардан биттаси сизга маъқул бўлса, ўзимни бахтли ҳисоблар эдим. Автор». Бу Ўлмас Умарбеков. Эркин Воҳидов эса «Тонг нафаси» деб аталган биринчи китобини тухфа қилар экан, иложи борича қисқа гапиришга интилган кўринади: «Ҳурматли устоз Абдулла Қаҳҳорга. Эркин. 20.V.62». Абдулла Орипов ҳам мухтасарликда Эркиндан қолишмайди: «Ҳурматли устозга эҳтиром билан Орипов. 28.XII.65».

Албатта, бу ёшларнинг қалбида Абдулла Қаҳҳор ҳақида айтадиган гапи кўп бўлган, лекин улар ҳам баландпарвоз гаплардан қочишган ва устоз қошидаги андиша уларни ортиқча гаплар айтишдан сақлаб турган.

Моҳир ёзувчи ва ажойиб инсон сифатида Абдулла Қаҳҳор катта ҳурматга эга эди. Кутубхонадаги турли шаҳарлардан келган дастхатли китоблар бу фикрни тасдиқлайди. Бу китоблар ва улардаги бағишловларга қараб, Абдулла Қаҳҳорнинг бошқа қардош адабиётлар билан ижодий ҳамкорлиги ҳақида фикр юритиш мумкин. Уларда ҳатто адиб биографиясининг айрим лаҳзалари ҳам муҳрланиб қолган. Бу китоблар орасида атоқли туркман ёзувчиси Хидир Деряевнинг «Қисмат» трилогияси, Мухтор Авезовнинг танланган асарлари, озарбайжон ёзувчилари Сулаймон Рустам, Маммад Раҳим, Габил Имамбердиев, Иса Маликзодаларнинг китоблари бор. Сулаймон Рустам бағишловни рус тилида ёзган, чунки у адибга рус тилидаги танланган асарларини тақдим этган: «На добрую память, замечательному писателю, хорошему другу Каххару». Қозоқ ёзувчиси Сейдил Талжанов Сакен Сайфуллин ҳақидаги китобини тақдим этар экан, Абдулла Қаҳҳор биографиясидаги айрим нуқталарни эслатади: «Родному брату по языку, товарищу по Среднеазиатскому университету и его Восточному факультету, другу и единомышленнику по перу – Абдулле Каххару – крупнейшему прозаику современности, дарю свою эту скромную повесть. Ваш Сейдил Талжанов. 25.V.62. Алма-ата».

Кутубхонада яна белорус ёзувчиси Янка Брилнинг, украин шоири М.Терешченконинг, яна украин ёзувчиси Иван Ленинг, чечен ёзувчиси Магомед Мусаевнинг дастхатли китоблари бор. Булар орасида Абдулла Қаҳҳор, айниқса, Иван Ле билан яқин ижодий алоқаларда бўлган. Маълумки, Иван Ле мутахассислигига кўра инженер-мелиоратор бўлиб, 20-йилларнинг охирларида Ўзбекистонга келган ва қишлоқни коллективлаштириш ишларида фаол иштирок этган эди. Сўнгра у жонли таассуротлар асосида «Тоғлар орасида» деган романини ёзган ва унда Ўзбекистондаги кураш жараёнини маҳорат билан акс эттирган. Абдулла Қаҳҳор романни ўша пайтдаёқ ўзбек тилига таржима қилган ва асар ўзбек китобхонлари ўртасида катта қизиқиш билан кутиб олинган эди.



Украин адиби бағишловда шу ижодий ҳамкорликни эслатади ва ўзбек адибига миннатдорлик туйғуларини изҳор қилади. «Дорогому другу – брату Абдулле Каххару. Первому переводчику этой книги на узбекский язык, хорошему товарищу, выдающемуся писателю, драматургу с любовью и признательностью. 31.X.54. Киев».

Бундай мисоллар икки миллат ўртасидаги дўстликнинг нишонасигина эмас, балки миллий адабиётларнинг ҳамкорлиги аллақачон ҳаётга сингиб кетган ҳодиса эканининг ҳам ёрқин далилидир.

Ҳозирги замон рус ёзувчиларининг айрим вакиллари ҳам Абдулла Қаҳҳорни йирик санъаткор сифатида тан олган ва бағишловларида адибга энг яхши тилакларини изҳор қилиш билан бирга, унинг характеридаги баъзи бир муҳим сифатларини таъкидлашади. Лидия Бать китобларидан бирини «Ҳақиқат учун ташаккур» деган қисқа, лекин маънодор бағишлов билан совға қилган. Ўзбекистон ҳақида китоб ёзган Виктор Виткович ҳам адибнинг шу сифатини эслатади: «Абдулле Каххару – человеку который умеет говорить правду в лицо, замечательному писателю. 25.VIII.51. Москва».

Атоқли шоир ва мунаққид Л. Озеровнинг бағишлови ҳам ғоят диққатга сазовор. У адибга 1963 йилда нашр этилган «Шоирнинг меҳнати» деган китобини тақдим этар экан, унга: «Насрда шоир, моҳир уста» деб таъриф беради. Абдулла Қаҳҳорга яна А.И. Дементьев, П. Сажин, М. Никитин, Сергей Бородин, Леонид Ленч каби таниқли адиблар ва таржимонлар ҳам китобларини совға қилишган.

Дастхатлар... Уларнинг кўпчилиги адибга нисбатан муҳаббат ва эҳтиром билан тепган қалбларнинг садосидир. Улар ҳаётнинг мушкул йўлларида, ижоднинг мураккаб сўқмоқларида адибга мадад бўлган, унинг ўзи ҳам, ижоди ҳам дўстларига, халқига, Ватанига зарурлигидан гапиради.

* * *

Адиб кутубхонаси бўйлаб саёҳатимиз охирлаб ҳам қолди – сўнгги манзилга етиб келдик. Сўнгги манзил – эшикнинг рўпарасидаги жавон. Унга адибнинг асарлари териб қўйилган. Улар орасида Абдулла Қаҳҳор асарларининг ўзбекча нашрлари, рус ва қардош халқлар тилларида босилганлари. Чет элларда нашр қилинган асарлар ҳам шу жавонда. Улардан ташқари, бу жавонда Абдулла Қаҳҳор таҳриридан чиққан анча-мунча китоб бор. Бу жавондаги китобларни кўздан кечирганда яна бир карра бу улуғ адибнинг ҳаёти тинимсиз меҳнат билан ўтганини ўйлайсиз, унинг ўзбек халқи маданиятига қўшган ҳиссасини яққолроқ тасаввур қиласиз. Айни чоқда, бу жавондаги китоблар кўпчиликка бир дунё ғурур бахш этади, чунки уларга қараб ўзбек адибининг шухрати қанчалар узоқларга тарқалганини, унинг асарлари фақат қардош республикаларда эмас, ватанимиз сарҳадлари оша кўпгина ажнабий мамлакатларда ҳам довруқ солганини билиб олиш мумкин.

Жавоннинг юқоридаги токчасига адибнинг Москвада рус тилида нашр қилинган китоблари терилган.

Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари илгари ҳам рус тилига таржима қилинган, газета ва журналларда босилган, ҳатто айримлари китоб ҳолида ҳам нашр қилинган. Лекин, шундоқ бўлса-да, Абдулла Қаҳҳор асарлари халқаро миқёсда асосан 1959 йилдан кейин кенг тарқала бошлади. Бунда, шубҳасиз, «Синчалак» қиссасини катта маҳорат билан рус тилига таржима қилган атоқли ёзувчи К.М. Симоновнинг хизмати катта. «Синчалак» «Звезда Востока» ва «Знамя» журналларида босилгандан кейин, «Роман-газета» саҳифаларида эълон қилинди ва кейинги йиллар мобайнида адибнинг қатор бошқа асарлари Москвада етти-саккиз марта нашр қилинди. Буларнинг бари Абдулла Қаҳҳор ҳаётлигида нашр қилинган, бинобарин, бу жавонга уларни адиб ўз қўли билан териб қўйган.

Адибнинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси ҳам К.М. Симонов билан К. Ҳакимовлар таржимасида анча кенг тарқалди. Жавонда бу қиссанинг 1971 йилда «Дружба народов» журнали кутубхонасида ва 1978 йилда «Советский писатель» нашриётларида чоп этилган нусхалари бор.

Адибнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан Москвадаги Давлат бадиий адабиёти нашриёти унинг икки жилдлик танланган асарларини, икки-уч йил ўтгач эса, «Искусство» нашриёти Абдулла Қаҳҳор пьесаларини босиб чиқарган эди.



Юқорида номлари тилга олинган китобларининг ўзиёқ бир нарсадан далолат бериб турибди: Абдулла Қаҳҳор – асарлари Москвада энг кўп босилган ўзбек ёзувчиларидан бири эди, унинг ижоди энг талабчан меъёрлар билан ўлчанганда ҳам дош бера оладиган сара ижод. Бу ҳақиқатни адиб асарларининг қардош халқлар ва ажнабий тиллардаги таржималари ҳам тўла тасдиқлайди. Жавонда «Синчалак»нинг булғор тилидаги (1961) ва румин тилидаги (1963) нашрлари бор. Булардан ташқари форс, араб, бенгал тилида чиқарилган тўпламлар борки, улардан Мухтор Авезов, Берди Кербобоев, Чингиз Айтматов каби йирик сўз санъаткорлари билан бир қаторда Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари ҳам ўрин олган. Жавонда Абдулла Қаҳҳор асарлари кирган бундай коллектив тўпламлар анчагина.

Абдулла Қаҳҳорнинг қардош халқлар тилларида босилган китоблари ҳақидаги гапни украинча таржималаридан бошлаган маъқул. Украин тилида унинг китоблари кўп босилган. Жавонда 1959 йилда босилган «Қўшчинор чироқлари» ва ҳикояларидан ташкил топган китоб билан 1974 йилда «Қардош адабиётлар кутубхонаси» сериясида эълон қилинган «Қўшчинор чироқлари» билан «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси бор. Болтиқбўйи республикаларида ҳам Абдулла Қаҳҳор ижодига қизиқиш катта бўлган – Латвияда ҳам, Литвада ҳам, Эстонияда ҳам «Синчалак» эълон қилинган, ҳатто бу қисса Латвияда икки марта босилган. Жавонда «Қўшчинор чироқлари»нинг озарбайжонча нашри ҳам, «Синчалак»нинг арманча таржимаси ҳам мавжуд. Бироқ Абдулла Қаҳҳор асарларини қардош халқлардан қайси бири кўпроқ нашр этган, деб сўралса, бу саволга тожиклар деб жавоб бериш керак. Жавонда Абдулла Қаҳҳорнинг Душанбеда 1960 йилда босилган ҳикоялари, 1962 йилда Асрори таржимасида босилган «Синчалак» қиссаси, 1973 йилда чоп этилган «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси (у 1984 йилда қайта нашр қилинган) ва ниҳоят, 1980 йилда эълон қилинган «Қиссалар ва ҳикоялар» тўпламлари ўрин олган. Бунинг бир сири бор, албатта. Абдулла Қаҳҳор асарларини тожик тилига таржима қилишда унинг умр йўлдоши, ёзувчи ва таржимон Кибриё Қаҳҳорованинг хизматлари катта. Тожик адабиётининг зўр билимдони, ҳозирги тожик тилини жуда теран ҳис қиладиган, ўзбек тилида ҳам, тожик тилида ҳам катта маҳорат билан қалам тебратадиган Кибриё Қаҳҳорова Абдулла Қаҳҳор ҳикоя ва қиссаларини тожик тилига ағдаришда катта жонбозлик кўрсатди. Бунда фақат бир нарсани таассуф билан

қайд қилиш мумкинки, адибнинг ўзи тожик тилида босилган китобларининг кўпини кўрмай кетди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керак: бу жавондаги китобларни тўплашда ҳам Кибриё опанинг хизматлари катта. У киши, айниқса, адибнинг вафотидан кейин унинг бошқа республикаларда, чет элларда чиққан асарларидан бохабар бўлиб турдилар, турли нашриётлар билан хат орқали алоқа боғлаб, чиққан китобларнинг баъзи бир нусхаларини йиғишга, эшик рўпарасидаги шу жавонга жамғаришга ҳаракат қилдилар. Лекин у кишининг ҳар қанча ҳаракатига қарамай, жавонни тўлдиришнинг иложи бўлмади.

Гап шундаки, Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича тузилган библиографик кўрсаткичларга қараб ҳукм қилса, адибнинг нашр этилган асарларини бир жойга жамғарса, битта эмас, бир нечта жавонга жой бўлади. Кутубхонадаги жавонда Абдулла Қаҳҳор асарларини ярми ҳам мавжуд эмас.

Ҳозир Абдулла Қаҳҳор асарларини ўзбек тилида бир неча жилдда нашр қилиш бўйича тайёргарлик ишлари кетяпти. Шу муносабат билан адибнинг 30-йилларда нашр қилинган илк асарларини, «Қишлоқ ҳукм остида» қиссасини, «Қотилнинг туғилиши» тўпламини кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Бунинг қарангки, мазкур китоблар адибнинг кутубхонасида йўқ экан. Фақат бу икки китоб эмас, унинг «Йўллар» деб аталган нисбатан тўла ҳикоялар тўплами ҳам кутубхонада йўқ. Мен бунинг сабабини сўрасам, Кибриё опа: «Абдулла акангизнинг кўп китоблари эски уйда қолиб кетган», деб жавоб бердилар. Менимча, бу изоҳ масалага тўла равшанлик киритмайди, шекилли. Чунки кутубхонада адибнинг нисбатан кейин нашрдан чиққан китобларининг ҳам анча-мунчаси йўқ. Бир вақтлар «Шоҳи сўзана» чет элларда ҳам қўйилган эди. Унинг Хитойда қўйилгани ҳақидаги материаллар адибга юборилган ва унинг қўлига етиб келган эди. Мен «Шоҳи сўзана» саҳналари тасвирланган фотосурат ва тақриз босилган газетани ҳам кўрган эдим. Бироқ, кутубхонада буларнинг ҳеч қайсиси сақланиб қолган эмас. Қизиқ. Ахир, ҳар қанақа ёзувчи чет элларда ёхуд қардош республикаларда босилган асарларини қандайдир ички мамнуният билан йиғиб қўяди-ку! Бунинг айби йўқ-ку! Нима учун китобни яхши кўрадиган, унинг қадрига етадиган Абдулла Қаҳҳордай одам жаҳон классикларининг, рус классикларининг, қардош адабиётлар намояндаларининг, ўз ҳамкасбларининг асарларини тўплаган, жавонларга расамади



билан териб қўйган-у, ўзиникини йиғмаган, саришталамаган, уларнинг тақдирига бефарқ қараган? Ҳатто, уйга келган, қўлида бор китобларининг ҳам кутубхонада сақланиб қолишига эътибор қилмаган. Мен бунинг бош сабабини Абдулла Қаҳҳорнинг камтарлигида, камсуқумлигида кўрдим. Унинг бу хислати менга Н.А. Добролюбовнинг бир фазилатини эслатди. Буюк мунаққид тўрт йиллик ижоди давомида бутун Россиянинг эътиборини жалб қилган уч юздан ортиқ мақола эълон қилган-у, уларнинг биронтасига ўзининг фамилияси билан имзо чеккан эмас. У буни цензурага чап бериш мақсадидагина қилмаган, албатта. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, Добролюбов номи чиқишидан кўра мақолаларнинг теранроқ ва таъсирчанроқ бўлишини кўпроқ ўйлаган. Икки буюк ижодкор характеридаги ана шу яқинлик ҳақида ўйлар эканман, айрим ёшларимизда намоён бўлаётган баъзи бир нохуш сифатлар, янада аниқроқ айтганда, шуҳратпарастлик касалининг хуружлари эсга тушади. Йўқ, мен ҳамма ижодкор ёшларни айбламоқчи эмасман. Аксинча, мен бугун ёшларимиз ижодини қувониб кузатиб бораман, улардаги ғоявий соғломлик, чинакам халқчилликка интилиш, турмушни, одамлар характерини яхши билиш, сўзга, ёзувчилик касбига ҳалол муносабат ҳаммамизни қувонтиради ва адабиётимиз истиқболига умид билан қарашга ундайди. Бироқ уларнинг орасида шундайлар ҳам борки, бир-иккита асар чиқаришга улгурмай, ўзларини даҳо ижодкор деб ҳисоблай бошлайдилар, ҳамманинг ўзларига қўл қовуштириб салом беришини, йўлларига пояндоз тўшашини, ҳар қадамда қарсаклар билан қарши олиб, гулдасталар билан кузатиб қолишларини истайди. Бу хавфли касал – шуҳратпарастлик касали одамнинг истеъдодини кемирадиган занг. Бу иллат ёш ижодкорни субутсиз ва маслаксиз бир нарсага айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Абдулла Қаҳҳор ўзига бино қўйган одам эмасди. У китобларини томоша қилиб ўтириб «Хўб қойил қилиб қўйганманда!» деган фикрни бирон марта хаёлидан ўтказмаган бўлса керак. Шунинг учун ҳам ўзининг китобларига мундоқроқ қараган, уларнинг кетидан излаб юрган эмас, биттасини қўймай йиғиш пайига тушмаган. Мен буни юқорида Абдулла Қаҳҳорнинг камсуқумлигига йўйдим. Камсуқум эдими у? Камтар эдими? Мен бу муаммони ҳам кўп ўйлаганман. Албатта, Абдулла Қаҳҳорнинг камтарлиги ўзига хос характерга эга. Ас-

лини олганда, у жуда ғурури баланд одам эди. У адабиётни муқаддас деб билар, ёзувчилик касбини энг улуғ касблардан деб ҳисоблар ва ўзининг шу касбга дахлдорлигидан чексиз ифтихор қилар эди. Ундаги ғурур бир жиҳатдан шунга бориб тақаларди. У ўзининг инсонлик шаъни-шавкатини жуда улуғ деб билар, уни ҳамиша пок сақлашга, ҳар қандай доғлардан, нуқсонлардан холи сақлашга уринар эди. Инсонийлик қадр-қимматини юксак тутган одамнинг эса ғурури баланд бўлади. Ғурурининг баландлиги уни ҳар қандай бачканаликдан, майдаликдан юқори сақларди. Айни чоқда, у ўз шахсиятини сира биринчи ўринга қўймас, ўзлигини пеш қилмас эди. Мен ўн йил давомида бирон марта Абдулла аканинг жойнинг тўрини эгаллашга ҳаракат қилганини билмайман. У ифтихор билан «Адабиёт атомдан кучли» деган ҳикматни айтган экан, буни ўзининг асарларини эмас, умуман адабиётни, ҳамкасблари яратган буюк асарларни кўзда тутиб айтган. Абдулла аканинг камтарлиги ўзига хос эди, деганимда шуни назарда тутган эдим. Абдулла аканинг эшик рўпарасидаги жавонга териб қўйилган китобларига қараб ўтириб, шундай фикрлар хаёлимдан ўтди.

* * *

Адибнинг кутубхонаси... Бундаги ҳар бир китобда адиб қўлининг тафти ҳали совимагандай. Китобларнинг саҳифаларида унинг иссиқ нафаси муҳрланиб қолгандай. Бу муқаддас даргоҳга кирган одам адибнинг китоблари билан танишиб, унинг ўзи билан суҳбатлашгандай, ижодкорнинг азиз сиймосини яна бир бор кўргандай бўлади. Унинг назарида улуғ адиб мийиғида ним кулги билан, кўзлари маънодор чақнаб, «Камолотнинг чеки йўқ, фақат шошилинг, фурсатни бой бериб қўйманг» деяётгандай бўлади.

*1986*



## ХАЗИНА

1967 йили Москвадаги «Художественная литература» нашриёти оламшумул аҳамиятга молик бўлган хайрли бир иш бошлаган эди. Энг қадимги замонлардан бошлаб то ҳозирги давргача бутун дунё халқлари яратган бадиий адабиёт намуналаридан жуда улкан мажмуа – 200 жилдга мўлжалланган «кутубхона» нашр қилишга киришилди. «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» (қисқача «ЖАК») деб ном олган мазкур нашрнинг биринчи жилди 1967 йили босмадан чиққан бўлса, ўтган 1977 йилда бу «Кутубхона»нинг сўнгги 200-жилди китобхонларга тақдим этилди.

Муболағасиз айтиш мумкинки, 200 жилдли «Жаҳон адабиёти кутубхонаси»нинг нашр этилиши фақат ватанимизнинг эмас, балки бутун дунёнинг маданий-маънавий ҳаётида катта воқеа бўлди. «ЖАК»нинг кўлами, миқёси, аҳамиятини мана бу рақамлардан ҳам билиш мумкин. Унда жаҳондаги 80 мамлакатнинг вакили бўлмиш 3235 муаллифнинг 25800 номдаги асари эълон қилинган. Ҳар жилднинг ҳажми 50 босма табоқни ташкил қилади, бутун «кутубхона» эса 10 000 босма табоқдан иборат. Ҳар қайси жилд 300 000 нусхада, бутун «кутубхона» эса 60 000 000 нусхада босилди. Ҳар қайси жилд сўзбошига ва мукаммал изоҳларга эга. Уларни яратишда ватанимиз олимлари билан бирга Болгария, Венгрия, ГДР, Чехославакия, Англия, Франциянинг таниқли адабиётшунослари иштирок этган. Сўзбошиларнинг умумий ҳажми 270 босма табоқни, изоҳларники – 450 босма табоқни ташкил этади.

«ЖАК» ҳақида тақриз ёзган муаллифларнинг ҳаммаси якдиллик билан сўзбошилар ва изоҳларни жаҳон адабиётининг кўп жилдли тарихи, деб баҳолашди.

Тўғри, китобларимизнинг юз минглаб, ҳатто миллионлаб нусхада босилиши аллақачонлардан бери оддий ҳодиса ҳисобланади. Шундай бўлса-да, «ЖАК»ни тавсифловчи рақамлар ҳар қандай

учқур хаёлли одамни ҳам лол қолдиради. Жаҳонда китоб босиш кашф қилингандан бери ҳали бирор мамлакатда бу қадар мукаммал «Кутубхона» нашр этилмаганди. Қолаверса, бирорта нашриёт шундай улуғвор ишни амалга оширишни мақсад қилиб олишга журъат этмаганди ҳам.

«Жаҳон адабиёти кутубхонаси» жуда катта ижодий жамоанинг ўн йиллик фидокорона меҳнати натижасида яратилди. Бу ўринда Фанлар академиясининг А.М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти, Шарқшунослик институти, Славяншунослик институти илмий жамоаларининг, Ёзувчилар союзи, Рассомлар союзининг, нашриёт ва полиграфия ходимларининг хизмати бениҳоя катта бўлганини таъкидлаш керак. Шунингдек, «ЖАК»ни нашр этиш принципларини белгилашда, иш давомида кўндаланг келган хилма-хил муаммоларни ҳал қилишда, ҳар қайси жилднинг юксак даражада сифатли чиқишида кўп миллатли адабиётимизнинг энг йирик намояндаларидан ташкил топган қирқ кишилик редакцион кенгаш жуда катта роль ўйнади. Бу улуғвор ва бой «кутубхона» ҳақида ўйлаганда, хаёл кишини беихтиёр шўро даврининг дастлабки йилларига етаклайди. Ҳали гражданлар уруши давом этаётган, мамлакатда харобалик ва очлик ҳукм сураётган бир шароитда, яъни 1918 йилдаёқ рус ёзувчиси А.М. Горький «Жаҳон адабиёти» деган нашриёт ташкил қилган ва классикларнинг асарларини кўп нусхада нашр қилдира бошлаган эди. Тўғри, Горькийнинг олижаноб нияти ўша пайтларда тўла амалга ошмади. Бунинг учун иқтисодий шароит ҳам йўқ эди, малакали кадрлар ҳам етишмасди. Лекин шундай бўлса-да, Горький бу ниятни амалга оширишга имкони борича ҳаракат қилади.

Ўша кезлари Россияга келган машҳур инглиз ёзувчиси Герберт Уэльс шундай деб ёзганди: «Ақл бовар қилмайдиган бу Россияда – жанг қилаётган, совуқдан дилдираётган, очликдан эзилаётган, сўнгсиз муҳтожликларни бошидан кечираётган ўлкада шундай бир адабий тадбир амалга оширилмоқдаки, уни ҳозир бадавлат Англияда ва бадавлат Америкада тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Инглиз ва Америка оммасининг маънавий озуқасидан борган сари путур кетиб, қашшоқлашиб бормоқда. Бу ишнинг мутасаддилари эса бунга бутунлай бепарво қарамоқдалар. Очликдан жон бераётган Россияда юзлаб одамлар таржима устида ишламоқдалар, улар таржима қилган китоблар нашр қилинмоқда. Шу туфайли янги Россия жаҳон адабиёти билан танишади. Бундай иш ҳозир бошқа бирор халққа насиб этмайди».



Герберт Уэльснинг лол қолганича бор эди. Икки юз жилдли «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» гуманистик принципларнинг ижобий тарзда далиллайдиган яна бир ҳаётий факт ҳисобланади.

«ЖАК» уч сериядан ташкил топган. 64 жилддан иборат бўлган биринчи серия энг қадимги замонлардан бошлаб то XIX асргача яратилган ноёб асарларни ўз ичига олади. Бу серияда ер юзидаги турли-туман халқларнинг қадимий эпосларига кенг ўрин берилган. Китобхон бу серия китобларини ўқир экан, Гилғамеш ҳақидаги эпос билан ҳам, қадимий Миср шеърияти намуналари билан ҳам, «Рамаяна» каби ҳинд эпослари билан ҳам, Европа халқларининг шимол сагалари, Нибелунглар ҳақида қўшиқ, Роланд, Сид ҳақида қўшиқ каби қаҳрамонлик эпослари билан ҳам танишади. Рус ёзма адабиётининг қадимий ёдгорликлари, славян халқларининг илк ижоди алоҳида бир жилдга жо бўлган.

Биринчи серияда «Антик лирика», «Антик драма», «Уйғониш даврида Европа новелласи», «XVII аср Европа новелласи» каби жилдлар борки, улардаги асарларнинг кўпчилиги биринчи марта эълон қилинган. Бу жилдлар ўша давр адабиёти ҳақидаги тасаввуримизни тўлдиради. Шунингдек, бу сериядан Данте, Бокаччо, Рабле, Шекспир, Сервантес, Мольер каби даҳо санъаткорларнинг ижоди ҳам ўрин олган. XVIII аср адабиётидан эса Бернс, Гёте, Дефо, Свифт, Фильдинг, Шиллер каби ёзувчиларнинг ижодидан намуналар берилган. Бунда ҳам редакцион кенгаш ёзувчиларнинг ижодини кенгроқ қамраб олишга, уларнинг унча машҳур бўлмаган асарларини ҳам китобхонга тақдим этишга аҳамият берган. Жумладан, буюк француз мутафаккири Вольтернинг «Орлеан қизи», «Кандид» каби машҳур асарлари билан бир қаторда «Муҳаммад» трагедияси ва «Задиг ёхуд тақдир» деб аталган шарқ қиссаси ҳам нашр этилган.

Биринчи сериянинг энг қимматли томонларидан бири Шарқ адабиётига кенг ўрин берилганлигидир. Араб поэзияси, «Минг бир кеча», Эрон-тожик поэзияси алоҳида жилдларда нашр этилганидан ташқари, Ҳиндистон, Хитой, Корея, Япониянинг классик поэзияси, драмаси ва қиссаларига алоҳида жилдлар бағишланган. Фирдавсий, Низомий, Шота Руставели каби буюк сўз санъаткорлари ҳам бу сериядан муносиб ўрин олган.

Ўзбек адабиётидан Навоий ижодига алоҳида жилд бағишланганини мамнуният билан қайд этамиз. Бу жилдни филология фанлари доктори А.П. Қаюмов тузган. Жилд охирида илова қилинган қисқача библиографик маълумотда Азиз Қаюмов

Навоий асарларининг XVI асрдаёқ Европа тилларига таржима қилинганидан хабар беради. Академик В. Зоҳидовнинг мазмундор ва мукаммал сўзбошиси Навоий яшаган давр ҳақида, буюк шоирнинг ҳаёти ва ижоди, унинг жаҳон адабиётида тутган ўрни тўғрисида тугал тасаввур беради. Ҳиротнинг машҳур хаттоти Абдужамил Котиб томонидан Навоий ҳаётлигида кўчирилган қўлёзмадан олинган миниатюралар китобнинг ҳуснига ҳусн қўшган. Навоий достонларининг рус тилига таржимаси В. Державин, Л. Пеньковский, С. Липкин каби машҳур таржимонлар томонидан бажарилган. Уларнинг Алишер Навоий ижодини жаҳон халқлари мулкига айлантиришдаги катта хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Шарқ адабиётининг намуналари биринчи марта ўлароқ бу қадар изчил ва мукаммал ёритилмоқда. Бунинг аҳамияти ғоят катта. Ўтмишда кўпгина адабиётшунослар «евроцентризм» ғоясига мубтало бўлиб, Шарққа паст назар билан қарашган. Уларнинг фикрича, ҳақиқий адабиёт фақат Европада европаликлар томонидан яратилган. «ЖАК» бундай қарашларнинг тубдан нотўғри эканини, Шарқ халқлари қадим замонлардан бери жаҳон адабиёти хазинасини дурдона асарлар билан бойитиб келганини, булар орасида маънавият оламининг энг юксак чўққиларини ташкил қилувчи бебаҳо асарлар мавжудлигини яна бир бор узил-кесил исбот қилиб берди. Бу эса жаҳон адабиётининг тараққиёт йўллари яхлитлиги ва ранг-баранглиги ҳақида тўлароқ ва тўғрироқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

«Жаҳон адабиёти кутубхонаси»нинг 63 китобдан иборат иккинчи серияси бутунлай XIX аср адабиётига бағишланган. Бу серияда Европа ва Американинг буюк классиклари билан бирга, жаҳон адабиёти ривожига жуда катта ҳисса қўшган рус адабиётининг намояндаларига ҳам кенг ўрин берилган. Улар орасида Герцен, Гоголь, Гончаров, Грибоедов, Достоевский, Лесков, Лермонтов, Некрасов, Островский, Пушкин, Салтиков-Щедрин, Толстой, Тургенев, Чернишевский, Чехов каби номлар бор. Булардан ташқари, иккинчи сериянинг икки жилди махсус XIX аср рус поэзиясига бағишланган. Бу серияда қардош халқлар адабиёти даврасида Огаҳий, Фазлий, Гулханий, Маҳзуна, Нодира, Махмур, Комил Хоразмий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли каби ўзбек шоирларига ҳам муносиб ўрин ажратилган.

Иккинчи сериянинг энг қимматли томони шундаки, унга кирган асарлар жаҳон адабиёти ривожида XIX асрдаги бош йўл – 



реализм йўли бўлиб қолганини намойиш этади. Ҳаққонийлик принципини байроқ қилиб олган ёзувчилар қаерда яшаганидан, қайси халққа мансублигидан, қайси жанрда ижод этганидан қатъи назар, адолат ва ҳақиқат учун курашни ижодининг бош мақсади қилиб олган. Бу ёзувчиларнинг асарларида инсон ҳаёти ўзининг бутун мураккаблиги билан тўлиқ намоён бўлади.

«ЖАК»нинг учинчи серияси XX аср адабиётига бағишланган. Бу сериянинг 73 жилди билан танишган китобхон бир қатор янги адабий «қитъа»ларни кашф этади. Мана, «Африка поэзияси» деб номланган жилдни олайлик. Уйғонган, асрий кишанларни парчалаб, ўз эрки ва мустақиллиги, бахти ва истиқболи учун курашаётган бу занжилар қитъасининг адабиёти ҳали ёш. У эндигина шаклланиб келяпти. Шу сабабдан бўлса керак, ҳали жаҳонда бирон тилда бу қитъанинг адабиёти ҳақида тугалроқ тасаввур берувчи китоб яратилгани йўқ. «Африка шеърияти» биринчи марта ўлароқ бу қитъанинг навқирон, прогрессив, курашувчи шеъриятини жаҳон адабий жараёнининг орбитасига олиб чиқди. Шунингдек, «XX аср Ғарбий Европа шеърияти», «Лотин Америкаси шеърияти», «Европадаги социалистик мамлакатлар шеърияти», «XX аср рус шеърияти» каби жилдлар ҳам жуда катта ижодий меҳнат оқибатида майдонга келган ноёб китоблардир. Бу китоблар жаҳон шеъриятининг ранг-баранглиги ҳақида, турли-туман услубий оқимлар тўғрисида тугал тасаввур беради. Айни чоғда, мазкур жилдлар жаҳон поэзияси XX асрда тобора ҳаётийлашиб бораётганидан, халқларнинг озодлик учун кураши адабиётнинг ҳаётий мазмунига айланиб қолганидан далолат беради.

Бу серияда Л. Арагон, Б. Брехт, Г. Лорка, Я. Гашек, Т. Драйзер, Г. Манн, Р. Тагор, Л. Фехтвангер, Э. Хемингуэй, У. Фолькнер каби XX аср адабиётининг буюк намояндаларига кенг ўрин берилган. Уларнинг ижоди гуманистик пафоси билан, турли-туман реакцион ғояларга ва биринчи навбатда, фашизмга қарши оташин кураши билан, тинчлик ва қардошлик ғояларини тараннум этиши билан жаҳон адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Учинчи сериянинг яна бир қимматли томони шундаки, унда М. Горький, Л. Леонов, В. Маяковский, А. Твардовский, А. Толстой, А. Фадеев, К. Федин, Д. Фурманов, А. Серафимович, Н. Островский, М. Шолохов каби ёзувчиларнинг аллақачонлар шуҳрати жаҳонни тутган энг яхши асарлари ўрин олган. Айтиш керакки, бу антологиялардан кўп миллатли адабиётнинг жамики

атоқли намояндалари ҳақида озми-кўпми тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Унга ўзбек адабиётидан Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Уйғун, Зулфия, Рамз Бобожон, Мирмуҳсин, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповларнинг асарларидан намуналар киритилган. Якуб Колас, Янка Купала, М. Коцюбинский, Л. Украинка каби сўз санъаткорларининг ижодларига эса алоҳида жилдлар бағишланган. Булар орасида Садриддин Айний ва Мухтор Авезовларнинг ҳам алоҳида жилдлари мавжудлигини ифтихор билан таъкидлаймиз. Бу факт Ўрта Осиё халқларининг адабиёти жаҳоншумул аҳамият касб этганини, сўз санъати олдига қўйиш мумкин бўлган энг юксак ғоявий-эстетик талабларга ҳам жавоб бера оладиган савияга эришганини кўрсатади. Шунингдек, мазкур далиллар Ўрта Осиё адабиётларига менсимай қаровчи турли-туман ғоявий мухолифларимизнинг даъвоси асоссиз ва пуч эканини ҳам яна бир бор тасдиқлайди.

«ЖАК» жилдларини варақлаб, жаҳон адабиёти босиб ўтган кўп асрлик мураккаб тараққиёт йўлини ўйлар эканмиз, бу адабиётни ташкил қилувчи асарлар жанр жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ғоят хилма-хил ва ранг-баранг эканини кўрамиз. Лекин бу асарлар ҳар қанча ранг-баранг, ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, уларни яхлит бир вужудга айлантириб турган муштарак хислат ҳам бор. Бу хислат ҳамма асарларда, ҳамма халқлар адабиётида яққол кўзга ташланиб туради. Бу хислат шундан иборатки, жаҳон адабиётининг ҳамма намуналари охир-пировардида битта мақсадга – инсон ҳаётини гўзал ва бахтли қилиш мақсадига хизмат қилган.

Шундай қилиб, «ЖАК» бевосита тарзда жаҳон халқларининг яхлитлиги, якдиллиги, биродарлиги ҳақидаги ғояни тасдиқлаш билан бутун инсониятнинг мангу ва улуғ идеалларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам уни жаҳон маданий ҳаётида катта ҳодиса, деб атадик.

«Жаҳон адабиёти кутубхонаси»нинг ҳар бир китобига Ер курраси бўйлаб парвоз қилаётган қанотли дулдул сурати туширилган. Бугун бу дулдул жаҳон халқларини тинчлик учун, ер юзида осойишталик бўлиши учун бирдамликка, биродарликка ундамоқда.

*1978*



# КИТОБСИЗ ЯШАБ БЎЛМАС...

*«Биласизми, Фонтан, мени ҳар нарсадан ортиқ нима лол қолдирди? Куч-қудрат бирор нарса барпо этишдан ожиз экан. Оламда фақат икки ҳукмдор бор – қилич ва руҳ. Охир-оқибатда эса ҳамиша руҳ қилич устидан ғолиб чиқади».*

Наполеон

Телевидениеда ёшлар ҳаётига бағишланган «Синфдош» деган бир ёқимтой кўрсатув бор. Ҳар гал унда бирон муҳим муаммо кўриб чиқилади-ю, шу муносабат билан анча дадил, анча ҳаётий ва фойдали гаплар айтилади. Илгари ҳам бир эслаган эдим – бундан бир неча муддат аввал «Синфдош» кўрсатуви Тошкент мактабларининг биридан олиб борилди. Унда юқори синф ўқувчилари билан китоб ўқиш масалалари атрофида суҳбат борди. Иягига соқол битиб қолган ҳирсдай-ҳирсдай йигитлар ҳам, сочларини қирқиб замонавий тарзда турмаклаб олган қизлар ҳам ҳеч нарсадан тортинмай, ўзларининг ҳақлигига зиғирча шубҳа қилмай, журналистнинг саволларига тетик-тетик жавоб беришарди. Лекин савол-жавоблардан охир-оқибатда маълум бўлдики, қизлардан битта-яримтасигина аҳён-аҳёнда қўлига китоб олиб турар экан, болалардан эса биронтаси ҳам бу яқин ўртада китоб ўқиган эмас экан. Журналист бунинг сабабини сўради. Мен болаларнинг «ҳозир китоб қиммат, сотиб олишга кучимиз етамайди» деб жавоб беришларини кутган эдим. Йўқ, биронтаси бу гапни айтмади. Бунинг ўрнига улар бутунлай бошқа сабаб кўрсатишди: «Ҳозирги ёзувчилар бизга китоб ёзиб беришмаяпти. Ўқийдиган ҳеч вақо йўқ!»

Очиғини айтганда, бунақа жавобни эшитиб ҳанг-манг бўлиб қолдим. Аввалига жавоб бераётган йигит ҳазиллашяпти, деб ўйладим. Қарасам, унақа эмас – ҳеч ким кулаётгани йўқ, аксинча, ҳаммалари бош ирғаб, шу гапни маъқуллаб туришибди. Кейин бирдан мени ваҳима босди – наҳотки, бугун-эрта мактабни битириб, катта ҳаёт йўлига қадам қўйишга чоғланаётган йигит-

қизларнинг адабиёт ҳақидаги тасаввурлари шу қадар ғариб бўлса? Албатта, битта мисолга қараб, Ўзбекистондаги ҳамма мактабда аҳвол шунақа, деб хулоса чиқариб бўлмайди. Лекин…

Яқинда «Синфдош»нинг яна бир кўрсатувини томоша қилишга тўғри келди. Бу гал зоминлик мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили ҳақида гап кетди. Гап айланиб, яна ёшларнинг китоб ўқиш масаласига тўхталди. Шунда ўқувчи қизлардан бири «биз кутубхонага бормаймиз, чунки унда бизга керакли китоблар йўқ» деб важ кўрсатди. Мен яна ҳайрон бўлдим – майли, қизимиз туман эмас, мактаб кутубхонасини назарда тутаётган бўлсин – наҳотки, кутубхона номига эга бўлган зиё масканида ёшларга маъқул бўладиган, майли, кўп эмас, ўн-ўн бештагина китоб бўлмаса? Буни ўйлаб, ўйимнинг тагига етиб улгуролмасимдан бошқа бир воқеа содир бўлди – бу гал телевизорда интервью бераётган ёшгина эстрада хонандаси «қандай китоблар ўқиб турасиз?» деган саволга бамайлихотирлик билан, ҳатто беписанд бир алфозда «умуман китоб ўқимайман» деб жавоб берди. Бу энди шунчаки бир мактаб ўқувчисининг эмас, бутун ҳаётини санъатга бағишлашга чоғланаётган одамнинг жавоби. Билмадим, бу «санъаткор» йигит чиндан ҳам китоб ўқимасмикан ёки олифтагарчилик қилиб томошабинлар диққатини ўзига жалб қилмоқ учун шундоқ жавоб бердими? Ҳар нима бўлганда ҳам, айрим ёшларнинг китобга бунақа муносабати кишини ташвишлантирмай қўймайди.

Биз мақоламизга «Китобсиз яшаб бўлмас» деб сарлавҳа қўйдик. Тўғрисини айтганда, китобсиз ҳам бемалол яшаб, умр ўтказса бўлаверади. Фақат бу қандай умр бўлади? Китоб ўқимаслик ҳаётда муқаррар тарзда чаламуллаликка, маърифатсизликка, жоҳилликка олиб келади. Булар эса, ўз навбатида, лоқайдликни, фикрсизликни, маънавий қашшоқликни туғдиради. Бу сифатлардан манқуртликкача ораси бир қадам, холос. Шундай ҳолларда ўз-ўзимга «Эй, биродар-ей, мунча куймасанг, бир түп ёш-яланг китоб ўқимаса-ўқимабди-да. Шунга ҳам ота гўри – қозихонами? Улар ўқимаса ҳам, чаламулла бўлса ҳам бинойидек ҳаёт кечиряпти, ейдиганини еб, ичадиганини ичиб, маишатини қилиб, сенга ўхшаган насиҳатгўйлар устидан кулиб, гаштини суриб юрибди. Сенинг беҳуда куйганинг қоляпти, холос» дегим келади-да, кўлимни ювиб, қўлтиғимга уриб қўя қолсамми, деган хаёлга бораман. Лекин бундай қилиб бўлмайди-да! Чунки бугунги кунда менинг китоб ўқишим, сенинг китоб ўқишинг, унинг китоб ўқиши, ҳаммамизнинг тафаккуримиз, маънавий дунёмиз



шахсий иш бўлмай қолди-да! Биз бугунги кунда ҳар томонлама ривожланган, баркамол, фаровон жамият қуришни мақсад қилиб олганмиз. Ҳадемай улуғлик бобида жонажон юртимиз Америкага етиб олса ва ҳатто ундан ўсиб кетса ҳам, ажаб эмас. Балки бу сатрларни ўқиган айрим одамлар «Нотавон кўнгилга қўтир жомашов – Америка қаёқда-ю, сиз қаёқда» деб таъна қилишлари мумкин. Йўқ, биродарлар, таънага ҳожат йўқ. Мен атайин шундай деб ёздим. Эътибор берган бўлсангиз, мен «куч-қудрат»да деяётганим йўқ, «улуғлик бобида» деяпман. Бу тушунчалар бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини тақозо қиладиган, бир-бирига киришиб кетадиган тушунчалар, лекин шундоқ бўлса-да, улар айнан тенг, мутлақо бир-бирини такрорлайдиган тушунчалар эмас. Хуллас, «энг қудратли мамлакат» дегани, албатта, «энг улуғ мамлакат» бўлиб қолмайди. Гап йўқ, бугунги дунёда Америка Қўшма Штатлари иқтисодиёт бобида ҳам, ҳарбий нуқтаи назардан ҳам дунёдаги энг қудратли мамлакатдир, аммо унинг шундай жиҳатлари борки, зўравонликка майли шу қадар зўрки, бу сифатлари туфайли уни дунёнинг энг улуғ мамлакати деб аташга тил бормайди.

Ўзбекистонни жаҳондаги энг олдинги марраларга олиб чиқиш учун эса бизда ҳамма имкониятлар бор, фақат улардан оқилона фойдаланмоқ керак. Яшаш тарзимизни энг доно андазаларга мос тарзда янгидан бичиб чиқсак, одамлар ҳаром-харишдан ҳазар қиладиган бўлса, ҳамма жойдан адоват ва ҳасад йўқолиб, одамлар ўртасида ўзаро меҳрибонлик, шафқат ва мурувват қарор топса, ҳар бир одам ўз номусини ҳар нарсадан юқори қўйса, виждонини пок сақласа, лафзлик, субутлик бўлса…

Мамлакатнинг улуғ бўлмоғи учун бундан ортиқ нима керак? Фақат…бу осон иш эмас. «Ҳолва» деган билан оғиз чучимайди. Бу сифатлар осмондан тушмайди, ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Ҳар бир одам ақл-заковатини ўткирлаштирмоқ учун, маданий савиясини юксалтирмоқ учун бутун умри давомида бир дақиқа ҳам тиним билмай курашмоғи, меҳнат қилмоғи керак. Бундай меҳнат шу бугундан бошланмоғи зарур. **Одамга ақлни пешламоққа, маънавий дунёни бойитмоққа имкон берадиган воситалар кўп. Шулардан энг самарадори, энг қулайи, энг беминнати ва энг камчиқими китобдир.**

Фақат одам имтиҳон топшириш учунгина ёки ном чиқарарга китоб ўқимаслиги керак. Китоб ҳар қандай одам учун нондай азиз бўлмоғи лозим. Одам ҳар куни бир лаҳза бўлса-да, китоб билан сирлашмоқни ўзи учун ҳаётий заруриятга айлантирмоғи керак.

Афсуски, «Синфдош» кўрсатувидаги ёшларнинг жавобларида ва, умуман, гап-сўзларида уларнинг яқин келажакда зиммаларига юкланажак буюк ва шарафли масъулиятни ҳис қилаётганларини унчалик сезмадим. Аксинча, уларнинг жавобларидаги адабиётга беписанд муносабатда, ўзларининг маънавий дунёларини бойитишга лоқайдликларида шўролар замонида кенг тарқалган бир мудҳиш касалнинг ҳали битиб кетмаган изларини кўргандек бўлдим. Бу – «тайёр ошга баковуллик» касали. Шўролар замонида фикрлайдиган, ташаббускор, ишчан ва ҳаракатчан одамларга унчалик эҳтиёж йўқ эди – фақат айтганни қиладиган, буйруқни бажарадиган одамлар керак эди. Ҳамма учун партия ўйларди, ҳамма учун раҳбарлар режа тузарди, ҳамма учун катталар қарор қабул қиларди. Оддий одамлар эса итоаткорлик билан буйруқни бажарарди, холос. Шунинг учун ҳамма нарсага лоқайд қараш, ҳамма нарсани кимдир келиб муҳайё қилиб беради, буйруқ беради, шундан кейин ҳаракатта киришамиз, деб ўйлаш кенг тарқалганди. Минг қатла шукурки, у замонлар ўтиб кетди. Энди Ватан ўзимизники, унинг истиқболи ўзимизники, тақдиримиз ўзимизники. Биз мустақил бўлдик, энди ҳамма ишлар ўз-ўзидан даранглаб кетаверади, ўз-ўзидан бахтиёр турмуш ҳам шаклланаверади, деб ўйлаш эса мутлақо хато. Мустақиллик шунақа нарсаки, унга кўз олайтирган кимсалар, уни ёғлиқ патирдай бўлакларга парчалаб, синдириб ташиб кетишга тайёр турган ёвуз кучлар бор. Бундай кучлар нафақат диний мутаассиб кучлардир – улар ўзимизнинг ичимизда ҳам бор. Нодонлик ва жоҳиллик, лоқайдлик ва мақтанчоқлик, ҳаёт тамойилларини тўғри англаёлмаслик, худбинлик каби иллатлар ҳам олға боришга жиддий халақит берадиган ҳодисалардир. Бу фикримни далиллайдиган бир мисол келтирай.

Биз сўнгги йилларда иқтисодий-ижтимоий ҳаётда бозор муносабатларига ўта бошладик. Бироқ тафаккуримизнинг торлиги ва маданий савиямизнинг пастлиги туфайли ҳамма вақт ҳам бугунги бозор муносабатларини, унинг анча тараққий этиб кетганини тўғри тасаввур қила олмадик. Натижада, анча-мунча масалада адашиб қолдик. Бу адашиш, айниқса, адабиёт соҳасига катта зарар етказди. Қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам «ана, тадбиркорлар замони келди, қани, китобингни йиғиштир, болам, енг шимариб пул топишга кириш» деган гаплар тез-тез айтиладиган бўлди. Айтилдигина эмас, чиндан ҳам халқнинг адабиётга, китобга муносабати кескин ўзгарди, одамларнинг назарида тадбиркор бўлмоқ



учун киши ўз ишига пишиқ бўлса, юлдузни бенарвон урса, пул санашни яхши билса, кифоя. Эҳтимол, Отчопарда улгуржи харид қилиб, Эски Жўвада чакана сотадиган хашаки тадбиркорлар шундай бўлса бордир. Бироқ, биз бутун юрт хўжалигини юритишга қодир бўлган, унинг бугунинигина эмас, эртасини ҳам аниқ кўра биладиган тадбиркорни (топганини киссасига уриб фақат ўз нафсини ўйлайдиган нокасни эмас) бутун мамлакатни бойитадиган, уни тўқлик, фаровонлик салтанатига олиб боришга қурби етадиган тадбиркорни айтяпмиз. Бугун бизга ўзбекнинг фордлари ва рокфеллерлари, дьюпонлари ва ротшильдлари керак. Улар ўз соҳасини жуда етук олим даражасида мукаммал билишган. Улар бу билан чекланмай, маданий савияси ғоятда кенг, ҳар хил соҳалардаги билимлари ғоятда чуқур, даврининг энг пешқадам одамлари бўлган. Табиийки, фақат шундай одамларгина, жаҳоний миқёсларда фикрлайдиган янги одамларгина бизнинг юртимизни ривожланишнинг катта йўлига олиб чиқа олади. Бундай сифатларни ўзлаштириб, ўстириб бориш учун китобга мурожаат қилишдан, китоб билан бир умрга дўстлашишдан ўзга чора йўқ. Шунинг учун, азиз ота-оналар, бозорга чиқариб юборган фарзандларингизни яна қайтадан мактабга ҳайдашга уриниинг. Ҳарҳолда, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида фақат билим орқалигина муваффақиятга эришиш мумкин.

Шу ўринда яна битта нозик масала устида бир оз фикр юритишга тўғри келади. Биз матбуотда ҳам, радио ва телевиденияда ҳам ўзбек халқининг қадимийлиги, олис тарихи давомида жуда бой адабий-маданий мерос яратгани ҳақида кўп гапирамиз ва ҳақли равишда шу юртнинг фуқароси, шу халқнинг фарзанди, шу бой маданий мероснинг ворислари эканимиздан фахр қиламиз. Табиий савол туғилади: ана шу қонуний фахр туйғуси невосидагина биз, яъни бугунги одамлар, шу жумладан, бугунги ёшлар ҳам ўзимизни том маънода маданиятли одам, деб ҳисоблашимиз мумкинми? Менинг назаримда, бу саволга «ҳа» деб жавоб беришимиз қийин бўлса керак. Чунки ҳаёт йўлларида ҳар қадамда фикри ғоятда чекланган, истиқбол ҳақида ўйлаш у ёқда турсин, оёғи остидан нарини кўрмайдиган, берсанг еймам, урсанг ўламан, деб яшайдиган, Алишер Навоийга ҳам, Абдулла Қодирийга ҳам, соҳибқирон Темурга ҳам, Мирзо Улуғбекка ҳам бефарқ, лоқайд қарайдиган одамлар учрайди. Бинобарин, маданий меросимиз ҳар қанча бой бўлгани билан, фақат шуни дастак қилиб олиб, бутун халқ ёппасига, ўз-ўзидан, автоматик тарзда ма-

данийлашиб қолган, деб айта олмаймиз. Тўғри, бой ва бетакрор меросга эгамиз, лекин уни ҳар қанча мадҳ этганимиз, ҳар қанча оламга кўз-кўз қилганимиз билан бундан менинг, сенинг, унинг, қўйинг-чи, ҳаммамизнинг маданий савиямиз ўз-ўзидан кўтарилиб қолмайди. Биз асрий меросимизнинг ҳам, бугун яратилаётган маданий-маънавий бойликларнинг ҳам том маънодаги эгаларига айланмоғимиз керак. Қолаверса, фақат бугина эмас, балки курраи заминнинг ҳамма минтақаларида бутун инсоният томонидан яратилган маданий бойликлар, маънавият хазиналарини ҳам ўзлаштириб олмоғимиз жоиз. Бунинг эса фақат битта йўли бор – ҳар қайсимиз кучимизни аямай, вақтимизни қизғанмай бу бойликларни ўрганиб, улар тўғрисида фикр юритиб, баҳслашиб, моҳиятини англаб, уларни кўнгил мулкига айлантирмоғимиз керак. Бу иш фармонлар ёхуд ҳашарлар йўли билан амалга ошмайди, мўъжиза рўй бериб бир юмалаб уларни ўзлаштирган одамга айланиб қолиш ҳам мумкин эмас. Фақат узлуксиз меҳнат билан, бутун умр давом этадиган машаққатли изланишлар билангина бунга эришмоқ даркор. Шундагина бу бойликларнинг ички маъноси, моҳияти бизга аён бўлади, шундагина биз беқиёс гўзалликлардан баҳраманд бўлиб, ўзгариб бораётганимизни, кўнглимиз юмшаб, ҳар хил доғлардан фориғ бўлиб бораётганини, уларнинг ўрнини меҳр ва муҳаббат, мурувват ва шафқат эгаллаб бораётганини ҳис қиламиз. Ана шундагина, яъни инсоният яратган битмас-туганмас хазинани тўла бўлмаса ҳамки, лоақал имкон қадар ўзлаштириб, ўз мулкига айлантириб олгандан кейингина одам ўзини маданиятли, деб ҳисобласа тўғри бўлади.

Бу гапларнинг ҳаммасидан жуда оддий, лекин ҳамма вақт ҳам инобатга олинавермайдиган битта хулоса чиқади – юксак маданиятсиз, теран маънавиятсиз, ҳар томонлама пухта билимсиз, эркин ва юксак тафаккурсиз ҳеч қанақа порлоқ келажак қуриб бўлмайди.

Эй, менинг «Синфдош» кўрсатувида жамолини намойиш этган ёш дўстларим! Эй, ўзига ҳаддан зиёд бино қўйган ёш хонанда дўстим! Умуман, китоб устида кўз нурини тўкиб ўтиришдан кўра кўча чангитиб юришни, ошиқ ўйнаш, ланка тепишни ёки бошқа кўнгилхушликларни, кайф-сафони афзал кўрадиган, беш кунлик дунёда яйраб, ўйнаб қолиш керак, деган ақида билан ҳаёт кечиришни бирдан-бир тўғри йўл деб ҳисобловчи ғофилгина укаларим, сингилларим! Шуни яхши билиб қўйингки, сиз қай сабаб билан бўлса бўлсин, китобдан юз ўгириб, ўз-ўзингизни



беқиёс салтанатдан ҳайдаб, маънавий қашшоқликнинг, фикрий маҳдудликнинг, жаҳолат ва нодонликнинг совуқ эпкинлари, манхус елдиримлари ҳукмрон бўлган саҳрои биёбонга бадарға қиласиз. Шуни билингларки, китобдан, маърифатдан, маънавиятдан юз ўгириб, сизлар келажакнинг бунёдкори бўлишдек буюк бахтдан ўзингизни мосуво қиляпсиз. Умр «шув» этиб ўтиб кетади. Ҳаёт лаззатлари, кайф-сафо, айш-ишрат, маишат ҳар қанча жозибадор кўринмасин, улардан ҳар қанча ширин хотиралар қолмасин, барибир, улар пешанада ва янада ёмони – қалбда бадбуруш чандиқлар, ажинлар қолдиришдан бошқага ярамайди. Шунинг учун фурсатни бой бермасдан ҳаракат қилинг, елинг, югуринг, бойлик орттиринг. Қўлнинг кирига ўхшаган бойлик эмас; ўзингиз билан мангу қоладиган, сизга ҳеч қачон панд бермайдиган, ҳаётингизга маъно ва мазмун бахш этадиган маънавий бойлик орттиринг. Бунинг учун эса китоб билан умрбод дўстлашмоқ, юзни маърифатга бурмоқ зарур.

Айни чоқда, шуни ҳам эътироф этмоқ керакки, кенг маънодаги китобхонлик масаласи фақат чақириқлару даъват билан, хитобу шиорлар билан ҳал бўладиган масала эмас. Одамларнинг, ёшларнинг кўнгил майлларини, хоҳишу иродаларини китобат мулкига буриб юборган билан муаммо ҳал бўлиб қолмайди. Маънавият масалаларига жуда катта аҳамият бераётган, уни ҳар бир фуқаро қалбига етказиш тадбирларини жуда жиддий ўйлаётган жамият бу йўлдаги дастурига китобхонлик масаласини ҳам энг асосий бандлардан бири сифатида қўшиб қўймаса бўлмайди. Бу масала бугунги шароитда, яъни бозор муносабатлари шаклланиб келаётган шароитда янада мураккаб тус олади.

Бозор муносабатлари шароитида адабиёт яшаб қолиши ва ривожланиши учун анча жиддий ўзгаришларни бошидан кечирмоғи зарур. Энди у ҳам қай бир даражада «олди-сотди» буюмига айланади ва унга товардай муомала қилина бошланади. Лекин мен ҳозир мазкур мақолада масаланинг бу жиҳатига тўхталмоқчи эмасман, мен бошқа нарсани таъкидламоқчиман – адабиёт, китоб ҳар қанча ўзгаришни бошидан кечирмасин, барибир, у жамиятга жуда керак ош-нон, сув, ҳаво каби зарур нарса. Жамият адабиётсиз, китобсиз яшай олмайди. Шунинг учун бозор шароити ҳар кимга аравасини ўзи тортишини тақозо қилса ҳам, жамият адабиётга қарашиб юбормаса бўлмайди. Албатта, ёзувчилар ичидан ҳам битта-яримта тадбиркори чиқиб қолиши

мумкин. Уларнинг кўпчилиги эса ҳар қанча китоб ёз десангиз ёзиши мумкин-у, лекин «ёзганингни сотиб, тирикчилигингни ўзинг қил» десангиз, бу ишга ярамай қолмоғи мумкин. Шунинг учун «адабиёт араваси»ни тортишга жамият кўмаклашиб юбориши лозим.

Шуни жуда катта мамнуният ва ифтихор билан таъкидламоқ зарурки, мустақил Ўзбекистонимизда маънавият ва адабиёт масалаларига катта эътибор билан қаралятпи. Адабиёт ва санъатга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, Юртбошимиз Ислом Каримов ниҳоятда бағрикенглик билан, беқиёс бир саховат билан адабиётимизга ҳомийлик қилмоқда. Кейинги йиллар мобайнида йиғинларда сўзлаган нутқларининг ҳаммасида у ўнлаб ўзбек ёзувчиларининг номларини тилга олиб, уларнинг ижодига, асарларига юқори баҳо берди. Мустақиллик байрамлари арафасида ва бошқа муносабатлар билан кўпчилик ёзувчиларга турли мукофотлар, нишонлар, унвонлар берилди. Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби адиб ва шоирларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлди. Буларнинг барчаси жамики қалам аҳли ўртасида чексиз мамнуният ва миннатдорлик туйғуларини туғдирмай қолмайди. Айни чоқда, адабиётга бундай муносабат адабиётнинг дол қаддини тиклашга, китобхонлар ўртасидаги обрўйини қайта тиклашга ҳам ёрдам беради. Лекин, афсуски, адабиётнинг айрим муаммолари, ҳаёт-мамот масалалари борки, булар билан ҳам жиддий шуғулланмаса бўлмайди. Хуллас, адабиётни ривожлантириш масаласида, китоблар нашр этиш ва уни китобхонга, айниқса, қишлоқдаги китобхонга етказиш борасида давлат дастури қабул қилиш бугуннинг энг зарурий талаби бўлиб қолди. Чунки ҳар нима бўлганда ҳам, китобсиз яшаб бўлмайди.

*1999*



## «ГЎРЎҒЛИ» БАҲОНАСИДА

Урушдан аввал лотин алифбосида чоп этилган қалин муқовали бу семиз китоб кутубхонамдаги энг ардоқли китоблардан. Ҳар гал уни кўрганимда бувим – керагида уришиб-сўкиб, қаттиқ тергаб, «шапшак» бўлиб кетишимга йўл қўймаган, керагида ширин гаплар билан тарбиялаб, мени «одам» қилган бувижоним кўз ўнгимда гавдаланади. Туркман тилидаги бу китобни бошдан-оёқ бувим билан бирга ўқиб чиққан эдик, тўғрироғи, мен туркманча сўзларни аклим етганича ўзбекчалаштириб ўқиган, бувим эса майда-чуйда ишларини йиғиштириб қўйиб, жон қулоғи билан тинглаган эдилар. Бу гапларни ўқиб, сиз ҳойнаҳой «Мақтанчоқлик ҳам эвида-да! Йўргакдан чиқмасданоқ туркманчани ҳам ўзлаштирган эканлар-да!» деб энсангиз қотаётган бўлиши мумкин. Йўқ, гапимга ишонаверинг, мен мақтанмоқчи эмасман. Мен ўша кезларда, албатта, туркман тилини билмас эдим. Ҳозир ҳам билмайман. Лекин бувим иккимиз бу китобни ўқиб чиққанимиз рост. Келинг, яхшиси, ҳаммасини бир бошдан гапириб берай.

«Гўрўғли» китобини харид қилганимда, адашмасам, 14–15 ёшларда эдим. Ўша пайтларда қўлим бўшаб қолди, дегунча ё ўзим, ё биронта ўртоғим билан янги шаҳарга сафарга чиқар эдик. Бу сафаримиз ҳам зиёрат, ҳам тижорат қабилида бўларди. Йўл-йўлакай кўча-кўйни томоша қилиб, кўнгил ёзиб, ўнг келса, киноинога тушиб, бир йўла китоб магазинига ҳам кириб келардик. Марказий китоб дўконида ўзбек китоблари бўлимида ишлайдиган одам бизни ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олар, қандай янгиликлар чиққанини, қайси китоб қандай мавзуда эканини, уни харид қилсак, бизга қандай нафи тегишини эринмай гапириб берарди. Албатта, кўпинча, янги китоблар ҳар қанча яхши бўлмасин, уни харид қилишга пулимиз бўлмасди. Бундай пайтларда анча руҳимиз тушиб, ювош тортиб қолардик. Китобфуруш амаки эса ҳар гал бирор йўл билан кўнглимизни кўтариб чиқариб

юборарди. Бир куни у «Уйда ўқиб чиққан китобларинг бўлса, майли, олиб кел, мен уларнинг ўрнига янгиларидан бераман» деди. Мен шундай қилдим. Шу йўл билан анча вақтгача янги китоблардан баҳраманд бўлдим. Кейин йиллар ўтиб, билдимки, бу иш совет савдосининг қоидаларига сира тўғри келмас экан. Нима учун ўша китобфуруш бунақа қилган экан, ҳанузга қадар билмайман. Лекин буни билмасам-да, ҳатто у кишининг исм-шарифидан бехабар бўлсам-да, унинг сиймоси хотирамда муҳрланиб қолган. Бу ажойиб одамни ҳозиргача чин юракдан ҳурмат билан эслаб юраман.

Китоб дўконига навбатдаги сафарлардан бирида пештахтадаги «Гўрўғли» деган китоб кўзимга оловдай кўриниб кетди. Сабабки, урушдан кейинги йилларда «Алпомиш», «Маликаи айёр», «Равшан», «Балогардон», «Хушкелди» каби беш-олтита халқ достони босилиб чиққан эди. Мен уларни ўқиб чиқиб, халқ достонларини жон-дилимдан яхши кўриб қолгандим ва китоб дўконларидан янгиларини қидирадиган бўлиб қолгандим. Шунинг учун «Гўрўғли» кўзимга оловдай кўриниб кетди. Уни кўриб, варақлай бошладим. Варақлай бошладим-у, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Унинг нархини кўргандан кейин эса бутунлай ҳафсалам пир бўлди. Китобфуруш амаки дарров аҳволимни тушунди:

– Яхши китоб. Туркманча бўлса ҳеч нарса қилмайди. Туркман тили ўзбек тилига жуда яқин. Уни тушунмоқ учун луғат керак эмас. Нархи масаласига келсак, уни қиммат дема. Китоб ҳеч қачон қиммат бўлмайди. Мана, мени айтди дерсан, йиллар ўтиб бу китобнинг қиммати ортса ортадики, сира камаймайди. Пулинг ўзинг билан кетади.

Бу одамнинг гаплари тўғри чиқди. Ҳақиқатан ҳам, бугун ўша «Гўрўғли» ноёб китоб бўлиб қолган – мутахассислар уни жуда катта пулга сотиб олиши мумкин. «Гўрўғли» мисолида мен бир мақолда ифодаланган ҳақиқатнинг чинлигига амин бўлдим: асал айнимайди, китоб эскимайди.

Китобнинг туркманчалигидан хавотир олганим ҳам беҳуда экан – унинг деярлик ҳаммасини бемалол, луғатсиз тушундим. Ҳатто шу баҳона туркман китобларини ҳам харид қила бошладим. Матожи, Сеиди, Мулланафас, Камина каби шоирларнинг китоблари шу йўл билан бизникига келиб қолган. Уларда тасвирланган айрим воқеалар ҳозирга қадар эсимда. Мана, улардан бири: Камина кўпгина туркман шоирлари каби Хивадаги мадрасалардан бирида ўқиган экан. Бу ерда унинг бир кўзи кўр мулла ошнаси бор экан. Бир куни Камина уни кўргани келса, мулла одамлар ўртасида Каминани масхара қилибди:



– Ҳа, галбмисиз?

Туркманча ва хоразмча талаффузда бу «келдингизми» деган маънони билдирар экан. Лекин араб тилида «галб» дегани «ит»ни англатар экан. Ҳажвиёт бобида донг чиқарган Камина ҳозиржавоблик билан дебди:

– Сизни бир кўрсак, деб келиб эдик.

Бундаги сўз ўйинига эътибор беринг – бу иборанинг «сизни бир кўр ит деб келдик» деган маъноси ҳам бор.

Хуллас, «Гўрўғли» китоби туфайли анча-мунча туркман шоирларининг асарлари билан ҳам яқиндан танишиб олдим. Лекин бу гал мен бу машҳур китобнинг битмас-туганмас фазилатлари ҳақида, юксак санъати, кишини тўлқинлантирадиган жиҳатлари тўғрисида гапирмоқчи эмасман, балки «Гўрўғли» баҳонасида бувим тўғрисида ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Шундай қилиб, бир неча кун давомида уйимизда «Гўрўғли»хонлик давом этди. Бизда Гўрўғли ҳақидаги асарлар қирқта достонни ташкил қилади. Туркманларда унинг туғилишидан бошлаб вафотига қадар бутун ҳаёти ўн иккита асарда ифодаланиб, шу биргина китобга жо қилинган экан. Бувим буларнинг барини ўзича шарҳлаб, ўзича завқланиб, шунақа эътибор билан эшитдики, қўяверасиз. Афтидан, бувим болалигидами ёхуд кейинроқми бу халқ қаҳрамони ҳақидаги эртак ёки достонларни эшитган бўлсалар керак, чунки уни «Гўрўғли султон» деган ном билан атар эдилар ва унинг Ғиркўк оти, хотинлари Мисқолпари ва Юнуспари, ўғиллари Авазхон билан Ҳасанхонга алоқадор саволларни кўп берардилар. Табиийки, мен уларнинг ҳаммасига ҳам жавоб топиб беролмасдим, лекин бувимнинг бу қизиқишига, ҳар қандай майда тафсилотларни ҳам билиб олишга интилишига ҳайрон қолардим.

Бувим китоб ўқитиб эшитишгина эмас, театр томошаларини кўришни ҳам ёқтирардилар. Уйимиз Ҳамза театрига яқин, билмадим – шунинг учунми ё бошқа бирон сабабданми – «театрда янги томоша қўйилибди» деб эшитишлари билан ё аямни, ё мени кистаб тушардилар. Томошани кўриб келгандан кейин эса анчагача уни «таҳлил» қилиб юрардилар: «Ҳабаш ўлгур гулдай хотинини ўлдириб қўйди-я! Жиндай шошмаганида ҳамма сир очиларди-ку! Ҳовлиқмай ўл!» Ёки: «Кўзинг дўлаймай қиронга учрагур Чингиз бунча қонхўр бўлмаса! Жалолиддиндай йигитга кун бермади-я!»

Йиллар ўтган сари у кишининг санъат ва адабиётга ишқибозликларини кўриб, таажжубим ортгандан ортиб борди. Ахир, таажжубланмай бўлармиди? Бувим умрида мактаб юзини кўрмаган, алифдан калтакни ажратолмайдиган, ғирт саводсиз, оми бир аёл эди. Ўқиш бир ёқда турсин, ҳисобни ҳам зўрға элликкача эплардилар, холос, ундан нариёғини «уч йигирма», «тўрт йигирма» деб ҳисоблардилар. Соатни ҳам тузукроқ билмасдилар. Бир куни уйга ярим кечадан ошганда қайтдим. Ҳовлининг гувала деворида жиндай нураган жойи бор эди – уйдагиларни уйғотиб юбормаслик учун астагина девордан ошиб, ёғоч сўри устига солиб қўйилган ўринга кирдим. Бувим уйғоқ эканлар.

– Қаёқларда дайдиб юрибсан, жувонмарг? Соат неча бўлди?

– Ўн икки бўлди, бувижон, – дедим гуноҳкорона оҳангда.

– Ўн икки?! Ўн иккини боғлаб қўйибдими? Ўн бўлди, ярамас, ўн!

Гап қайтармай ўзимни ухлаганга солдим.

Бувим китобга ёки театр томошаларига ҳар қанча қизиқмасин, невараларига эртагу ривоятлар айтиб бермас эдилар. Фақат у киши мақолга уста эдилар, мақолни ҳам деҳқончасига қилиб айтаверардилар. Умуман, жаҳллари чиққанда оғизларидан ғалати сўкишлар ҳам чиқиб кетарди.

Бувим бизга нафақат эртагу ривоятлар айтиб бермас, балки ўзларининг ҳаёт йўлларини, бошларидан кечган турли воқеаларни ҳам бир бошдан гапириб берган эмаслар. Фақат у кишининг ҳар хил муносабат билан айтган узуқ-юлуқ гапларидан ҳаётларининг баъзи қирраларидан тасаввур ҳосил қилганман.

Қўқоннинг биқинида Яйпанга кетаверишда Охунқайнар деган кичикроқ бир қишлоқ бор. Қишлоқ ўзининг булоқлари билан донг чиқарган. Бири кичик, бири катта, бири совуқ, бири иссиқ бешолтита булоқ ёнма-ён жойлашган. Уларнинг биттаси сарҳовуздай келади, суви шунақа шиддат билан вақирлаб қайнайдики, ёнида турган одамнинг ваҳми келади. Булоқларнинг баъзилари шифобахш – шунинг учун бу ер зиёратгоҳга айланган, айниқса, ёз ва куз фаслларида одам гавжум, ҳақиқий сайиллар бўлади. Бувим шу қишлоқда туғилиб ўсган, аммо у кишининг ота-оналари ким бўлган, қанақа турмуш кечиришган – буни билмайман. Бувим бу қишлоқдан қачон бош олиб чиқиб кетгани ҳам менга аён эмас. Ҳарҳолда, бу воқеа 20-йилларнинг ўрталарида рўй берган бўлиши мумкин. Бувимни Сирожиддин деган одамга узатишган экан. У киши анча машҳур полвон бўлган экан. Бобом билан довлашгани ҳар хил полвонлар келиб турар экан. Бир куни зўррок бир полвон келибди-ю, бувам ундан енгилибди. Шу кўйи ўзларига келмабдилар. Йиқитган полвон икки тирсаги билан бувамнинг кўкрагини



қаттиқ қисиб қўйиб, анча зиён етказган экан. Бувам бир қанча вақт тўшакда ётиб, дунёдан кўз юмибдилар.

Бувим ҳали бўй етмаган бир қизу бир ўғил билан қолибдилар. Қишлоқда бувимнинг қариндош-уруғлари кўп бўлганми-йўқми – буни ҳам аниқ билмайман. Лекин бувим битта укаси ҳақида бир-икки гапириб берганлар. Бувим бева қолганидан кейин укаси у кишининг ҳолидан хабар олиб турган бўлса керакки, бу оиладаги ҳамма ишлар рисоладагидек бўлмоғи учун ўзини масъул ҳисоблаган кўринади. Кунлардан бирида бувим укасига қишлоқ қизларининг сайилга бормоқчи эканини, аямнинг ҳам қизлар билан бориб келгани маъқул эканини айтибди. Укаси «қиз бола сайилда нима қилади, ўтирсин уйда» деб жеркиб берибди. Лекин бувим «қизим жуда сиқилиб кетган, жиндай яйраб келар» деган умидда рухсат берибдилар. Қизлар сайилдан қайтгандан кейин эса баджаҳл тоға «сайилга борган оёқларинг шуми?» дея аямнинг тўпиқларини теша билан уриб синдирган экан. Шундан кейин бувим укаси билан юзкўрмас бўлиб кетишган.

Орадан ўттиз йиллар ўтгач, бу фожиа анча унут бўлиб, доғлари юракдан ўчиб кетгач, тоғам Тошкентга, бизникига келиб, бош эгиб кечирим сўраган эди. Биз у кишининг иззатини жойига қўйиб кутиб олдик, уч-тўрт кун меҳмон қилиб, яна кузатиб қўйдик. Лекин бувим туғишган укаси билан бир оғиз ҳам гаплашмади.

Ўшанда бувим қишлоқдан бош олиб чиқиб кетиб, икки бола билан Қўқонга келиб қолганлар. Бироқ Қўқондаги турмушдан ҳам тузукроқ рўшнолик кўрган эмаслар. Аям тузалиб улгурмай, бувимнинг ўғли – Рўзмат тоғамнинг машмашалари бошланган. Тоғам, отасиз ўсгани сабабли, безорилик йўлига кириб кетган ва киссавурларга қўшилиб, неча йиллар мобайнида онани куйдириб адои тамом қилган. Бувим шўрлик ёлғиз ўғлининг тепасида ҳарчанд гирдикапалак бўлиб жон куйдирмасин, тоғам тез-тез уйдан қочиб кетар ва уч-тўрт ойлаб ундан дом-дарак бўлмас эди. Бувимнинг суриштирмаган жойи, сўрамаган одами қолмас, ниҳоят, излай-излай, унинг аллақайси ўғрилар тўдасига қўшилиб кетганидан хабар топар, кейин бу тўда тупканинг тагида бўлса ҳамки, топиб бориб, тоғамни ажратиб олиб келарди. Тоғам сочлари ўсиб кетган, башараларини қасмоқ босган, усти-боши кир, одам қараб бўлмайдиган бир аҳволда уйга кириб келарди. Бувим уни ювиб-тараб, сочларини олдириб, тоза кийимлар кийдириб, қорнини тўйғазиб, одам ҳолига келтирар эди. Аммо бир-икки ой ўтмай, машмаша бошидан бошланар, тоғам яна ғойиб бўлиб қолар, бувимнинг оҳу фиғони яна оламни тутарди. Ниҳоят, армия ёшига етганда тоғамни ҳарбий хизматга чақирдилар, уруш

бошлангандан кейин эса ўшанакаси урушга кетди, уруш охирида қаттиқ жароҳатланиб, ногирон бўлиб қайтди. Кейин тоғам уйланди, рўзғор қилди, икки фарзанд кўрди. Шундан кейингина бувимнинг дарди бир оз пасайгандек бўлди.

Бундай оғир кўргиликлар, тақдирнинг аёвсиз зарбалари ҳар қандай одамнинг ҳам қаддини букиб, фақат юзида ажинларгина эмас, юрагида кўзга кўринмас чандиқлар ҳам қолдириши табиий. Одам умидсизланиши, асаблари қақшаши, юраги торлашиб, ҳаммага заҳарини сочадиган бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Албатта, бувим ҳам бундан бутунлай бенасиб қолган эмас. Лекин шу билан бирга, мен бувимнинг бирор марта биздан – невараларидан аламини олганини, бизга заҳар сочганини, беҳуда уришганини билмайман. Тўғри, шўхлик қилсак, бемаъни ишлар қилсак, бувим бизни қаттиқ койир, ўрни келганда, қарғишларни ҳам аяб ўтирмасди. Мабодо каттароқ гуноҳ қилиб қўйсак, кучлари етмаслигига кўзлари етса, пўписага ўтардилар:

– Ҳали аянг келсин, ҳаммасини айтиб бераман. Бир таъзирингни берсин. Ўшанда кўрасан...

Кечқурун аям ишдан келарди, овқатланиб бўлмасларидан бувим дийдиёсини бошларди:

– Ўғлингни тийиб оласанми, йўқми? Ўлар бўлсам, ўлиб бўлдим. Бирор очиқ мозор йўққи, унинг дастидан ўша ёққа кетсам...

Табиийки, аям бирпасда тутақиб кетар ва бизга «тарбия» беришни бошларди. Баъзан овозлар кўтарилиб, болохонадор сўкишлар янграр, жиддий таҳдидлар ва дўқлар устимизга ёғиларди. Улар бир оз меъёрдан ошиб кетганини сезган бувим яна ўзи жонимизга ора кирарди:

– Бўлди-да энди! Ҳадеб уришаверасанми?! Эзилиб кетди-ку бола бечора! Ҳе, бола боқмай ўл!

Бувимнинг бунақа аралашувидан кейин бизнинг бошимизда данак чақилиши тўхтаб, она-бола ўртасида даҳанаки «жанг» бошланарди.

Бувим жаҳли тез, қаҳри қаттиқдай кўрингани билан аслида кўнгли кенг, меҳрга, муҳаббатга тўла эди, у кишининг бизга муҳаббати ҳамиша ўзига хос тарзда намоён бўларди. Масалан, Тошкентга кўчиб келиб, мен мактабга кирганимдан кейин бувим ҳам мактабга серқатнов бўлиб қолдилар. Уйда ҳар куни дарсни тайёрлаганимни суриштирардилар, бирор дарсни ўқимаган бўлсам, ўтқазиб қўйиб ўқитардилар. Уйда терганлари етмасдан ҳар ўн-ўн беш кунда бир марта мактабга бориб, кураторга ёхуд илмий мудирга учраб, менинг ўқишиму ахлоқимни икир-чикиригача текшириб келардилар. Илмий мудиримиз Қудрат



Аҳмедов бувимга баайни ўғилдек бўлиб қолган, у киши билан менга ва оиламизга тегишли ҳар қандай гапни ошкора гаплашаверар эдилар. Қудрат ака ҳам бувимнинг феълини тушуниб қолганидан у кишига бирда ҳазил, бирда жиддий муомала қилар эдилар. Икки томонлама қаттиқ таъқиб остида бўлганингдан кейин унча-мунча шўхликларни ҳам қилолмай қолар экансан. Дарслар биринчи сменада бўлар, баъзан китоб ўқиб ё дарс тайёрлаб кеч ётадиган бўлиб қолсам, вақтлироқ уйғотиб қўйишни бувимдан илтимос қилардим. Эрталаб тонг отиб, атроф ёришиши билан бувим тепамга келадилар, кўрпани очиб елкамдан туртадилар:

– Қани, турақол, улим. Айтган вақтинг бўлди. Тур. Кўзингни оч. Кеч қоласан.

Мен, албатта, кўрпани бошимга буркаб олиб ухлашда давом этардим.

– Тур деяпман! Қанақа боласан, ахир! Пешин бўляпти-ку!

Бувимнинг дағдағаси кучайган сари менинг ҳам кўрслигим қайнаб тошарди.

– Қўясизми, йўқми? Бирпас ухлай, тураман.

Жиғибийрон бўлиб, мени турғизолмагач, бувим тўнини бутунлай тескари кийиб оларди:

– Э, бор-е! Турмасанг турмай ўл-а! Менга нима? Кеч қоладиган, гап эшитадиган сен экансан – билганингни қилмайсанми? Энди яна уйғот деб кўргин! Уйғотиб бўпман, жувонмарг.

Яна нималарнидир зарда билан ғўлдирай-ғўлдирай хонадан чиқиб кетарди. Мен тўйиб ухлайдиган бўлдим энди, деб мазза қилишга улгурмай, бувим яна хонага кириб келардилар:

– Болам, кўп гапиртирма, турақол! Чойингни дамлаб қўйдим. Жон болам, тур, ювиниб-нетиб, чойингни ич. Кечикмай ўқишингга борақол!

Аям эрта кетиб, кеч келардилар. Биз – болалар уззукун бувимнинг қарамоғида қолардик. Бувим нафақат ўқишимизу дарс тайёрлашимизга, балки усти бошимизу иссиқ-совуғимизга ҳам қараб турардилар. Уруш пайтлари овқат масалликларидан, нондан жуда қийналганмиз. Лекин бувим бирор куни бизни иссиқ овқатсиз қолдирганини эслолмайман. Нималарнидир арчир, тўғрар, жизбиз қилар, жуда бўлмаганда, лавлаги қайнатиб бериб, нафсимизни қондирарди. Бувим овқатни еб бўлмагунимизча назорат қилиб турардилар. Ёнимизда бирон ўртоғимиз бўлса, бизга қараб, «Ол, лалайиб ўтирма, ўртоғинг еб қўяди ҳаммасини» деб қистар эдилар. Ўртоғимизнинг ўзига овқат алоҳида сузилган бўлса, уни ҳам қистар эдилар: «Олинг, ҳаммасини еб қўйинг, сиздан қолганини ким ейди?» Биз хижолатта тушиб, «Бувижон, нега ундай дейсиз. Ахир,

ўртоғим бу ерга овқат егани келмаган-ку! Гапингизни эшитиб, хафа бўлмайдими?» дердик. Бувим эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек, «Нима бўпти, тўғрисини айтяпман-да! Нимасига хафа бўлади?» деб пинагини бузмас эди. Масаллиқ бемалол бўлса, бувим яйраб-яйраб овқат қилар ва қилган овқатларининг ҳаммаси ҳам ширин бўларди. Бувим, айниқса, паловни ўхшатар эдилар. Гуручлари дона-дона, олтиндай товланиб ўйнаб турарди, пишмай ҳам қолмаган, эзилиб ҳам кетмаган, бирам хушбўй. Хуллас, еб тўймайсиз.

Бувимнинг менга сингган хизматлари айтган билан тамом бўлмайди. Лекин яна бир воқеани эслаб ўтмасам сира бўлмас.

1951 йилнинг ёзида университетни тугатдик. Эркин Юсупов, Музаффар Хайруллаев, Маҳамад Воҳидов, Убайдулла Бозоров каби дўстларим Москвага аспирантурага кетадиган бўлишди. Мен оилавий шароитимни рўкач қилиб, шу ерда қоладиган бўлдим. Август ойининг ўрталарида ҳовлида гаплашиб ўтирар эканмиз, тўсатдан бувим сўраб қолди:

– Ўртоқларинг Масковга кетяптими?

– Ҳа.

– Сен-чи?

– Ўзингиз биласиз-ку! Мен кетиб қолсам, оилага ким қарайди?

– Нималар деяпсан! Эркин Масковда ўқийди-ю, сен Тошкентда ўқийсанми? Сенинг Эркиндан қаеринг кам? Йўқ, сен ҳам борасан! Хотининг билан қизингга ўзим қараб тураман. Сен сира ҳам хаёлингни бўлмай, яхшилаб ўқиб келавер.

Бувимнинг гапи билан эртасига тегишли ташкилотларга учрадим ва августнинг охирида Москвага жўнадим. У ерда уч ярим йил Жаҳон адабиёти институтининг тупроғини яладим. Ёмон бўлмади, шекилли.

Ана шунақа! Ўқимаган, оми, аммо қалби меҳрга тўлиқ оддий қишлоқ аёли менинг одам бўлиб етишишимда катта роль ўйнаган. Шунинг учун у кишининг ёрқин сиймоси бир умрга қалбимга муҳрланиб қолган.

*2000*



## БОҚИЙ МЎЪЖИЗА

### «БУ УММОНДА СУЗИБ ЮРИБМАН...»

**– Озод ака! Болалик чоғларингизда китоб оламига кириб келишингиз қандай кечган?**

– 5–6 ёшларимда чўмилишни яхши кўрар эдим-у, сузишни билмас эдим. Бир куни болалар қийқиришиб чўмилиб юрган анҳорни кўрдиму, югура келиб ўзимни сувга отдим. Анҳор чуқур экан. Табиийки, чўка бошладим. Катта болалар бир амаллаб қирғоққа олиб чиқиб қўйишган. Менинг китоблар оламига кириб келишим ҳам шунга ўхшаган тарзда содир бўлган – ҳали ўқишни ўрганиб-ўрганмай, ўзимни китоблар уммонига отганман. Бу уммон ҳам чуқур экан, лекин буни қарангки, бу уммонда чўкмай ҳануз сузиб юрибман.

**– Китоб мутолааси маданиятини кимдир ўргатганми ёки у стихияли тарзда шаклланганми?**

– Мутолаа маданиятини ҳеч ким ўргатган эмас. Агар менда бу маданият бўлса, унга йиллар давомида тажриба орттириб, ўзим эришганман. Албатта, кейинроқ мактаб, ўқитувчилар, дўстларим, кутубхоналар ёрдамга келган. Лекин дастлаб мутолаа жараёни мутлақо тизгинсиз кечган – бир неча йил мобайнида нишхўрд чиқармай, қўлимга тушган китобнинг ҳаммасини хатм қилганман. Уларнинг орасида олам сирларидан, табиатдаги бунёлар ва ҳодисалардан ҳикоя қиладиган илмий-оммабоп асарлар ҳам кўп эди.

**– Мутолаага бўлган қизиқиш қаердан туғилади ўзи? Нега айримлар болаликдан китоб «жинниси» бўлиб улғайса, айримларининг китоб варақлашга тоқати етмайди?**

– Очиғини айтсам, мутолаага қизиқиш қаердан туғилишини ҳозирга қадар билмайман. Ахир, ўзингиз ўйланг: менга ҳеч ким китоб ўқигин, бу – фойда деган гапни айтган эмас, ҳеч ким уч сўм сарфлаб битта китоб олиб берган эмас. Бувим ғирт саводсиз,

ўқимаган аёл эди. Аям саводли бўлса-да, китоб ўқишга вақти йўқ эди. Уйимизда бирон дона китоб бўлмаган. Фақат менинг «елиб-югуришим» билан уч-тўрт йилда кичикроқ бир кутубхона майдонга келди. Ҳозир бўлса, уйимда росмана бир кутубхона бор. Унда керакли китобларнинг ҳаммаси топилади, десам муболаға бўлмас. Агар мен ўқишга киришган чоғларимда қўл остимда шундай кутубхона бўлганда борми, билмадим, нима бўлардийкин.

Мен ўйланиб қоламан: наҳотки, мутолаага қизиқиш туғма хислат бўлса? Аждодларимдан қай бири илмли, китобга ташна бўлган-у, унинг генлари фазода юра-юра, охири келиб менда қўним топдимикан? Бундай дейишимнинг яна бир боиси шундаки, гап фақат невараларимда эмас. Ҳозирги ёшлар ўртасида ялпи равишда китобдан юз ўгириш, имкони борича кам ўқиш касали пайдо бўлган. Нега? Эҳтимол, бунга биз катталар айбдордирмиз? Эҳтимол, ҳар хил дастуру талабларга амал қилиб, болаларнинг авжи ўқийдиган пайтида уларга бўлар-бўлмас китобларни тиқиштираётгандирмиз ва бу қилиғимиз билан биз ўзимиз улардаги ҳавасни таг-томири билан йўқ қилаётгандирмиз? Эҳтимол, биз катталар энг яхши ниятлар билан қуролланган ҳолда, устимизга доно мураббий либосини ташлаб олиб, китоб ўқишдек ҳузурбахш бир ишни зерикарли бир машғулотга, кишини диққинафас қилишдан бошқа нарсага ярамайдиган мажбуриятга айлантириб қўйгандирмиз?

### «ТИРИК САТРЛАР» БИЛАН ОВОРА ЭДИМ...

**– 1940–1950 йилларнинг ярмига қадар китоблар ассортименти жуда оз бўлган дейишади. 1950 йилларда бирдан кутилмаган китоблар нашр этилди ва 2–3 йилда яна эски ҳолатига қайтган (бу ўринда, албатта, рус тилидаги адабиётлар назарда тутиляпти). Шу факт ҳақида нима деган бўлар эдингиз?**

– Ҳа, 1950 йилларнинг ярмига қадар китоблар ассортименти кам бўлгани, кейин бир оз жонланиш юз бергани ва яна аввалги аҳволга қайтилгани рост. Бу ачинарли воқеа собиқ шўро мамлакатида мавжуд бўлган шахсга сиғиниш ва оммавий қатлиомлар билан боғлиқ. Ўша кезларда нафақат одамлар, балки китоблар ҳам қатлиомга учрарди. «Халқ душмани» деб қамалган ёзувчининг ҳамма китоблари сотувдан йиғиб олинар, кутубхоналардан йўқ қилинар, ҳибсга олинарди. Мен буни айрим кутубхоналарда ўз



кўзим билан кўрганман. Кутубхоналарда кўздан панароқ жойларда темир эшикли зах ва қоронғи хоналар бўлар, уларнинг эшигида ҳамма вақт отнинг калласидек қулфлар осиғлиқ турарди. Бунақа хоналар «спецхран» деб аталар ва ҳатто кутубхона директори ҳам бир ўзи бу ерга киришга ҳақли эмасди. Бундай хоналарнинг эшиги фақат «қайта қуриш» йилларидагина кенг очилди. Унгача «спецхран»даги китоблар аҳён-аҳёнда минг чиғириқдан ўтказиб текширилган мутахассисларгагина берилар, улар кутубхонанинг ўзида махсус хонада ўтириб, китобдан ҳеч қанақа кўчирмалар олмай тезгина ўқиб чиқмоғи керак эди.

Мен болалигимдаёқ ҳибсга олинган китобларга рўпара келганман ва уларнинг баъзиларини ўқиганман ҳам. Фақат ҳозир бундай китоблар қаердан қўлимга тушиб қолганини эслолмайман. Эсимда бори шуки, 14–15 ёшларимда ўзимга тенгқур бир бола «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» деган романларни битта-биттадан бир кечага бериб турган. Китобларни берар экан, у теварак-атрофга олазарак қараб, «бу асарларни халқ душманлари ёзган, биров ўқиётганингни кўриб қолса, ўласан. Сени ҳам қамашади» деб тайинлаган. Мен, албатта, «халқ душманлари»га лаънатлар ўқиб, китобларни маза қилиб ўқиб чиққанман. Кейин бу асарларни синфимиздаги бошқа болалар ҳам ўқишган ва биз уларни анча вақтгача ўзаро муҳокама қилиб юрганмиз. Баъзан ўйлаб кетаман: яхшиямки, болаликда ана шу мўъжиза китоблар қўлимизга тушгани. Улар бизни китобдан совутмай, аксинча, мутолаага иштиёқимизни оширган. Улардан кейин яна кўплаб асарларни ўқишга киришганмиз. Мен «халқ душманлари»нинг асарларига кейин – адабиётшунос-мутахассис сифатида ҳам рўпара келганман ва улар билан ҳеч қандай рухсатномасиз, текширувсиз танишганман. Бу 1969 йилда, ҳали тақиқлар сиёсати анча мустаҳкам шароитда юз берганди. Мен Қозонга хизмат сафарига бориб, бир неча кун университет кутубхонасида ишладим. Буни қарангки, унда 20-йиллардаги ўзбек адабиётидан жуда кўп намуналар бор экан. Афтидан, Чўлпоннинг «халқ душмани» экани тўғрисидаги хабар Қозон университетига етиб бормаган бўлса керак. Мен унинг «Булоқлар»ини каталогда кўриб, унга талабнома ёзиб бердим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, китоб қўлимга етиб келди. Ўша кезларда мен «Тирик сатрлар» билан овора эдим. «Булоқлар»ни тўлалигича кўчириб олдим. Тошкентдан топишни иложи бўлмаган асарни Қозондан топдим. Дзержинскийнинг шоввозлари «татарлар Чўлпонни билмайди, уни ўқиш учун Тош-

кентдан бу ерга ҳеч ким келмаса керак» деб ўйлаб, бепарворок бўлишган кўринади.

Хуллас, китоблар масаласида ҳам қатағон принципи қаттиқ амал қилган, нашр қилишда ҳам улар чертиб-чертиб танлаб олинган, бироқ чертаётганда унинг бадиий савиясига эмас, кўпроқ ҳукмрон мафкура талабларига нечоғлиқ мос келиш-келмаслигига қарашган. Аммо ҳаёт шуни кўрсатдики, бундай қатлиомлар, китобларни ҳибсга олишлар, гулханда ёқишлар беҳуда нарсалар экан. Улар ўтмишнинг шармандали доғи бўлиб тарихда қолди.

### БАДИИЙ БАРКАМОЛЛИК БЕЛГИСИ

**– Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари улкан адибларнинг мутолаа доираси бирмунча кенг бўлган, бу ҳол уларнинг ижодида ўз аксини топган ҳам. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор бу борада уларнинг издоши саналган. Мени кечиришсин-у, шундан кейинги авлоднинг айни камолга етиш даври китоб тақчиллиги йилларига тўғри келмадими?**

– Агар сиз шўронинг сўнгги йилларида республикамизда китобларнинг кам босилганини назарда тутаётган бўлсангиз, чиндан ҳам тақчиллик бўлган. Аммо ўқийман деган одамга умуман китоб топилмайди, дейиш тўғри бўлмаса керак. Ахир, XX аср мобайнида фақат ўзбек тилида минглаб номларда юз миллионлаб нусхада китоб босилган-ку! Улар ҳеч қаёққа ғойиб бўлиб кетгани йўқ. Тўғри, баъзи бир мафкура муҳиблари вақти-вақти билан эски китобларни саралаб, «чеканка» қилиб туришган. Лекин улар ўз вазифаларини ҳар қанча «сидқидилдан» бажармасинлар, босилган ҳамма китобларни йўқ қилиб юбора олмайдилар-ку! Албатта, уларни қидириб топиб ўқимоқ учун бирмунча ҳаракат керак, бир оз жонни койитиш керак. Лекин, барибир, бу жон койитишлар эвазига китоб ўқишдан оладиган лаззатингиз ҳамма қийинчиликларни ювиб кетади.

Энди ҳозирги кунда китобнинг тақчиллиги масаласига келсак, тўғри, янги шароитда кўпгина нашриётларимиз ўтириб қолди ва улар китоб чиқаришнинг янги усулларига ўтиб олишди. Ҳозир касалхонага ётишга тўғри келиб қолса, кўп ҳолларда кўрпа-ёстиқдан тортиб укол қилиш учун игналару дори-дармонларгача, ҳатто пахтаю бинтларгача ўзингиз билан олиб боришингиз керак. Нашриётлар ҳам муаллифдан қоғоз, териш, босиш ва тарқатиш учун фалон пул талаб қилади. Пули борлар бемалол китобларини чиқараверадилар. Нашриёт бундай ҳолларда ёмон гуноҳ қилиб қўйган маъсума қиздек кўзларини ерга тикканча «китобнинг мазмуни учун муаллиф жавобгар» деб ёзиб қўяди-да, босиш машинасини шарақлатиб ишга тушириб юбораверади. Қўйингчи, ҳозирги китоб тақчиллигини бозор муносабатлари билан изоҳлашади. Бироқ, менинг назаримда, бу мутлақо нотўғри. Негаки, китоб чоп этиш борасида биз ҳали бозор иқтисодиётига ўтиш у ёқда турсин, яқин ҳам келганимиз йўқ. Ахир, бугун бизда бемалол қанот ёйиб ишлаётган биронта ҳам мустақил хусусий нашриёт йўқ. Бу борада ҳамма нарса эски ҳаммом, эски тослигича қолиб келмоқда. Мабодо, битта-ярим хусусий нашриётлар бўлса ҳам, улар мустақил эмас, қудратли монополистик тизимларга тобе ҳолда ҳаёт кечирадилар.

Бошқа давлатларда эса бозор шароитида юзага келган юзлаб янги нашриётлар ҳар куни китоб бозорини янги маҳсулотларга тўлдириб-тошириб ётишибди. Наҳотки, ҳаммага нондай зарур бўлган китоб чоп этиш бобида пешанамизга «яхши от кейин чопади» деб ўтиш ёзилган бўлса. Ахир, XXI аср деганлари ҳам эшигимиздан кириб келди-ку!

**– Мисол тариқасида айтсак, С. Цвейг яратган буюк шахсларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган портретлари дунё халқлари томонидан севиб ўқилади. Чўлпоннинг «Улуғ ҳинди» асари маълум. Сизнинг «Суқрот» деб номланган асарингиз чиқди. Хайриддин Султоннинг Бобур ва бобурийлар сулоласига бағишланган асари чиқди. Лекин нега энди XX аср ўзбек маърифатпарварлари ана шундай эссенамо асарларни кўплаб яратмадилар? Тасаввур қилайлик, 100 йил мобайнида ҳар бир йирик адибимиз биттадан буюк зотларни кашф қилиб берганида борми?!**

– «XX аср ўзбек маърифатпарварлари нега эссенамо асарларни кўплаб яратмаганлари» сабабини аниқ айта олмайман. Эҳтимол, улар аввал ҳаммани саводли қилиб, кейин яратмоқчи бўлишгандир. Эҳтимол, улар жаҳолат ва қолоқликка, зулм ва адолатсизликка қарши курашни биринчи навбатдаги вазифа, деб билишгандир. Эҳтимол, умумий савия бу хилда асарлар яратишни ҳали тақозо қилмагандир. Бироқ, нима бўлганда ҳам, уларни Аллоҳнинг ўзи мағфират қилган бўлсин, ётган гўрлари нурга тўлсин, улар халқ учун, миллат учун, Ватан учун чакана иш қилиб кетишгани йўқ.

Мен сизнинг бу саволингизни бугунги зиёлиларимизга – ҳозирги «маърифатпарварларимизга» қаратган бўлардим. Нега улар суст? Нега бизда неча-неча йиллардан бери адабиёт «бир хил, бир хил, бир хил»?! Қани, китобхоннинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган турли жанрлардаги, турли йўналишлардаги асарлар? Эҳтимол, бунинг бош сабаби шун-

да бўлса керакки, ижодкорларимиз ич-ичларида адабиёт халқ учун эмас, халқ адабиёт учун деган ақидага ёпишиб олишгандир. Эҳтимол, шунинг учун, «эссенамо» асар ёзиш, «буюк зотларни кашф қилиб бериш» қўшимча билим, қўшимча меҳнат, қўшимча қунт ва қўшимча азият чекишни талаб қилар?

– **«Бадиий баркамол асар» қандай бўлади, ўзи? Унинг ўлчамлари, қолипи борми? Бор бўлса, бир нечтасини мисол сифатида санаб ўтсангиз.**

– Очиғини айтганда, билмайман. Албатта, адабиётшунослик-да, назаримда, бадиийликка берилган таърифлар бор, лекин уларнинг кўпи ғоятда «илмий», маҳобати зўр-у, мазмуни мавҳумроқ. Ва умуман, менинг фикримча, бадииятни бир қолипга жойлаб бўлмайди. Негаки, бадиият истеъдоднинг меваси, истеъдод эса турфа хил бўлади. Менга қолса, китобхоннинг ҳам ақлига, ҳам туйғуларига озиқ берадиган, уни ҳаяжонга сола оладиган, узоқ муддатта қалбида ўрнашиб қола оладиган асарни бадиий баркамол асар, деса бўлар.

– **Ёш улғайгани сайин китобга муносабат ўзгариши қандай кечади? Шу жараённи сиз қандай ўтказгансиз?**

– Ёш ўтган сари китобга муносабатда пайдо бўладиган ўзгариш, менимча шундаки, китобларни бир-биридан фарқлай бошлайсиз, пучаги қайси, сараси қайси эканига ақлингиз ета бошлайди. Бўш, бемаза асарларни уч-тўрт саҳифа ўқибоқ улоқтириб юборасиз.

– **Тез ўқийсизми? Чизиб, белгилаб қўйиб ўқийсизми?**

– Унчалик тез ўқиёлмайман. Айниқса, ҳозир кўз ҳам заифлашиб қолди. Китоб ўзимники бўлса, белги қўяман. Зарур жойларини кўчириб оламан. Лекин кейин кўчирмалар кўпайиб кетса, уларнинг ичида ўзим ҳам йўқолиб қолавераман.

– **Такрор ўқийсизми?**

– «Том Сойер», «Граф Монте Кристо», «Шум бола», Чўлпон шеърларини қайта-қайта ўқиб тураман.

### «ШАЙТАНАТ»ДАН КЕЙИНГИ НАВБАТ...

– **Бирорта асарга нисбатан муносабатингиз вақт ўтиши билан ўзгарганми? (Яъни, аввал маъқул кўриб, кейин ёқмай қолганми ва аксинча?)**

– Албатта. Кўп ҳолларда шундай бўладики, биринчи ўқиганингизда асардан жуда кўп информация оласиз-у, хурсанд



бўласиз. Кўзингизга бу асар жуда зўрдай кўринади. Вақт ўтгач, бу информациянинг долзарблиги ҳам ўтади, кўп янги гаплар пайдо бўлади ва ўша китоб анча ғариб бўлиб қолгандай туюлади. Аммо ёшлар мутолааси билан катта ёшдаги одамлар мутолааси ўртасидаги асосий фарқ нимада деб сўрасангиз, мен шундай деб жавоб берардим: ёшларнинг китобга муносабатида эмоционал хислатлар устун туради, катталар эса кўпроқ китобдаги интеллектуал жиҳатларга қизиқади, ундан ўзининг ижтимоий-фалсафий, маърифий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришни ўйлайди. Ёшлар китобдан завқ-шавқ қидирса, катталар умрлари давомида йиғилиб қолган саволларга жавоб излайди ёки ўзлари топган жавобларни китобдаги жавобларга таққослайди.

– **Бадиий адабиётда оммабоп ва хос (мураккаб) асарлар мавжуд. Шунга муносабатингиз. Назаримда, бизда нафақат кенг китобхонлар оммаси, балки, ҳатто, мутахассис адабиётшунослар орасида ҳам мураккаб адабиётга эътиборсизлик борга ўхшайди.**

– Беш қўл баравар эмас. Худди шунингдек, китобхонлар ҳам ҳар хил. Уларнинг диди ҳам, табиати ҳам, тажрибаси ҳам, ақл-заковати ҳам ҳар хил. Ҳа, ҳа, шу пайтга қадар инсоният тарихида ҳали хеч ким ақлининг камлигидан шикоят қилган бўлмаса-да, одамлар бу жиҳатдан ҳам фарқланади. Бундан ташқари, мутолаадан кўзланган мақсадлар ҳам ҳар хил бўлади.

Шундай бўлгандан кейин, китоблар ҳам оммабоп ва хос асарлар тарзида фарқланса, не ажаб. Бу мутлақо қонуний ҳодиса. Яна бир ҳолга эътибор беринг: дунё ривожлана боргани сари, одамлар ўртасида бозор муносабатлари такомиллаша боргани сари китоб нафақат санъат асари, балки олди-сотди буюмига ҳам айланиб бормоқда. Сир эмаски, китоб ишлаб чиқариб, китоб сотиб, миллионер ва миллиардер бўлиб кетган одамлар бор. Китоб бизнесидан тирикчилик қиладиган одамлар ҳам сон мингта бўлса керак. Ўз-ўзидан аёнки, уларнинг китобга қараши ва китобга муносабати менинг ёки сизнинг қарашларингиздан, муносабатингиздан фарқ қилади. Ёзувчи ўз китобини яратаётганда, тўғрироғи, ёзаётганда бўлажак харидорларнинг дидини ва эҳтиёжларини ҳисобга олмай иложи йўқ. Фақат ўзига тўқ, бадавлат адиблargина кўнгилларининг майлига қараб истаганча тарзда ёзишлари мумкин.

– **Ўз даврида «Ўткан кунлар» кенг омма томонидан ўта ташналик билан талашиб-тортишиб ўқилган. Бизнинг за-**

**монга келиб бундай эътибор «Шайтанат»га насиб этди. Яна қайси асарлар шунга ўхшаш «юлдузли онлар»ни бошдан кечирди?**

– «Ўткан кунлар»нинг омма томонидан талашиб-тортишиб ўқилгани тўғри. Унинг ёнига яна «Кеча ва кундуз», «Сароб», «Навоий» каби асарларни қўшмоқ мумкин. Ғафур Ғуломнинг «Шум бола»си ҳам Марк Твеннинг асарлари билан бемалол беллашади, ҳатто «Шум бола»даги тоғ шалоласидек табиий қуйилиб келувчи тизгинсиз юмор уни ноёб асарлар даражасига кўтаради. Буларнинг «талашиб-тортишиб» ўқилганига сабаб, албатта, биринчи навбатда, уларнинг юксак бадиий сифатлари. Қолаверса, ХХ асрнинг талотумларида кўз очиб, уйғониб, йўл қидириб келаётган омманинг китобга чанқоқлиги ҳам бўлган.

Кейин Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг айрим шеърлари «талашиб-тортишиб» ўқилди, негаки, улар тоталитар зулмат ичида димиқиб кетган одамларнинг юрак торларида акс садо берди.

Энди қайси асар «Шайтанат» каби эътибор қозонаркин – буни айтиб бериш қийин. Шу кунларда «Дайди қизнинг дафтари» деган роман кўлма-кўл бўлиб юрибди. Бироқ бу асарнинг бадиий фазилатларидан кўра китобхонни дайди қизнинг тунги саргузаштлари кўпроқ қизиқтиради, шекилли.

### «АЙБ – РЎЙХАТ ТУЗУВЧИЛАРДА»

**– Америкалик атоқли ёзувчилардан Томас Вульф (1900–1938) қуйидаги асарларсиз инсоният яшай олмас эди, деб рўйхат келтиради: «Дон Кихот», «Фауст», «Война и мир», «Ад», «Листья травы», Шекспир асарлари, «Жан Кристоф», «Время страстей человеческих», «Улисс», «Сыновья и любовники», «Повесть о старых женщинах», «Будденброки», «Волшебная гора», «Мировая иллюзия», «Американская трагедия».**

**Бу рўйхатни атайин таржимасиз, русчада келтирдим.**

**Яна бир маълумот: бир неча китобсевар мутахассислар томонидан бутун инсоният тарихида (VI–XX аср мобайнида) яратилган барча бадиий асарлар сараланиб, «МЎЪТАБАР КИТОБЛАРНИНГ ОЛТИН КУТУБХОНАСИ»ни яратиш учун энг буюк 200 асар ажратиб олинган. Тўғри, бундай рўйхатлар маълум маънода нисбий характерга эга, лекин**



**мазкур 200 жилдли кутубхонага Алишер Навоий достонлари танланганини истисно қилсак, замонавий ўзбек адабиёти намуналари «катта рўйхатлар»га яқинлашмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?**

– Саволингизда замонавий ўзбек адабиёти намуналарининг «катта рўйхатларга яқинлашмаслиги» туфайли афсус-надомат оҳанги сезилиб турибди. Менимча, бу ўринда айб ўзбек адабиётида эмас, ўша рўйхатларни тузувчиларда. Замонавий адабиёт ҳақида гапирсак, шеърият бобида биз шундай чўққиларни эгаллаганмизки, улар дунёнинг ҳар бурчагидан яққол кўриниб туради. Бу фикримни кўпгина ўзбек шоирларининг асарлари хорижий тилларга таржима қилингани ва у ерларда илиқ кутиб олингани ҳам исбот қилади. Бу ўринда рўйхат келтиришга ҳожат йўқ, лекин лоақал битта номни тилга олмай ўтолмайман. Мустабид тузумнинг бегуноҳ қурбони бўлган Чўлпон шеърияти бутун жаҳон миқёсида олганингизда ҳам ҳар қандай рўйхатнинг олдинги қаторларидан ўрин олишга арзийди. Наср бобида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин – нафақат Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари адибларимиз, балки ХХ асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган ёзувчиларимизнинг бир қисми ҳам Шарқ ва Ғарб мамлакатларида яхши таниш, уларнинг асарлари ҳар қанча юксак талаблар билан ёндашганда ҳам, буларга жавоб бера олади. Албатта, масалага қандай ёндашиш ҳам муҳим. Агар савол: «Қани бизнинг ўзбек Маркеси?» деб қўйилса, бунга жавоб топилмай қолиши мумкин. Лекин саволни бундай қўйишнинг ўзи нотўғри – бизга ўзбек Маркеси керак эмас, Маркеснинг бир ўзи бутун жаҳонга татийди, унинг нусхаларини кўпайтиришга ҳожат йўқ. Жаҳон адабиётининг бағри кенг – чинакам истеъдод эгаси бўлган ҳар бир ўзига хос ижодкор, миллатидан қатъи назар, ундан ўз ўрнини топа билади.

**– Оғир олмасангиз, шаккокроқ саволим бор (буни фақат фикр уйғотиш маъносида қабул қилсангиз): XXI асрда яшайдиган юқори савияли ўзбек кишиси ХХ аср ўзбек адабиётидан бебаҳра тарбияланди, дейлик. У жаҳон адабиётининг сара намуналарини ўқиса-да, ўзбек адабиётини четлаб ўтса, нима йўқотади-ю, нима йўқотмайди?**

– Бу саволингизга юқорида қисман жавоб бердим, шекилли. Шундай бўлса-да, яна айтай. ХХ аср ўзбек адабиётининг энг катта ютуғи шундаки, у, аввалambор, энг яхши намуналарида инсонга яқинлашди, ўзбек деб аталган бир камтар одамнинг бутун аср мо-

байнида бирда очин, бирда тўқин умргузаронлик қилганидан дунёни огоҳ қила олди. Устоз Абдулла Қаҳҳор ҳазил-мутойиба билан «ёзувчининг вазифаси адабиётнинг «домовой»ига янги инсонлар номини киритишдир» деб айтган эди. Бу вазифани ўзбек ёзувчилари бақадри имкон уддаладилар. Айни чоқда, инсонийлик, эзгулик, олижаноблик, мушфиқлик ва меҳрибонлик, муҳаббат ва ҳамдардлик бобидаги жаҳон адабиётининг умумий қўшиғига жўр бўла олди, шу ҳолда ўзининг камтар ўрнини топа олди. Мен аминманки, келажак китобхони ўзбек адабиётини четлаб ўтса, унинг маънавий дунёси, бир даражада бўлса-да, кемтик бўлиб қолади...

Китоб ва мутолаа ҳақида кўп ва узоқ гапириш мумкин. Агар қисқагина хулосанамо бир гап керак бўлса, шундай дердим: XXI аср бошланди. Шу муносабат билан кўплар бу асрда турфа хил янгиликларни, ўзгаришларни башорат қилмоқдалар. Жумладан, Интернетни кўкларга кўтариб, энди анъанавий китобнинг куни битди, дейишмоқда. Бундай «башорат»ларнинг тарафдорлари кўпинча «Бозор муносабатлари китобнинг қадрини тушириб юборди, энди кўпроқ пул топиш билан боғлиқ бўлган янгича турмуш тарзи кириб келяпти. Ана, Ғарб ҳам китобдан юз ўгириб, бемалол яшаб юрибди-ку!» дейишади. Бу ўринда ўзимизнинг ношудлигимизни хаспўшлаш учун айбни бозор муносабатларига тўнкаш бутунлай нотўғри. Иккинчидан, Ғарбни ҳам далил-дастак қилиб олиб бўлмайди. Ғарбда, аксинча, техниканинг ҳар қанча янгиликларига қарамай, китобга эътибор сусаётгани йўқ. Масалан, Германиянинг Франкфурт шаҳрида 2000 йилда халқаро китоб ярмаркаси бўлди. Унда 100 дан ортиқ мамлакатдан 6800 та нашриёт, китоб савдоси билан шуғулланадиган фирмалар, агентликлар ва муаллифлар уюшмалари иштирок этибди. Яна бир мисол: кўпдан бери бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган немислар сўнгги йилларда китоб савдосида рекорд кўрсатгичга эришибди – китоб савдосининг обороти 16 миллиард маркага етибди. Немислар йил сайин китобга кўпроқ пул сарфламоқда экан.

Албатта, янги асрда жуда кўп янгиликлар бўлади, лекин мен аминманки, китобнинг жанозасини ўқишга ҳали эрта. Менимча, китоб деган нарса инсоннинг табиати, моҳияти билан боғлиқ бўлган буюк мўъжизадир. Инсон бор экан, китоб ҳам қай бир шаклда яшайверади. Шундоқ экан, бу мўъжизадан баҳраманд бўлишдан тўхтаманг, азизлар!

– **Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!**

*2001*



# ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ ЭНГ ИЛҒОР АДАБИЁТДИР

*«Энг катта ютуғимиз – одамларимиз онги ва тафаккурининг ўзгарганидир», деган эди Юртбошимиз истиқлол йилларида эришилган зафарларга тўхталар экан. Ушбу сўзлар, табиийки, бадиий тафаккуримизга ҳам тааллуқлидир. Таниқли адабиётшунос, профессор Озод Шарафиддинов билан суҳбатимиз ҳам адабиётимизда рўй бераётган янгиланишлар, ютуқ ва муаммолар, шукуҳли давримиз қаҳрамонлари образини яратиш билан боғлиқ бадиий-эстетик масалалар хусусида бўлди.*

– **Мустақилликнинг ўтган ўн йили давомида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар бунёдкорлик руҳи билан характерланади. Алалхусус, тоталитар тузум тазйиқидан халос этилган адабиётимиз – истиқлол адабиёти вужудга келди...**

– Аввало, айтмоқ керакки, истиқлол адабиёти бу хронологик тушунча эмас. Соддароқ қилиб айтганда, истиқлол адабиёти деганда биз фақат 1991 йилдан кейин яратилган асарларнигина тушунмаслигимиз керак. Истиқлол адабиёти Чўлпонлар, Фитратлар ижодида бошланганидек, у сўнгги ўн йилликда ҳам шаклланишда давом этди. Табиийки, бундан кейинги ўн йилликларда ҳам такомилида давом этади.

– **Ўтган ўн йил истиқлол адабиёти шаклланиши учун кам муддатми?**

– Классик шоирлардан бири: «Агар бир йилда иккитагина яхши шеър ёзсам, ўз ижодимни ғоятда самарали санар эдим. Чунки қирқ йил давомида саксонта яхши шеър ёзган бўлардим. Аммо бу маҳолдир», деган экан.

Истиқлол адабиёти – энг илғор адабиёт демакдир. Ватанимизнинг келажаги буюк бўлганидек, адабиётимиз келажаги ҳам улуғдир.

Адабиёт санъат ҳодисаси, инсоннинг руҳий-психологик фаолиятининг асосий соҳаси сифатида оламнинг образли инъикоси ўлароқ яшашда давом этади. Фақат у энди даврнинг энг янги ва илғор ғоялари, миллий ғоялар билан бойиган, энг муҳими эса, бадиий жиҳатдан жуда юксак даражада турадиган адабиёт бўлади. Озод халқнинг мустақил адабиёти ҳар жиҳатдан баркамол адабиёт бўлмоғи керак. Бу адабиётда сийқа, олди-қочди, ўртамиёна асарларга мутлақо ўрин бўлмаслиги лозим.

Шу жиҳатдан мустақиллик йилларида яратилган ҳамма асарларни ҳам истиқлол адабиёти даражасидаги ижод маҳсули, дея олмаймиз. Бошқача айтганда, «бир йилда иккитагина яхши шеър ёзиш»ни орзу қилган шоирнинг талабчанлиги нуқтаи назаридан олиб қаралса, масала янада ойдинлашади. Бир неча асар (албатта, юксак бадиий савиядаги асарларни назарда тутмоқдаман) истиқлол адабиётини тўла-тўкис шакллантиради, дейиш ноўрин бўлур эди. Истиқлол адабиёти мустақиллик берган эркинликлардан виждон амрига мувофиқ истифода этиш, қалб ҳарорати билан ижод қилиш маҳсулидир.

– **Бу эркинликларнинг энг асосийлари, сизнингча, нималардан иборат?**

– Биринчи навбатда, ижод учун эркин шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш керак. Ҳаётни акс эттиришга, одамлар характерини яратишга эркин муносабат янги адабиётнинг муҳим белгисидир.

Адабиётдаги янгиланиш жараёнлари ҳақида тўхталганда эса, албатта, мазкур санъат соҳасининг специфик хусусиятини назарда тутиб мулоҳаза юритмоқ зарур. Масалан, гулзордаги гулларни бугун суғорсангиз, эртасига эрталабоқ яшнаб-яйраб кетади, унинг яшиллиги қуюқлашади, танаси бақувват тортади, ғунчалайди, хуллас, дабдурустдан янгиланади. Адабиётдаги янгиланиш жараёни эса секин-аста кечади.

Биринчидан, 80-йиллар «қайта қуриш даври» деб аталган бўлса-да, у даврдаги адабиётимиз жуда чуқур таназзулни бошдан кечирмоқда эди. Ҳаётдаги муайян ҳодисалар адабиётда ҳам ғоявий пароканадаликни вужудга келтирган, кўпгина ёзувчилар эски қадриятлар кунпаякун бўлаётганини кўриб, саросимага тушиб қолган эди.

Истиқлол адабиёти ижодкорлардан ана шу таназзулни енгиб ўтишни талаб этарди. Янги адабиёт яратиш учун, табиийки, ижодкорнинг тафаккури ҳам ўзгарган бўлиши керак.



Иккинчи сабаб ҳам шу билан боғлиқ: шўро замонида кўп йиллар давомида зиёлилар ўртасида муайян дунёқараш, муайян тафаккур типи шакллантирилган. Буни шартли равишда мустамлакачилик тафаккури ёки мутелик, тобелик тафаккури, деб аташ мумкин. Афсуски, узоқ йиллар мобайнида бундай тафаккур қонқонларга сингиб кетганди. Ҳатто, энг пешқадам, энг фикрловчи ёзувчиларимиз ҳам бундай тафаккур тазйиқидан бутунлай халос бўла олмаганлар ўшанда. Истиқлол адабиётини яратмоқ учун, биринчи навбатда, ана шу «мустамлака тафаккури»ни илдизи билан йўқотмоқ керак эди. Янги тафаккурни ишлаб чиқмоқ, уни қонқонларга сингдирмоқ зарур эди. Эркин тафаккур эгалланиши билан у ёзувчига қанот бағишлайди, унинг янги парвозига йўл очиб беради.

Фикримни далиллаш учун мисол келтираман. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Қоракўз мажнун» ҳикоялар китоби чиқди. Унга адибнинг сталинча қатлиомларни фош этишга бағишлаган ҳикоялари киритилган. Мен бу асарларни том маънодаги истиқлол адабиётининг ёрқин намуналари, деб айтаман. Бу ўринда гап, албатта, уларнинг мустақиллик даврида ёзилганида ёхуд шўролар даврини фош қилиш руҳи билан суғорилганидагина эмас. Гап шундаки, бу ҳикояларнинг ҳар бирида адибнинг эркин қалам тебратгани, янада муҳими эркин фикр юритгани, озод руҳи, мустақил тафаккурга эга бўлгани учун тасвирлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятига чуқур кириб борганида. Ҳикояларда инсон ва тоталитаризм муаммоси марказда туради. Тоталитаризмнинг моҳияти очилади. Бу моҳият шунда кўринадики, Сталин яратган тоталитар тузум биринчи қадамидан бошлаб сўнгги нафасигача ўз фуқароларига, оддий инсонга қарши уруш олиб борган. Бу тузумнинг мақсади ҳар бир инсондаги инсоний сифатларни, инсоний ифтихорни таг-туги билан суғуриб ташлаш, ҳар бир инсонни фақат буйруқни бажарувчи, фақат буйруқ берувчининг кўзига жовдираб қараб турувчи иродасиз, эътиқодсиз, бандитабиат махлуққа айлантириш бўлган ва бу йўлда одамларни ақл бовар қилмас қийноқларга дучор этган.

Саид Аҳмад асарларининг янгилиги шундаки, адиб уларда тоталитар тузумнинг зоҳиран ҳар қанча қудратли эканига қарамай, ичидан чириганини кўрсата олган. Инсон, ўша ўзимизга таниш, кўпгина жозибадор сифатларга эга бўлган, имонли, эътиқодли инсон, ҳатто, қамоқ ва сургун шароитларида юрганига, қийноқлар

ва таҳқирларга, изтироблар ва эрксизликларга қарамай, тоталитаризмдан устун келади, ўзининг инсоний ғурурини сақлаб қолиб, бу мислсиз жангда ғолиб чиқади.

Мен Саид Аҳмаднинг бу асарларини истиқлол адабиётининг ёрқин намунаси, деганимда муаллифнинг оддий инсон қудратига бўлган чуқур ишончи ана шу тарзда юксак бадиий шаклда ифодаланганини кўзда тутяпман.

**– Жамиятимизда кечаётган янгиланишлар адабиётимизда ўз аксини қай даражада топмоқда?**

– Адабий публицистикада очерк, эссе, муаммоли очерк каби жанрлар бор. Уларнинг бевосита вазифаси янгиланишлар ва улар билан бирга, таъбир жоиз бўлса, «эскиланиш»ларни ҳам тезкор акс эттиришдир.

Истиқлол адабиётининг ана шундай намуналаридан бири сифатида мен Одил Ёқубовнинг «Қарши гурунглари» очеркини тилга олган бўлардим. Энг муҳими шундаки, «гурунглар»да мамлакатимиз қиёфасидаги янгиланишлар шунчаки таърифланиб, шунчаки тавсифланиб кўя қолинмайди, балки адиб асарининг ҳар сатрида миллий туйғуларимизни қитиқлайдиган, миллий ғуруримизни бир баҳя оширадиган оҳанглар топа олган.

Адабиётнинг бошқа соҳаларида эса инсоннинг руҳий олами, инсон ҳаётининг моҳияти, унинг изланишлари, биринчи навбатда, ўзи билан, нафси билан олиб бораётган кураши, шу курашдаги қийин ғалабалари, шу жумладан, ўзи устидан қозонган ғалабалари, яшаш санъатининг сирлари ифодаланиши, таҳлил қилиниши керак ва шу аснода чиқарилган ёки китобхон ўзи чиқариб оладиган хулосалар учун буюк сабоқ, ибрат манбаи бўлиб хизмат этмоғи керак. Бир сўз билан айтганда, қаҳрамон онги ва тафаккуридаги ўзгаришлар ва бу янгиланишлар унинг фаолиятида қай тарика акс этишини кўрсатиб бермоқ лозим.

Бу мулоҳазалар замонамиз қаҳрамони бадиий образини яратишга ҳам тааллуклидир. Зотан, Президентимиз томонидан қўйилган масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этишда бу жиҳатга эътибор қаратмоқ муҳим аҳамият касб этади.

**– Давримиз қаҳрамони бадиий сиймосини яратишда нимага алоҳида эътибор бермоқ лозим, деб ўйлайсиз?**

– Истиқлолимизнинг ўзи давр қаҳрамонларини юзага чиқарди. Улар ишчилар ўртасида ҳам, деҳқонлар ичида ҳам, зиёлилар орасида ҳам сероб. Ёшларимиз улардан ибрат олсин. Бинобарин,



уларнинг ёрқин образларини яратиш адабиётимизнинг долзарб вазифасидир. Муҳтарам Президентимиз ёзувчиларимиз эътиборини шу масалага қаратган экан, бундан адабиётимиз замонанинг илғор талаблари даражасида туришини истагани, ғамхўрлиги яққол сезилиб турибди. Мен бу доно ва ҳикматли даъватни тўлатўкис қувватлайман.

Бугун баъзан «Истиқлол адабиётининг бош қаҳрамони тадбиркор бўлмоғи керак» қабилидаги хитоблар эшитилиб қолади. Фақат тадбиркорми? Майли, тадбиркор ҳам бўлсин, лекин бошқа касб эгасимас, айнан тадбиркор бўлиши кераклигини нима билан асослаймиз? Нега чегарачи ёхуд давлат арбоби эмас?... Сезиб тургандирсиз, адабиёт қаҳрамонини бунақа тарзда касби корига қараб тасниф қилиш бизни анча-мунча чалкаш, боши берк, кингир-қийшиқ кўчаларга олиб кириб қўйиши мумкин.

Менингча, аввало, ҳаётийлик мезонига риоя қилмоқ лозим. Зеро, адибларимиз олдига қаҳрамонларни эмас, балки уларнинг бадиий сиймосини яратиш вазифаси қўйилди.

Қаҳрамон масаласининг яна бир мураккаблиги бор. Ҳаёт шуни исбот қиладики, одамлар, ким бўлишидан қатъи назар – чолми кампир, йигитми қиз, замондошимизми ё ўтмишдошимиз, донишманд файласуфми ёки жўнгина бир такасалтанг – барибир, уларнинг бари биз тасаввур қилгандан кўра анча мураккаб экан. Ҳозир эса, афсуски, адабиётимиздаги кўпгина асарларнинг қаҳрамонлари бир ўлчовли, жўн одамлар. Шунинг учун улар бошидан кечадиган воқеалар ҳам анчайин жўн, хашаки воқеалар. Аксарият ёзувчилар ўз қаҳрамонларининг ташқи белгиларинигина, кўзга ташланиб турадиган суратларинигина чизадилар. Қаҳрамоннинг умрбоқийлигини таъминлаш учун бу мутлако кифоя эмас.

Бу мулоҳазаларни ўртага ташлашдан мақсад битта – биз кўп йиллар мобайнида хато назарияларни раҳнамо қилиб олиб, «ҳар макомга йўрғалаб» умр ўтказдик, адабиёт яратяпман, деб умри қисқа саёз плакатлар яратиб келдик. Мустақиллик бизга эркин фикрлаш, эркин ижод қилиш имкониятини берди. Шундан фойдаланиб, том маънодаги илмий қимматга эга янги назарияларни яратайлик. Мустақиллигимизнинг келгуси авлодларига ҳам бирдек севимли асарлар яратайлик. Шундагина унинг санъат сифатидаги битмас-туганмас бойликларини маънавий хазинамизнинг чинакам дурдоналарига айлантира оламиз.

# ИСТЕЪДОД БИЛАН УЧРАШИШ – БАЙРАМ

*...Ҳикоялар қанақа китобда босилишини билмасдим.*

*...Афсуски, билиминг кенгайган сари билимсизлигингни англар эkансан.*

*...Танқид – бу адабиётдаги гўзалликни кашф этиш санъати.*

*...Фикрнинг торлиги қанотдан маҳрум қилади.*

*...Илм бошқача фикрлашдан бошланади...*

– Тоиржон, ташаббусни ўз қўлимга олсам... Аввало, шуни айтишим керакки, сиз бу суҳбатларни уюштириб, катта савоб иш қиляпсиз. Бу билан суҳбат жанрининг такомиллашишига ҳисса қўшяпсиз.

Энди... анъанага кўра, савол-жавобимизни адибнинг ҳаёти, таваллуд топган макони, оиласи ҳақида бошлашимиз керак, шундайми?

**– Шундай.**

– Нима десам экан, бу саволга жавоб бериш қийин. Қийинлиги шундаки, қачон, қайси йили, қайси ойда, қайси куни туғилганимни, очиғини айтсам, ҳозиргача билмайман. Бунинг сабаби: биз туғилган кезлари бирон-бир ҳужжат бўлмаган экан. Туғилган кунимни дадам сўрининг оёғига ёзиб қўйган эканлар. Кейин Қўқондан кўчадиган бўлибмиз, шунда айрим лаш-лушлар билан бирга сўрини ҳам сотиб юборишибди. Шу қўйи бизнинг туғилган кун ҳам сўрининг оёғида кетган.

**– Одатда, ота-оналаримиз исмни фаслга қарабми ё байрамларга нисбат олибми, чамалаб қўйишарди...**

– Биз ҳам шу тарзда белгилаб олганмиз. 8 март арафаларида туғилган эканман шекилли, хотин-қизлар озодлиги байрамида онамиз мени кўтариб клубга борган эканлар. У ерда ўша даврнинг одатига кўра бўйнимга қизил галстук боғлашибди. Онам паранжи ташлабдилар. Шу муносабат билан менга Озод деб исм



қўйишган. Шу-шу 1 март кунини туғилган куним сифатида нишонлайман.

**– Озод ака, бўйнингизга қизил галстук боғлаганингиз ёдингизда турсин, буни ўрни келганда эслатаман. Энди мен билмоқчи бўлганим – қандай оилада дунёга келгансиз?**

– Отам хизматчи эди. У киши ўшлик бўлганлар. Уларнинг қилмаган ишлари қолмаган. «Заготзерно»да ҳам ишлаганлар, омборга мудир ҳам бўлганлар, қизил аскарлар қаторида тоғларда ҳам кезиб юрганлар. Кейин, охири урушга ҳам кетдилар. У ердан яраланиб қайтганлар. Афсуски, 30-йилларда қай бир сабабдан онамиз билан феъллари келишмай, ажралиб кетишган. Дадам Ўшда яшаб, ўша ерда вафот этдилар. Она уруғимиз Қўқоннинг Охунқайнар деган жойидан. Ҳозир у ерда Пахтақайнар деган совхоз бор. Кези келганда айтиб қўяй, шу совхозда туғилганим учунми ё бошқа сабабми, ҳарқалай, Ўткир Ҳошимов билан мени улар фахрий аъзо қилиб олишган.

Онам хизматчи бўлганлар. 30-йилларнинг бошида Тошкентга келиб қолганмиз. Улар Тошкентда кўп иш билан машғул бўлдилар. Партия ишларида, савдо вазирлигида хизмат қилганлар. Кейинроқ хўжалик ишларида ишлаб, пенсияга чиқиб, 86 ёшларга бориб қазо қилдилар. Бутун умри меҳнатда ўтган жафокаш аёл эди.

**– Оилада нечта фарзанд бўлгансизлар?**

– Мен тўнғич фарзанд бўлганман. Икки синглим бор. Улар ҳозир ҳаёт. Бир синглим ўқимаган, уй бекаси. Бола-чақалари бор. Иккинчи синглим тиббиёт фанлари номзоди, эндокринолог. Булардан ташқари, Ўктамжон деган укам бор эди. Жуда қобилиятли, энди кўзга кўринадиган бўлиб қолганда – 1947 йилда аппендицит туфайли операция бўлди. Касалхона шароити оғирлигидан, совуқдан зотилжам бўлиб вафот этди.

**– Мактабда ўқиган кезларингизни эсласангиз.**

– Мактаб даврини бажонидил эслайман. Мен Тошкентда 14-мактабда ўқиганман. Мазкур мактаб ўша пайтларда жуда машҳур эди. Уруш арафаларида бу мактабнинг вакиллари ҳам спорт, ҳам ўқиш бобида илгарилаб кетишгани учун ҳатто Иттифоқ миқёсидаги мусобақаларга қатнашганлари ҳам бўлган. Ўқитувчилари жуда яхши эди. Мактабда Оқилхон Шарафиддинов дарс берардилар. Биласиз, Оқилхон ака биринчи «Алифбе»нинг муаллифи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлган. Яқиндагина унинг 90 йиллигини нишонлашди. Мен шу ўринда яна бир ажойиб домламиз Қудрат Аҳмедовни хотирлашни истардим. У киши яқинда олам-

дан ўтдилар. Домламизнинг болаларга алоҳида меҳри бор эди-да! Умуман, ўша йилларда домлаларнинг болаларга нисбатан меҳри бошқача эди. Улар худди ўз фарзандларига муомала қилгандай муносабатда бўлардилар. Бир мисол айтай. Мен 8-синфдан кейин техникумга кетиб қолганман. Бир ой ўқидим. Қудрат Аҳмедов эринмасдан техникумга бориб, сен ўша мактабда ўқишинг керак, техникумга келиб нотўғри иш қилдинг, деб мактабга қайтиб боришга кўндирганлар. Бўлмаса, у бола у ёққа кетди-ю, бу бола бу ёққа кетди – ўқитувчига нима эди. Йўқ, у киши бундай қарамасди.

**– Сиздаги қандайдир яширин иқтидорни сезган бўлсалар керак-да?**

– Биргина менга эмас, ҳаммага шундай муносабатда бўлардилар. Шунинг учун бу мактабда ажойиб одамлар етишиб чиққан. Биз уруш пайтида ўқиганимиз учун камайиб кетдик. Охири 10-синфни 1946 йили 11 киши битирдик. Буни қарангки, биз битирган йили мактабни аъло баҳоларга тугатган ўқувчиларга иккинчи марта олтин медаль берилган йил эди. Синфимиздаги 11 ўқувчидан 5 таси медаль олган. У пайтда таниш-билишчилик, бориб танда қуриб ётиб олишлар бўлмасди. Ёки фалончига бер, пистончига бер, деган тақсимотлар бўлмасди. Ҳалол йўл билан олинарди.

**– Мактабда ўқиб юрганингизда адабиётга ҳавас уйғонганмиди ё кейинроқми?**

– Олдин, олдинроқ. Мен бир мақоламда ёзгандим. Адабиётга ҳавас уйғониши қизиқ бўлган. Туманян деган арман ёзувчиси бор. Шунинг бир ҳикоясини ўқиганман. Ҳикоянинг қаҳрамони Гекор деган бола. Жуда қийналиб ҳаёт кечиради. Ҳикояни биров менга ўқиб бердими ё ўзим ўқидимми, ҳозир эсимда йўқ, лекин танишганимда Гекорнинг тақдирига ачиниб, йиғлаб эзилиб кетганман. Шундан кейин ҳикоя ўқишга қизиқиб қолганман. Бу ҳикоялар қанақа китобда босилишини билмасдим. Эски шаҳардаги китоб дўконига бориб, сотувчи амакидан табиатми, адабиётми деган китобингиз борми, деб сўраганман. У нима қиласан, деди. Ўқийдиган нарсалари бор экан, деганман. Сенга адабиёт керак экан, деб қўлимга китоб тутқазган. Ўшанда 3-синфда ўқирдим. Ўша-ўша китобдан бош кўтармайман. Китоб йиғиш дарди ҳам ўшандан бошланган. Ҳалиям бу дарддан қутулолмайман.

**– Ўзингиз машқлар қилганмисиз?**

– Машқ қилганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда шеърлар машқ қилганман.



**– Сиз бугунги кунда адабиётшунос олимсиз, таниқли танқидчимизсиз. Ҳарҳолда, ўз олдингизга танқидчи бўламан, деган мақсад қўймагандирсиз?**

– Йўқ! Мен ижод хусусида бир нарсани айтиб ўтишни истардим. Яширишнинг ҳожати йўқ, айтганимдай, шеърлар машқ қилганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда «Ватаним» деган шеър ёзганман. Умуман, менинг шеърларим ҳеч қаерда чиқмаган. Фақат радиода шеърим ўқилган. Университетга киргач, озмикўпми адабиётнинг фарқига ета бошлаганимдан кейин билдимки, ёзганларим шеърга ўхшаса ҳам, шеър эмас экан. Умуман, илм ғалати нарса экан-да. Мактабда ўқиб юрганимда гўё ҳамма нарсани билардим. Мендан билағони йўқ эди. Олий маълумотли бўлганимдан кейин қарасам, анча нарсаларни билмас эканман. Диссертация ёқлаш жараёнида эса умуман ҳеч нарсани билмаслигимни сездим. Афсуски, билиминг кенгайган сари билимсизлигинг билиниб қоларкан. Ёзганларимни, шунингдек, ўқиганларимни танқидий таҳлил қила бошладим. Аста-секин адабиётшуносликка хос сифатлар шакллана бошлади.

**– Озод ака, университетда ўқиб юрган кезларингиз, курсдошларингизни, сафдошларингизни эсласангиз. Кимлар билан ўқигансиз? Уларнинг тақдири нима кечди?**

– Шароит ҳақиқатан ҳам оғир эди. Ҳали «заборний карточка» деган нарса бор эди. Бир кишига 400 грамм нон бериларди, холос. Кийган кийимларимиз ҳам жуда ғариб, уруш пайтидан қолган эски-тускиларни амаллаб кунимизга ятатардик. Менинг думалоқ мўйна телпагим, шинелим бор эди. Оёғимга онамнинг махси-калишини киярдим. Шу аҳволда мактабни ҳам, университетни ҳам битирдим. Айтсам, кулишингиз мумкин...

**– Йўқ, домла, биз ҳам ўша чориқларга ўраниб катта бўлганмиз...**

– Тасаввур қилинг, Москвада аспирантурада ўқиётган кезларимда эгнимдаги пальтони бирон жойда ечишга истиҳола қилардим. Тоғамдан қолган бу пальтомнинг усти дуруст эди, аммо ичи титилиб кетганди. Москва қурғурда қайси жойга борсангиз, ечиниб кириш керак. Кейин чиқаётганингизда гардеробчи кийинтираман, деб кўтариб туради. Чор-атрофда турганлар ҳалиги титилиб, пахтаси чиқиб кетган пальтони кўради. Одам хижолатдан ўлиб қолай дейди. Иккинчидан, шароитнинг оғирлиги шуки, ўша йилларда шахсга сиғиниш, мафкуранинг якка ҳокимлиги кучайган пайт эди. Танқидий фикр айтиш, мулоҳаза юритиш мумкин эмас

эди. Нима дейсиз, газеталарда нима ёзилса, шунга хўп деб кўниш керак. Шунга қарамасдан, домлаларимиз жуда яхши эди. Бизга Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Натан Маллаев дарс берган. Шайхзода бир-икки маъруза ўқиди. Профессор Абдураҳмон Саъдийнинг ўзига хос томонлари бор эди. Ҳомил Ёқубов жуда яхши маърузалар ўқиган.

Мана шу шароитда ўқиганмиз. Биз билан ўқиганлар жуда улуғ одамлар бўлиб етишишди. Академик Музаффар Хайруллаев, Эркин Юсуповлар билан бир группада ўқиганмиз. Маҳамат Воҳидов деган психолог дўстимиз бор эди. У оламдан ўтиб кетди. Абдуманноп Эгамбердиев иқтисод фанлари доктори, ёзувчи бўлди, асарлар ёзди. Ҳозир ҳам ижодий ишлар билан банд.

**– Танқидчи сифатида ўша кезларда шакллана бошлаган бўлсангиз керак.**

– Ҳа, танқидчиликка меҳр талабалик чоғимдан уйғона бошлаган. Бунга ўша гуруҳимиздаги ўртоқлар ҳам сабабчи бўлган. Янги чиққан асарларни, мақолаларни таҳлил қиладиган одатимиз бор эди. Шу пайтларда ҳаммадан кўра маҳмадоналик қилган бўлсам керак-да.

**– Озод ака, умуман, танқидчилик нима? Нима учун ҳавас қўйгансиз?**

– Энди, Тоиржон, кўп масалалар ойдиндек кўринади-ю, лекин сиз ичига кириб қарасангиз, жудаям мураккаб, норавшан, ҳал бўлмаган муаммо бўлиб чиқади. Мисол айтай: шеърият нима, деганга юзлаб жавоб бор. Лекин узил-кесил жавоб йўқ. Танқидчилик ҳам шунга ўхшайди. Танқид нима, деган саволга жавоб йўқ. Баъзилар танқид ёзувчига йўл кўрсатади, камчиликларини очиб беради, дейишади. Ёзувчилар эса, танқидчилар асардан хато қидириб ўқимаслиги керак, деган фикрни билдирадилар. Менинг назаримда, танқидчи асарнинг нуқсонини топишдан кўра кўпроқ ундаги мавжуд яширинган гўзалликни топиб кўрсата билиши лозим. Агар таъриф керак бўлса, танқид – бу бадиий адабиётдаги, шеъриятдаги, насрдаги яширин гўзалликни кашф қилиш санъати, дердим.

**– 1960 йилларнинг бошида Абдулла Қаҳҳор жуда кўп ёш шоир ва ёзувчиларга алоҳида меҳр билан қараган. (Бугунги кунда бунақа ижодкорни топиш қийин.) Орадан йиллар ўтди. Қаҳҳор домланинг бу ишларини ҳеч ўйлаб кўрдингизми?**

– Албатта, ўйлаганман. Абдулла Қаҳҳор улуғ одам эди. У ҳақиқий санъаткор ёзувчи, десам муболаға бўлмайди. Тўғри,



унинг ижоди ҳақида баҳслашиш мумкин. Қаҳҳорнинг бугунги кунда китобхонларга сингимайдиган жойлари ҳам бор. Уни идеал ёзувчи, деб айтмайман. Бундай ёзувчи умуман бўлмайди. Лекин ажойиб бир мутафаккир инсон, деб билардим. Истеъдоди бўлгани, адабиётни муқаддас деб билгани учун ўзини адабиёт ишига масъул деб биларди. Амали бўлгани учунмас. Шу боис, у адабиётдаги халтура нарсани жинидан бадтар ёмон кўрарди. Бундай асарларга қарама-қарши ўлароқ, йилт этган истеъдод бўлса, шуни қўллашга ҳаракат қиларди. Мана, Абдулла Қаҳҳор қўллаган Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ўткир Ҳошимов, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев...булар адабиётимизнинг устунлари бўлиб туришибди. Домла доимо ёшларнинг ижодини кузатган. Лозим топса, топтириб келарди ёки эринмасдан хат ёзарди. Илиқ меҳри, муносабати билан далда берарди. Ёш ёзувчи менинг ортимда кузатиб турган одам бор экан, эртага ёмон асар ёзсам нима дейман, деган андишаларни юрагидан ўтказиб ёзарди.

**– Озод ака, булар 1930–40–50 йиллар фожиаларини англаб етган ёзувчининг онгли равишда қилган савобли иши, деб бўладими?**

– Менимча, бўлади. Ҳарҳолда, Абдулла Қаҳҳор ўша йилларнинг фожиаларини билган. Ва умуман, чуқурроқ ўйлаб қарасангиз, унинг ўзиям фожиона ҳаёт кечирган. Гарчи ҳаётида қонли даврлар бўлмаса-да, руҳий изтироблар чеккан. Қаҳҳор кўп нарсаларни билган, англаб етган, лекин тилига чиқармаган, қоғозга ҳам туширолмаган. Акс ҳолда, қатағон қиличи унинг боши узра ҳам кўтариларди. У ҳамма вақт тилини тийиб юришга мажбур бўлган. Унинг фожиаси мана шунда, деб биламан. У айтиши мумкин бўлган кўп нарсаларни айтолмай қолди. Нафақат Абдулла Қаҳҳор, балки Ғафур Ғулом ҳам шундай бўлган. Бу жуда ёмон дард. Ўзингиз биласиз, одам билиб туриб айтолмаса, дунёда бундан ортиқ азоб йўқ.

**– Озод ака, мени бир савол қийнайди... Биз истаймизми, истамаймизми, шўро даврида яшаганмиз. Сиз билан биз ўша даврда туғилганмиз, шу даврнинг мафкураси билан обдон суғорилганмиз. Бу тузум 74 йил яшади. Лекин, тан олиш керак, шу давр ичида буюк асарлар ҳам дунёга келди. Гарчи мафкурага хизмат қилган бўлса-да, бадиий нуқтаи назардан олганда бақувват романлар, қиссалар ёзилди. Энди айтингчи, кечаги кун адабиётидан осонликча воз кечиш, тўғрими?**

– Биласизми, нафақат адабиёт, балки халқ ўзининг тарихидан воз кечиб кетолмайди. У қандай бўлишидан қатъи назар! Улуғми, қонлими ё оғирми... воз кечиш мумкин эмас! Шўро давридаги тарихимизни мақташ мутлақо мумкин бўлмаган тузум, деб ҳисоблайман. Унинг аксилинсоний жиҳатлари кўп бўлган. У, биринчи навбатда, ўзининг халқини қирган тузум. 50 миллиондан ортиқ халқни маҳбус қилган, қирган. Бу тузум халқимизнинг фикрлашига йўл қўймаган... Лекин, боя айтганимиздек, яшадик ва 74 йил мобайнида анча ишлар қилинди. Халқ меҳнат қилди. Мана, Катта Фарғона каналини олинг. 45 кунда 270 километр канал қурилиши – катта воқеа. Жаҳон тарихида бунақаси бўлмаган. Бундан воз кечиб бўлмайди-ку. Адабиёт ҳам шундай. Бугунги кунда баъзи бировлар «Мана энди кечаги адабиётимизнинг устидан чизиқ тортамиз. Ғафур Ғулом ҳам, Ҳамид Олимжон ҳам, Абдулла Қаҳҳор ҳам, қисман Ойбек ҳам – ҳаммаси кетди. Бизга кераги йўқ. Янгидан бошлаймиз!» дейишяпти. Бу жуда юзаки ва содда қараш.

Тўғри, уларнинг кўплари адашган, хато қилган, асарларида юзакилик бор, мафкурага хизмат қилган. Бу замонларни қоралаймиз, лекин шу билан бирга, уларни итқитиб, чеккага чиқариб юбормаслигимиз керак. Мен комил ишонч билан айтаман, Ғафур Ғуломдек буюк истеъдод соҳиби тарихда камдан-кам бўлади.

Номлари зикр этилган ёзувчилар ўзларининг заифликлари, нуқсонлари билан адабиётимизда қолади.

**– Сиз Абдулла Қаҳҳор ижодига талабалик йилларидаёқ талабчанлик билан қарагансиз, муносабат билдиргансиз. Ўша йилларни ҳам хотирласангиз.**

– Энди биз ҳам у кишига тик гапириб қойил қилиб қўймаганмиз. Баъзан мулоҳазалар, фикрлар айтардик. Ёдимда, «Ўтмишдан эртаклар» 1965–1966 йилларда ёзилди. Абдулла ака асар қўлёзмасини ўқиб кўринг, деб бердилар. Мен ўқидим, маъқул бўлди. Маҳорат билан ёзилган. Фикр сифатида Абдулла акага, сиз болалик йилларингизни ёзгансиз, ўтмишингизни жуда зулматда қолдирибсиз, йилт этган нур йўқ, дегандим. Бу гапимга жавоб бермадилар, кейин китобга сўзбоши ёздилар: 1930 йилларда туғилган бир танқидчи, асарингиз зулмат бўлиб кетибди, деди, шу сабабли китобни «Ўтмишдан эртаклар» деб номладим, деб ёзибдилар. Шундай, баъзан тортишардик, баҳслашардик. Ҳарҳолда, фикримизга қулоқ солардилар.



Мен «Ёшлар билан суҳбат» деган китобларига муҳаррирлик қилганман. Бу китобда эски мақолалари кўп эди. Шуни мен айрим ўринларига эътироз қилганман. Талашганмиз, тортишганмиз. Лекин фикрим ҳақ эканини кейин тан олганлар.

**– Ёдингизда бўлса, 1960–1970 йилларда танқидчиликда катта сифат ўзгаришлари юз берди. Шу даврда энг сара асарлар яратилди. Бугунги кундаги манаман деган шоирларимиз шаклланди. Абдулла Орипов ҳам, Эркин Воҳидов ҳам, Рауф Парфи ҳам. Ўша пайтда танқидчининг катта ўрни бор эди. Шу давр адабиёти ва танқидчилиги ҳақида фикрингизни билдирсангиз.**

– Ўша пайтдаги кўтарилишлар табиий эди. Адабиёт ёки халқнинг руҳий ҳаёти ҳамма вақт эзилган ҳолда, ҳамма вақт пардалар ортида, ҳамма вақт зулм остида яшаши мумкин эмасди. Социалистик жамият руҳий дунёмизни сиқиб қўйишга муваффақ бўлганди. Лекин 60-йилларда енгил нафас олиш имкони туғилди. Биласиз, 1956 йилда партиянинг машҳур XX съезди бўлди. Бу съездда Сталин кескин танқид қилинди, шахсга сиғиниш қораланди. Тўғри, қоралаш, танқид қилиш бошқа нарса экан-у, ҳаётда амалга оширш бошқа нарса экан. Ҳарҳолда, миллионлар юрагида умид пайдо бўлди. Сталин даври тугаб, эркинлик замони бошлангандек туюлди. Шунинг учун ҳамма соҳаларда кўтарилиш содир бўлди. Шу жумладан, адабиётда ҳам. Янги насимлар ела бошлади. Марказдаям, республикалардаям ҳаёт янги ўзгаришларга юз бурди. Шунда бирдан, биз адабиёт, деб юрганимиз адабиёт эмаслиги яққол кўзга ташланди. Асарларнинг жуда кўп қисми чаламуллалик билан ёзилган нарсалиги билиниб қолди. Аксарияти халқни алдаш учун ёзилган нарсалар экан! Мана шу гапларни айтиш имконияти туғилди. Лекин, афсуски, биз танқид қилган зулмат дунёси ва зулмат идоралари шундай катта куч бўлган эканки, унинг тагига болта урсангиз, у ағанаб тушиб жуда кўп одамни босиб қолиши ҳеч гап эмас экан. Шу иморат босиб қолди. Биз унинг тагида «оҳ-воҳ» қилдик. Янги дунёга кўчиб ўтиш жудаям қийин кечаркан, эскидан ва унинг асоратларидан қутулиш мушкул экан.

**– Ҳар даврнинг ўзига яраша пишиқ иморати бўлади.**

– Ҳа, шунақа. Мана, ўша иморатни ҳалигача бузиб ётибмиз.

**– Озод ака, сизни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов истеъдодини сезган, уларга амалий ёрдам берган устоз сифатида биламиз. Улар нимаси билан сизнинг эътиборингизга тушишган?**

– Мен ўзимни, фавқулодда истеъдодли адабиётчи бўлганим учун уларни кашф қилишда ёрдам берганман, деб айтолмайман. Ундай эмас. Эркинга, Абдуллага дарс берганман. Ўша пайтларда ёшроқ эдимми, талабаларга яқинроқ эдим. Кўплари келиб дардини айтарди. Бирга пахта теримига борганмиз. Футбол, волейбол, шахмат ўйнардик. Ҳатто, улфатчилик қилардик. Домла, талаба деган мезонлар бўлмасди. Шунинг учун шеър ёзадиган талабалар илк машқларини олиб келиб кўрсатишарди. Шунда зўр нарсанинг ўзи манаман деб кўриниб қоларди-да! Самимиятими, ҳароратими, илиқлигими, сўзларни теришими ё вазними – нимаси биландир ярқ этиб кўзга ташланарди. Буни сезиш учун катта олим бўлиш шарт эмас...

**– Шундай дейсиз-у, ҳамма ҳам тан олавермайди-да!**

– Тан олмасликка қўймасди-да, у қурмағурлар! Шунда менинг қилган ишим шу бўлдики, биринчи бўлиб Абдулланинг 5–6 та шеърини «Шарқ юлдузи»га олиб борганман. У пайтда Абдулла «Шарқ юлдузи»нинг қаердалигини ҳам билмасди. Ҳозир ёдимда йўқ, учинчи курсдамиди?! Шеърлари маъқул келиб учтасини чиқаришган. Кичкинагина «Оқ йўл» ёзиб берганман. Эркинни эса жуда маъқул кўриб, унинг биринчи китобига «Истеъдод ва масъулият» деган тақриз ёзганман. Янглишмасам, Эркин ҳам ўша йиллари талаба эди. Мақолада айтган асосий гапим истеъдодни авайлаш керак, йўқотиб қўймаслик керак, бунинг учун биринчи навбатда истеъдод эгасининг ўзи жавобгар, деган гапни айтгандим. Йўқ, ҳарқалай Эркин жуда ақлли йигит чиқди, ҳозиргача унинг истеъдоди юксалиб бормоқда, пасайгани йўқ.

**– Сиз кўп ёшларга катта умид билан қарагансиз. Бугунги кунда уларнинг қарийб ҳаммаси Ўзбекистон халқ ёзувчилари ва шоирлари. Кунда, кунора телефонлашиб турасизлар, учрашасизлар. Шундай пайтларда кўнглингиздан нималар кечади? Ўзбекона айтганда, ўзингиз маза қиласизми?**

– Энди, Тоиржон, истеъдодли одам билан гаплашсанг, маза қиласан. Эрнест Хемингуэй истеъдодли одамлар билан учрашиш ҳамиша байрам, деб ёзган ўзининг «Хотиралар» китобида. Лекин шу билан бирга, ҳар сафар қўнғироқлашсак ё кўчада учрашиб қолсак, ўзимдан-ўзим талтайиб, дўппимни осмонга отиб юрмайман, албатта. Аммо улар билан гаплашиш ҳамиша мароқли. Шундай шоир, ёзувчиларни тарбиялашда қўшган камтарона меҳнатимдан завқланаман. Шогирдларим билан ғурурланаман,



фахрланаман, ифтихор қиламан. Бундай истеъдодлар дунёда камдан-кам халқларга насиб қилади.

**– Озод ака, мен рус шеъриятининг нозик қирраларини илғайдигандекман. Лекин Ғарб барибир Ғарб-да! Масалан, Евтушенко, Вознесенский, Рождественскийлар шеърияти қай даражада юксак бўлмасин, барибир, Шарқ назми бутқул бошқача. Ундаги ташбеҳлар, ўхшатишлар ҳеч қайси бир шеъриятда учрамайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек адабиёти таржимачиликнинг қурбони бўлиб қолгандек туюлади...**

– Гапингизга қўшиламан. Айтдим-ку, Эркинлар, Абдуллалар ноёб истеъдод эгалари. Яна шу томони борки, шеъриятни таржима қилиш қийин-да! Ҳатто таржима қилиб бўлмайди, дейишади. Мана, классикларимизни олинг, Умар Хайёмми, Саъдийми, Навоийми, улар ҳали дунё тилларига ўзининг даражасида таржима қилинган эмас. Таржимонлар асарларнинг мазмунини беришган, холос, санъатини эмас.

Мен Москвада ўқиб юрганимда таржималар билан шуғулланганман. Рус тилига таржима қилинган бизнинг классикларимизнинг асарлари ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Ҳолбуки, ҳар биттаси бир дунё. Эркин ҳам, Абдулла ҳам... Чўлпонни бир пайтлар таржиманинг пири, деб атаганлар. Шунга ўхшаб таржиманинг пирлари керак. Айтганингиздай, булар ҳали таржимонини тополгани йўқ. Ўйлайманки, вақти келиб таржимонини топади. Эҳтимол, йиллар, эҳтимол, асрлар ўтар.

**– 1960 йилларда танқидчилик яхши савияда эди. Лекин бугунги кунда жуда суст. Бунинг сабаблари борми?**

– Сизнинг «яхши эди», деган баҳоингизни ҳам нисбий маънода қабул қилиш керак. 70-йилларда Матёқуб Қўшжоновга ўхшаган танқидчилар бор эди. Бугунги куннинг ҳам танқидчилари йўқ эмас. Фикрингизга унча қўшилмайман. Танқидчилар бор. Мисол тариқасида Иброҳим Ҳаққуловни келтириш мумкин. У жуда билимдон. Фақат ўтмиш адабиётини эмас, бугунги кун адабиётини ҳам ҳис қилади. Ундан ташқари, ўнлаб ёшлар етишиб чиқди.

Мен яқинда ўнта мунаққиднинг мақолаларини олдим. Бу китоб мана тайёр. Унга сўзбоши ёзиш ниятим бор. Лекин нашр қилиш муаммо бўлиб турибди. Китобга «Ёш ўзбек танқидчилари» деб ном қўйдим. Биздаги мафкурачилик касалидан холи бўлган янги бир тўлқин кириб келяпти. Социализмга хизмат қилиш иллатидан

холи бўлган, адабиётга санъат сифатида қарайдиган ва санъаткорона томонини топа оладиган, ҳис қила оладиган танқидчилар кириб келди. Шу нарса эртамизга умид билан қарашга асос беради. Лекин, боя айтганингиздай, умуман танқидчилигимизда сусткашлик бор, нафақат танқидчиликда, балки адабиётимизда сусткашлик бор. Ҳозир китоб чиқаришнинг иложи бўлмай қолди. Кейин одамларнинг китоб ва мақолалардан бошқа дардлари кўпайиб кетди. Шундай бўлса-да, ҳозир ҳам жойларда одамлар ёзувчиларга, танқидчиларга бошқача орзуманд бўлиб қарашади. Бу фақат бизда эмас. Ҳозир русларда ҳам, озарбайжонларда ҳам аҳвол шу. Буни вақтинча ҳодиса, деб қараш керак. Менимча, булар ўтиб кетади. Ҳамма вақт – ойнинг ўттиз куни қоронғу бўлмайди-ку.

**– Бу гап билан мен бугунги кун танқидчилигидан кўнглингиз тўладими, демоқчийдим.**

– Йўқ, ёшларга қарасангиз, уларда ҳам маълум камчиликлар бор, лекин умид билан қараш мумкин. Энди буткул ёмон деб бўлмайди-да! Матёқуб Қўшжоновнинг мақолалари чиқяпти, Иброҳим Ғафуровнинг тадқиқотлари таҳсинга сазовор. Шу билан бирга, бугунги кун танқидчилигимиздан қаноат қилмаган жойларим кўп. Биз ўқувчилар олдида қарздормиз. Шу пайтгача Рауф Парфи ижоди ҳақида дурустроқ мақола ёзилмади. Шунингдек, Эркин Воҳидов ижоди ҳақида монография ёзилган эмас. Абдулла ҳақида жиддий китоб чиқмади. Шу пайтгача Ўлмаснинг ижоди умумлаштирилмади. Ўткир Ҳошимов, Шукур Ҳолмирзаевлар ҳақида ҳам шундай фикрлар билдириш мумкин. Буларни танқидчи ёзиши керак. Уларни халққа кўрсатиб берадиган, ижодининг нозик томонларини ўқувчиларга етказиб берадиган танқидчи бўлиши лозим. Биз ҳозир ҳам кўпгина мақолаларимизда бир-биримизнинг камчилигимизни қидирамиз. Масалан, Ҳафиз Абдусаматовдай тажрибали танқидчи бутун бошли бир китоб ёзиб, Матёқуб Қўшжоновнинг танқидчилик фаолиятини салбий баҳолаб, «фош» қилди. Қўшжоновнинг камчиликлари бўлса, бордир. Аммо бунинг халққа нима қизиғи бор. Танқидчиларнинг ўртасидаги низо кимга керак? Унинг ўрнига бирорта санъаткорнинг ижодини таҳлил қилса бўлмасмиди?! Бу керакли гап бўларди! Энди ростини айтай: мени савиямизнинг пастлиги ташвишга солади. Боягi ёшларнинг бизнинг авлоддан фарқ қиладиган томони шуки, бугун улар Шарқ ва Ғарб файласуфларининг асарларини ўқиб, шуни адабиётга татбиқ қилишяпти. Мана шу маънода бизнинг авлоднинг савияси ҳозирги ёшларникидан паст. Фикрлаш



доираси тор. Қаранг, кейинги ўн йилда сиёсатимизда оламшумул воқеалар бўлди. Бутун олган билимларимизнинг ҳаммаси чиппакка чиқди. Булбулигўё бўлиб, аллақандай «изм»лар ҳақида «куйлаб» юраверган эканмиз. Аммо, бугун-чи. Шу яқин ўн йилги ўтмишимизни таҳлил қилиб, бирор мақола ёздикми? Бугунги кунда янги мафкура ҳақида гап бўляпти. Аммо қани йилт этган фикр. Афсус, афсус... Ўйлайманки, кўнглимиз дунё манзарасини кўриб турмас экан, биз ҳамиша торлигимизча қолаверамиз. Фикрнинг торлиги қанотдан маҳрум қилади. Ўртача фикр эса бугун ҳеч кимга керак эмас.

**– Озод ака, ҳозиргина ўзингиз тан олдингиз, кўп нарсалар беҳуда бўлиб чиққанини айтдингиз. Бу сизга – илм одамига қандай таъсир қилади?**

– Мен бу ҳақда ўйлаганимда кўз олдимга Пушкиннинг «Олтин балиқ ҳақида эртак» деган достонидаги воқеалар келаверади.

Албатта, кўп айтилган гаплар беҳуда бўлиб чиқди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Унча-мунча ёзганларимдан ўзим ҳам мағрурланиб юрардим: Миртемир ҳақидаги, Шайхзода ҳақидаги мақолаларимдан мисол келтиришим мумкин. Ўйлаб қарасам, ўша мақолаларда Миртемирнинг айнан мақташ лозим бўлмаган шеърларини мақтаганман. Бу – адабиётдан социология қидириш, деган иллат экан. Биз партияга фойда бўлса бас, деб ўйлаганмиз. Партияга фойдаси тегса, жамиятга ҳам фойда бўлади, деб фикр юритганмиз. Шу жиҳатдан ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқди. Аммо ёзувчи ва шоирларга муносабатим мутлақо ўзгаргани йўқ. Уларга катта эҳтиромим бор.

**– Мабодо саволим дилингизни бир оз ранжитса...**

– Йўқ, йўқ, бемалол.

**– Мен университетни битириш арафасида сизнинг танқидчилик маҳоратингиз ҳақида диплом иши ёзганман. Ишим «Биринчи мўъжиза» деган китобингиз асосида эди. Шунда «Ленин ва адабиёт», «Инқилоб ва адабиёт» деган мақолаларингиз бор эди. Орадан йиллар ўтди. Ноқулай бўлса ҳам сўрай, ҳозир шу ҳақда ўзингизнинг фикрингиз қандай?**

– Ленин масаласида бир мен эмас, миллионлаб одамлар янглишган. Ўзингиз ўйланг: эрталаб туришингиз билан кунингиз Лениндан бошланарди. Кундузи Ленин, кечқурун Ленин. Қайси китобга қўл чўзсанг, албатта, Ленин деган гап чиқарди. Партиянинг қайси бир съезди-ю пленумини олманг, ҳаммасида Лениндан иқтибос келтирилларди.

Биз яшаган жамиятнинг фожиаси шу эдики, ўша Ленинниниг 50 томини мукаммал ўрганмаганмиз. Шу жумладан, Маркснинм. Ҳаммасини ўқимай туриб, уларни гениал одамлар, деб юрганмиз. Менда китоби кўп одамга ихлос билан қараш касали бор. Ленинга шу боис ихлос қўйган бўлсам, ажабмас. Тан олиб айтиш керак, баъзан унда ҳам яхши гаплар учрарди. Мисол учун у адабиётга аралашиш керакмас, деган. Ленин партия даҳоси бўлса ҳам, адабиёт ишига аралашмаган. Шуни лозим кўрмаган. Шу фикрни мен мақолаларимда фойдаланганим учун анча гап эшитганман.

**– Негадир Ленин ҳақидаги асарларни кўп таржима қилгансиз...**

– Шу саволни беришингизни сезиб турувдим. Тўғри, Ленин ҳақидаги кўп асарларни таржима қилганман. Лекин Проспер Мериме асарларини ҳам таржима қилганимни унутманг. Энди... Ленин менинг тасаввуримда идеал, яъни комил инсон эди. Назаримда, ҳамма унинг сифатларидан ўрнак олиши кеpакдек эди.

Таржима билан шуғулланишимнинг боиси бор. Илгари тирикчилик учун бошланган бу иш. Талабалик йилларимда тирикчилик оғир бўлган. У пайтларда танлаш имконияти ҳам йўқ эди. Ҳатто «Ўзбекистон тарихи» деган китобни ҳам таржима қилганман. Жуда мураккаб бўлган. Кўп терминларни ўзбекчага ўгиришга қийналганман.

**– Ўзбекистоннинг тарихи дастлаб русча яратилган-да.**

– Ҳа, русча яратилган. У пайтларда шунақа бўларди. Мен, таржима қаламни қайраш учун керакли нарса, деб қараганман. Ҳарҳолда, жумла тузишда, сўз бойлигини орттиришда таржиманинг аҳамияти катта экан. Мен хоҳлаган нарсани нашриёт бермасди. Бир вақтлар Гегелнинг «Эстетика»сини таржима қилиб берай десам, нашриёт директори «қўйинг, Гоголни яқинда чиқарганмизку», деганди. Ўшанда ҳафсалам пир бўлганди.

Бадиий фильмларни таржима қилишимнинг ҳам боиси бор. Оилам бутун умр кинода – дубляжда ишлаган. Баъзан ишлари тиқилинч бўлиб қолса, бирор нарсаларни сўраб юрарди, кейин таржима қилиб беринг, деб сценарийлар берарди. Қарасам, унча қийин эмас экан. Қўл бўшлигида шу ишларниям қилганмиз. Даромади ёмон эмасди. Бола-чақа ҳаммамиздаям бор.

**– Озод ака, ўзбек адабиётига жуда кўп хизмат қилдингиз. Ўзингизнинг кўнглингиз тўладими?**

– Йўқ! Қилган хизматимни катта, деб билмайман. Кўп иш қилишим мумкин эди. Қўлимдан келарди. Лекин бизда ёшларга ишонмаслик касали бор-да. Кучим етарди. Москвадан қайтиб келган кезларимда «Ўқитувчи» нашриётига борганман. Шунда адабиётшунослик терминлари луғатини тузиб берай, деб таклиф қилганман. Шу иш қўлимдан келарди. Ўшанда бўлимни бошқариб турган бир аёл менга разм солди-да, кимсан ўзинг, гапираётган ганингни тушунасанми, дегандай қаради. Йўқ, бу иш қўлингиздан келмайди, деди. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб қайтганман. Айтмоқчиманки, шундай таклифларимни қабул қилишса, кўп ишларни қилган бўлардим. Кўнглимда армон бўлиб қолган учтўртта иш бор. Ҳалиям бўлса шунинг устида ишлаш ниятидаман. Мана, ҳозир Чўлпон устида ишлаяпман. У ҳақда каттароқ китоб ёзиш ниятим бор.

**– Демак, кейинги пайтларда Чўлпон ижодига кўп мурожаат қиляпсиз. 1960 йилларда, 1970 йилларнинг бошларида у ҳақда ёзганингизда негадир эҳтиёткорлик билан ёзгансиз. «Биринчи мўъжиза»нгизда бу нарса яққол кўринади. Гарчи партиянинг машҳур XX съезди ўтгач, Чўлпон ва Фитрат каби ёзувчилар оқланган бўлса ҳам, барибир, эҳтиёткорлик билан ёзгансиз.**

– Дунёнинг ўзгаришини қаранг-да, Тоиржон, сиз эҳтиёткорлик қилгансиз, деяпсиз. Ўша пайтларда бу гаплар катта жасорат, деб баҳоланган. Ёзган мақолаларим сабабли МК Пленуми қарорларига тушганман. Ўша пайтда МК секретари Нишонов докладларида бизни қаттиқ савалаб, миллатчига чиқарган. Буларнинг топган найрангини қаранг. Одамни қарашлари учун суд қилиб бўлмас экан, демак, оқлаш керак. Агар оқласа, ўша давр учун уларнинг қарашлари тўғри келмайди. Шу боис, улар Чўлпонни ижодкор сифатида эмас, граждан сифатида оқладик, буни ёдингиздан чиқарманг, дейишди. Хуллас, ўша пайтларда объектив гапиришга йўл қўйилган эмас. 1987 йилда Раъно Абдуллаеванинг қабулида ҳам Чўлпонга бир томонлама баҳо берилган эди. Ўзи миллатчи, биз уни зўрға шўро позициясига ўтказдик, дегандилар ўшанда опахонимиз. Кейинроқ унинг «Кеча ва кундуз» романи «Шарқ юлдузи» журналида чоп этиладиган бўлди. Афсуски, эълон қилиш жуда қийинчилик билан кечди. Энг охирида Марказий Комитет баҳоси берилган мақола бўлсагина чиқарасизлар, дейишди. Кейин мен журналнинг бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов илтимоси билан МКга маъқул келадиган мақола ёзиб беришимга тўғри келди.

Бугун, мана, ҳаракат қилиб, «Яна олдим созимни» деган тўпламни чиқардик. «Чўлпон» деган рисоламни ёздим. Бошқа мақолалар эълон қилинди. Уч томлик танланган асарларини нашрга тайёрладик. Мана шундай ишларни қиляпмиз.

**– Озод ака, суҳбатимизнинг бошида бир гапни кейин эслаймиз, дегандим. Мен бу ўринда сиз туғилганингизда қизил бўйинбоғ таққанингиз-у, исмингизни Озод деб қўйилишини назарда тутяпман. Бугунги кунда яшаб, ижод қилиб қайси бирини – исмингизними ё қизил бўйинбоғни – кўпроқ оқладингиз.**

– Бўйинбоғдан аллақачон чиқиб кетганман. Ҳозир бошқа рангдаги бўйинбоғлар тақамиз. Лекин одам бўйинбоғсиз ҳам яшай олмас экан, шекилли. Энди озодлик масаласига келсак, мен 65 дан ошдим. Маълум бир тажриба бор, ҳаётнинг паст-баландини кўрдик. Ҳозир шундай хулосага келганманки, ҳар қандай инсон ҳамиша озодликни қўмсаб ўтади. Абсолют эркинлик нариги дунёда бўлади, шекилли. Бу дунёда оёққа илашган, оёқни кесадиган, қўлдан ушлайдиган, фикрни тўсадиган, кўнгилни бузадиган тўсиқлар ҳаддан ташқари кўп экан.

**– Сиз Тошкент давлат университетида кўп йиллардан бери хизмат қиласиз. Шу масканда сабоқ берасиз. Доимо ёшлар билан мулоқотда бўласиз. Айтинг-чи, 1960–1970 йилларнинг ҳамда бугунги кун талабаларининг ўртасида фарқ борми?**

– Бу фарқ қайси жиҳатданлигига боғлиқ-да. Умуман, фарқ бор, албатта. Баъзан бу фарққа 1960 йилларнинг ижобий томонлари, деб қарашга мажбурсан. Баъзи масалаларда эса ҳозирги ёшлар тузукроқ, деб баҳолашга тўғри келади. Ҳозирги ёшларда нисбатан эркинлик сезилади. Лекин билимга чанқоқликда, ташналикда, меҳнаткашликда ўша 1960 йиллардаги Эркинлар, Абдуллалар даври кучлироқдай туюлади. Истеъдод нуқтаи назаридан қарасак, билмадим, бу саволни қўйиб бўлмаса керак. Ҳар йили 50 та талаба келадиган бўлса, шуларнинг ичида 2–3 та билимдони бўлади. Мана, ҳозир Раҳмат Қўлдошев деган йигит бор. У ҳозирнинг ўзида Ғарб фалсафасини ўқиб, фикрлаб юради. Ундан жуда кўп нарсани кутиш мумкин. Ғайритабиий мушоҳада юритади. Сизнинг ёдингизга келмаган нарсалар ҳақида ўйлайди. Умуман, илм бошқача фикрлашдан, айтиб юрилган нарсаларга шак-шубҳа билан қарашдан бошланади. Шу маънода, диний маънода эмас, илмий ҳақиқатларга шак келтириш тараққиётнинг белгиси.

**– Биз буюк диалектика қонунларини инкор қиляпмиз-у, аммо диалектикада инкорни инкор қилиш қонуни бор. Бу тараққиётнинг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Бир фикрни инкор қилиш янги фикрни келтириб чиқаради.**



– Инкор қилмаган тақдирда ҳам, шу қолипда қолиш керакмасда. Бизда катта мўътабар олимлар шунинг асоратида қолишган. Фикр доирасидан чиқиб кетолмаслик касали бор. Бунинг оқибатида биз билимдон бўлиб кўринсак ҳам олдинга бир қадам қўёлмаймиз. Билсангиз керак, одамлар узоқ йилларгача Миср ёзувини ўқиёлмас эди. Алифбонинг калитини топишолмаган. Шунда Шампольон деган ёш француз йигит 16–17 ёшидаёқ шу калитни топган. Кейин алифбо тузган, луғат тузган. Шундан кейингина Миср қўлёзмаларини ўқиш мумкин бўлган. Бу XVIII асрнинг ўрталарида бўлган. Аввалги олимлар Геродотнинг гапларига асосланган экан. У битта шаклда битта сўз ифодаланган, деган гапни айтган экан. Шампольон Геродотни инкор қилган. Ҳар битта белгига битта ҳарф деб ёндашган. Кўряпсизми, шу журъати билан у тарихда янги саҳифалар очилишига сабабчи бўлди.

**– Бугунги кун адабиётини зийраклик билан кузатиб боряпсиз. Шу адабиётимиздан кўнглингиз тўладими?**

– Бугунги кун адабиётида яхши бир майллар, ҳодисалар бўляпти. Агар шеъриятни оладиган бўлсак, менинг унча кўнглим тўлмайдиган жойлари бор. Гап шундаки, бир қатор шоирлар бугун бир думалаб тескари эътиқодга ўтиб олишди. Лекин шеъриятда дунёвий гаплар ҳам бор. Абдували Қутбиддиннинг достони илоҳий бир руҳ билан ёзилган. Наср ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Тоғай Муроднинг романи менга маъқул бўлди. Ўткир Ҳошимовнинг «Тушда кечган умрлар» романи ҳам бақувват асар. Драматургияда, мана Шароф Бошбековни олинг. Унинг «Темир хотин»и катта воқеа бўлди. Шундай истеъдодларнинг борлиги адабиётимизнинг, маданиятимизнинг бахти.

**– Ўзингиздаги камчиликларни сезасизми?**

– Менинг камчилигим кўп. Феълимнинг чекланган томонлари бор. Бундай пайтда ақл пастроқда қолади. Кейин ёниб кетиш одатим бор. Кейин олов сўниб, ўйлаб қарасанг, қилган ишинг унча тўғри эмаслигини англайсан. Иккинчи катта камчилигим шуки, умримнинг жуда кўп лаҳзалари бекорчилик билан ўтди. Одам фақат ишлаш учун туғилмаган бўлса керак-ку, лекин, барибир, кўпроқ иш қилиш мумкин эди.

**– Ортиқча камтарлик қилмаяпсизми?**

– Йўқ! Йўқ! Энг катта камчиликларимдан бири ажнабий тилларни билмайман. Чаламуллалик-да бу! Чаламуллалик! Афсус!

**– Ўзингиз афсус билан эслайдиган дамларингиз кўпми?**

– Афсус билан эслайдиган дамларим етарли. Катта, ижтимоий маънода билмадим-у, кундалик ҳаёт масаласида ўзимни олижаноб қилиб кўрсатаман, деб калтафаҳм одам қилиб кўрсатган дамларим ҳам бўлган. Иш масаласида афсусланмайман. Яхши жамоада ишладим. Худога шукур, фарзандларим қобил бўлиб етишишди. Турмуш ўртоғимдан мингдан-минг розиман. 2000 йилда турмуш қурганимизга 50 йил тўлади. Худо хоҳласа, олтин тўйимизни нишонлаймиз. Келинойингиз ҳарҳолда мени шунча йилдан бери парвариш қилиб келяпти.

**– Журналхонларга қандай тилакларингиз бор?**

– Авваламбор, улар соғ-саломат бўлишсин. Имонларини берсин! Ота-она учун фарзандининг бахтини кўришдан улуғроқ бахт бўлмас экан. Шунга ноил бўлишсин. Яна бир муҳим гап: тинчлик бўлсин. Худо тўзим берсин. Илгари йўғон чўзилади, ингичка узилади, деб айтишарди. Лекин бир нарса одамга тасалли беради. Биз бағрикенг, меҳнатдан қочмайдиган, ҳалол, ғирромлик қилмайдиган халқмиз. Бундай одамларнинг ҳаёти фаровон бўлиши муқаррар. Қийинчиликлар ўтиб кетади. Халқимиз катта бахтга муносиб халқ ва шунга эришади.

*Тоир Юнус суҳбатлашди,*
*1995*



## АДАБИЙ ТАНҚИД ВА ЯНГИЧА ТАФАККУР

**– Озод ака, суҳбатимизни бугунги адабий жараёнга танқидчиликнинг муносабати ҳақидаги мулоҳазалардан бошласак. Умуман, бундай муносабат ўзи борми, у сизни қониқтирадими? Бундай дейишимга сабаб, таҳририятимизга келаётган мактубларда адабий танқиднинг бугунги фаолиятидан қониқмаслик ҳисси аниқ ифодаланган. Яқинда ана шундай мактублардан бирини, ўтган сонда эса бу мактубга мунаққид Норбой Худойбергановнинг жавобини эълон қилдик. Ўқигандирсиз...**

– Ўйлайманки, бугунги кунда танқидчиликнинг адабиётга муносабати ҳеч кимни – китобхонни ҳам, ёзувчини ҳам, мунаққиднинг ўзини ҳам мутлақо қаноатлантирмаса керак. Агар бундай муносабатнинг ўзи бор бўлса, у шу даражада ингичка, шу даражада юпқалашиб кетганки, қадимги бир шоирнинг ибораси билан айтганда, «ғояти нозиклигидин» кўзга кўринмайдиган даражага келиб қолган. Бугун мунаққидлар, умуман кўзга кўринмай кетган – баъзан ҳайрон қоламан, ёқа ушлайман: наҳотки, уларнинг ҳаммаси «Ипподром»да бўлса? Албатта, шундай бўлиши ҳам мумкин. Ҳаммаси бўлмаса ҳам бир қисми кундалик турмуш йўлини «Ипподром» орқали солиб юборган бўлиши мумкин. Мен бундай мунаққидларни қораламоқчи эмасман. Аввало, шуни айтиш керакки, мунаққидлик касби – майли, у шарафлидир ёки шарафли эмасдир – ҳеч қачон бемалол тирикчилик қилишга имкон берадиган касб бўлган эмас. Танқидчилик қиладиган одам бошқа бирон касб билан пул топиб, бу пулни танқидчиликка едирсагина, озми-кўпми бу иш билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Кўп йиллардан бери мен яхши ҳурмат қиладиган ва мени ҳам (менимча) тузуккина ҳурмат қилган «Шарқ юлдузи» таҳририяти сўнгги ўн йилда менга биронта тақриз ёки мақола сўраб мурожаат қилгани йўқ. Ҳозир аҳвол бир оз ўзгарган – матбуотда

секин-аста турли мақолалар пайдо бўлмоқда. Қалам ҳақи масаласи ҳам бир даражада бўлса-да, изга тушган. Лекин шунда ҳам, барибир, танқидчилик шунақа касб эканки, унинг кетидан топган пулинг шу мақолага сарфлаган қоғоз пулига ёхуд машинка ҳақини қоплашга мутлақо кифоя қилмайди. Шундоқ бўлгандан кейин «муносабат» ҳам ҳаминқадар.

Лекин сезиб турибман, сиз менинг бу дийдиёларимни эшитмоқ учун суҳбат қилаётганингиз йўқ. Менимча, танқидчиликнинг бугунги «ночорроқ» аҳволи бугун бошланган ҳодиса эмас, у ўзининг тарихига, бирмунча чуқур илдизларига эга.

Ҳеч ким мени ўзбек халқининг ютуқларини кўролмайдиган «нигилист» демаслиги учун айтмоғим керак, бизда адабий танқид бирламчи ютуқларга эришган эди. Айниқса, аср ўрталарига келганда профессионал танқидчилар отряди шаклланиб етди. Улар танқидий китоблар чоп этишди, мақолалар эълон қилиб туришди, адабий портретлар яратишди, юзлаб тақризлар майдонга келди ва ҳоказо. Лекин шунга қарамай, ўтмишда ҳам танқидчилигимизнинг умумий аҳволи қониқарли бўлган эмас. Унда шунақа жиддий нуқсонлар бор эдики, бу нуқсонлар танқиднинг адабиёт билан баравар юришига имкон бермасди. Ўша пайтлардаги адабиёт билан танқид муносабати ҳақида гапирсам, негадир Дон Кихот билан Санчо-Панчонинг муносабатлари кўз ўнгимда гавдаланаверади – чўзинчоқ юзли, шоп мўйловли, сарвдай тик қоматли Дон Кихот ўзига ўхшаган от устида, ёнида эса унинг қуролбардори, унга югурдак ўрнида ҳам хизмат қиладиган, пакана, семиз-бақалоқ, ҳамма нарсага истеҳзо билан қарайдиган Санчо-Панчо. У эшак минган. Албатта, эшак от эмас, лекин нима қилганда ҳам, у ҳам улов. Мана, улар узун йўллар бўйлаб узун-қисқа бўлиб кетиб боришяпти. Шу алпозда Санчо-Панчо зиммасидаги танқидчилик вазифасини қай даражада бажарган бўлса, бажаргандир, лекин шунга қарамай, танқиднинг «рейтинги» ўша кезларда ҳам паст бўлган. Тўғри, ҳукмрон мафкура танқид учун, қолаверса, тафаккур учун шу даражада мустаҳкам қолиплар, даҳшатли исканжалар чиқариб қўйгандики, бундай шароитда кенг кўламда, бемалол эркин фикрлаш амримаҳол эди.

Лекин шундай бўлса-да, айрим халқларда (афсуски, бизда эмас) ўша қолиплардан қўрқмай иш тутган, фақат адабиёт учун эмас, бутун жамоатчилик тафаккурини силжитиш учун хизмат қиладиган муаммоларни жасурлик билан кўтариб чиққан



мунаққидлар бўлган. Масалан, В.Кардин деган рус мунаққиди 1963 йилда (эътибор қилинг: 1963 йилда!) бир мақола эълон қилиб, унда Панфиловчи 26 қаҳрамон ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ёлғон эканини фош қилиб чиққан эди. Тасаввур қиласизми – у қаҳрамонларга аллақачон унвонлар берилган, улар тўғрисида фильмлар, китоблар яратилган, уларнинг номларига мактаблар қўйилган, ҳар муюлишга суратлари осилган. Мақоладан кейинги кўтарилган тўполонни айтмаса ҳам бўлади – КПСС Марказий Комитетида, Олий Советда, ҳарбий штабларда, республикаларда, нашриётларда, ёзувчилар уюшмасида... Чунки уларнинг ҳаммаси шу ёлғоннинг тарқалишига алоқадор бўлган. Мунаққид шоир шировардида ҳақ бўлиб чиққан – аслида ўша 26-панфиловчилар ҳеч қанақа жанг қилмаган, бу гапларнинг бари журналистларнинг тўқимаси бўлган экан. Бу биргина мисол. Бизнинг танқидчилигимиз кўп йиллар мобайнида мана шундай кўламда ёки лоақал унинг ярмичалик қимматга эга бўлган бирорта (!) муаммони кўтариб чиқишдими? Майли, бу-ку ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ гап экан, ўзимизнинг адабиётимиз ички муаммоларини дадил қўйиб ҳал қилиб беришдими? Бундай бўлгани йўқ.

Биз – мунаққидлар олимлар эмас, мустақил ижодкорлар эмас, жуда ёрлақаганда, ёзувчи яратган асарларнинг тафсирчилари эдик, холос. Ёки юбилейларда, тўйларда, ҳар хил анжуманларда у ёки бу ёзувчини мақтаб кўкларга кўтариб, доҳий ижодкор эканига унинг ўзини ҳам ишонтириб, маърузалар ўқийдиган маддоҳлар эдик. Эҳтимол, шу сабабдандир, яъни профессионал рейтингимизнинг умумжаҳон меъёрлари талабларига жавоб бермагани учун ўзимиз яккаланиб, ўз қобиғимизга бурканиб қолгандирмиз. Хуллас, шўролар замонида биз мунаққидлар жуда чуқур таназзул аҳволда эдик. Шунинг учун 1980 йиллар ўртасида бошланган ва ҳаммани ларзага солган ошкоралик ва қайта қуриш бизни оғир уйқудан уйғотолгани йўқ. Чунки уйғонмоқ учун янги қарашлар, янги тамойилларни қабул қилиш учун биз тайёр эмас эдик. Шундоқ дейман-у, яна ўйланиб қоламан: эҳтимол, бу гапларим нотўғридир. Эҳтимол, ўша йилларнинг гулдуроси, қайта қуришлар садоларидан уйғонгандирмиз, кўзимизни очиб, атрофга қараб даҳшатга тушгандирмиз. Чунки биз кўз очиб кўрган, кўниккан, қон-қонимизга сингиб кетган дунё қуламоқда эди. Оёғимиз остидаги замин лопиллаб қолган эди. Кўникилган ўлчамлар ва рангларнинг ўзгариб кетгани, умр бўйи «мангу ўлмас»

деб билган қадриятларимиз кунпаякун бўлгани бизни саросимага солиб, довдиратиб қўйди – бу қуюнда бизга таянч бўладиган ҳеч нарса қолмаган эди. Натижада, эски таназзул янгиланди, кризис чуқурлашди, ҳанг-манглигимиз ортди, ўзимиз омон қолмоқ учун қайси қайиқнинг бошини ушлашни билмай аросатда қолдик.

Ўзбек адабий танқидчилиги ана шундай ҳолатда мустақиллик йўлларига қадам қўйди. Мустақиллик танқидчилигимизнинг ҳам давомли таназзул ҳолатларини енгиб ўтишга, маддоҳликдан халос бўлиб, дунёга, адабиётга очиқ кўз билан қарашга йўл очди. Мустақиллик адабиёт каби адабий танқидда ҳам эски қолиплар ва исканжаларни улоқтириб ташлаб, эркин ижод қилишга имкон яратди. Менимча, мустақилликнинг адабий танқидга берган энг катта неъмати шундан иборат. Лекин, таъкидлаб айтмоқ керакки, бу неъмат имконият шаклида берилган, уни воқеликка айлантириш, ундан фойдаланиш эса тўлалигича ижодкорнинг ўзига, мунаққидларга боғлиқ. Улар масъулиятни тўла тушуниб, бутун кучларини сафарбар этиб, мустақил Ватанга муносиб мустақил, юксак журъатли ва таъсирчан адабий танқид яратмоқлари керак.

**– Бугун бизнинг адабий танқидчилик фақат биргина – социологик тадқиқот усулидан фойдаланмоқда. Ваҳоланки, бадиий асар таҳлили ва талқинининг ўнлаб усуллари мавжуд. Танқидчилигимиздаги бу «камбағалчилик»ни қандай изоҳлаган бўлардингиз?**

– Адабий танқиднинг орқада қолишига сабаб бўлаётган, уни қашшоқлаштираётган омиллардан бири социологик тадқиқот усулининг яшовчанлигидир. Бу – эски иллат. Айниқса, 1920 йилларнинг ўрталаридан бошлаб у авж ола бошлади. Кейин бу усул вульгар социологизм методи, деб ном олди ва адабиётни идрок қилишнинг ҳамма соҳаларига ёйилди. Кейинчалик бу метод кескин қораланган бўлса-да, уни қуритиш қийин эканки, баъзан кучайиб, баъзан сусайиб, бизнинг кунларгача яшаб келмоқда. Хўш, бугун қандай омиллар бу методнинг яшаб туришига ёрдам беряпти. Менимча, бундай омиллар, асосан, иккита. Биринчидан, социологик таҳлил осон – уни амалга ошириш учун унчалик жон куйдирмайсан – асарнинг мавзуини, мазмунининг асосий нуқталарини айтасан-да, ўшанга яқин ҳаёт воқеаларига солиштирасан, сўнг ўзингнинг бир-иккита «доно» хулосаларингни айтасан, муаллифга қаерини тузатиш, қаерини кучайтириш, қаерини олиб ташлаш тўғрисида қимматли маслаҳатлар



берасан, тамом-вассалом. Лекин бунақа «танқид»дан на китобхонга, на ижодкорга фойда бор. У газетадаги танқидга аталган бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади, холос.

Иккинчидан, танқиднинг бу шаклига мурожаат қилишга мажбур этадиган сабаб билимнинг саёзлиги, савиянинг пастлигидир. Бадииятни ҳис қилмаган, санъатнинг санъатлиги нимада эканини билмайдиган, санъатдаги турфа хилликни, битмас-туганмасликни хаёлига ҳам сиғдиролмайдиган, лекин ёзмаса туролмайдиган одам социологик усул ёрдамида ишини битириб қўя қолади.

Бахтимизга, мустақилликнинг шарофати билан адабиётшунослик ва танқидчиликда доимий изланиш кераклиги, адабиётнинг ички гўзаллиги ва бойликларини тўлароқ очиб беришга қаратилган янги имкониятлар излаш зарурлиги тобора аён ҳақиқат бўлиб бормоқда. Бу борада мунаққидларимиз самарали тажрибалар ўтказишмоқда. Баъзи мисолларни эслайлик. Раҳматулла Иноғомов Эркин Воҳидов ижоди тўғрисида рисола эълон қилди. Бу китоб аввалги биронта рисолага ўхшамайди. Унда муаллиф ўзининг шахсий кузатувлари ва билимларига таяниб, кўпгина шеърларнинг ижодий тарихини яратган. Натижада, китобхон Эркин шеърияти тўғрисида аввал ўзи билмаган кўпгина мароқли тафсилотларга эга бўлди.

Олим Абдуллажон Аъзамов «Жаҳон адабиёти» журналида эълон қилинган мақоласида адабиётшунослик илмида биринчи бўлиб Алишер Навоий ғазалларини математик таҳлилга тортган. Маълумки, ҳали математиклар гўзаллик формулаларини ихтиро қилганларича йўқ. Ажаб эмаски, Аъзамовнинг бу мақоласи бу йўлдаги биринчи қадам бўлса. Ҳарҳолда, мақолада бир қатор эътиборга лойиқ кузатишлар бор.

Адабиётшунос ва мунаққид Абдуғафур Расулов ҳам айрим тадқиқотларида ҳали ҳеч ким юрмаган йўлдан юришга, тадқиқотнинг янги йўлларини қўллашга интилмоқда.

Бугунги кунда адабиётшунослик ва танқидчиликда структурал анализ, матнни асос қилиб олган ҳолда асарни анализ қилиш, қиёсий таҳлил каби шакллар ва усуллардан кенг фойдаланишга интилиш бор. Биз бу борада хорижий тажрибаларга ҳам таянмоғимиз керак. Масалан, Эрон адабиётшунослигида бадиий асарга ёзилган шарҳлар кенг ўрин тутади. Жумладан, менда шайх Саъдийнинг бундан тўрт-беш йиллар муқаддам Теҳронда нашр қилинган «Гулистон» деган китоби бор. Китоб камида 50,0 босма табоқ келади. Ҳолбуки,

«Гулистон»нинг ўзи 5,0 табоқдан ошмайди. Китобнинг қолган 45,0 босма табоғи ана шу буюк асарга шарҳлардан иборат. Тасаввур қиласизми – бундай шарҳларда асарнинг бирон-бир жиҳати, бирон-бир хислати ёки фазилати эътибордан соқит қолдимикин?

Ёки яна бир китобни эслайман. Бу Туркияда нашр этилган «Чўлпон шеърлари» деган китоб. Унда шоирнинг шеърлари ўзбек тилида ва унинг ёнида туркча матн берилган. Сўнг эса ҳар бир шеърга доир информация, ундаги ташбеҳлар, бадиий тасвир воситалари, шеър оҳанглари, вазнлари тўғрисида мукаммал маълумот берилади. Мен илмий тадқиқотнинг бундай шакллари илмда ягона бўлиши керак, демайман. Лекин шундай шакллар ҳам яшашга тўла ҳақли.

Бугун икки карра икки тўртдай аён бўлиб қолдики, адабий танқидда ҳам шакллар хилма-хиллиги, услублар бойлиги муҳим ўрин тутмоғи керак. Буни амалга ошириш эса ижодкор шахсига, унинг истеъдодига боғлиқ. Танқидда бундай изланишларсиз самарадорлик ва таъсирчанликка эришиш мумкин эмас. Мунаққид ижодкор экан, унинг ўзининг бетакрор услуби бўлмоғи керак.

**– Албатта, ижодий жараён биргина адабий танқиднинг фаоллиги билан жонланиб қолмайди. Умуман, мустақиллик туфайли эришилган ижод эркинлиги ёзувчи, шоирларимиз фаолиятида ўз самарасини беряптими?**

– Яна такроран айтаман – мустақилликнинг адабиётга, ёзувчига берган энг катта бойлиги, энг асосий неъмати эркинликдир. Ижод учун бирламчи навбатда зарур бўлган нарса эркинликдир. Эркинлик бўлмаса ҳар қандай истеъдод ҳам жуда тез сўниб, ўтмаслашиб қолиши мумкин. Эркинлик истеъдодни ўртамиёначиликдан сақлаб қоладиган омилдир. Маълумки, ижод тафаккур билан боғлиқ – адиб кўрган-кечирганларини, кузатган ва бошдан ўтказганларини умумлаштириб, ҳаёт тўғрисида, инсон ҳақида ўзининг хулосасини, умумлашмаларини беради. Булар бетакрор бўлса, фақат шу адибгина айтиши мумкин бўлган хулосалар бўлсагина китобхон учун қадрли ва тансиқдир.

Мен бу фикрларимни биргина мисолда кўрсатиб бермоқчиман. Мана, Саид Аҳмадни олайлик. У ёзувчи сифатида аллақачон шаклланиб бўлган. Унинг ижодий қиёфаси аниқ – маҳорати мукаммал, қалами ўткир, юмори ҳаётий. Шундай экан, ёзувчи сифатида мустақиллик унга нима бериши мумкин? Назаримда, эркинлик, фикрлаш эркинлиги унинг янги асарларига янги тароват ва



янги теранлик бағишлайди. Буни «Қоракўз мажнун» китобидаги асарларда яққол кўриш мумкин. Ундаги кўп ҳикоялар сталинча қатлиом ҳодисаларига бағишланган. Айтиш мумкин, адиб тоталитар тузум шароитидаги инсоннинг ҳолатини тадқиқ қилади. Бундай асарлар кўп ёзилган. Лекин булардаги янгилик шундаки, адиб тоталитар тузумнинг чексиз жабр-жафоларига, зулмига қарамай, оддий инсон ундан ғолиб чиқишини кўрсатади – мустабид тузум инсондаги инсонийликни таг-туги билан суғуриб олиб, ундаги ғурурни қувиб чиқариб, уни қулга, манқуртга, ўзлигидан маҳрум муте бир махлуққа айлантирмоқчи бўлади, лекин Саид Аҳмад ҳикояларидаги одамлар ўзининг инсонийлигини йўқотмайди, энг даҳшатли зулмларга қарамай, ўзлигини сақлаб қолади. Менингча, Саид Аҳмад мустақиллик туфайли эришгани эркин тафаккур орқалигина инсондаги ана шу гўзал қудратни кашф қила олди.

Албатта, ҳар қайси ёзувчи ижод эркинлигидан, тафаккур эркинлигидан ўзича фойдаланиши мумкин. Лекин, ҳар нима бўлганда ҳам, янгича тафаккур адибга инсон моҳиятига чуқур кириб боришга имкон берди.

**– Газетамиз саҳифаларида бугунги куннинг қаҳрамони сиймосини яратиш билан боғлиқ анчагина фикр-мулоҳазалар айтилди. Уларга муносабатингиз қандай?**

– Аввало шуни қатъий таъкидламоғим керакки, ўзбек халқи ичидан ҳам бошқа халқлардан чиққани каби ҳам ўтмишда, ҳам ҳозирги даврда ажойиб қаҳрамонлар кўплаб етишиб чиққан. Улар адабиётда акс эттиришга арзийдиган қаҳрамонлар. Адабиётда улар тўғрисида кўплаб достонлар, эртаклар, ривоятлар, қиссалар, романлар яратилган ва бундан кейин ҳам яратилади. Ҳамма асарларни санамаёқ қўяй-да, биргина «Алпомиш» ёхуд Гўрўғли туркумига кирувчи улуғ асарларни эслаш кифоя. Бугунги кунларимизда янги мустақил Ўзбекистонни барпо этиш йўлида одамларимиз жуда катта шижоат ва фидокорлик билан иш олиб бораётганини, турли соҳаларда чинакам қаҳрамонлик мўъжизаларини яратаётганини Президентимиз Ислом Каримов алоҳида ифтихор ва мамнуният билан таъкидлайди ва адабиётда замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин образларини акс эттиришга чақиради. Жуда ўринли ва ҳаққоний чақириқ. Мен ўйлайманки, адабиёт ўзининг очерк, эссе, муаммоли мақолалар, публицистика каби тезкор, жанговар жанрларида бу ишни амалга оширмоғи керак. Ёзувчиларимиз бу вазифани бажариш бобида анча самара-

ли меҳнат ҳам қилишяпти. Мисол тариқасида Одил Ёқубовнинг «Қашқадарё гурунглари» очеркини ёхуд «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинган бир қатор саҳифаларни эслаш мумкин.

Шу билан бирга, менинг шахсан «ижобий қаҳрамон» деган атамадан оғзим куйган жойим бор. Маълумки, бу атама шўролар адабиётининг жуда кенг қўлланиладиган атамаларидан эди. Ҳукмрон мафкура бу атама орқали адабиётга кучли тазйиқ ўтказган, уни қолипга солишга, муайян талаблар доирасидан чиқмасликка мажбур қилган. Расмий мафкуранинг тасдиғига кўра, совет кишиси дунёдаги ҳар қандай инсондан бир неча баравар юқори турарди, бинобарин, уни камситмай, рўй-рост, бор бўйи-басти билан кўрсатмоқ керак эди. Шу тариқа ижобий қаҳрамон муаммоси шўро адабиётшунослари томонидан кўп йиллар мобайнида энг кўп ишланган муаммога айланди. Китоблар, мақолалар, маърузаларда бу қаҳрамоннинг қандай бўлиши ипидан игнасигача кўрсатилиб берилган эди, ҳатто унинг нечта фазилатга эга бўлиши кераклиги ҳам санаб чиқилганди. Ҳа, йиллар давомида баҳслар бўлди, мунозаралар ўтказилди, симпозиумлар, конференцияларда фикрлар алмашинилди, китоблар, мақолалар эълон қилинди, қанчадан-қанча шиддатли найзабозлик жанглари бўлиб, қанчадан-қанча найзалар синиб увол бўлди. Лекин бу масалада адабиётшунослик бир жойда депсиниб тураверди, у ярим қарич ҳам олдинга силжигани йўқ. Бу йиғинлар ва найзабозликлар адабиётни боши берк кўчага олиб кирса кирдики, унга жиндай ҳам наф келтирмади. Келтириши мумкин ҳам эмас эди. Чунки «ижобий қаҳрамон» деган атаманинг ўзида адабиётнинг моҳиятига зид келадиган, уни йўлдан тойдирадиган бир нарса бор эди. Бу талаб замирида тасвирга олинган инсонни, албатта, ижобийлаштириш ва қаҳрамонлаштириш талаби бор эди. Натижада, ижодкор зўр бериб уни пардозлашга, ювиб-тарашга, қовоқлунжини келиштиришга бошлар эди.

Менга эътироз билдиришлари мумкин: бу атама юз эллик йил аввал ҳам мавжуд эди, ҳатто Лермонтов романининг номини «Замонамиз қаҳрамони» деб қўйган эди, дея. Тўғри, лекин асарнинг шундай номланишида киноя йўқмикан? Ахир, Печорин ҳам худди Онегин каби замоннинг қаҳрамони эмас, ўз замонига, ўз табақасига сиғмаган, ортиқча одам эди-ку. «Ижобий қаҳрамон» ёхуд шунчаки «қаҳрамон» атамаси адабиётда мавзу, композиция,



сюжет каби категориялар қаторида туради, лекин у асарнинг жамики мазмуни ва йўналишини билдирадиган унсурга айлантирилмаслиги керак.

Шўролар даврида эплаган ёзувчилар қай бир даражада ижобий образлар яратдилар, эплолмаган ёзувчилар эса ясама, сунъий, инсоний жозибадан маҳрум образлар ярата бошладилар. Натижада, кўплаб асарларда одамлар бир ўлчамли, юзаки бўлиб чиқди – уларнинг сурати бор, лекин сийрати йўқ эди. Ҳолбуки, адабиёт дегани, биринчи навбатда, сийрат билан иш юритади, одамнинг руҳий дунёсини таҳлил қилиш билан ўз зиммасидаги вазифани адо этади.

*Адабиётнинг асосий предмети инсон. Бу жиҳатдан адабиёт дунёдаги энг демократик ҳодисалардан бири бўлмоғи керак.* Унга шоҳ ҳам, гадо ҳам, ёш ҳам, қари ҳам, чолу кампир ҳам, буюк саркарда-ю оддий аскар ҳам, давлат арбоби ва талаба ҳам, дунёга машҳур актриса-ю, турли сабаблар билан танини сотиб тирикчилик қиладиган фоҳиша ҳам барибир. Дунёдаги ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, Оллоҳ яратган энг сирли мўъжиза. Дунёнинг ҳамма сирининг тагига етиш мумкин, лекин Инсон деган жумбоқнинг тагига етиб бўлмайди. Инсон табиатига чексизлик, битмас-туганмаслик хос. Бу битмас-туганмасликни лоақал жиндай қамраб олмоқ учун санъаткор доҳиёна нигоҳга эга бўлмоғи керак. Хуллас, адабиётда инсон ёхуд қаҳрамон муаммосини самарали ҳал қилмоқ учун, биринчи навбатда, фалсафий планда инсон концепциясини мукаммал ишлаб чиқмоқ керак.

**– Жаҳон адабиёти дурдоналари бизнинг китобхонлар учун ҳануз «сирли сандиқ»лигича қолаётир, деган фикрга қандай қарайсиз? Баъзи бир асарларни айтмаганда, аксарият чет эл ёзувчилари ижодидан китобхонларимиз бехабар. Хусусан, XX аср Шарқ ва Ғарб адабиётининг йирик намояндалари ижоди, жумладан, модернизм адабиёти намуналари она тилимизга таржима қилингани йўқ...**

– Менимча, роппа-роса 100 йил кейин, яъни 2101 йилнинг октябрь ойида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида яна бир баҳс ўтказилса, унда, албатта, «жаҳон адабиёти дурдоналари ўзбек китобхонлари учун ҳануз сирли сандиқлигича қолиб келмоқда» деган таъна айтилган бўларди. Бу табиий нарса. Жаҳон адабиёти бир қанча асарларнинг жамулжами эмаски, бир чеккадан биттадан сандиқдан чиқариб олиб, уч-тўрт йилда ҳаммасини ҳал

қилиб чиқсанг. Жаҳон адабиёти – доимий равишда ҳаракатланиб, янги асарлар билан бойиб, кенгайиб борадиган жараён. Денгизни бир чеккадан хўплаб тугатиб бўлмагандай, уни ҳам сипқориб охирига етиб бўлмайди. Бироқ ундаги энг яхши асарлар ўзбек тилига таржима қилиниши керак, албатта. Масаланинг энг қийин томони шундаки, бизда жаҳон адабиёти намуналарини иштиёқ билан таржима қиладиган азаматлар бармоқ билан саноқли экан. Ўзини улуғ намоянда, арбоб ҳисоблаб юрган одамлар – билмадим нима учун – таржимадан ўтдан қўрққандек қўрқишади, жуда нари борса, таржима қилиб беришни зиммаларига оладилар, кейин бутунлай ғойиб бўлиб кетадилар. Ваъда ҳам сувга уриб кетаверади ва бундан ҳеч ким хижолат ҳам бўлмайди. Яхши ҳамки, Қодир Мирмуҳаммедов, Низом Комилов сингари «таржима борасида ит гўшти еган» фахрийларимиз бор экан, ўшаларнинг ёрдами билан «Жаҳон адабиёти»нинг куни ўтиб турибди. Энди «хусусан, модернизм» асарларини таржима қилиш масаласига келсак, бу ўринда айрим мураккабликлар бор. Журналда шундай асарлардан баъзи бирлари эълон қилинди, лекин улар китобхонлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб кетмади. Ҳарҳолда, бундай асарлардан мабодо завқ олсанг, кроссворд ечиб завқ олаётган одамга ўхшайсан. Шунга қарамай, биз бундай асарларни ҳам, албатта, бериб борамиз.

**– Собиқ шўролар даврида Ғарб адабиётига, жумладан, модернизмга муносабат мутлақо салбий эди. Бундай қарашнинг асоратлари ҳали ҳам сақланиб қолганига гувоҳ бўлиш мумкин. Айрим адабиётшуносларнинг чиқишларида Кафкадан ёки Жойсдан «қўрқиш», улардан «сақланиш»га чақириш ҳоллари учраб туради. Ваҳоланки, бу ёзувчилар ижоди, умуман, модернизм жаҳон маданияти тарихида ўзига хос ҳодиса сифатида аллақачон тан олинган-ку...**

– Бу саволингизга, назаримда, қисман бўлса-да, жавоб бердим, шекилли. Яхшиси, келинг, модернизм, модерн ёзувчиларга муносабат, Ғарб ва Шарқ менталитетининг ўзига хослиги ва феноменларнинг санъат асарини қабул қилишдаги роли тўғрисида алоҳида бир суҳбат қилайлик. Менимча, бу масалада ҳам анчамунча керакли гаплар йиғилиб қолган.

**– Адабиётимизда бугунги мавжуд тамойиллар, бугунги ижодий жараён, адабий танқиднинг аҳволи, таржимачилик муаммолари – ҳаммасини назарда тутган ҳолда, янги аср ўзбек адабиёти ривожи ҳақида фикрингиз қандай? Мана шу соҳалар олдидаги вазифалар нималардан иборат?**

– Вазифалар масаласига келсак, улар битта ва бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас – ўзини қаламкаш ижодкор ҳисоблаган ҳар бир одам истиқлолга муносиб асар яратиш соҳасида қўлидан келган ҳамма ишни қилмоғи керак. Ўзбек адабиётининг келажаги ҳақида турли-туман, бир-бирига зид фикрлар айтишга эҳтиёж йўқ бўлса керак – бир вақтлар устоз адиб Абдулла Қаҳҳор «ўзбек адабиётининг келажаги буюк бўлишига» ишонч билдирган эди. Гарчи бугун бу буюкликнинг ҳамма нишоналари аён кўриниб турган бўлмаса-да, умумий ривожланиш тамойилларига қараб, адабиётимиз ана шу марра томон кетяпти, деб айтиш мумкин. Фақат бу буюкликни «бизда босилган ҳар бир асар, албатта, буюк асар бўлади, битта ҳам ўртамиёна ёки чала асар бўлмайди» деб англаш керак эмас. Ўртамиёна асарлар ҳам пайдо бўлади, фақат уларга муносабат ўзгаради – жамият оқни оқ, қорани қора дейдиган замон келганида унинг адабиётида ҳам улуғлик нишоналари пайдо бўлади.

*Аҳмад Отабоев суҳбатлашди.*
*2001*

## МОДЕРНИЗМ – ЖЎН ҲОДИСА... ЭМАС

**– Гарчи «модернизм» атамаси қарийб бир асрдан бери ишлатилиб келинаётган бўлса-да, биз учун янги, бир қадар нотаниш истилоҳ. Суҳбатимиз бошида бу тушунчанинг моҳияти ҳақида газетхонларимизга маълумот берсангиз.**

– «Модернизм» асли французча «модерн» сўзидан олинган бўлиб, «замонавий» деган маънони билдиради. Бу истилоҳнинг биз учун бир қадар нотаниш бўлиб келганининг сабаблари бор. Бу сабаблар, биринчидан, мафкуравий характерга эга ва шўро даври адабий сиёсати билан чамбарчас боғлиқ.

Маълумки, шўролар ҳаётдаги ҳамма соҳаларни бирваракайига тубдан ўзгартиришни, шу билан бирга, улар бутунлай янги одам яратиш ғоясини олдинга суриб, янги адабиёт даъвоси билан ҳам чиқишган эди. Ҳаёт бу даъволарнинг пуч эканини исбот қилди. Жумладан, ҳар қандай инсон ҳаёти давомида турфа хил ўзгаришларни бошидан кечирса ҳам, бир қувончларга тўлиб, бир бахтсизлик ичида яшаса ҳам, зоҳиран қараганда, бир терининг ичида неча марта озиб-семирса ҳам, аслида унинг табиати дунёдаги энг кам ўзгарадиган нарсадир. Инсоншунос олимлар, бугунги инсон табиатига кўра, бундан 2000 йил олдинги инсондан жуда кам фарқ қилишини исботлаб беришган. Унинг тафаккурида қандайдир янги ғоялар туғилиши мумкин, лекин тафаккур механизми эскича қолади. Унинг туйғуларида қандайдир янги хислатлар пайдо бўлиши мумкин, лекин барибир туйғуларининг ўзи жуда кам ўзгаради. Даврлар ҳар қанча ўзгармасин, инсонни ҳаракатга келтирувчи асосий омил шахсий манфаат бўлиб қолаверади. Инсоннинг бу хислати «балиқ чуқур жойни излайди, инсон эса яхши жойни» деган мақолда жуда яхши ифодаланган. Худди шунга ўхшаш, инсоннинг руҳий-маънавий фаолиятининг ҳосиласи бўлмиш санъат ва адабиёт ҳам табиатан кам ўзгарадиган ҳодисалардандир. Албатта, санъат ва адабиёт пайдо бўлган даврлардан бери муайян тадрижий йўлни босиб ўтди, лекин бу йўллар мазмуни қандай бўлмасин, санъат ва адабиётнинг моҳияти ўзгаргани йўқ, ҳамон унинг марказида инсон ва унинг дардлари турибди. Ҳамон унинг асосий муаммоси инсон ким ва у қандай яшамоғи керак, инсон ҳаётининг моҳияти нимада, деган муаммолар. Афсуски, шўро мафкураси инсон табиатидаги мана шу муқимликни тан олишни истамайди. Ва ҳар хил воситаларни ишга солиб, уни тубдан ўзгартиришга уринди. «Пролетар адабиёти» деган адабиёт ўйлаб топилди. Унинг бирдан-бир методи социалистик реализм, деб эълон қилишди. Бундан бир қадам ташқарига чиқадиганларни синфий душманга чиқаришди ва шунга мувофиқ улар жазоларга мустаҳиқ қилинди. Аммо, табиийки, инсон бир хил бўлмаганидек, унинг адабиёти фақат бир хил мазмунда ёзадиган, фақат бир хил услубни тан оладиган, якранг адабиёт бўлиши мумкин эмас эди.

**– Ўтган асрнинг 20–30-йилларида модернизм оқимига мансуб деб ҳисобланган асарлар Ғарбда ҳам, Америкада ҳам тазйиққа учраган эди. Ўзингизга маълум, собиқ Иттифоқ даврида Ғарб адабиёти билан шуғулланган рус адабиётшунослари ҳам бир овоздан модернизм адабиётини кескин танқид қилиб чиқишганди. Яъни, бу адабий оқим вакилларининг асарлари Ғарбда инкор этилди, кейинчалик коммунистик ғоя тарафдорлари томонидан тамоман рад қилинди. Бунинг сабаблари ҳақида фикрларингизни билмоқчи эдик.**

– XIX аср охири ва XX аср бошларида жаҳонда ижтимоий ҳаёт соҳасида тараққиёт суръатлари мислсиз тезлашиб кетди. Бу – фикрда, қарашларда ҳам кўплаб янгиликларни вужудга келтирди. Бу эса адабиётда ҳам инсонга янгича муносабатда бўлишни тақозо эта бошлади. Бошқача айтганда, адабиётда кўп вақтлардан бери амал қилиб келган реализм методи қай бир жиҳатдан эскиргандек, янги мазмунларни ифодалашга торлик қилиб қолаётгандек кўринди. Ва айрим санъаткорлар замон талабларига мувофиқ равишда ҳаётни акс эттиришнинг янги йўллари, шаклларини излай бошлади. Шу тарзда бутун жаҳон бўйлаб турли-туман модернистик, яъни замонавий оқимлар пайдо бўла бошлади. Албатта, буларнинг ичида самаралилари ҳам бор эди. Ва шунчаки тажриба тариқасида ўтказилган, лекин амалда катта муваффақиятларга эришмаганлари ҳам бор эди. Бу изланишлар, тажрибалар мутлақо табиий ва қонуний эди. Лекин шўро мафкураси нуқтаи назаридан ҳар қандай модернизм ёки санъат ва адабиётдаги ҳар қандай

изланиш социалистик реализмдан чекиниш, деб қаралар ва шунинг учун у қораланиши керак эди. Шундай қилиб бизда «халқ душманлари», «буржуа миллатчиси», кейинроқ эса «ревизионист» сингари «модернист» деган айблов ҳам майдонга келди.

Модернизмни ёқлаган, модернистик оқимларни маъқул кўрганлар мафкуравий душман сифатида талқин қилинди. Фақат аср охирига келгач, ўзбек адабиётшунослари ичида бу масалаларни қаламга олиб тўғри талқин қилишга ҳаракат бошланди.

**– «Жаҳон адабиёти» журнали ва «ЎзАС»да эълон қилинган айрим мақолаларни айтмаганда бугунги адабиётшунослигимиз модернизм адабиётидан бехабар десак, тўғри бўладими?**

– Албатта, модернизм бир турдаги жўн ҳодиса эмас. Модернистик оқимларни дабдурустдан тушуниб олиш ҳам муайян қийинчиликларни туғдиради. Модерн адабиёт ҳодисаларига биз берадиган таърифлар тўғри келавермайди. Бунинг устига бизнинг санъат ва адабиётга қарашларимизда жуда катта бир нуқсон бор: бизнинг назариямиз санъат ва адабиётдаги ранг-баранглкни тан олмайди. У имкон борича, санъат ва адабиётнинг ҳамма тур ва ҳамма хилларига муштарак бўлган қонун-қоидаларни инкишоф этишга ҳаракат қилади. Масалан, шеърият ҳам, наср ҳам бадиий адабиётга киради. Лекин айни чоғда уларнинг орасида осмон билан ерчалик фарқ борлигини кўрмаслик мумкин эмас. Роман, қиссалар бобида ўйлаб чиқарилган қоидаларимиз лирика ва достонга мутлақо тўғри келмайди. Худди шунга ўхшаш, адабиёт, рассомчилик ва мусиқа ҳам «санъат» деган тушунча доирасига киради. Бироқ, шунга қарамай, улар инсоннинг руҳий фаолиятининг турлари эканидан бошқа ҳеч қандай муштарак томонларга эга эмас. Бинобарин, рассомлик талқини билан мусиқа, адабиёт талқини ўзаро кескин фарқ қилиши керак.

Мен бу гапларни шу маънода айтяпманки, асосий материали ранг ва бўёқ бўлмиш рассомлик соҳасидаги изланишлар, албатта, адабиёт соҳасида ҳам айнан такрорланиши мутлақо шарт эмас. Масалан, абстракционизмни олайлик. Абстракционизм – мавҳумлик дегани. Санъаткорлар ҳаётни ҳаёт формасида акс эттирмоғи керак, деган гапдан қочиб, уни бошқача тарзда ҳам акс эттириш мумкинлигини исботлаш учун мавҳум тасвирларга, яъни биринчи қарашда бирор-бир ҳаётий мазмунга эга бўлмаган тасвирларга кенг ўрин бера бошлади. Лекин шуни айтмоқ кераккки, абстракционизм элементлари фақат кейинги асрлардагина пайдо бўлгани йўқ. Унинг унсурлари Шарқ ва Ғарбнинг



қадимги санъатида истаганча топилади. Узоққа бормайлик-да, бир мисол келтирайлик. Ўзбекларнинг атласини жуда яхши биласиз. У камида минг йиллик тарихга эга. Билмайман, атласни санъатга йўйиш керакми, йўқми. Ишончим комилки, у юз фоиз абстракционизм асосига қурилган. Ундаги бир-бирига чатишиб кетган ранглар қандай ҳаётий мазмунга эгалигини билмайман, бироқ жилолари, товланишлари ҳаддан ташқари гўзал. Ўзбек атласининг ял-ял ёниши анча асрдан бери эркакларни ҳам, аёлларни ҳам бирдай завқлантириб келади. Худди шунингдек, ўзбекларнинг меъморчилик санъатида ҳам, ўймакорлик ва наққошлик санъатида ҳам мавҳумлик унсурлари кўплаб учрайди.

Лекин рассомлик санъатидаги абстракционизмни, менингча, оқизмай-томизмай адабиётга кўчириб бўлмайди. Адабиётда мавҳумлик кучайиб кетган ўринларда, мазмун ҳисобига шаклбозликка берилган жойларда, инсон муаммолари чекланиб қолган жойларда катта муваффақиятга эришиш қийин.

**– Бизда модернизмни тушуниб (тушунмай ҳам) инкор этувчилар бор. Ва айни пайтда бу йўналишни жаҳон санъати ва адабиётидаги илғор тенденция сифатида қабул қиладиганлар ҳам учрайди. Мана шу икки хил қарашларга Сизнинг муносабатингизни билмоқчи эдик.**

– Мен шу кунларда буюк инглиз ёзувчиси Жон Голсуорсининг адабиёт ҳақидаги айрим мақолаларини таржима қиляпман. Бу мақолалар 1930–1931 йиллар, адиб ҳаётининг сўнгги даврида ёзилган. Бу даврда адабиётда модернистик изланишлар анча авж паллага кўтарилган эди, китобхонлар ўртасида уларни ёқловчилар ва анъанавий адабиётни буткул рад этувчилар кўпайиб қолган эди. Бошқача айтганда, модернистик адабиёт модага кирган эди, модага кирган нарса тўғрисида танқидий фикр айтиш жуда қийин. Тафаккуримизнинг ожиз томонларидан бири худди шунда кўринади. Биз кўпчилик мақтаётган асарни ўқиб тушунмасак ҳам, бизга сира маъқул бўлмаган бўлса ҳам, ҳаммага эргашиб мақташга тушамиз. Бунда «қиролнинг янги кўйлаги» синдроми амал қилади. Асарни мақтаётган кўпчилик доно бўлса-ю, мен уни тушуна олмайдиган ақли ноқис бир одам бўлсам...

Голсуорсига тан бериш керак. У бир неча мақоласида одамларнинг таънасидан қўрқмай, ҳамма томонидан мақталаётган модернистик асарлар ҳақида танқидий фикр айтади. Бу асарларни 30 йилдан кейин ҳамма унутиб юборади, дейди. Эҳтимол, Голсуорси ўзининг бу фикрида тўла ҳақ эмасдир. Жумладан, романлари «ои-

лавий ҳаётнинг қомусидан иборат» (Голсуорси) М. Пруст бугун унутилгани йўқ. Лекин, менимча, Голсуорси бир нарсада ҳақ: у адабиётнинг моҳиятини инсон характерини яратишда, деб билади. Марказда инсоннинг тақдири турмаган, унинг ҳаёт йўлларидаги драматик ва фожиали изланишлари акс этмаган асарлар умрбоқий асарлар бўла олмайди. Фақат Голсуорси эмас, модернистик адабиётга унчалик рўйхушлик билдирмаган бошқа адиблар ҳам кўп.

Лекин на Голсуорси ва на бошқа Ғарб ёзувчилари модернизмни танқид қилар эканлар, санъаткорнинг шакл ва услуб бобидаги изланишларига, тажрибалар ўтказиш бобидаги ҳуқуқларига заррача шубҳа қилган эмаслар. Умуман, фақат XX аср бошида эмас, бошқа даврларда ҳам ёзувчилар инсон характерини чуқурроқ ва жозибалироқ қилиб тасвирлаш йўлидаги изланишлардан тўхтаган эмаслар. Агар биз бундай изланишларни замон талаби билан қилинган модернистик изланишлар деб тан олсак, модернизмни жаҳон адабиёти тарихининг исталган давридан топиш мумкин. Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» деган машҳур романи ёки Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» ҳақидаги қиссаси, Гоголнинг «Миргород» туркумига кирадиган асарлари ва яна ўнлаб асарлар бу фикрнинг далилидир.

Шўро адабиётида ҳам тақиқлар ҳар қанча кучли бўлмасин, айрим ёзувчилар янги шакллар излашдан тўхтаган эмас. Фақат бу ёзувчиларнинг ижодида модернистик изланишлар ё фантастик элементлар орқали ёки сатира ва юмор ёрдамида ифодаланган. Жумладан, машҳур М. Булгаков «Итюрак» номли қиссасида бир профессорнинг тажрибалари туфайли итдан одамга айланиб қолган шахснинг партияга кириши ва катта идораларда ишлаб, итларга хос ҳаракатлар қилишини жуда ёрқин очган. Ёки ёзувчи В. Войнович 1970 йилларда яратган «Аскар Чонкин» қиссасида шўроча кўр-кўрона садоқатнинг авра-астари ағдарилган. Албатта, бу асарларнинг ҳеч қайсиси ҳукмрон мафкура дарғаларининг бирортасига ёққан эмас. Чунки шўролар замонида «доҳийлар»га маъқул келадиган ёзувчиларгагина кенг йўл берилади. Бундай ёзувчилар шаънига танқидий гап айтиш, уларнинг ижодидаги нуқсонларни кўрсатиш мумкин эмасди. Бундай ёзувчилар қолган ҳамма ёзувчиларга ўрнак сифатида кўрсатиларди ва гўё уларнинг асарларига ўхшатиб ёзишга даъват қилинарди. Масалан, Горкий – шўро адабиёти асосчиси, Маяковский – даврнинг энг атоқли шоири, бинобарин, ҳамма ижодкорлар улардан ўрнак олиши керак эди. Кўп вақт ўтмасдан бундай адабиётнинг мисичиқди. «Шўро адабиёти» деб аталган адабиёт айрим мустаснолардан қатъи назар, жуда ғариб, жуда нимжон, рангсиз, қуруқ, бетаъсир адабиётга айланиб қолди. Натижада, миллионлаб одамларнинг адабиётдан ихлоси қайтди, китоб ўқимай қўйишди.

**– Биздаги баъзи адабиётшуносларнинг фикрича, ўтган асрнинг бошларидаёқ ўзбек адабиётининг истеъдодли вакиллари модерн адабиётидаги шаклий изланишларга катта ҳавас билан қараган экан. Кейинчалик уларнинг бу йўналишдаги ижодий тажрибалари тўхтаб қолган. Сиз шу фикрни тасдиқлайсизми?**

– Ҳақиқатан ҳам, 1920–1930 йилларда ўзбек адабиётида ҳам муайян модернистик изланишлар бўлган. Бу, жумладан, Ойбек, Миртемир, Чўлпон ижодларида кўринади. Ойбекнинг дастлабки шеърларида модернистик изланиш ҳис-туйғуларининг таҳлилига жуда кенг ўрин берилганида кўринади. Миртемир биринчи китобида ҳаёт завқини тизгинсиз пафос билан ифодалашга интилади. Афсуски, унда меъёр бузилгани учун пафос кўп ўринларда оддий баландпарвозликка айланиб кетади. Чўлпон эса «Кеча ва кундуз» романида, айниқса, Зеби устидан суд эпизодлари тасвирланган ўринларда ўша воқеаларнинг абсурдлигини жуда ёрқин ифодалаган. Ифодалаганда ҳам қуруқ сўзлар билан эмас, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, ҳис-туйғулари билан ифодалаган. Афсуски, ўзбек адабиётидаги бундай изланишлар ўз вақтида танқидчилик томонидан қўллаб-қувватланмади ва натижада давом эттирилмай қолиб кетди.

**– Кейинги йилларда, асосан, ёшлар ижодида модернистик оқимга мансуб асарларга ҳавас анча кўзга ташланиб қолди. Айрим ижодкорлар фикрича, бу жараён эндиликда шунчаки тақлид доирасидан чиқиб, муайян бир кўриниш олаётир. Сиз бу фикрга қандай қарайсиз?**

– Бугун адабиётимиз янгича шароитда яшаб ижод этмоқда. Аввалги тазйиқлар ва тақиқлар ҳозир йўқ. Энди ёзувчи ва шоирлар бадиий шакл ва услуб борасида жуда кенг кўламларда изланишлар олиб боришлари мумкин ва олиб боришаётирлар ҳам. Жумладан, бугунги адабиётимизда драматург Шароф Бошбеков ижодида, шоир Абдулла Ориповнинг айрим асарларида, Омон Мухторнинг романларида, Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» асарида, нисбатан ёш шоир ва ёзувчилар Назар Эшонқул, Хайрулло, Баҳром Рўзимуҳаммад, Гўзал Бегим, Олима Набиева ижодларида буни кўриш мумкин. Лекин мен бир нарсадан огоҳ этиб қўймоқчиман: изланишлар бобида

эхтиёт бўлмоқ керак, негаки, янги нарса ҳамма вақт ҳам фақат янгилиги учунгина яхши бўлавермайди, шунингдек, эски нарсани ҳам фақат эскилиги учун «пуф, сассиқ»қа чиқариш мумкин эмас. Мен ҳамма ёзувчилар аскар болалардай қадди-қомати бирбирига ўхшаган ола-чипор форма кийиб олсин, демоқчи эмасман. Мен фақат шуни айтмоқчиманки, биз реализм деб баъзан кесатиқ билан, баъзан киноя билан, баъзан ғашлик билан тилга оладиганимиз услуб ҳали унча қариб қолгани йўқ. Айниқса, бизнинг ўзбек адабиётимизда. Бизнинг адабиётда реализм шаклланаётганига эндигина бир аср вақт бўлди. Эҳтимолки, бу вақт ичида реализмнинг бор-йўғи ўн гулидан бири очилгандир.

Мен яқинда Улуғбек Ҳамдамовнинг «Мувозанат» деб номланган янги романини ўқиб чиқдим. Бу роман, бир-икки эпизодини ҳисобга олмаганда, том маънода анъанавий услубда ёзилган. Эҳтимол «бир-икки эпизод» модернистик характерда бўлиб, китобхоннинг кўнгилхушлиги учун киритилгандир. Уларда баъзи бир персонажларнинг ишқий можаролари яланғочроқ ифодаланган. Лекин яхлит олганда роман менда жуда чуқур таассурот қолдирди. Унинг воқеалари бизнинг кунларда, бизнинг юртимизда содир бўлади. Роман қаҳрамони олий ўқув юртида тарихдан дарс беради. Лекин бозор муносабатлари бу одамни чирпирак қилиб учиради. Унинг изтироблари, бошига тушган кулфатлар исканжасидан қутулишга интилишлари, йўл излашлари, чора қидиришлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Романни ўқиб чиқар эканман, бугунги кун одамини тасвирлашда ҳали реализмнинг очилмаган имкониятлари кўп эканига имон келтирдим. Демак, гап бу ерда реализмда ёки модернизмда эмас. Гап санъаткорда, унинг тафаккурида ва маҳоратида. Адабий асар эса чинакам асар намунаси бўлмоғи учун, реализмга мансуб бўладими, романтизм услубида ёзилган бўладими ёки қандайдир бошқа модернистик услубга амал қиладими, барибир, яна такрор айтаман, унинг марказида инсон турмоғи керак, китобхон инсоннинг тақдири, табиати, ҳаёти ҳақида муайян ахборот олиш билан бирга, бу асардан эстетик завқ ҳам ола билсин.

**– Модернизм оқимига мансуб деб қаралган асарларни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик мумкин. Бу ҳар бир олим ёки китобхоннинг ихтиёрида. Мен сизнинг бу масалага шахсий муносабатингиз, хоҳланг олим, хоҳланг китобхон сифатида, бироқ хусусий муносабатингизни билсам дегандим...**

– Шахсан мен ўзим шу пайтга қадар адабиётдаги модер-



низмга ўзимнинг муносабатимни аниқ белгилаб олган эмасман. Баъзи бир модернистик асарларни, айниқса, юморга йўғрилган асарларни (Станислав Лем, Рей Бредбери) завқ билан енгил ўқийман. Фолкнер, Жойс, Пруст каби адибларнинг асарларини эса ўқишда қийналаман. Ҳатто, баъзан уларнинг асарларини ярмидан ташлаб қўйган ҳолларим ҳам бўлган.

Лекин шунга қарамай, мен бу ёки бу каби бошқа ёзувчиларни ҳечам қораламайман. Эҳтимол, гап ёзувчида эмас, балки менинг дидимда, савиямдадир. Ҳарҳолда фақат менга ёққани ёки ёқмаганига қараб бирор асарни рад этиш ёки улуғлаш мумкин эмас.

Яна бир мисол келтираман. Мен бадиий тасвир санъатини, расмларни яхши кўраман. Дунёда машҳур мусаввирларнинг полотноларини ҳамма вақт завқ билан томоша қиламан. Лекин ўзимни тасвирий санъат асарига баҳо берадиган ҳакам, деб мутлақо ўйламайман. Малевич деган рассомнинг асримиз бошларида ишлаган бир сурати бор. Бу «Қора квадрат» деб аталади. Унда чинданда тим қора квадратдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Худо ҳаққи, мен шу пайтгача бу суратнинг нима маъно англатишини тушунганим йўқ. Лекин буни қарангки, ана шу мен тушунмаган асар санъат бозорида миллиондан ортиқ доллар турар экан. Мен, албатта, миллион долларим бўлса, уни нимага сарфлашни ўзим билардим. Лекин шунга қарамай, ўша асарни харид қилган одамларни қоралашим инсофдан бўлмайди-ку!

Хуллас, модернизм муносабати билан қилган гурунгимиздан фақат битта хулоса чиқаргим келади: яшасин эркинлик, йўқолсин қолиплар!

*Суҳбатни Аҳмад Отабоев ёзиб олди.*
*2002*

## АДАБИЁТ АНДОЗАЛАРГА СИҒМАЙДИ

**– Бир ёзувчимизнинг «Адабиёт жамият ичида эмас, жамият адабиёт ичида яшаши керак» деган фикрига қўшиласизми?**

– Жамият ва адабиёт масаласи жуда мураккаб масала. Чунки кўп йиллар мобайнида, айниқса, шўро замонида биз фақат битта қоидага асосланганмиз: адабиёт ижтимоий бўлиши, жамиятга хизмат қилиши, ижтимоий ҳаётни акс эттириши керак, деган. Бошқача айтганда, адабиёт Марказқўмнинг ташвиқот бўлими хизматини бажариши керак эди. Ҳатто, шундай гаплар ҳам чиққан эди: «Журналист – партиянинг дастёри бўлса, адабиёт – партиянинг югурдаги».

Ана шундай сиёсат оқибатида адабиётнинг вазифаси чеклаб қўйилди. Бунинг натижаси нима бўлди? Натижа шу бўлдики, адабиёт хоҳлаган нарсани ўзи хоҳлаганидай эмас, балки маълум доираларга ёқадиган қилиб, тор мавзуларда акс эттира бошлади.

Адабиётни қолипга солиб қўйиш, шубҳасиз, унинг асосий вазифасидан мосуво қилиб қўяди. Ваҳоланки, адабиётни мавзу жиҳатидан ҳам, йўналиш жиҳатидан ҳам чеклаб бўлмайди. Дейлик, фоҳиша қаҳрамон бўлиши мумкинми ёки йўқми? У ҳақида асар ёзиш мумкинми ёки йўқми? Шўро замонида бу мавзу қаттиқ таъқиб остига олинган эди. Аслида-чи? Аслида фоҳишани ёмон, колхозчини яхши, деб ёзган билан асар яхши бўлиб қолмайди. Адабиётнинг вазифаси қайси тоифа яхши ёки қайси тоифа ёмон, кимга чапак чалиш керак, қайси тоифадан юз ўгириш керак, деган гапларни айтиш эмас. Буни жамият, одамлар яхши билади. Ёмон одамнинг ёмонлиги шундоқ ҳам маълум.

Адабиёт инсон туйғуларига, дардига, ҳаёт йўлига кириб бориши керак. Одам нима учун шундай турмуш кечиряпти? Инсон ҳаётининг мазмуни нима, у инсон сифатида қандай хусусиятларга эга, унинг ўзига хос томонлари қандай – асарда шулар тўлиқлигича акс эттирилиши шарт.



Масалан, Виктор Гюгонинг «Хўрланганлар» романида Жан Валжан деган қаҳрамон бор. Унинг айби – бор-йўғи қорнини тўйғазиш учун битта бўлка нон ўғирлагани. Шунинг учун у бир неча йилга сургун қилинади. Лекин қаҳрамон қочишга муваффақ бўлади. Кейин эса умрбод «жиноятчи» деган тамға остида яшайди. Биргина ўша «ўғригина бола»нинг ҳаёт тарзи, туйғулари, кечинмалари орқали ёзувчи бутун бир жамиятнинг «авра-астари»ни ағдаради.

Жамият ва адабиёт масаласи – мураккаб, деб айтдим, юқорида. Агар адабиётни жамиятга тобе қилиб қўядиган бўлсак, уни эркинликдан маҳрум этсак, адабиёт сийқаликка, юзакиликка юз тутади.

Бугунги адабиёт, бадиий тафаккуримизда эришишимиз керак бўлган энг муҳим жиҳат – воқеликка, дунёга муносабатда янги аспектларга чиқиш, дунёни янгича, чуқурроқ, юксакроқ идрок қилишга ўтиш. Бинобарин, дунёнинг, жамиятнинг, инсониятнинг моҳиятини кенгроқ очишга ҳаракат қилишимиз керак.

**– Мустақиллик даври адабиётига муносабатингиз – кейинги йилларда яратилган қайси асарларни алоҳида таъкидлаб ўтишингиз мумкин?**

– Ҳар қайси халқ ўз мустақиллигини қадрлаши, мустаҳкамлаши, унинг неъматларидан фойдаланиши, мустақилликка хуруж қиладиган кучларга қарши кураш олиб бориши керак. Агар бу вазифани бус-бутун адабиётнинг елкасига ортмоқлайдиган бўлсак, худди кечаги шўро замонидек, адабиёт мана шу ғоя учунгина хизмат қилиши керак, деган шартни қўядиган бўлсак, яна ўша эски сийқаликка юз тутамиз, холос.

Мустақиллик адабиёти қандай адабиёт? Бу ўша ўзимизнинг адабиёт, фақат фарқи шундаки, мустақиллик даври адабиётида сифат янада кучлироқ бўлмоғи, бадиият янада юксак бўлиши керак. Мен шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Кейинги пайтда «мустақиллик» деган муқаддас сўзни ҳуда-беҳуда ишлатавериш урфга айланиб кетди. Жуда кўп шеърлар ёзилди, қўшиқлар қилинди. Маъноси эса саёз. Масалан, ўрта асрларда яшаб ўтган буюк алломаларимиз, файласуфларимиз ҳақида ёзилган асар мустақилликка, бугунги ўзбекнинг эътиқодини, ватанпарварлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмайдими? Қилади, албатта. Ёки Амир Темур ҳақида, унинг замонаси, мустақиллик учун олиб борган курашлари ҳақида чиройли бир асар бўлса, кўпчилик уни қизиқиш билан ўқийди.

Мана 70 йил шўролар ҳукумати остида яшадик. Очин-тўкин, манкуртларча. Лекин шундай шароитда ҳам халқ яшади, нималарнидир яратди, қурди, ихтиролар қилиб, бой, бетакрор маданият яратди. Мана шулар акс эттирилган бадиий асарлар ҳам, шубҳасиз, мустақилликка хизмат қилади. Жилла қурса, бизга, авлодларга бир сабоқ тариқасида.

Бундан ташқари, бугунги кунимизда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида ҳам ёзиш керак. «Диний экстремистлар» деймиз, улар қаердан келиб чиқди, уларнинг жамият учун зарари нимада? Мана шуларни чуқур ёритадиган бирор асар бўлса, деяман. Борингки, катта асар бўлмасин, кичкина қисса бўлсин. Лекин ёшлар ичида у қўлма-қўл бўлсин.

Мустақиллик адабиёти борми-йўқми, дейишади. Албатта, бор. 1991 йилдан кейин яратилган асарлар маъносида бор. Лекин мен ўзимча қўяётган юксак талаблар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, 50–100 йил яшаб қоладиган асарларимиз борми, деган саволни қўймоқчиман. Бундай асарлар энди яратилади.

Мустақиллик даврида яратилган бир қанча асарларни санаб ўтишим мумкин. Масалан, Одил Ёқубовнинг замондошларимиз ҳақидаги «Бир кошона сирлари» пьесаси, Саид Аҳмаднинг бир қатор янги ҳикоялари ва ҳоказо. Айниқса, Саид Аҳмаднинг ушбу ҳикоялари адабиётимизда катта воқеа бўлди. Мен отахон ёзувчиларимизнинг илгариги асарларида бу даражадаги фожеликни кўрмаган эдим. Жуда ҳам теран ёзилган.

**– Кейинги пайтда адабий танқидчилик анча пассивлашгандай. Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?**

– Аввало айтиб ўтишим керак, адабиётшунослигимиз шўро мафкураси билан заҳарланган эди. Бунинг оқибати нима бўлди? Ғарбда бир қанча адабий оқимлар майдонга келгани баробарида, афсуски, Ўзбекистонда бирорта ҳам адабий назария яратилмади. Ҳеч қайси адабиётшунос бирор-бир янги назарияни ўртага ташламади. Адабиёт тарихлари ёзилди. Баъзан юзаки, баъзан сал бундайроқ тарзда, ўтмиш адабиёт ҳақида анча фактлар очилди. Лекин, умуман, адабиётнинг моҳиятини очишда, уни идрок этишда биз бир томонлама, фақат ижтимоий жиҳатдан ёндашдик, холос.

Илгари ёзилган асарга фақатгина шарҳ беришдан нарига ўтмас эдик. Масалан, жангчи, колхозчи, пахтакор образлари дегандай. Бу китобхонга ҳеч нарса бермас эди. Шунинг учун бугун адабий



танқид тубдан янгиланиши керак. Адабиётшунос ҳам ёзувчига ўхшаган бир ижодкор бўлмоғи, адабиётшунослик эса «реклама бюросининг кичик бир бўлими» бўлмаслиги лозим.

Мустақиллик туфайли аста-секинлик билан янги типдаги адабиётшунослик юзага келмоқда. Янги-янги асарлар яратиляпти. Масалан, Нажмиддин Комиловнинг 2 жилдли «Тасаввуф», Анвар Ҳожиаҳмедовнинг мумтоз адабиётимизнинг шеърий санъатлари ҳақидаги китоблари, Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» асари ана шулар жумласидандир.

**– «Моҳият» газетаси муштарийларига тилакларингиз.**

– XXI аср бўсағасида турибмиз. Бу аср яхши неъматлар асри бўлади, деб башорат қилинмоқда. Менинг истагим – янги асрда эскича расм-русумлар, ҳасадгўйлик, манманлик, очкўзлик, давлатга ҳирс қўйиш каби турли хил иллатлар қолиб кетса. Хуллас, эзгу ниятли барча инсонларнинг ишларига ривож тилайман.

*Дилфуза Мадраҳимова суҳбатлашди.*
2000

# КИТОБНИ ТАНЛАБ, МАҚСАД БИЛАН ЎҚИШ КЕРАК!

*Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор Озод Шарафиддинов мамлакатимиздаги ашаддий китобхонлардан бири. Адабиётшунос Абдуғафур Расулов Устознинг китобсеварлиги борасида фикр юритади ҳамда китоб ўқишнинг айрим жиҳатлари ҳақида О. Шарафиддинов билан суҳбатлашади.*

«Камбағал бўлсанг, кўчиб бок», деган нақл бор. Уни салпал ўзгартириб: «Китобсевар, китобйиғар бўлсанг, кўчиб кўр», дедик-да, аниқ мисол орқали нақлни исботлашга ҳаракат қилдик. Ярим аср давомида Озод Шарафиддинов домла Оҳунгузар (Эски Жўва)дан Кўкчага, Чилонзорга, Бешоғочга, Феруза даҳасига кўчиб ўтдилар. Мен Чилонзордан Бешоғочга, Бешоғочдан Тошкентнинг шимолий чеккаси – Феруза мавзесига кўчиб ўтишнинг гувоҳиман. Кўрпа-тўшак, жиҳоз, чинни-биллур, чойнак-пиёла, рўзғор ашқол-дашқолларини кўчириш китобларни кўчиришга қараганда оппа-осон кечди. Китобларни, журналу газета тахламларини расамади билан ўнлаб қоғоз кутиларига жойлаш, уларни асраб-авайлаб янги жойга олиб ўтиш, муҳими қайтадан жавонларга (фақат домлагагина аён тартиб бўйича) жойлаштириш энг қийин юмуш бўлди. Ҳозирги яшаш манзилига кўчганларида Устоз аравачада ўтирган ҳолларида шогирдларига, фарзандларига, невараларига қайси китобни қаерга жойлаштиришни кўрсатиб турардилар. Ўша паллада Озод ака ориқлаб кетдилар, жуда чарчадилар. Қачон уларникига борсангиз, гоҳ у-гоҳ бу хонадан Домланинг йўл-йўриқ кўрсатаётганлари эшитилиб турар, ўзлари ўта толиққан ҳолда бўлардилар. Китобларни жойлаштириш асносида шу нарсага амин бўлдимки, Устоз аксарият китобларини тирик одамдай жуда яхши танир, унинг маъно-моҳияти, қўлга киритилиш тарихи ҳақида қизиқ-қизиқ гапларни гапириб берардилар. Китоблар жойлаштирилаётган кунларнинг бирида Домла:



– Дунёдаги энг қимматбаҳо тош қайси? – деб сўраб қолдилар.

– Тилла, – дедим, ўйлаб турдим-да, – гавҳар, дур, забаржад... – дея қўшимча қилдим.

– Мана бу китоб, – дедилар Домла қўлларидаги китобга ишора қилиб, – дунёдаги машҳур олмослар, дури ятимлар тарихи ҳақида. Унда машҳур бўлган, афсоналарга айланган олмослар ҳақида ҳикоя қилинади...

Қайсидир йили Домлани кўргани борсам, у кишим ниҳоятда хурсандлар, кайфиятлари аъло:

– Анави китобларни қаранг, – дедилар. «Дунё адабиёти тарихи», «Адабий қаҳрамонлар тарихи», яна 4–5 та биографик китоблар Домланинг иш столида турарди. Китоблар ҳам маҳобатли, ҳам ниҳоятда кўркам, зўр қилиб ишланган эди. – Роса мириқиб ўқийдиган замонлар келяпти-да. Бундай китобларни орзу қилардик, холос.

Менинг хаёлимдан бошқа гап ўтди. Мана шу китобларнинг ҳар бири фалон сўм, унча-бунча одам уни харид қилолмайди. Озод ака ҳеч қачон китоб сотиб олишда пулнинг юзига қарамаганлар... Ҳозир ҳам шундай...

Китобларини еру кўкка ишонмайдиган, ноёб китоблар устида тишини ушатадиган, қанчадан-қанча китоблари ҳақида ҳикоялар ёзган Озод Шарафиддинов яқиндаги учрашувимизда кутилмаган гапни айтиб қолдилар:

– Мен шунча китоб йиғиб тўғри қилдимми, янглишдимми? Китоб йиғаверибман, йиғаверибман. Филологман дебман, китоб йиғибман; касбим учун зарур дебман, китоб йиғибман. Энди мана шу китоблар тақдирини ўйлайман. Уларнинг қанчадан-қанчаси менинг қадрдонларим: уларни неча-неча бор қўлимга олганман, ўқиганман, фойдаланганман... Зиёли одамда кутубхона бўлиши зарур. Лекин кутубхонага китобларни танлаб-танлаб, ҳар томонлама ўйлаб йиғиш керак экан. Ўйлаб кўринг, юзлаб ўзбек романлари бор, шулардан 15–20 тасини кутубхонага қўйиш мумкин. Бу бир мисол-да...

Китоб ўқиш, китобларнинг ўзига хосликлари ҳақида Озод Шарафиддинов билан шу йил августнинг жазирама кунларининг бирида, Республика Кўкрак қафаси жарроҳлиги илмий-текшириш институтининг шинамгина палатасида суҳбатлашдим. Суҳбатимиз пайтида Шарофат опа – Домлани оқ ювиб, оқ тарайдиган, ҳамиша у кишим билан бирга касалхонага ётадиган, кундузлари Устозни аравачада ҳовлида сайр қилдириб юрадиган

мухтарама рафиқаси ҳозир эди. Шарофат опа филолог, таржимон, ўнлаб фильмлар дубляжига муҳаррирлик қилган, қанчадан-қанча фильмларни ўзбекчага ўгирган. Лекин кеннойи ҳеч қачон Озод ака билан ўтказилаётган суҳбатга аралашмайдилар. Эшитадилар, холос.

**– Озод ака, ҳозир ёшлар ҳам, катталар ҳам китоб ўқишга бепарво бўлиб қолди. «Китоб ўқинг, у – билим манбаи» сингари даъватлар билан аҳволни яхшилаб бўлмайдиганга ўхшайди. Умуман, ўқиш дегани нима? Ҳарф таниган, борингки, шариллатиб китоб, газет ўқийдиган одам ўқувчими? Менимча, китоб ўқиш ҳақида ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиш, ўқиш ҳолати ҳақида маълумот бериш лозимдай туюляпти.**

– Китобхонлик шаклланадиган, ҳамиша янгиланиб борадиган жараён, – гап бошладилар Озод ака, – мен олтмиш йилдан бери китоб ўқийман. Табиийки, мен ҳам бир пайтлар содда, жўн китобхон бўлганман. Лекин, қизиқ, илк ўқиган китобларимни ҳамон эслайман. «Том Сойернинг саргузаштлари», «Кавказ асири», «Муму» сингари асарлар руҳимга сингиб кетган, уларни ҳамон қўмсайман. Шуниси аниқки, китобхонлик табиатимга сингиб кетган: овқат ейиш, нафас олишдай заруратга айланган...

Китобни танлаб, мақсад билан ўқишга одатланиш лозим. Китоблар илмий, дидактик, маърифий, бадиий бўлади. Бадиий асарларнинг ўзи қанчадан-қанча тармоқларга ажралади. Шундай асарлар борки, дунё ҳақидаги тушунча, қарашларингизни бойитади. Артур Конан Дойлнинг «Йўқолган дунё», Владимир Обручевнинг «Плутония» романлари, «Каучук изловчилар», «Олтин Фараон», «Нарсалар ҳақида ҳикоялар» сингари асарлар борлиқнинг тузилиши, инсоният тараққиёти, изланишлари ҳақида олам-олам маълумот беради.

Жюль Верннинг «Сирли орол», «20 минг йил сув остида», «Ердан ойга» сингари асарлари, Александр Дюманинг «Граф Монте Кристо» романи ҳар бир қалбга ўчмас бўлиб муҳрланади.

«Болалар адабиёти» деган бирикмани кўп такрорлаймиз. Лекин биз ҳақиқий болалар адабиётини ҳали кашф этганимиз йўқ. Болалик на маконни, на замонни тан олади. Болалик – беғубор қалб. Болалик – самимийлик. Болалик – романтика, тахайюл, саргузашт. Болалар ёзувчиси бўлиш камдан-кам истеъдодга насиб этадиган бахт. Ҳақиқий болалар асарлари ҳеч қачон эскирмайди, чегара, тўсиқ деган нарсани тан олмайди. Хўш айтинг-чи, бизда шундай асарлар борми? Биз ёш авлодни мукаммал қилиб тарбия-



лашни мақсад қилиб қўйган эканмиз, юксак савиядаги, ҳақиқий болалар адабиётини ривожлантиришимиз шарт.

Чоп этилаётган ҳамма асарлар қалбимиздан жой олади, борлиғимизни эгаллаб олади, десак хато қиламиз. Эрмак, шунчаки ўқиш учун ёзилган яхши асарлар ҳам бор. Кўча-кўйда, дам олиш пайтларида бундай асарлар ўқилади. Шунчаки ўқиладиган асарлар деганда мен зинҳор бадиий нотавон асарларни назарда тутмаяпман. Шундай ёзувчилар борки, саргузашт, детектив асарларни боплаб ёзади. Уларнинг асарлари мазза қилиб ўқилади ва ... тез унутилади.

Ниҳоят, бадиият оламининг шоҳ асарлари бор. Ф. Достоевский, Гёте, Навоий, Данте, Пушкин, Л. Толстой, А. Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор сингари санъаткорлар асарлари зинҳор эскирмайди. Инсоният мазкур адиблар, яна Жомий, Низомий, Фирдавсий, Шекспир, Байрон, Маркес асарларини ҳамиша ўқийди. Бадиий асарларни ҳис қилиб, тушуниб ўқийдиган, талқин қила биладиган китобхонни мен сира жўн одам демаган бўлардим. Ҳақиқий ўқувчи китоблар дунёси орқали ўзига янги оламларни кашф этади, улар ҳақида атрофдагиларга қизиқарли ҳикоялар сўзлайди. Китобхонлик – олам ичра оламлар кашф этиш, гўзалликдан нафосатлар яратиш.

Яна бир гапни айтмоқчиман. Мен китобхонман. Китоблар ҳақида ўзимга яраша фикр-мулоҳазалар юритаман: ёзаман, таржима қиламан. Лекин менга машҳур ёзувчиларнинг барча асарлари маъқул бўлавериши шарт эмас. Китоб оламидаги эркинлик, ҳурфикрлилик шундаки, ҳар ким ўзига маъқул асарларни танлайди, ўқийди... Мен ҳаётни китобсиз, китоб ўқишсиз тасаввур эта олмайман.

Китобхонлик ҳақидаги фикр-мулоҳазалари учун Устозга миннатдорчилик билдирдим, тезроқ соғайиб чиқишларини тиладим.

*Ватанимиз Мустақиллигининг шонли 11 йиллик байрами арафасида «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиши муносабати билан «Китоб дунёси» газетаси муштарийлари номидан Устозни чин дилдан қутлаймиз.*

*«Китоб дунёси» газетаси,*
*2002 йил, сентябрь.*

## «ҚУТЛУҒ ҚОН»НИНГ ШАРОФАТИ

Китобларим орасида «Қутлуғ қон» романининг лотинча ёзувда босилган биринчи нашри бор. Муқовада бир қўлини кўксига қўйиб, иккинчи қўлини мушт қилиб осмонга ўқталиб турган қариянинг сурати. Бу қалин китоб уйимизга келганига салкам олтмиш йил бўлди. Бу муддат ичида китоб ҳам менга ўхшаб қариди – варақлари титилиб кетди, қоғози ўнгиб сарғайди, салга йиртиладиган бўлиб қолди, янгилигида атласдек товланадиган коленкор муқова хира тортиб, ҳар хил доғлар билан қопланди. Бироқ олтмиш йил аввал бу китоб юрагимда ёққан олов ҳали сўнгани йўқ. Ҳар гал китобни қўлга олсам, бу китоб янгидан ёлқинланади, уни ўқиганда қалбимда чарх урган ҳислар яна вужудимни чулғаб олаётгандай бўлади. «Қутлуғ қон» мен ўқиган ўзбек романларининг биринчиси эди. Адабиётнинг алифини шу романдан ўқиганман.

«Қутлуғ қон»ни 5-синфда ўқиб юрган кезларимда – 1941 йилнинг биринчи майида сотиб олгандим. Бу кунни аниқ эслаб қолганимнинг боиси бор, албатта. Воқеа бундай бўлган эди:

1941 йилнинг кўкламида Тошкент мактабларининг баъзиларида «Ёш армиячилар» отрядлари тузилди. Уларга юқори синф ўқувчилари орасидан яхши ўқийдиган, жисмонан бақувват болалар танлаб олинарди. Албатта, бизнинг синфдан ҳеч кимни олишмади. Лекин синфимиздаги болалар ҳар нарсага кўниб индамай кетаверадиган анойилардан эмас эдик. Ўша кезларда замонанинг зайли биланми, кўрган киноларнинг таъсириданми ёхуд болалигимизга борибми, «уруш-уруш» ўйнашни жуда яхши кўрардик. «Қизиллар» билан «оқлар» ўртасидаги шиддатли «жанглар»да биронтамизнинг бурнимиз қонамаган, лунжимиз шишмаган, кўйлагимиз ситилмаган кун камдан-кам бўларди. Кўпчилигимиз катта бўлганда ҳарбий бўлишни, ҳарбий бўлганда ҳам, албатта маршал бўлишни орзу қилардик. Фақат, лақаби Пўпис бўлган ўртоғимизнингтина ўзидан маршал чиқишига кўзи етмасди, шекилли, баъзан бўйнини қисиб, хўрсиниб гапириб қўярди:



– Ворошиловнинг оти бўлсам ҳам майли эди. Жангда шамолдек чопардим. Оқларнинг генералини тепиб, жойида абжақ қилардим...

Шундоқ бўлгандан кейин отрядга кирмаслигимиз мумкинмиди? 5–6 та бола директорга хиралик қилиб юриб, отрядга ёзилиб олдик.

Отряд ҳар куни машқ қиларди. Баъзи кунлар сафда юришни ўргансак, баъзи кунлар найзабозлик жанглари бўларди. Машқимиз бир оз қиёмига етгач, шаҳар ташқарисига чиқиб, росмана жанг ҳам қилиб қайтдик.

Бу орада май байрами ҳам яқинлашиб қолди. «Ёш армиячилар»га ҳарбий форма бериладиган бўлди. Уйдан пул келтириб, уни олдик. Форма анча-мунча чиройли эди: ҳаммамизда бир хил қора шим, оқиш-кўкимтир кўйлак, ёқада ҳарбийларникидақа қизил петлица, бошда учувчилар киядиган пилотка. Формани кийиб, саф тортиб Қизил майдон сари борар эканмиз, одамлар, айниқса, ўзимизга тенгқур болалар ҳавас билан қарашади. Ўзимиз ҳам салобатлик бўлиб кетгандик, гурс-гурс қадамларимиздан кўчалар ларзага келгандек бўларди. Кўнгилда бир дунё қувонч ва ғурур билан ҳарбийчасига шахдам қадам ташлаб, честь бериб, Қизил майдондан ўтдик.

Намойишдан кейин ҳаммамизга жавоб тегди. Болалар билан бирга Навоий кўчаси бўйлаб уйга йўл олдик.

У пайтларда Навоий кўчаси ҳозиргидек муҳташам эмас эди. Ҳадрадан Ўрдагача уч-тўрттагина янги қурилган баланд иморат бўлиб, қолган биноларнинг кўпчилиги эски, пачоқ ва япасқи эди. Кўримсизлиги устига кўча анча тор, ўйдим-чуқурлар анча сероб эди. Шундай бўлса ҳам байрам кунлари бу кўчада сайр қилишни яхши кўрардик, айниқса, Шайхонтоҳурга бир кириб чиқмасак, кўнгил таскин топмасди. Шайхонтоҳур Навоий кўчасидаги энг обод, энг баҳаво, энг гавжум гузар эди. Киностудиянинг турманикига ўхшаш баланд деворига туташган харсанг зиналардан кўтарилиб, залворли, ўймакор дарвозадан ичкарига кирасизу кўз ўнгингизда олакуроқ сайилгоҳ намоён бўлади. Бир томонда чойхўрлар тўлиб-тошган чойхоналар, тўрқовоққа солиб илиб қўйилган беданалар бири олиб-бири қўйиб сайраб турипти. Чойхоналар қаторида димоғни қичитиб, иштаҳани кўзғайдиган ҳид анқитиб турган ошхоналар, яна бир томонда ҳар хил майда-йирик дўкону дўкончалар, нарироқда гирдида анвойи гуллар очилиб ётган каттагина чорбурчак ҳовуз, унинг қаршисида ола-ғовур бозорча – Найзонгул деган кўз бойлоқчи атрофидаги томошабин-

ларни анграйтириб ҳунарини намойиш қилади, ҳолвапазлар, қандолатфурушлар, новвойлар бири-биридан ўтказиб молини мақтайди. Қўйинг-чи, ёнида ҳайитлик тангасини жиринглатиб, бу ерга келган ҳар қандай бола ҳам кўзи ўйнаб, ақли шошиб, оғзи очилиб қолади.

Биз ҳам ҳайитлигимизни мириқиб харжлаш учун Шайхонтоҳурга бурилдик. Бироқ бу гал ҳар галгидек мазза қилиш насиб этмаган экан.

Зинадан кўтарилиб, дарвозадан ичкарига кирсак, гумбаз остида икки-учта тумордеккина дўкончалар бор экан. Уларнинг биттаси китоб дўкони бўлиб, бугун байрам бўлишига қарамай очиқ экан. Табиийки, шерикларимдан ажралиб қолиб, дўконга кирдим ва китобларни томоша қила бошладим. Уларнинг орасида биттаси кўзимга оловдек кўриниб кетди. Китобфурушдан уни кўрсатишни сўрадим. Гардиши думалоқ кўзойнак таққан, чўққи соқол, кўк духоба дўппи кийган китобфуруш қўлимга китобни тутқазар экан, уни мақтай кетди:

– Яхши китоб. Янги. Келганига 3–4 кун бўлди. Юзта эди, оз қолди. Ўқисанг, мазза қиласан-да...

Китобнинг кўринишиёқ мени маҳлиё қилган эди. Унинг силлиқ муқовасини силаб, оҳиста варақларини очдим, ичидаги суратлари қизиқишимни яна орттирди. Олишга қатъий аҳд қилиб, муқованинг орқасига қарадим. Қарадим-у, юрагим шув этиб кетди – китобнинг нархи ўн бир сўм эди. Ўн бир сўм у пайтларда катта пул эди – ўртача бир оила бу пулга бемалол икки-уч кун тирикчилигини ўтказиши мумкин эди. Ундай бўлса, ҳали она сути оғзидан кетмаган боланинг ёнида шунча пул қаёқдан келиб қолди, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз? Ҳайрон бўлманг – ўша куни эрталаб мактабда форма беришаётганда ҳар биттамизга пулимизнинг қайтимини беришган эди. Менга ўттиз сўм тутқазишди, қўл қўйиб олдим. Ёнимда бундан ташқари яна бир-икки сўм ҳайитлигим ҳам бор эди. Табиийки, мен ўттиз сўмни уйга олиб бориб беришим керак. Лекин юракка ўт солиб қўйган, иштиёқимни алангалдириб ловуллатиб юборган мана бу китоб нима бўлади? Албатта, уйдагилардан сўрамоғим керак. Аям китобга пул сўрасам йўқ демайдилар – шу пайтгача қачон сўрасам бир сўм-ярим сўм бериб келганлар. Бироқ «Қутлуғ қон»и тушмагур бир сўм-ярим сўм эмас экан-да! Ўн бир сўм-а! Аям «йўқ» дейиши мумкин. Мабодо, аям «хўп» деб рози бўлганларида ҳам то мен уйга бориб аямдан ижозат олиб, қайтиб келгунимча китоб тугаб қолса нима бўлади?



Ё байрам муносабати билан дўконни эртароқ ёпишса-чи? Нима қилмоқ керак? Шартта олаверайми ё сабр қилайми? Менинг тараддудланиб қолганимни кўриб китобфуруш яна бир миқдор «керосин сепди»:

– Бунақа китоб яна камдан-кам бўлади, ўғлим. Гапимга ишонавер. Ҳеч пушаймон қилмайсан.

«Таваккал, нима бўлса бўлар» дедим-у, ёнимдаги пулдан ўн бир сўмни санаб бердим. Китобни олгандан кейин ўйин-кулгию сайллар ҳам кўзимга кўринмай кетди. Тезроқ уйга борсам, ҳамма ишни йиғиштириб, китобни ўқишга киришсам. Уйга йўл олдим. Осмон тип-тиниқ, қуёш чарақлаб турибди. Баҳор бўлса ҳамки, кун анча иссиқ. Бирпасда қўлим терлаб кетди – китобнинг ҳали қуриб битмаган коленкор муқоваси қўлимга ёпишди. Ёнимдан дастрўмолимни олиб, китобни ўраб олдим. Кўчада одам кўп. Айниқса, ёш-яланглар кўчаларни қувонч садоларига тўлдириб юборишган. Гул кўп. Чучмомалар, настарин, ҳатто эртаки атиргуллар. Менинг ҳам бутун вужудимни байрам кайфияти чулғаб олган. Ўзимдан-ўзим жилмаяман. Оёғим ерга тегмай кетиб боряпман. Ҳаммаси яхши, ҳаммаси жойида-ю, лекин, барибир, юрагимнинг бир чеккасида жиндай хиралик бор... Ниҳоят, уйга етиб бордим, мактабдан қайтган пулнинг қолганини бувимга бердим. Аям уйда йўқ эканлар. Апил-тапил овқатланган бўлдим-у, китобни ўқишга киришдим.

Романнинг биринчи саҳифаларидаёқ ажойиб бир ҳаёт манзараларига бошим билан шўнғиб кетдим. Мана, саратон манзарасида билқ-билқ тупроқни босиб Йўлчи қишлоқдан келмоқда. Биринчи учрашувдаёқ у ўзининг келбати билан эртаклардаги паҳлавонни эслатади. Мана, у Мирзакаримбойнинг ҳузурида – супада қимтиниб, тортиниб омонатгина ўтирибди. У тоғасининг болаларига совға қилиб қурт олиб келган. Бека эса унинг совға-саломини писанд этмай киноялар қилади. Мирзакаримбой ҳол-аҳвол сўраб, ерни зинҳор-базинҳор сотмаслик ҳақида насиҳатга киришади. Мана, Йўлчи тоғасининг буйруғи билан биринчи кунданоқ тўнка кавлашга киришади. Қўйинг-чи, романнинг ҳар бир саҳифаси одамни ҳаяжонга солувчи, хотирасида умрбод муҳрланиб қолувчи бири-биридан ажойиб, бири-биридан мароқли воқеаларга бой. Ҳар бир воқеа оқибатида тасаввурингизда роман қаҳрамонлари бутун сурату сийратлари билан жонли одамлар сифатида чуқурроқ гавдалана боради. Сиз уларнинг қиёфаларини, рангу рўйларини, феълу атворларини худди ўнгингизда турган-

дек аниқ ва тугал кўрасиз. Мен, албатта, у замонларда характер, образ, миллийлик, бадиий умумлаштириш ва ҳоказо каби адабиётшунослик категорияларидан бехабар эдим. Ҳатто, китобхон сифатидаги тажрибам ҳам йўқ даражада эди – ўқиган бўлсам, Том Сойер қиссасини-ю, Алпомиш ва Гўрўғли тўғрисидаги бир-иккита достонни ва яна уч-тўртта ҳикояни ўқиган эдим, холос. Лекин шундай бўлса-да, «Қутлуғ қон» романида тасвирланган ҳаёт бениҳоя ўзбекона ҳаёт эканига ақлим етди. Асарнинг ҳамма қаҳрамонлари нечукдир авваддан танишга ўхшаб кетишарди, улар аллақайси қариндошларимизни ёхуд таниш-билишларимизни эслатар эдилар. Минг афсуски, Йўлчи билан Гулнор вафот этиб кетишди, ҳаёт қолишганда ҳозир уларни Тошкентнинг бирор жойидан қидириб топиш ва роса мириқиб суҳбатлашиш мумкин бўларди. Роман қаҳрамонлари шу даражада жонли, ҳаётий тасвирланган эди. Романнинг маҳорат билан ёзилгани кейинчалик менга педагогик ишимда ҳам жуда қўл келди. Мен одатда талабалардан асар ҳақидаги мақола-ю китоблардан кўра романнинг ўзини ўқишни талаб қилардим ва буни қаттиқ тергардим. Талабанинг китобни ўқиган-ўқимаганини аниқлаш учун асар сюжетидан айрим лавҳаларни сўрашдан ҳам тортинмас эдим. Одатда қитмир талабалар домланинг олдига похол солиш ҳаракатида бўлишади, «романни ўқидингми?» деган саволга пинагини ҳам бузмай: «Ҳа, албатта, ўқидим, домлажон» деб жавоб беради-да, кинофильм ёки спектакль бўйича асар мазмунини гапиришга киришади. Мен уни тўхтатаман-да, «Яхшиси, Йўлчининг Қора Аҳмад билан муштлашганини айтиб беринг» дейман. Романни ўқиган талаба бир зумда воқеани айтиб беради, ўқимагани эса «домлажон, эсимда қолмабди» деб чайналади. Мен хуноб бўламан, негаки бунақа эпизодлар хотира ҳар қанча чатоқ бўлмасин, умрбод одамнинг эсидан чиқмайди. Рост-да! Каттакон шаҳарнинг ит топмас тор кўчасидаги ҳовли. Қошлари мушукбаччанинг думидай қалин Қора Аҳмад. Девдай-девдай икки йигитнинг кимсасиз бир жойда жон-жаҳди билан олишуви. Йўлчининг қўли баланд кела бошлаши билан Қора Аҳмаднинг ғирромлик қилиб пичоқ ишлатиши. Йўлчининг чапдастлик билан пичоқни уриб тушириши. Жанг тугагач, ерда ётган пичоқни олиб рақибига узатиши. Қора Аҳмаднинг Йўлчининг мардлигига тан бериб, Гулнорни яшириб қўйган жойидан олиб чиқиб унинг қўлига тутқазиши. Шаҳар кўчаларида бемалол кетиши учун опасининг эски паранжисини олиб чиқиб бериб, қайтариб ташлаб кетишини илтимос



қилиши... Ахир, бу воқеаларни мудраб ўтириб, лоқайдлик билан ўқиб бўлмайди-ку! Уни ўқир экансиз, хаёлан ўзингиз ҳам муштлашувга аралашиб кетганингизни, Йўлчи томонида туриб, Қора Аҳмаднинг тумшуғига бир-икки тушириб қолганингизни билмай қоласиз. Йўқ, буни унутиб бўлмайди. Кимки буни «унутдим» деса, демак, у романни ўқимаган. Асосий мавзуга қайтайлик.

Шундай қилиб, уч кун ичида романни ўқиб тугатдим. Лекин унинг таассуротида яна анча кун юрдим. Китобни харид қилиб, уйга қайтаётганимдаги хижиллик унутилиб кетган эди. Мен неча кунлар мобайнида роман нурларидан шуълаланиб турган бир афсонавий дунёда яшамоқда эдим. Бир куни кутилмаганда ҳавони булут қоплади, чақмоқлар чақилди, момогулдирак гулдиради. Ногаҳоний бўрон бошланди.

Ўша куни оқшом чоғи аям ишдан қайтди. Аммо негадир у ҳар кунгидек очиқ кайфиятда эмас, қовоқлари солиқ, қарашлари қаҳрли эди. Аям бирров биз ўтирадиган хонага бош суқдилар-у, ўз хоналарига кириб кетдилар. Бир оз ўтгач, мени чақирдилар. Овозлари таҳдидли эди. Мен нима гаплигини авваддан сезгандай юрагимни ҳовучлаб олдиларига кирдим.

Аям нигоҳлари билан еб қўйгудек бўлиб менга қарадилар. Мен кўзимни олиб қочдим.

– Мактабда қанча қайтим беришган эди?

– Бувимга олиб келиб берганман...

– Қанча эди?

– Ўн беш сўм...

– Ўн беш сўм? Шунақами? Ўн беш сўммиди? Ҳали ёлғон гапирадиган ҳам бўлиб қолганмисиз? Қилғиликни қилиб, энди алдамоқчи бўлиб қолдингизми?

Бир нарса ҳавони «виз» этиб кесиб ўтди.

Думбамга қайиш зарб билан урилди. Кейин яна. Яна. Яна. Гўёки иккала думбамга ҳам қизиган темир босилаётгандай. Оғриққа чидаб бўлмасди. Уст-устига калтак еяпман, жоним оғрияпти-ю, хаёлимдан бир бемаъни фикр ўтди: «Яхши ҳам одамнинг думбаси бор! Агар шу зарблар бошга тушса борми?» Калтак зарбидан ҳақиқатни айтишга тўғри келди, чунки аям, барибир, ҳақиқатни билиб олган экан – мактаб директори аямни кўчада кўриб қолиб, ўттиз сўм қайтим бериб юборганини айтибди, уни олган-олмаганини сўрабди. – Қолганини нима қилдинг, ярамас?

– Китоб олдим. Қолган тўрт сўми ҳайитликка кетди...

Ҳавода яна қайиш визиллади.

– Кимдан сўрадинг? Нега бировнинг пулини бесўроқ ишлатасан? Бу ўғрилик қилгандай гап-ку! Яшшамагур, шунчалик куйдирасанми?

Кейин урушлар тўхтади. Тўхтади-ю, аям бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

– Мен Худога нима ёзганман-а! Сенларнинг кийимингга қарайми, қорнингга қарайми? Биттангнинг топиш-келишингни тайини йўқ. Сенларни боқаман, деб ўлиб бўлдим-ку! Ҳўкиздай бўлиб қолибсан. Ёнимга кириш ўрнига пул ўғирлайсан, ёлғон гапириб алдайсан, жувонмарг! Йўқол кўзимдан!

Мен аямнинг гапини икки қилмай, аста тисарилиб ўзимизнинг хонага чиқдим.

Ана шунақа! «Қутлуғ қон»нинг шарофати билан мен аямдан бир марта ана шунақа калтак еганман. Аммо бунинг учун мен заррача ҳам хафа бўлганим йўқ, чунки чиндан-да айб ўзимда эди. Бундан ташқари, еган калтагимни «Қутлуғ қон»нинг елкасига ағдариш ҳам тўғри бўлмаса керак. Аксинча, орадан ўн-ўн беш кун ўтиб, калтак заҳри битиб кетди, лекин бир умрга юрагимга бир ҳақиқат сингишиб қолди – ҳеч қачон бировнинг пулига, ўзганинг молига қўл уриш керак эмас. Ҳеч қачон ёлғон гапириш керак эмас. Булар – гуноҳи азим.

Бутун умрим давомида шу ақида билан яшаб келяпман. Демак, «Қутлуғ қон» менга бир олам ҳузур бахш этгангина эмас, балки менинг ахлоқан бир бахя улғайишимга ҳам сабаб бўлган. Буни эса, чиндан-да, «Қутлуғ қон»нинг шарофати, деса арзийди. Шунинг учун ҳам бу улуғ китоб мен учун ғоятда азиз ва ардоқли!

*2000*



# БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА

«Беш йилликлар фарзанди» деб аталган бу китоб аслида китоб эмас, бир китобча. У жуда одми, муқовасига рассом ҳафсаласизгина бир тарзда заводнинг нусхасини чизган, қоғози ҳам хира, кўримсиз, ўзи ҳам юпқа – атиги 38 бетдан иборат. Лекин шундай бўлса-да, бу китобча мен учун жуда ардоқли. Китобча Пиримқул Қодировнинг қаламига мансуб. У босилиб чиққанда Пиримқул ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган бошловчи адиб эди. Лекин бўлар боланинг бошидан маълум деганларидек, унинг биринчи китобиёқ, илк ҳикоялари ва очерклариёқ ёш қаламкашнинг келажагига умид билан қарашга асос берарди. Китобча Тошкентда 1951 йилда босмадан чиққан. Ўшанда Пиримқул ҳам, мен ҳам Ўрта Осиё давлат дорилфунунини тугатиб, катта ҳаёт йўлига қадам босишга тайёрлана бошлаган эдик. Лекин у пайтларда биз ҳали Пиримқул билан танишиб улгурганимизча йўқ эди, тўғрироғи – Пиримқул мени тузукроқ танимасди. Чунки мен ҳали ўзимни бирон нарса билан кўрсатганим йўқ эди. Пиримқул эса аллақачон газета ва журнал саҳифаларида тузук-тузук очерклар эълон қилган, улар одамларнинг оғзига тушган, ёш ёзувчидаги қобилиятни кўриб, ҳатто Абдулла Қаҳҳордай машҳур ёзувчи ҳам ундан меҳрини аямаётган эди. Шунинг учун биз – яъни филология факультетида ўқийдиган талабалар Ўратепанинг нариги томонидаги тоғлар орасида, гўзал Искандар қишлоғида туғилиб ўсган, ёшлиги Бекобод теваракларида ўтган миқти гавдали, қора мағиз бу йигитнинг илк ижодини орқаворатдан бўлса-да, кузатиб борардик. Пиримқул шарқшунослик факультетида ўқигани учун у билан ҳадеганда кўришавермас эдик.

Мана, ўқишлар тугади. Ҳаммамиз ҳар томонга тирқираб кетдик. Мен Москвада Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида ўқий бошладим. Тақдир тақозосини қарангки, Пиримқул ҳам аспирантурада ўқиш учун Москвага

келган экан. Мусофирликда одам ўзининг ватандошлари билан тез топишади. Биз ҳам шундай бўлдик. Юлдузимиз юлдузимизга тўғри келиб қолди, шекилли, бир топишгандан кейин бошқа ажралишмадик. Пиримқул талабалик чоғидаёқ уйланган, ҳатто фарзанд ҳам кўрган эди. Тошкентда қариндош-уруғлари бўлмагани учун хотини билан қизини ҳам Москвага олиб келган эди. Табиийки, аспирантлик стипендиясига уч киши тирикчилик қилолмайди. Шунинг учун Пиримқул ишга кирмаса бўлмас эди. Иш ҳам топила қолди – Ёзувчилар уюшмасига ўзбек адабиётидан маслаҳатчи керак экан – Пиримқулни бажонидил ишга қабул қилишди. Унинг иш юритиши, ўзбек адабиётидан берадиган маслаҳатлари, рус тилида битиб бериладиган турли-туман маълумотномалар уюшма раҳбариятига маъқул бўлган бўлса керакки, аспирантура муддати тамом бўлгандан кейин ҳам анча вақтгача Пиримқулга жавоб тегмади.

Бизнинг учрашмаслигимиз мумкин эмас эди, чунки мен ўқийдиган институт билан Пиримқул ишлайдиган уюшма бир кўчанинг икки бетида жойлашган бўлиб, оралиқдаги масофа ярим чақирим ҳам келмас эди. Хуллас, биз тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик, кейин эса жуда иноқлашиб кетдик, фақат институт ёхуд уюшмада эмас, ҳатто Пиримқулнинг уйида ҳам кўришиб турардик. Пиримқул Москвада ижарага хона олиб турар, лекин нима сабабдандир уни тез-тез ўзгартирарди. Фақат Большая Полянка кўчасида Ўзбекистон ваколатхонаси жойлашган жойдан унча узоқ бўлмаган уйдан ижарага олган хонасида узоқроқ турди. Хона узунгина бўлиб, барибир, жуда тор эди. Унинг бир чеккасида эр-хотиннинг кровати, ёнида уларнинг тўнғичи ётадиган жой, ўртароқда овқатланадиган стол, икки-учта стул. Афтидан, ёзув-чизув ишлари ҳам ўша овқатланадиган стол устида бажарилар эди. Рўзғор буюмлари ҳам анча ғариб – энг зарур усти-бошу, энг керакли асбоб-ускуналаргина бор эди, холос. Лекин шундоқ бўлса-да, мезбонларнинг бағри кенг эди – бу уйда меҳмон бўлганимда бирон марта ҳам унинг торлигини ҳис қилган эмасман. Қорачалиги, бўйи-басти ва яна нимаси биландир Пиримқулга ўхшаб кетадиган Сафияхон ҳар гал юмшоқ табассум билан қарши олади ва тожикча оҳанги кучли ширин талаффузи билан ўтиришга ундайди. Сафияхоннинг ширин сўзидан бошқа ширин таоми ҳам бўлади – у, айниқса, самарқандча паловни яхши қилади. Биз эса Пиримқул билан баҳсдан бўшамаймиз. Учрашувларимизда гаплашмаган гапларимиз қолмайди, лекин кўпроқ адабиётдан, янги асарлардан,



адабиётнинг бурчидан баҳслашамиз. Ўша кезларда Пиримқул Л.Толстой асарларини, мақолалари ва кундаликларини кўп ўқиган эканми – бу буюк ёзувчининг ўгитларидан кўп гапиради, унинг тўқсон жилдлик асарлар тўпламига кўп мурожаат қилади, адиб ҳақидаги замондошлари хотирасида тилга олинган ноёб воқеаларни гапириб беради. Бу баҳсларда менинг билимларим ҳали жуда-жуда саёз экани билиниб қолади, хижолатга тушаман ва кейинги кунлар кемтикларимни тузатишга ҳаракат қиламан. Шу туфайли Пиримқул сабабчи бўлиб мен Толстойни ўзим учун бутунлай янгидан кашф қилдим ва бу кашф қилиш бугунгача ҳам давом этмоқда. Ўшандаги баҳсларимиз Пиримқулга нима берганини билмайман-у, мен учун улар катта мактаб бўлди – мен аввалги билганларим билишим керак бўлган нарсалар қаршисида увоқ ҳам бўлолмаслигини ҳис қилдим. Ва ортда қолмаслик учун енг шимариб астойдил ишлашга киришдим. Умуман, Пиримқулнинг характерида бир хусусият бор – у ўзи билибми, билмайми, ҳамиша етакчи бўлишга, суҳбатлашаётган одамини орқасидан эргаштиришга интилади. Бу интилиш зўрайиб кетса, баъзан насиҳатгўйликка ҳам ўтиб кетиши мумкин. Эҳтимол, унинг бу хислати кимгадир малол келиши мумкин, лекин мен бунга эътибор бермас эдим, чунки унинг «шатаги»да юрсам, ўзимга кўпгина фойдалар олардим. Бир куни Пиримқул мени Ёзувчилар уюшмасидаги бир мажлисга таклиф қилди. Бордим. Ўша кезларда марказий матбуотда Маяковский ҳақида жуда кескин баҳс кетаётган эди. Маълумки, Маяковский рус шеъриятига янгилик киритиб, уни зинапоя шаклида ёзар эди. Кейинчалик Н. Асеев, С. Кирсанов каби беш-олтита шоир ҳам Маяковскийга тақлид қилиб зинапоя шаклида шеърлар ёзиб, ўзларини Маяковский мактабининг бирдан-бир давомчилари, деб эълон қилишди. Уларнинг фикрича, бошқа бировта шоирнинг Маяковскийга меросхўр бўлишга ҳаққи йўқ эди. Бундай қараш, албатта, тўғри эмас эди, лекин шунга қарамай уни рад этиш ҳам осон эмасди. Ёзувчилар уюшмасидаги мажлис ана шу жиддий баҳснинг якунига бағишланган экан. Очиғини айтганда, мен умримда ҳали бунақа муросасиз жангни, бунақа кескин баҳсни кўрмаган эдим. Шунақа шиддатли жанг бўлдики, уларнинг шовқин-суронидан қулоқлар том битди, шунақа найзабозликлар бўлдики, уларнинг шақир-шуқуридан бутун зал ларзага тушди. Баҳсни бир ёқли қилишда, айниқса, Сурковнинг гаплари салмоқли бўлди. Маяковскийни кўрган, у билан неча марталаб улфатчилик қилган Сурков ёши бир жойга бориб

қолган бўлса ҳам, ҳали қадди-қомати тик, овози жарангдор экан. У ҳам эҳтиросга берилиб кетар экан, лекин шундоқ бўлса-да, бир зум гапларидаги мантиқ сусаймайди. У пешонасига тушиб кетаверадиган сочини бошини силкитиб қайтарар экан, жуда ишончли қилиб, Маяковский ҳеч кимнинг маҳрига тушмаганини, у ҳамманики эканини, ҳар қандай шоир ҳам унинг тажрибасидан ўрганиши мумкинлигини, умуман, адабиёт масалаларида кенг бўлиш зарурлигини, бирор гуруҳнинг қарашларини зўрлик билан ҳаммага сингдириб бўлмаслигини гапирди. Ҳозир бу гапларни гапиряпман-у, кўз ўнгимда бундан 45 йил аввал бўлиб ўтган ўша жўшқин мунозара жанглари бутун ранглари, бутун ола-ғовури билан гавдаланиб турибди.

1954 йилнинг декабрь ойида Колонна залида ёзувчиларнинг иккинчи съезди бўлди. Съезд ҳам ўша кезларда катта тарихий воқеа бўлганди. Унинг ишида фақат ўзимизнинг ёзувчиларгина эмас, бутун дунёдан атоқли адиблар келади. Уларнинг ўзини кўриш, улар нафас олган ҳаводан нафас олиш, ўнг келиб қолса, суҳбатини эшитиш – бу, ахир, ҳар қандай одамнинг ҳам ардоқли орзуси-ку! Хуллас, бу масалада ҳам Пиримқул жонга ора кирди – у нималарнидир амал-тақал қилиб, мен учун битта меҳмонлик билети ундирди. Табиийки, қанот боғлаб Колонна залига етиб бордим. 24 декабрнинг ярмини ўша ерда ўтказдим. Тўғри, ўн кундан бери давом этаётган съезд дами чиқиб кетган пуфакдек бўшашиброқ қолган экан. Залдаги анча-мунча ўринлар бўш. Кўпчилик ёзувчи тузукроқ одам гапирса залда эшитиб ўтиради, нўноқроқ одам минбарга чиқса, гурр этиб ҳамма ташқарига чиқиб кетади. Биринчи кунлардаги тантанаворликдан асар ҳам йўқ. Одамлар аччиқ ичакдай ҳаддан зиёд чўзилиб кетган сафсатабозликни тезроқ тугатишни истайди. Шундоқ бўлса-да, ҳали умрида бирон марта ҳам жиддийроқ курултойда иштирок этмаган мендай ғўрлар учун ўша кунги мажлис ҳам унутилмас воқеа эди.

Фақат курултой эмас, Пиримқул туфайли, унинг қистови билан мен Москвада яна ўнлаб ҳар хил адабий йиғинлар, баҳслар, мунозаралар, юбилей кечалари, ижодий кечаларда иштирок этдим. Буларнинг бари адабий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларимни бойитишда катта роль ўйнади.

Кунлардан бирида Пиримқул менга қўнғироқ қилиб, «уюшмага бир келиб кетмайсизми», деди. Бордим.

– Дўстим, бир зарур юмуш бор. Ҳамид Ғуломнинг тақризини рус тилига ағдариш керак. Шуни қилиб берасизми, дегандим.



Ўша кезларда Ҳамза номидаги театрда «Юрак сирлари» деган асар қўйилган эди. Бу асар ҳаддан ташқари уруғлаб кетган силлиқ, зерикарли, ясама саҳна асарларидан фарқ қилароқ, анча ҳаётий бўлгани учун бирдан томошабинларнинг кўнглига ўтиришиб қолди. Анча вақтгача асар қўйилганда одамлар минди-минди бўлиб кўришди. Асарнинг бунақа муваффақияти кимларнингдир ғашига ҳам тегди шекилли, асар атрофида катта мунозара бўлди. Ҳамид Ғуломнинг газетада чиққан тақризида асар кескин танқид қилинган, «совет воқелигини бузиб кўрсатувчи асарлар» қаторига қўшиб қўйилган эди. Бу эса мунозара оловига керосин сепгандай бўлди. Баҳслар шу даражада муросасиз эдики, унинг шовқини Москвага ҳам етиб келди. Шунда ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари масалани адолатли тарзда ҳал қилмоқ учун ҳамма материалларни рус тилида ўрганиб чиқишга қарор қилган экан. Булар бари дуруст-а, лекин мен шу пайтга қадар рус тилига ҳеч нарсани ағдариб кўрмаган эдим. Пиримқул далда берди.

– Ҳечқиси йўқ. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, дейдилар. Сиз бу ишга дадил киришаверинг, зарур бўлиб қолса, яна маслаҳатлашармиз.

Мен қийналиб бўлса-да, тақризни таржима қилдим, машинкалатдим. Пиримқул ўқиб кўриб, маъқуллади. Хурсанд бўлдим. Лекин мени бундан ҳам кўпроқ хурсанд қилган бошқа нарса бўлди – беш-олти кундан кейин уюшма кассасидан қилинган иш учун дурустгина ҳақ тўлашди. Бу пул менинг ҳисобимда бўлмагани учун осмондан тушгандай менга жуда асқотди.

Пиримқул Ёзувчилар уюшмасида ишлагани учун хизмат юзасидан Москвадаги кўпгина нашриётлар ва таҳририятлар билан алоқада эди. Уларда ўзбек муаллифларининг асарлари ҳам тез-тез босилиб тургани учун таҳририятлар ҳам ўзбек, ҳам рус тилини биладиган мутахассисларнинг кўмагига муҳтож эди. Пиримқул бунақа ишларга мени ҳам тавсия қилди, мен бир-иккита таҳририят билан боғландим, уларнинг турли юмушларини бажариб турдим. Бу ўринда, айниқса, Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти билан ҳамкорлигимиз анча давомли ва самарали бўлганини эсламоқ жоиз. Бу нашриёт 1954 йилда Рустам Абдураҳмонов таҳрири остида 50000 сўзлик русча-ўзбекча луғат чоп этган эди. Камида унинг учдан бир қисмига мен тақриз ёзган эдим. Назаримда, ишларини енгиллаштиришга кўмак берадиган тақризчи топилганига нашриётдагилар, аспирантлик стипендиясининг ночорлигини яшириб юборишга имкон берадиган қўшимча даромад манбаи топилганига мен хурсанд эдим.

Шунга ўхшаш «ижодий» ишларим юришиб кетгандан кейин Пиримқул яна бир масалада ҳоли-жонимга қўймай бошлади. Ҳар гал кўришганимизда, суҳбатнинг ўртасидами, охиридами, у битта саволни беришдан чарчамасди – нега мақола ёзмайсиз? Кейин-кейин бу савол қатъий талабга айланди – сиз, албатта, мақола ёзмоғингиз керак!

Мен аввал парво қилмадим, кейин жиддий эътироз билдириб, «ахир, қандай қилиб ёзаман, тажриба бўлмаса, нима деб ёзишни билмасам. Бўлар-бўлмас хашаки гапларни мақола қилиб бўларканми?» дейман. Пиримқул эса ёши улуғ оқсоқоллардек насиҳат қилади:

– Ҳеч ким онасининг қорнидан тайёр мақоланавис бўлиб тушмайди. Сузишни ўрганмоқ учун сувга кириш керак. Гапларингиз, мулоҳазаларингиз туппа-тузук. Шуларни қоғозга туширинг.

Хуллас, «у» десам, «у» деди, «бу» десам, «бу» деди, қўймади. Ўйлаша-ўйлаша, Чеховнинг иккита пьесаси ўзбек тилида китоб бўлиб чиққан экан – шунга тақриз ёзадиган бўлдим. Очиғини айтганда, уни ёзиб битиргунча она сутим оғзимдан келди: Чехов пьесаларини икки марта ўқиб чиқдим, улар тўғрисидаги айрим мақолаларни айтиб ўтирмайман, ўша пайтда Ермилов деган адабиётшуноснинг «Чехов драматургияси» деган каттагина китоби чиққан эди, уни ҳам хатм қилдим, мақоланинг ўзини икки-уч қайта ёзишга тўғри келди. Тақриз ҳам иш жараёнида семира-семира катта бир мақолага айланди. Пиримқул бу жараённи бошдан-охир кузатиб турди, керак жойларида маслаҳатлар берди, бир қатор саҳифаларини бошқатдан ёздирди. Ниҳоят, мақолага «Бадиий таржиманинг баъзи бир принциплари тўғрисида» деб дабдабали, олимона савлатидан от ҳуркадиган сарлавҳани танлаб, охирига нуқта қўйилгандан кейин, Пиримқул уни Тошкентга – «Шарқ юлдузи» журналига жўнатди. Орадан кўп ўтмай Тошкентдан пакет олдим – ичида мақолам босилган бир жуфт журнал билан муҳаррирнинг мактуби. Мактубда мақоланинг чоп этилиши билан мени табриклаб, уни илиқ кутиб олингани хабар қилинган ва режаларим, нималар устида ишлаётганим сўралиб, ҳамкорлик қилиб туришга даъват этилган. Чидаб туролмадим, дарҳол жавоб хати йўллаб, бир эмас, икки эмас, бир йўла ўнтача мақола устида ишлаётганимни, яқин ўртада уларни юборажагимни, умуман, режалар жуда катта эканини маълум қилдим. Тажрибасизлик қилиб ваъдани бериб юбораверибман – кейин ёзилган бўлса, ўша ўнта мақоланинг иккитаси ёзилди, холос, қолгани қолиб кетди. Шундай қилиб, Пиримқул менинг танқидчи бўлиб туғилишимда доялик қилган эди – шундай қилмаганида мен ўзим юрак ютиб қачон ёзишга киришар эдим-у, ундан нима чиқарди – Худо билади.



Пиримқулнинг ҳаётимда ўйнаган роли тўғрисида ўйласам, унинг яна бир фазилатини айтмай туролмайман – у одамларни бир-бирига топтириб қўйишдан, уларнинг яқинлашиб дўстлашишидан катта баҳра оларди. Мен, масалан, Матёқуб Қўшжонов билан таниш бўлсам-да, ўқиш даврида унчалик яқин бўлмаган эдик. Москвада Пиримқул туфайли жуда яқин бўлиб қолдик ва бу ижодий дўстлик ҳамон давом этмоқда. Пиримқул мени Одил Ёқубов билан ҳам таништирган ва у билан тил топишиб кетишимизда катта роль ўйнаган. Аммо у мени Абдулла Қаҳҳор билан ҳар жиҳатдан яқиндан таништирдики, бунинг учун мен ундан умрбод миннатдорман. Пиримқул мени Абдулла ака билан биринчи марта шахсан қандай таништиргани тўғрисида хотираларимда ёзганман. Шунинг учун бу ерда Қаҳҳор ижоди ҳақидаги тасаввурларимни бойитишда Пиримқулнинг ёрдами қандай бўлганини гапириб берай.

Пиримқул мутахассислигига кўра шарқшунос-тарихчи бўлсада, аспирантурада кандидатлик диссертацияси учун «Абдулла Қаҳҳорнинг урушдан кейинги ижоди» деган мавзуни танлаб олган эди. Бу ишда Пиримқул «Қўшчинор чироқлари» романини ва «Шоҳи сўзана» комедиясини таҳлил қилган. Бу асарлар ўша кезларда жуда кескин мунозараларга сабаб бўлиб турганди. Пиримқул ишида романга қўйилаётган асосий айб – ёзувчи колхозлаштириш жараёнини тасвирлашда синфий курашни кўрсатмаган, деган айб асоссиз эканини исботлайди, негаки романда колхозлаштириш тугаган даврдаги – 1933–1934 йиллардаги ҳаёт тасвирланганини очиб беради. «Шоҳи сўзана» романи ҳақида гапирганда эса унинг жанрини қаҳрамонона комедия, деб белгилайди ва бу жанр умуман, адабиётда янги жанр эканини кўрсатади. Шунга ўхшаш фикрлар Абдулла Қаҳҳор ижодини туҳмату бўҳтонлардан, турли ғоявий таъна-дашномлардан ажратиб олиб, чинакам санъаткорлик талаби билан кўришга ёрдам берган эди.

Шу тарзда Москвада бирга кечирган йилларимиз хотималанди. Мен 1954 йилнинг апрелида диссертация ҳимоя қилиб, 2 май куни Тошкентга йўл олдим. Пиримқул билан Матёқуб Қозон вокзалида мени кузатиб қўйишди. Мен билан хайрлашар экан, Пиримқулнинг юраги ҳаяжон ва ҳавасдан ҳаприқаётганини ҳис қилдим. У ҳам ич-ичидан тезроқ Тошкентга кетишга ошиқар, ле-

кин уюшма раҳбарияти ҳамма ишларни саришта қилиб бажариб турган шундай яхши ходимни қўлдан чиқаришни истамас эди.

Эҳтимолки, Пиримқулнинг ўрнида бошқа одам бўлганида Москвани тарк этишни хаёлига ҳам келтирмаган бўларди, чунки бу даврга келганда унинг мусофирчилик билан боғлиқ асосий муаммолари ҳал бўлган эди. Иши тайин, адабий доираларда, нашриёт ва муҳарририятларда уни танишади, ҳурмат қилишади. Энг муҳими – Университет районида уч хонали квартира беришган – квартираси кенг, ёруғ, ҳамма қулайликларга эга – теварак-атрофи магазин, ёнида кинотеатр, метро ҳам биқинида. Одамга бундан ортиқ нима керак? Лекин бу неъматларнинг ҳеч қайсиси Пиримқулни йўлдан қайтаролмайди. «Адиб ўз элу юртида томир отмоғи керак, ўз халқи билан бир қозонда қайнамоғи зарур, акс ҳолда, унинг осмони рангсиз, заҳил бўлиб қолади», деб ҳисобларди Пиримқул.

Шундай қилиб, у Москвадаги бебаҳо квартирасини Тошкентда Глинка кўчасидаги 4 хонали коттежга алмаштириб, узил-кесил ўз юртига қайтиб келди. Мана, шунга ҳам 40 йилдан ошди. Хўш, нима дейиш мумкин? Албатта, Пиримқул Тошкентта кўчиб келиб кам бўлгани йўқ. Бу ерда у кўп йиллар мобайнида Фанлар Академияси тизимидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади, бадиий ижод соҳасидаги самарали меҳнати учун «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган юксак унвонга сазовор бўлди, республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг у Олий Мажлисга сайланди ва юртимизда маданий ишлар ривожига бақадри имкон ҳисса қўшиб келмоқда. Бир қараганда, у бир зиёли одам умри давомида эришмоғи мумкин бўлган неъматларнинг ҳаммасига эришди. Лекин кўпни кўрган донолар бу дунёни «бир кам дунё» деб бежиз аташган эмас. Ҳаёт шунақа бир ўжар дарёки, бир томонга тўғон қуриб саркаш сувни эплаб оламан десанг, бошқа томондан уриб кетганини билмай қоласан. Пиримқул ҳам тақдирнинг анча-мунча аччиқ зарбаларига рўпара келди. Кўп ҳолларда бу зарбалар унинг ихтиёрига боғлиқ бўлмас эди, кўп ҳолларда ижод билан боғлиқ, тўғрироғи, шўро жамиятида истеъдодли ижодкорга беписанд қараш анча кенг тарқагани билан боғлиқ эди.

Пиримқул биринчи романини Москвада яшаб юрган кезларидаёқ тугатган эди. Бу – қай бир даражада автобиографик роман бўлиб, унда адиб дорилфунуннинг шарқ факультети мисолида ўша пайтдаги ёшлар ҳаётининг долзарб масалаларини кўтарган эди. Пиримқул, айниқса, ёшларнинг илк қадамларидаги мураккабликлар, улғайиш йўлининг азоблари тўғрисида тўлқинланиб ёзган эди. Мен қўлёзмани ўқиган эдим – уни ўша туришида китоб қилиб чиқарса, аминманки, ўзбек адабиётида ҳодиса ҳам бўларди. Бироқ адиб бунга улгурмади – бирдан XX съезд бўлиб қолди-ю, мафкуравий ҳаётни бошдан-оёқ алғов-далғов қилиб юборди – съездда Сталин шахсига сиғинишнинг кескин фош қилиниши ҳаётнинг кўпгина томонларини тубдан янгича идрок этишни тақозо қилди, аввалги қадриятларнинг кўпчилигини қайта баҳолаш зарурати туғилди. «Уч илдиз»дай ўткир ижтимоий-сиёсий муаммоларга бағишланган романни тубдан қайта ишламаса бўлмас эди. Адиб ҳали эълон қилинмаган асарини қайта ёзиб чиқиш учун камида яна икки йил умрини сарфлади. Бу жуда қийин, машаққатли иш эди, лекин шундай меҳнат туфайли асар бутунлай яркираб очилиб кетди, унда, алланечук, сифат ўзгариши рўй берди. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, ўткир фикрлар, кескин ҳаётий конфликтлар тасвирига унча ўрганмаган ўзбек китобхонини «Уч илдиз» романи янгича тафаккур қилишга ундаган салобатли асар бўлган эди. Шунинг учун ҳам улуғ қозоқ адиби Мухтор Авезов 1959 йилда Москвада Ўзбек адабиёти декадаси кунларида романга, адибнинг истеъдодига жуда юксак баҳо берди. Табиийки, бу баҳо билан жамоатчиликнинг илиқ муносабати Пиримқулга ижод бобидаги дастлабки мураккабликни нисбатан осон енгишга кўмак берган.

Албатта, Пиримқул ижодида бундай мураккабликлар шу билан чеклангани йўқ, аммо бу ўринда уларнинг ҳаммаси тўғрисида тўхтаб ўтишнинг зарурияти йўқ. Айни чоқда, «Юлдузли тунлар» романининг қисмати билан боғлиқ можаролар ҳақида индамай ўтиб ҳам бўлмайди. Афтидан, Бобур образини яратиш, Бобур мавзуини ёритиш Пиримқулнинг талабалик йилларидан бери кўнглида ардоқлаб келган буюк орзуси бўлган. Пиримқул бу ишнинг ўта масъулиятли эканини, мавзунинг шўро мафкурасига тўғри келмайдиган ўткир қирралари мавжудлигини жуда яхши билган ва муайян тажриба орттиргачгина бу ниятини амалга оширишга киришган. Шундай қилиб, у романни 1969 йилда ёзиб битирди. Дўстлар роман қўлёзмасини ўқишди, асар мутахассислар даврасида муҳокама қилинди – ҳамма унга юксак баҳо берди. Лекин асар ҳадеганда босилиб чиқавермади – китоб нашрига мутасадди бўлган айрим кимсалар китобнинг босилишига тўсқинлик қилишдан тўхташмади. Масала Шароф Рашидович-

гача етиб борди. Аммо у киши ҳам масалага ўта эҳтиёткорлик билан ёндашдилар: ахир, нима бўлганда ҳам, Бобур темурийзода, подшо, Ҳиндистонни босиб олган. Уни мақтаб, кўкларга кўтариб бўлмайди. Бу шўро мафкурасига асло тўғри келмайди. – Бутун дунё мақтайди-ку! Ахир, у подшогина эмас, ҳассос шоир, моҳир адиб, ўткир тарихчи, теран файласуф ҳам. Бундай аждодимиз билан ҳар қанча фахрлансак оз! – Йўқ, бу гапларни қўйинг. Дунё мақтаса, мақтайверсин. Биз эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Шошган қиз эрга ёлчимайди. Шўро мафкураси ўтмишни идеаллаштирувчи миллатчилар билан ади-бади айтишиб ўтирмайди.

Бундай бемаъни аҳвол роса ўн йил давом этди – ўн йил ичида ўз меҳнатининг самарасини кўра олмаган адиб қанчалик оғир машаққатлар кўрганини, адоқсиз изтироблар чекканини айтиб адо қилиб бўлмайди. Бундай адолатсизлик ҳар қандай иродаси метин одамни ҳам руҳан эзиб юборади. Пиримқул ижодининг гуллабяшнаган даври ана шундай мураккабликлар ичида кечди.

Ниҳоят, буларнинг ҳаммаси ортда қолди, ортда қолди-ю, улардан юракда битмас чандиқлар ҳам қолди. Худога шукур, бизга умр берган экан – мана етмишга ҳам кирдик. Мен тез-тез Пиримқулнинг менга Москвада тақдим этган илк китобини варақлаб тураман. Унда менга аталган оддий юрак сўзлари бор:

*«Озодга. Бир мақсад йўлида бирга бораётганимиз хотираси сифатида. Пиримқул.*

9 март 1952 й. Москва»

Бағишлов оддий сўзлардан таркиб топган бўлса-да, уларда аллақандай башоратомуз оҳанг бор. Дарҳақиқат, мана салкам эллик йилдирки, чиндан ҳам бир мақсад йўлида кетиб боряпмиз. Бу йўл кўп машаққатли эканига, одамдан жуда кўп ғайрат ва шижоат талаб қилишига ва айни чоқда шарафли йўл эканига амин бўлдик. Икковимиз ҳам бу йўлда имкон қадар хизматимизни аямай келмоқдамиз. Бугун мен 70 ёшлик маррага етиб келган эканман, шу олис йўлда менга ҳамроҳ ва мададкор бўлиб келаётган дўстим Пиримқулга чин юракдан миннатдорлигимни изҳор қиламан. Бир мақсад йўлида яшаб, ижод қилаверайлик, дўстим! Ҳали қиладиган ишларимиз кўп!

*1999*



## ЭЪТИҚОД САРЧАШМАСИ

Оддий бир китобхон сифатида инсон тафаккурининг меваси – китоб ҳақида, китобхонлик ҳақида бизнинг ҳам ўз фикрларимиз бор. Китоб инсониятнинг ўзидек, унинг мағрур бошида кезиб юрган бобо қуёшдек қадим. Унинг қачон пайдо бўлганини ҳали бирорта тарихчи ёки археолог аниқ айтиб бера олган эмас. Зотан, бу фанлар кўп ҳолларда далилий ашёларга суянган ҳолда тахминий хулосалар чиқаради. Баъзан ёзувнинг пайдо бўлганига, қоғознинг ихтиро қилинганига қараб китобнинг умрини белгилашади. Бу ҳам унчалик тўғри эмас. Бинобарин, китоблар дастлаб юрак қони билан инсон тафаккурида пайдо бўлган, кейинчалик кучли хотираларга ўрнашиб олиб тилдан-тилга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган. Демак, китобнинг умри тафаккур умрига тенг. Китоблар худди инсониятнинг ўзидек жуда мураккаб, кураш ва тўқнашувларга бой йўлни босиб ўтган. Албатта, ҳамма китоблар ҳам эмас. Фақат ҳақиқийларигина ўз тақдирларига, ўз қисматларига эга. Қанчадан-қанча эл севган китоблар худди Жордано Брунодек ўтга ташланди, яна қанчадан-қанча китоблар эрк учун, озодлик учун ўз жонини қурбон қилган қаҳрамонлардек тириклайин ерга кўмилди. Қисқаси, инсоният китобни танибдики, ўзлигини таниган, ўзлигини танигач, китобни таниган.

Қайси бир халқда китобхонлик оммавий тус олган бўлса, ўша халқнинг келажаги порлоқ, омади олам ошган. Китобхон халқ ҳамиша билимдон, аввало, ўз қадрига, қолаверса, бошқаларнинг қадрига етадиган зукко халқ саналган. Бунга мисол қилиб ўн саккизинчи аср француз китобхонлигини, ўн тўққизинчи аср рус китобхонлигини ва ҳозирги давр китобхонлигини келтириш кифоя.

Ҳурматли қарияларимизнинг эслашларича, бизда ҳам китобхонлик анъаналари қадимдан мавжуд. Октябрь инқилобига қадар ҳам Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасида, Қўқоннинг Ғишткўпригида, Самарқанднинг Шоҳизиндасида, Бухоронинг Бо-

лойи ҳовузида ва ўнлаб мадрасаларда «Бедилхонлик», «Навоийхонлик», «Шоҳномахонлик» кечалари ўтказилган. Юзлаб, минглаб сомелар бош эгиб билимдон ва зукко муллаларнинг ширали овозларини тинглаб, китоб ҳикматларидан баҳраманд бўлганлар. Шундай китобхонликда Бедил фалсафаси, Фирдавсий жангномасининг афсонавий образлари, Навоий ва Фузулийнинг даҳо шеърияти ҳақида узоқ тортишувлар, баҳс-мунозара давом этган.

Узун қиш кечалари чекка қишлоқларда ҳам сандал атрофида ёшу қари тўпланиб, китобхонликни илҳақ кутишган. Шунда уй тўрида махсус жилддан атлас билан муқоваланган юпқа, шилдироқ қоғозли китоб олинарди. Дастлаб ҳурматли қариялар, кейин даврадагилар китобни бир-бир қўлларига олиб, уч мартадан ўпиб, манглайларига теккизишарди. Охирида китоб яна қўлма-қўл бўлиб, даврада энг мўътабар киши ҳисобланган китобхон қўлига қайтарди. Китоб асло ерга қўйилиб ўқилмаган. Уни лавҳ, яъни тахтадан ясалган махсус тағлик устига ёки инсон учун азиз бўлган бош қўйиладиган ёстиқ устига қўйиб ўқишарди.

Бизнинг Шарқда китобни нондек тавоф қилиш жуда қадим-қадимдан одат. Чунки китоблар у ёки бу маънода барча эзгу фикрларни ўзида жамлаган. Ҳақиқий китобсеварлар ана шу эзгуликларнинг тарғиботчилари бўлганлар. Китоб – эътиқодлар сарчашмаси ҳамдир. Ҳали ўсмир Толстой Жан Жак Руссо китобларини ўқигач, гарчи унинг ўзини кўрмаган бўлса-да, ана шу китоблар муаллифининг сурати туширилган кичик медальонни хоч ўрнида кўксига тақиб юрган. Бу бежиз эмас, албатта. Кўпчилик улуғ ёзувчи ва файласуфларни уларнинг китоблари бир-бирларига яқинлаштирган. Китоблар орасида энг оммабопи, энг халқчили бадиий адабиёт ҳисобланади. Агар физика китобини – физиклар, кимё китобини – химиклар, ботаникани – ўсимликшунослар, астрономия китобини – астрономларгина ўқиса, бадиий китобни шу касб эгаларининг ҳаммаси ўқийди. Бадиий асарлар ҳамма касб эгалари учун бир хил ардоқли. Гарчи физик, врач ёки бошқа касб эгаси қанчалик талантли, қанчалик ўз соҳасининг мутахассиси бўлмасин, у бадиий адабиёт ўқимас экан, ҳеч қачон мукаммал инсон саналмайди.

Кейинги ўн йилликда китобга ташналик янада ошиб кетди. Китоб магазинлари олдида жаҳон адабиёти, рус ва ўзбек адабиёти классикларининг асарларига обуна бўлиб ёзилиш учун навбатда турганлар, қоғоз парчалари топшириб китоб айрибош қилувчилар сони кун сайин ошиб бормоқда. Ҳақиқий китобсеварлар, китоб



мухлислари бизда жуда кўп. Улар китоб оламидаги янгиликни соат сайин билгиси келади. Бундайлар билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Лекин шунга қарамасдан, бу соҳада ҳам «Букинист», «Китобсевар» ниқобини ёпиниб олган чайқовчилар пайдо бўлмоқда. Улар турли йўллар билан ноёб асарларни кўп нусхада қўлга киритиб, икки-уч ҳисса, ҳатто, ундан кўпроқ баҳода пуллашади. Бизнингча, китоб чайқовчилари очарчилик даврида бир бурда нонни ўн ҳисса ортиқча пуллаган қаллобларга ўхшашади. Уларнинг кўпчилиги ўзи мақтаб сотаётган китобнинг аннотациясини ўқиган, холос.

Китобни фақат жавон безаш, ўзининг ўқимишли эканини кўз-кўз қилиш учун сотиб олувчи кимсалар ҳам учраб туради. Китоб тўплаш керак, лекин китоб тўплаганда иқтисодий фойдани эмас, маънавий фойдани ўйлаш лозим. Акс ҳолда киши, Саъдий айтмоқчи, «Устига китоб ортилган эшакка» айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Дурустгина лавозимга эга бўлиб, катта-катта давраларда бошқаларга гап бермайдиган кишиларнинг уйида тахмони бузилмаган қават-қават гиламлар, кўриниш учун териб қўйилган ноёб чинни идишлар топилади-ю, атиги бир гиламнинг чорак пулига тўлдирса бўладиган китоб жавони топилмайди. Яна китобхондан китобхоннинг фарқи ҳам бор. Шахсий кутубхона хусусий мулк бўлиб қолмаслиги даркор. Ундан иложи борича кўпчилик, ҳеч бўлмаганда, эл-хеш, ёру биродарлар фойдаланиши керак. Шунақа сахийқалб кишилар борки, улар кутубхонасида махсус картотека очиб, бутун бошли маҳалла ёки қишлоқ аҳлини ноёб китоблар билан таъминлаб туришади. Лекин айрим «китобсеварлар» китобни қўлга киритиш учун ҳар қандай ялиниб-ёлворишдан ҳам тоймайди. Китобни қўлга киритгач, авайлаб жавонга жойлаб қўяди. «Нега бу китобларни олясиз-у, ўқимайсиз?» – деб сўраганга, «Э, вақт қайда, – дейди қўл силкиб, – болаларим учун тўплаяпман!» Эндигина тетапоя бўлган боласи учун китоб тўплашнинг ҳожати бормикан? Ахир, наҳотки китоб ҳам бисотга айланса?

Кейинги пайтларда бизнинг серкуёш республикамизда ҳам нашриётларнинг техника базаси бойиб китоб чиқаришда мисли кўрилмаган ютуқларга эришмоқдамиз. Бу соҳада, айниқса, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти коллективининг хизмати катта бўляпти.

Эндиликда китобхонлар оммасининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлган айрим асарлар кўп нусхада қайта-қайта нашр қилинмоқда. Бу, шубҳасиз, керак. Лекин шунда ҳам меъёр

сақланса яхши. Баъзан бадиий жиҳатдан баркамол, ғоявий ўткир, ҳамма учун керакли асарнинг магазинларда босилиб ётганини кўриб ачиниб кетасан киши. Бунинг учун ўша китоб ҳам, унинг муаллифи ҳам айбдор эмас. Аксарият ҳолларда айрим кўп томliklар чиқиб улгурмасдан, эртасига арзонлашган нарх билан «Букинист» магазини токчасидан ўрин олганига нима дейсиз? Бунга, албатта, тираж белгилашдаги, асарларни қайта нашр қилиш муддатини аниқлашдаги қусурлар сабабчи. Масалан, кейинги ўн йил ичида улуғ ёзувчининг бир асари аввал тўрт томликда, кейин ўн томликда, яна академик нашрда босилиб чиқди. Ҳали томлар тўла чиқиб, сотилиб улгурмасдан ўша асарни «Ўқитувчи» нашриёти «Мактаб серияси»да чоп этди. Яна қандай денг, ўта кўримсиз муқовада, жуда катта тиражда. Бу нафақат китобга, балки ўша улуғ ёзувчига ҳам ҳурматсизлик деб ўйлаймиз.

Энди китобхонлик ҳақида икки оғиз сўз. Бизда Китобсеварлар республика жамияти ва унинг областлардаги ташкилотлари бор. Ана шу жамият китоб тарғиботи билан шуғулланувчи энг оммавий ташкилот. Китобхонликнинг турли хил оммабоп метод ва формаларини худди ана шу ташкилот ўйлаб топиши лозим. Бухоро область Китобсеварлар жамиятининг иш фаолиятини бу ўринда намуна қилиб кўрсатса бўлади.

Айрим ёзувчилар бизнинг китобларимизни етарли пропаганда қилишмаяпти, дея танқидчилардан ўпка қилишади. Бу ҳамма вақт ҳам ўринли даъво эмас. Ҳамма гап китобхоннинг ўзида қолган. Ёмон китобни танқидчилар ҳар қанча кўпиртириб мақташмасин, барибир у яхши бўлиб қолмайди. Ўша танқидчи китобни яхши деб мақташи мумкин, лекин уни ўқишга, охиригача ўқишга китобхонни мажбур қила олмайди. Бунинг учун, аввало, ўша китобнинг ўзи ўқишли бўлиши керак.

Шу ўринда айрим китобхонлардан ҳам ранжийсан киши. Биз шундай адабиёт ўқитувчиларини биламизки, умри бино бўлиб бирорта романни бошдан охиригача ўқиб чиқмаган. Дарс берганда, нуқул дарсликдан, киноюю спектакллардан мисол келтиради. Баъзи «зиёли»лар эса адабиёт, ёзувчилар ҳақида суҳбат мавзуини нуқул четга буришга ҳаракат қилишади. Халқ ёзувчиларининг асарлари у ёқда турсин, уларнинг исм-фамилияларини ҳам билмайди. Нуқул кеча телевизорда кўрган футбол, чойхонада еган паловини мақташади. Шундайларнинг уйидаги токчаларга классиклар кўп томликлари териб қўйилган. Бу хонадонларда китобларни гоҳ-гоҳ чангини артиш учун қўлга олишади.



Яқинда ҳаваскор бир ёзувчидан: «Қандай китобларни ўқигансиз, – деб сўрасак, у: – Сизнинг китобларингизни ўқиганман! – деб жавоб берди ишшайиб. Унинг бу учрашувга «махсус» тайёргарлик кўргани сезилиб турарди.

– «Тинч Дон»ни ўқиганмисиз?

– Йўқ. Барча сериясини ҳам телевизорда кўрганман.

– «Қутлуғ қон»ни ўқиганмисиз?

– «Қутлуғ қон»ни ҳам, «Ўткан кунлар»ни ҳам киносини кўрганман. Жуда зўр асар. Кумуш ролида ўйнаган актриса бизани қўшнимиз. Ҳа, яна «Улуғбек хазинаси» китобини ҳам телевизорда кўрдим. Менга маъқул бўлди... яна ёзувчилардан...

Жуда ачиниб кетдик. Тавба, «Улуғбек хазинаси» у кишига маъқул бўлибди. Бу катта гапликни қаранг. Тўғри, кинода, телевизорда шу асарлар асосида қўйилган фильм ва спектакллар, шубҳасиз, ёмон эмас. Лекин улар ҳеч қачон ўша асарнинг ўрнини боса олмайди. Ёзувчи бўламан, деб умид билан қўлига қалам олган киши фақат телевизор билан чекланиб қолмаслиги керак. Кўпроқ, иложи борича ҳар бир сўзни, ҳар бир образни ҳис қилган ҳолда, ёзувчига хос синчковлик билан китоб мутолаа қилиши керак. Яна шундай кишилар борки, ўзини ашаддий китобхон қилиб кўрсатади. Бировдан бир китобнинг мазмунини чала-чулпа эшитиб олиб, ўша асар ҳақида фикр юритади, ўрни келса, баҳс-мунозара этади. У шўрлик билмайдики, бу билан бошқа китобхонларни ҳам чалғитиши мумкин, қолаверса, у ўзини ҳам алдайди.

Хуллас, китоб ҳақида, китобхонлик тўғрисида ҳар қанча баҳс қилсак ҳам кам.

Муттасил бадиий асар ўқиб, туйғуларимизни бойитиб, тафаккуримизни чархлаб туришимиз, эътиқодлар сарчашмаси – китобнинг оламшумул завқ-шавқидан ҳамиша баҳраманд бўлмоғимиз лозим.

**Озод Шарафиддинов,**
Беруний номидаги республика
Давлат мукофоти лауреати
**Неъмат Аминов,**
ёзувчи
*«Бухоро ҳақиқати» 10.12.1980.*

## ЮРАК САДОСИ

Бу галги ҳикоям «Юрак садоси» деган китоб ҳақида. Тўғрироғи, бор-йўғи етти-саккиз шеърдан жамланган китобча тўғрисида. У урушнинг энг оғир пайтида – 1942 йилда босилган. Қоғози дағал, муқоваси юпқа, безаклари ҳам кўримсиз. Лекин, шундай бўлса-да, биронта фавқулодда сифати билан ажралиб турмайдиган бу оддий китобча менга азиз ва ардоқли. У қалбимда бир умрга сўнмас из қолдирган хотираларим билан боғлиқ.

«Юрак садоси» Ҳасан Пўлат қаламига мансуб бўлиб, шоир ҳаётлигида босилган сўнгги тўплам эди. Китобчани қўлга олиб, варақлар эканман, ҳар гал кўз ўнгимда Ҳасан Пўлатнинг ёқимли сиймоси гавдаланади. У ўрта бўй, жингалак соч, чиройли қўй кўзлари одамга меҳрибон боқадиган, чеҳрасида аллақандай нуроний табассум билиниб турадиган одам эди. Ҳасан Пўлатнинг қариндош-уруғларидан ёки яқин ёру биродарларидан бирон киши, менинг тасвиримга кўзи тушса, уни нотўғри дейиши мумкин. Дарҳақиқат, у ўрта бўй эмас, балки барваста бўлгандир. Эҳтимол, сочлари ҳам жингалак эмас, силлиқ бўлгандир. Мен буларни аниқ билмайман. Ҳасан Пўлатни атиги икки марта кўрганман. У вақтларда мен ҳали «она сути оғзидан кетмаган» ўсмир эдим. Шундан бери ўттиз етти йил ўтибди. Унинг бўй-басти, чеҳраси, овози хотирамда аниқ сақланиб қолмаган бўлса, бордир. Мен учун ҳозир энг муҳими – унинг қиёфасини аниқ чизиб бериш эмас, ўша пайтдаги муомаласи туфайли қалбимда туғилган ва шу вақтгача ардоқлаб асраб келаётган туйғуларимни қоғозга тушириш.

Ҳасан Пўлат билан танишиш ва учрашиш тарихи бундай бўлган. Адашмасам, унинг номини биринчи марта 1940 йилда эшитган эдим. Ўша пайтда 5-синфда ўқирдим. Бир куни адабиёт ўқитувчимиз шеър ўқиш конкурси ўтказишини айтди ва ҳаммамизга биттадан шеър топиб, ёдлаб келишни тайинлади. Конкурсда Одил деган синфдошимиз ғолиб чиқди. Унга ҳаммамиз тан



бердик, чунки Одил шеърни қойил қилиб ўқиганидан ташқари, танлаган шеъри ҳаммамизникидан яхши эди. У қўлларини силкитиб, баланд овоз билан дона-дона қилиб ўқир экан, шеър биринчи сатрлариданоқ ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Унинг мазмуни ўша кезларда мурғак қалбларимизда жўш урган кўтаринки туйғуларга ҳамоҳанг эди:

*Гул-лолалар пояндоз менга,*
*Ҳатто қиш ҳам худди ёз менга,*
*Керак эмас йиғлоқ соз менга,*
*Айтинг, яна нима оз менга?!*

Орадан кўп ўтмай, бутун синф шеърни ёдлаб олди. Лекин у пайтларда биз ҳали узумини еб, боғини суриштирмайдиган гўдаклар эдик. «Мен бахтиёр» деб аталган бу шеърни ҳаммамиз севиб ёдлабмиз-у, уни ким, қачон ёзганига эътибор бермабмиз.

Икки йил ўтгандан кейин мен шеър муаллифи билан танишиш бахтига муяссар бўлдим. Аниқ эсимда – 6-синфни тугатаётган кезларимиз. Уруш кетяпти. Унинг совуқ нафаси ҳаммамизга ҳам соя ташлаган. Кийимларимиз юпун, қоринлар ҳам бирда тўқ, бирда оч, ҳамманинг уйидан камида битта, бўлмаса икки-учта одам урушга кетган. Кунора бирон синфдошимиз йиғидан хун бўлиб келади – демак уйига қора хат келган. Лекин ҳар қанча қийин бўлмасин, ғалабамизга сира шубҳа қилмаймиз, уруш тугайдиган кунни интиқлик билан кутамиз, госпиталларда навбатчилик қилиб, темурчилар отрядлари тузиб, темир-терсак йиғиб, фронтчиларнинг оилаларига ёрдам бериб, ғалабани яқинлаштиришга бақадри имкон ҳисса қўшишга интиламиз. Ҳар куни радиодан бериладиган ахборотни зориқиб кутамиз, газеталардан жанговар лавҳалар ўқиймиз. Айниқса, ўзбек жангчиларининг жасоратлари ҳақидаги хабарларни ифтихор билан севиб-қувониб муҳокама қиламиз. Шундай кунлардан бирида кўққисдан – ўзим ҳам кутмаган ҳолда – шеър ёзиб юбордим. Газетадан Аҳмад Долиев деган бир жангчининг мардлиги ҳақидаги ахборотни ўқидим-у, тўлқинланиб кетдим. Кечқурун уйдагиларга, эртаси синфдошларга ўқиб бердим. Назаримда, ҳаммага маъқул бўлгандай... Бундан руҳланиб, кейинги кунларда ҳам устма-уст шеър ёзавердим. Қарабсизки, ҳаш-паш дегунча анча-мунча шеърни дўндириб ташлабман. Қўлига қалам олган одам борки, албатта, ёзганини бостиришни орзу қилади. Шеър бир дафтар бўлиб улгурмай, бундай орзу бизнинг кўнгилни ҳам ўртай бошлади.

Бироқ шеърни бостириш учун нима қилиш керак, кимга мурожаат этса бўлади, қайси идоранинг эшигини қоқиш лозим – булардан мутлақо бехабар эдим. Шу кезларда, бахтимга бир китоб учраб қолди. Бу – Тўғон Эрназаров билан Илёс Ҳошимовнинг «Ёш ватанпарварлар» деган кичкина саҳна асари эди. Унинг сўзбошисида муаллифларнинг Тошкентдаги 115-мактаб ўқувчилари экани айтилган ва «Болаларни бадиий тарбиялаш марказий уйи мактабларда ўз ижодий қобилияти билан кўзга кўрина бошлаган ўқувчи болаларни уюштириш ва уларнинг ижодий ўсишларига яқиндан ёрдам беришдай муҳим ишлар билан ҳам шуғулланади», деб маълумот берилган эди. Буни ўқиб, йўлимни топиб олгандай севиниб кетдим. «Яқиндан ёрдамини берса, мана, бизга берсин» деб, «Болаларни бадиий тарбиялаш марказий уйи»ни ахтаришга тушдим. Қарангки, буни на мактабдагилар, на район комсомол комитетидагилар билишар экан. Сўраб-сўраб Маккани топса бўлади, деганларидек, кимнингдир тавсияси билан Маориф Халқ комиссарлигигача бордим. У пайтларда ўн уч яшар бола учун Эски шаҳардан Янги шаҳарга – Маориф Халқ комиссарлиги жойлашган Пушкин кўчасига бориш бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга сафар қилишдек гап эди. Шундай бўлса-да, топиб бордим. Бироқ, бу ердагилар ҳам «Болаларни бадиий тарбиялаш марказий уйи» қаердалигини тузукроқ билишмас экан. Ҳатто баъзилар «Бу идора бизга қарамайди», дейишди. Яна бир кун сарфлаб, «Ёш ватанпарварлар» китобини олиб келиб кўрсатдим. Қўйинг-чи, кўп тиқилинч қилаверганимдан бўлса керак, Маориф Халқ комиссарлигидаги ўртоқлар у ёқ-бу ёқни суриштириб, охири, мени Тельман номидаги паркка йўллашди. Мен излаган идора ҳақиқатан ҳам шу ерда – кўримсизгина бир хонада жойлашган экан. Мени истараси иссиқ бир одам кутиб олди. Уни топгунча бошимдан кечган саргузаштларни эшитиб кулди. Кейин мулойимгина гап бошлади:

– Келинг, танишиб қўйялик. Менинг отим – Ҳасан Пўлат. Хўш, қандай шамол учирди биз томонга?

Мен ўзимни танитиб, нима мақсадда келганимни айтдим. У қайси мактабда ўқишимни суриштирди, адабиёт ўқитувчимиз кимлигини сўради, қачондан бери адабиётга қизиқишим, қандай китоблар ўқиганим ҳақида саволлар берди. Кейин шеърларимни олдида, уч-тўрт кундан кейин келишни тайинлади. Албатта, тайинланган куни, тайинланган соатда, ўша ерда ҳозир бўлдим. Ҳасан Пўлатнинг суҳбат бошлашини кутар эканман, унинг айтадиган гапларини хаёлимдан ўтказаман: «Баракалла! Айни биз



қидирган одам экансиз! Ижодий қобилият дегани шунчалик бўлади-да! Сизга яқиндан ёрдам берамиз, беш-олти кунда шеърларингизни бир китоб қилиб босиб чиқарамиз». Ҳақиқатан ҳам у гапини мен кутгандай бошлади:

– Адабиётга қизиққанингиз жуда яхши. Машқни давом эттиришингиз керак.

Бу гапни эшитиб, икки курагимдан бир жуфт қанот ўсиб чиқаётганини ҳис қилдим. Интизорлик билан гапнинг давомини кутдим.

– Лекин шоирлик осон эмас. Яхши шоир бўлиш учун кўп нарса билиш, кўп нарса ўқиш керак...

Гапини бўлмадим. Лекин ичимда: «Бундан ортиқ яна нимани билишим керак, билим бўлса меникичалик бўлади-да», деб ўйлардим.

– Шеър дегани оддий гапдан фарқ қилади. Мана, сиз ёзибсиз:

Қоронғи тун чоғида
Қалин ўрмоннинг бир чеккасида
Турар эди Аҳмад Долиев.
Бироқ узоқдан от дупури эшитилди.
Унинг душман эканини билди мард йигит.
Сўнгра бир ҳамла билан ёвни отга ўнгарди...

Бошқа томонларини қўяйлиг-у, бир жиҳатини олайлик. Бу шеърингизда на қофия, на вазн, на туроқ бор...

Шундан кейин Ҳасан Пўлат менга бир соатча вазн ва туроқни, қофия ва инверсияни тушунтирди. Шу қадар ҳижжалаб тушунтирдики, унинг айтганлари ҳозиргача шеър техникаси ҳақидаги тасаввуримнинг асосини ташкил этади. Ёзганларим шеър эмаслигини англадим. Лекин ҳамон узангидан тушгим келмасди:

– Гапингизни тушундим. Лекин ёш ижодкорнинг шаштини қайтармаслик учун лоақал бир-иккита шеърини босиб чиқарсангиз бўларди-да...

– Босамиз, – деди Ҳасан Пўлат кулиб, – албатта, босамиз. Лекин сиз аввал китобларни ўқиб, шеърларингизни мен айтгандай ишлаб келинг... Машқингизни тўхтатманг.

Мен хайрлашиб, уйга жўнадим. Лекин, қизиқ – ёзганларим шеър эмаслигини обдон тушуниб олган эсам-да, ўша куни уйга кўнглим чўкиб, «Одам бўлмас эканман-да», деган тушкун кайфиятда қайтганим йўқ. Аксинча, Ҳасан Пўлатнинг хушмуомаласи, хайрихоҳлиги, самимияти кўнглимнинг бир чеккасида ишонч уйғотган эди.

Орадан кўп ўтмай, қофияси бут, вазни равон, туроғи жойида шеърлар ёза бошладим. Мактаб кечалари менинг шеъримсиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Ҳатто, «Ватаним» деган бир шеърим радиода ўқилди. Лекин уларни Ҳасан Пўлатга кўрсатиб, маслаҳатларини олиш насиб этмаган экан. Ўша учрашувдан бир-икки ой ўтар-ўтмас, мен уни охирги марта кўрдим. У Ҳамза номидаги театрнинг ёзги биносига аллақайси спектаклни кўргани келган экан. Театр уйимизга яқин бўлгани учун мен унга тез-тез бориб турардим. Антракт вақтида Ҳасан Пўлатни олдинги қаторлардан бирида кўриб қолдим. Югуриб бориб, салом бердим. У мени таниди, ўша ёқимтой табассум билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Шу учрашувдан кейин кўп ўтмай унинг фожиали ҳалок бўлганини эшитдим. Ўшанда у ўттиз бир ёшда эди...

Йиллар ўтди. Ҳаёт қозонида қайнаб, паст-баланд нарсаларга озми-кўпми ақл етадиган бўлди. Болаликдаги кўпгина қилиқлар бугун ўзимга ҳам кулгили кўринади. Лекин авжи болалик йилларимда рўй берган ўша учрашувни сира унутолмайман. Мен, албатта, бу воқеани, бир вақтлар Ҳасан Пўлат қай тарзда менга шеър техникасидан сабоқ берганини ҳамма билиб қўйсин, деган мақсадда гапириб бераётганим йўқ. Мени ҳайрон қолдирадиган, ўйлантирадиган нарса шуки, беш-ўн китоб чиқариб, республикада ўзига яраша донг қозонган улкан бир шоир нима сабабдан мутлақо нотаниш бир боланинг ошкора андишасизлиги ва мақтанчоқлигига қарамай, телба-тескари машқларига шунчалик эътибор берди экан? Ўша кезларда кўпчилик қатори Ҳасан Пўлатнинг ҳам ҳар соати ҳисобли бўлган, албатта. Нима учун ҳали фамилиясини эплаб ёзолмайдиган чаласавод бир ўсмирга вақтини аямай, шеърият алифбесини тушунтирди экан? Ҳасан Пўлат менинг «шеърларим»га бир кўз югуртиришдаёқ уларнинг ўта ночор эканини сезмаслиги мумкин эмас эди-ку? «Боринг, ука, китобингизни ўқиб, саводингизни чиқаринг. Кейин гаплашамиз», деб жўнатиб юборганда, мен бурнимни тортганча қайтиб келаверардим-ку. Ё Ҳасан Пўлат оладиган маошининг хотири учун шундай қилдими?

Ўйлаганим сари бу ишнинг тагида бошқа гап борлигига ишончим ортади. Бунинг боиси, менингча шундаки, хайрихоҳлик, меҳр-шафқат, одамга муҳаббат Ҳасан Пўлат табиатига сингиб кетган хислатлар экан. Унинг юраги бошқаларга беминнат яхшилик қилиш иштиёқи билан урган. Ҳасан Пўлатни яхши билмаганимдан қатъий тасдиқлашим, эҳтимол, унча тўғри бўлмас, лекин



ҳарҳолда, менга шундай туюладики, бошқаларнинг ҳожатини чиқариш, қўлидан келган ёрдамини аямаслик, бақадри имкон яхшилик қилиш Ҳасан Пўлат учун табиий ва зарурий нарса экан.

Мен ўйлашда давом этаман. Одамнинг одамга беминнат яхшилик қилиши, хайрихоҳлиги, меҳрибонлиги, мушфиқлиги одамийликнинг бирламчи зарур шарти бўлса керак. «Одам одамга ғанимат», дейди халқимиз. Бу ҳикмат халқнинг асрий тажрибасидан туғилган. Гўдак энди тетапоя бўлиб, юришни ўргана бошлар экан, ота-онасигина эмас, ҳамма яқинлари унга ёрдамга шошилади. Кўчатлари униб-ўсганда мевасидан ўзи ейдими-йўқми, барибир, боғбон боғ қилади. Қўшнининг бошига кулфат тушганда қўшни унга ҳамдард бўлади, оғирини енгил қилишга, лоақал, бир оғиз ширин гап билан кўнглини кўтаришга интилади. Хуллас, меҳрибонлик, саховатпешалик, ўзгаларга беминнат яхшилик кўрсатиш инсонни инсон қиладиган азалий удумдир. Шу удум туфайли инсон еб-ичиб, урчиб-ўтиб кетадиган махлуқлардан фарқли ўлароқ, буюк бир маънавий қудрат касб этади. Инсон ҳаётининг устунларидан бирини ташкил қилувчи шу буюк удум ҳақида ўйлаганимда, юраги ўрнида бир парча музни кўтариб юрадиган лоқайд, худбин одамлар кўзимга ўта қашшоқ, ўта ғариб кўринади. Худбинлик ва лоқайдлик туфайли ўзини буюк бир маънавий неъматдан бебаҳра этган одамлар нақадар аянчли. Минг афсуски, ҳаётда ёмонлик, оқибатсизлик, бағритошлик, шафқатсизлик ҳам мавжуд. Минг афсуски, бу иллатлар бизнинг замонамизда – чинакам инсонийлик ҳаётнинг ич-ичига борган сари чуқур илдиз отаётган замонда ҳам бор. Бу иллатлар турли-туман шаклларда намоён бўлади.

Домла талабага консультация ё имтиҳон учун фалон соатда келишни буюради. Талаба келади. Домла эса ё келмайди, ё бир-икки соат кечикиб келади ёхуд кайфияти ёмон бўлганидан «Эртага кел», деб қайтариб юборади.

Сиз дўконга кирасиз – иккита соҳибжамол сотувчи қиз суҳбатлашиб турибди. Излаган нарсангизни сўрайсиз. Улар энсаси қотиб: «Йўқ», дейди. «Қачон бўларкан?» деб савол берасиз. «Билмайман, мен справка бюроси эмасман», дея жеркийди соҳибжамол.

Булар шунчаки фаросатсизлик, маданиятсизлик, тарбия кўрмаганликнинг оқибати эмас. Буларнинг замирида меҳрсизлик, одамларга лоқайдлик ётади. Афсуски, одамийликка доғ туширадиган иллатлар ўта разил шаклларда ҳам кўринади. Менга яқинда

бир воқеани гапириб беришди: уч киши бир шаҳарга командировкага бориб, меҳмонхонага тушишган. Кутилмаганда, улардан бири инфаркт бўлади. Беморни «Тез ёрдам» машинасига замбилда олиб чиқишга одам керак: қўшни хонадаги иккита норғул йигитга мурожаат қилишган. Улар нима деб жавоб берган денг: «Биз бунақа ишлар билан шуғулланмаймиз». Ўлим тўшагида ётган одамдан арзимас ёрдамини аяган бу икки йигит нечоғлик бағри тош, нечоғлик бешафқат, нечоғлик разил эканини ўзлари тасаввур қилармикан?

Афсуски, инсонийликни оёқости қилаётган, яхшилик, меҳр-шафқат, самимият деган азалий удумларни топтаётган, тамагирликни ҳаётнинг мазмунига айлантириб олган шахслар учраб туради. Эҳтимол, улар шу йўллар билан тенгсиз молу дунё, сандиқ-сандиқ пул орттирар, лекин, барибир, улар ҳеч қачон энг оддий инсоний бахтга мушарраф бўлолмайди, чунки бундай нусхалар нурдан қўрқиб, сояда, пастқамда яшайди. Улар одамларнинг кўзига тик қарашга, бошини мағрур кўтариб яшашга ожиз бандалар. Бойишнинг фақатгина бир йўли бор: бу – одамларга меҳр улашиш. Меҳрингни, саховатингни, яхшилигингни бошқаларга қанча кўп улашсанг, ўзингни шунча бой ҳис қиласан. Инсониятга муҳаббатинг ҳақида томоғинг бўғилгунча бақириб жар солма – яқинларингга, отангга, онангга, хотининг, бола-чақангга ғамхўр бўл, дўстларингдан, сенга муҳтож бўлган одамлардан яхшилигингни дариғ тутма.

Ўша олис болалигимдаги учрашувдан, Ҳасан Пўлатнинг менга қилган беминнат яхшилигидан чиқадиган хулоса битта: тама ва бахиллик, бағритошлик ва шафқатсизлик эмас, яхшилик, хайрихоҳлик, меҳр-шафқат, олижанобликкина қалбларда акс садо беради. Фақат шуларгина инсоннинг маънавий парвозига бақувват қанот бўлади.

*1980*



## ИМТИҲОНДАГИ ЎЙЛАР

### *Мактабларда адабиёт ўқитишнинг баъзи масалаларига доир*

Бу хатни бундан уч йил аввал ёзишга бошлаган эдим. Ўша йили Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига кирувчилардан имтиҳон олдим. Имтиҳон тамомила кутилмаган натижалар берди. 55 кишидан 44 нафари «қониқарсиз» баҳо олди. Бошқача айтганда, адабиёт факультетига кирувчиларнинг деярли 80 фоизи адабиёт фанидан имтиҳон топширолмади. Ақл бовар қилмайдиган, кишини таажжубга соладиган бу факт ёшларимизнинг билим савияси ҳақида, мактабларда адабиёт ўқитишнинг аҳволи тўғрисида кўп ўйлашга мажбур қилди. Ана ўшанда қўлга қалам олиб, шу хатни ёзишга киришган эдим. Кейин мулоҳаза қилиб қолдим. Эҳтимол, бу факт қандайдир тасодифнинг ўйинидир, ўзим ҳаддан ортиқ қаттиққўллик қилиб юборгандирман, деб ўйладим. Шу тариқа хат чалалигича қолиб кетди. Орадан уч йил ўтди. Бу йил яна Тошкент давлат университетининг филология факультетига кирувчилардан имтиҳон олишга тўғри келди. Афсуски, бу гал ҳам аввалгидек бўлди. Имтиҳон топширганларнинг қарийб 50 фоизи қониқарсиз баҳоланди. Демак, бундай фактлар тасодиф эмас экан-да. Ахир, олий ўқув юртига кираман, деб келганларнинг ҳаммасида «Етуклик аттестати» бор ва бу аттестатларда «адабиёт» деган сўзнинг тўғрисида қора туш билан чиройли қилиб «уч», «тўрт» , «беш» деб ёзиб қўйилган-ку! Наҳотки, ўқувчиларнинг кўпчилиги мактабдан олий ўқув юртигача бўлган икки йиллик, баъзан эса икки ойлик масофани босиб ўтгунча, она тилидан ва адабиётдан ўзлаштирган билимларини унутиб қўйса?!

Ким айбдор бунга? Сабаби нимада?

Буни кўплашиб ҳал қилиш керак. Шу муносабат билан яна қўлга қалам олиб, чала қолган хатни ёзиб тугатишга ва уч йилдан бери ўйлаб юрган, кўнглимга тугиб қўйган гапларни ўртоқлашишга жазм қилдим.

Ҳозирги шароитда мактаб олдида жуда улуғвор вазифалар туради. Бу вазифаларнинг энг муҳими – ҳам маънавий, ҳам жисмоний камолотга эришган илғор ёшларни тарбиялаб етиштиришдир. Бу вазифа биздан ҳамма имкониятларни ишга солишни, ўқитиш ва тарбия ишларида янгича методларни излаб топишни талаб қилади. Аммо, афсуски, ҳали ҳамон биз ана шу янги талаблар даражасига кўтарила олганимизча йўқ.

Хўш, ҳозир мактабни тамомлаётган ёшларимизнинг она тили ва адабиёт фанидан олган билимларида қандай камчиликлар бор? Биринчи ва энг муҳим камчилик шундаки, ёшлар ўртасида саводхонлик масаласи ёмон аҳволда. 10-синфни тамомлаб, «Етуклик аттестати» олган болалар ёзма ишларда ўз фикрларини бемалол, тўла, грамматик жиҳатдан тўғри ифодалаб бера олмайди. Мен бу ўринда «х» билан «ҳ»ни, «нинг» билан «ни»ни алмаштириб юбориш ҳоллари ҳақида гапираётганим йўқ. Бундай хатолар негадир «табиий», «тузалмас» хатолар қаторига кириб қолган, ўқитувчиларимиз ҳам бундай хатоларга раҳмдиллик билан қарайди. Ёзма ишда кўп учрайдиган хатолар соф орфографик хатолар бўлиб, улар баъзан бир ишда 30–40лаб учрайди. 10-синфни тамомлаган ўқувчилар «фронт» сўзини «фирунд» деб, «эксплуататор» сўзини «экспулутатор» деб, «шамол»ни «шомол» деб, «баҳор»ни «боҳор» деб ёзади. Баъзи ўртоқлар бундай саводсизликнинг сабабини орфография қоидаларининг ўзгариб туриши билан изоҳламоқчи бўлади. Албатта, қисман бу ҳам сабаб.

Аммо асосий сабаб – она тили қонун-қоидаларининг пишиқ ўргатилмаслигида. Агар бола 5–6-синфларданоқ тилнинг ички қонуниятларини, темир мантиғини чуқур ва энг муҳими, онгли ўзлаштириб борса, савод масаласида жуда катта камчиликдан қутулибгина қолмайди, балки орфографиядаги турли-туман ўзгаришларни ҳам беозор қабул қиладиган бўлади. Саводхонликни оширишнинг биринчи ва муҳим шарти – мактабда она тили ўқитишни тубдан яхшилаш керак.

Аммо ҳамма касал фақат саводсизликда бўлганда эди, унга малҳам топиш осон бўлар эди. Шуниси ҳам борки, ўрта маълумотли ёшларнинг тили лексик жиҳатдан ҳам жуда қашшоқ, иншоларда халқ тилининг бойликларидан бемалол фойдаланиш ҳолларини унда кам учратамиз. Тилимиздаги ранг-баранг сўзлардан, синонимлардан унумли фойдаланиш йўқ. Мен ҳар бир иншода ишлатилган сўзлар миқдорини ҳисоблаб чиққаним йўқ. Лекин ўйлайманки, улар 100–150 сўздан ошмаса керак. Яна энг ачинар-



лиси шундаки, ҳамма болалар – хоразмлик ва фарғоналик ҳам, сурхондарёлик ва самарқандлик ҳам бир хил сўзлар, бир хил жумлалар ишлатади. Кўпгина иншолар стилистик жиҳатдан бениҳоя заиф. Бундай иншоларда ўқувчи ишлатаётган китобий жумлаларини бир чеккага қўйиб, тўрт оғиз мустақил гап ёзса – тамом, унинг нима демоқчи эканини англаб олиш қийин. Содда гаплар бир нав тузилади. Аммо қўшма гапларни ва ҳатто уюшиқ бўлган гапларни тузишга ожизлик қилишади. Бу «касалликлар»нинг барчаси, яна қайтариб айтаманки, мактабда она тилининг кўнгилдагидек ўқитилмаслигидан келиб чиққан.

Бадиий асарни улар жуда кам ўқийди. Ўрта маълумотли йигит-қизларнинг ичида А. С. Пушкиннинг асарларини ўқимаган, Алексей Толстойни Лев Толстойдан фарқ қилмайдиган, Мопассаннинг номини эшитмаган, А. П. Чеховнинг биронта асари мазмунини айтиб бера олмайдиганларини мен шахсан кўп учратдим. Кўпгина ўқувчилар, ҳатто программа бўйича ўтиладиган асарларни ҳам ўқишмайди. Масалан, Горькийнинг «Она»дан бошқа асарини ўқиган ўқувчини учратмадим, десам бўлади. «Она» ҳам хрестоматия бўйича ўқилган. Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин. Афтидан, мактабларимизда синфдан ташқари ўқиш ишларига етарли аҳамият берилмайди, 5-синфдан, иложи бўлса, ундан ҳам аввал болани тизимли китоб ўқишга ўргатиб борилмайди. Бунинг икки томонлама зарари бор: биринчидан, китоб ўқиш учун энг қулай вақт – ёшлик йиллари бой берилади, иккинчидан – инсон характерини шакллантиришдаги катта восита бўлмиш бадиий адабиётдек муҳим қуролдан етарли фойдаланилмайди. Ахир, бадиий адабиётсиз биз ўқувчиларни мустақил ўйлашга, мантиқий фикрлашга, саводли, билимдон бўлишга, муайян идеаллар ҳосил қилишга ва улар учун курашадиган бўлишга ўргата олмаймиз-ку! Шундай экан, нега китоб ўқишдек муҳим ишга панжа орасидан қараймиз?! Менимча бунинг сабаби шундаки, биз ҳали мактабда адабиёт ўқитишдан кузатиладиган мақсадларни аниқ ва равшан белгилаб олганимиз йўқ. Мактабда ўқувчиларни адабиётшунос қилиб чиқаришми? Адабиёт фани ҳақида уларга тўла-тўкис маълумот беришми? Ҳозирги адабиёт программаларига, адабиёт дарсликларига қараганда «ҳа» деб жавоб беришга тўғри келади. Ҳолбуки, адабиёт ўқитишдан мақсад нима? Мақсад бошқача бўлиши керак. Биз адабиёт фанини шундай ўқитайликки, ўрта мактабни тамомлаган ҳар бир ёшда китоб ўқиш, бадиий асар ўқиш нафас олгандай, овқатланишдай табиий заруратга айланиб қолсин. У ҳаётини бадиий асарсиз тасаввур қила олмайди-

ган бўлиб қолсин. Ўша мактабни тамомлаган ўқувчи бадиий адабиётнинг чинакам гўзаллиги нимада эканини мустақил пайқай олиши, ўқиган асари ҳақида (бу асар ўқув программасида бор-йўқлигидан қатъи назар) мустақил фикр юрита олиши керак.

Бунга эришиш учун бошқа тадбирлар билан бир қаторда, бизнингча, ўрта мактаблар адабиёт программасини бир қайта кўриб чиқиш керак. Ҳозир 8-синфларда ўзбек классик адабиёти ўқитилади. 8-синф ўқувчиси 14–15 ёшли бола. Ахир Навоий, Лутфий, Фурқат, Бобур асарларини мутахассислар ҳам луғатсиз ўқиб, талқин қилиши қийин-ку. Қандай қилиб 8-синф ўқувчиси уларнинг гўзаллигини тўла фаҳмлаб олсин?

Юзлаб иншоларни текшириш туфайли яна бир жиддий камчилик мавжуд эканига амин бўлдим – ёшларимиз маълум қисмининг фикрлари жуда сиқиқ бир қолипга тушиб қолган. Бу қолип шундай торки, у боланинг ҳақиқий қиёфасини, қалбини, билимини кўриб олишга йўл қўймайди. Иншонинг планидан тортиб, унинг охирги жумласига қадар шу қолипнинг изи бор. Иншо қайси бир мавзуда бўлмасин, барибир планлар бир хил тузилади – кириш, асосий қисм (бунда образнинг софдиллиги, виждонлилиги, ватанга муҳаббати ёки виждонсизлиги, ижобий хислатлардан маҳрумлиги айтилади), хулоса. Ҳамма асарлар ҳақида бир хил жумлалар, бир хил иборалар билан фикр қилинади. Масалан, Ғофур ҳақида: «Ғофур – соф виждонли, меҳнатни севувчи, чин муҳаббат эгаси, халқ учун курашга тайёр» дейилса, Павел Власов ҳақида ҳам худди шу жумлалар ишлатилади. Солиҳбой билан Қилич Халифага берилган характеристикалар бир-биридан мутлақо фарқ қилмайди. Иншоларда навбатчи иборалар, сийқаси чиқиб кетган қолиплар пайдо бўлиб қолган. Ўқувчилар икки образни бирбирига таққослашни билмайди. Ҳамма иншолар мустасносиз бир хил хулоса билан тугалланади: «Бу асарни ўқиб, биз ёшларда ўтмишга нафрат, ҳозирги ҳаётимизга муҳаббат кучаяди. Биз ҳам Сафарқул (Павел Власов, Йўлчи, Зайнаб, Омон, Ғофур, Жамила ва ҳ.к.) каби бўлишга интиламиз». Бундай бир хиллик иншо ёзиш техникасидаги нўноқлик туфайлигина туғилмаган, балки, биринчи навбатда, фикрлашдаги формализм ва догматизм натижасида вужудга келган. Бу жуда жиддий камчиликдир. Чунки мактабдаги ҳамма фанлар каби адабиётнинг вазифаси ҳам болаларни турмуш ҳақида, ҳаёт тўғрисида мустақил ва тўғри фикрлашга ўргатишдан иборат. Эркин ва мустақил фикрлашнинг йўқлиги эса, ўқувчини китобни кўр-кўрона ёд олишга ундайди.



Мактабда адабиёт ўқитишда ҳали жиддий камчиликлар бор. Биз адабий асарни ўқитар эканмиз, уни қисм-қисмларга ажратиб ташлаймиз, образларга бўламиз. Образларнинг хусусиятларини номерлаб белгилаб чиқамиз. Масалан, Павел Власовнинг биринчи хислати – онглилик, иккинчиси – революцион активлик, учинчиси – ватанпарварлик, тўртинчиси – чинакам олижаноблик ва ҳ.к. деб белгилаб қўямиз. Образларга алмаштириб характеристикалар берамиз. Аммо шу характеристикалар кўпинча асар ичидаги қайноқ ҳаётни илғаб олишга йўл қўймайди. Натижада, болаларда бадиий адабиёт ҳақида тамомила нотўғри тушунчалар ҳосил бўлади, уни бир-бири билан боғланмаган қисмлар ва образлар йиғиндиси, деб қабул қила бошлайди. Шу тариқа бадиий асар киши характерини шакллантиришда, унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурларини бойитишда муҳим роль ўйнайдиган воситадан, қуруқ ўрганиш, характеристика бериш объектига айланиб қолади.

Адабиёт ўқитишдаги камчиликларни туғдирадиган яна бошқа қатор сабаблар ҳам бор. Биз адабиётдан дарс берувчи моҳир педагоглар коллективига эгамиз. Аммо бу коллективда ўзининг шарафли номига сазовор ишламайдиган, адабиётни севмайдиган, уни эҳтироссиз, совуқ ўқитадиган ўқитувчилар ҳам топилади. Ўтган йили мен Фарғона педагогика институтида давлат имтиҳонига қатнашдим. Сиртқи бўлимни тугатаётган тилчи-адабиётчилар ўртасида шундайлари ҳам учрайдики, ҳайрон қоласиз. Бир ўқитувчи 35–40 йил яшаб, шундан 15–20 йил дарс бериб, 5 йил институтда ўқиб, умрида бирон марта энциклопедия кўришга эҳтиёж сезмабди.

Адабиёт ўқитишни яхшилашда Маориф министрлиги қошидаги Педагогика фанлари илмий текшириш институтининг ҳам роли катта бўлиши керак. Институтнинг тил-адабиёт сектори адабиёт ўқитишнинг муҳим назарий ва методик масалалари билан кам шуғулланяпти.

Биз жуда улуғвор ва буюк даврда яшаяпмиз. Мана шундай ажойиб даврда шонли педагоглар коллективи ва биринчи навбатда адабиёт ўқитувчилари зиммасига оғир, аммо шарафли вазифа – янги жамият қурувчи янги кишиларни тарбиялаб етиштириш вазифаси юкланади. Бу вазифани бажариш учун бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, янгича йўллар, янгича усуллар билан ишламоғимиз лозим.

*1960*

## КИТОБ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

***ёхуд олим қўлёзмаларини варақлаганда...***

Менда мавжуд фазилатларнинг ҳаммаси учун мен китоблардан қарздорман. Бу иборани ўқиган китобхон «Ия, шошманг, бу ибора бизга жуда таниш-ку! Уни бирорта улуғ одамдан кўчириб олган эмасмисиз?» деб ҳайрон бўлиши турган гап. Тўғри, бу фикр айнан Максим Горькийники. Буни у 70 йил муқаддам ёзган бир мақоласида айтиб ўтган эди. Лекин мен уни кўчириб олганим йўқ. Гап шундаки, бу ибора тўлалигича менинг ҳам ҳаётимга тааллуқли. У менинг ўз ҳаётимдан чиқарган хулосам. Мен ҳам китоб ўқиш борасида худди Максим Горький босиб ўтган йўлни такрорлаган бўлсам, нима қилай? Қолаверса, бутун умри давомида китоб билан дўст тутинган ҳар бир инсон ҳам бу иборани ўзига нисбатан такрорлашга ҳақли, деб ўйлайман. Китобнинг мўъжизакор кучи шундаки, у бизга атрофимиздаги олам ҳақида билим бериш билан чекланмайди, балки ҳар хил инсонларни таниб олишимизга ҳам улкан ёрдам беради. Айни чоқда, у тарбия олишни истаган ҳар қандай одамга тарбия беради, уни юксак табиатли инсонга айлантиради. Китоб – ўтган авлод-аждодларимизнинг, доноларимизнинг бизга қолдирган васияти, ибратли сабоғи. Қолаверса, у инсоният авлодма-авлод тўплаб келган бениҳоя бой ҳаётий тажрибанинг қаймоғидир.

Бинобарин, китоб ўтган, яшаётган ва яшаяжак авлодлар маънавиятини туташтирган олтин занжирдир. Шунинг учун зиёли бўламан деган, дунёга очиқ кўз билан қарай деган, ҳаёт йўлларида камроқ адашай, деган ҳар бир одам арзон ва беминнат дўстдан, яъни китобдан умр бўйи фойдаланмоғи, унга суянмоғи, уни энг яқин маслаҳатчи деб билмоғи керак. «Яшаш санъати» деган гап бор. Яъни, бу мураккаб ва машаққатли ҳаёт йўлларидан ҳар бир одам имкони қадар озроқ даражада азият чекиб ўтмоғи керак. Ҳар бир одам шундай яшамоғи керакки, унинг бир йиллик умри мазмунан икки, уч ва ҳатто ундан ортиқ йилга тўғри келсин. Масалан, она шаҳридан ташқарига чиқиш имконияти бўлмаган одам олам ҳақида, дунё тўғрисида уни йиллаб кезиб чиққандек, ҳаммасини ўз кўзи билан кўриб, ушлаб чиққандек тасаввурга эга бўлсин. Бунга фақат ва фақат китоб ёрдамида эришиш мумкин.

Мен тахминан 70 йилдан бери китоб ўқийман. Бунинг оқибатида менинг тасаввурларим юқорида ўзим айтган даражада кенгайган, умрим мазмуни мен истагандай бойиган, деб айта олмайман. Бироқ мен шунга интилиб яшадим ва бу йўлда эришган ютуқларимдан норози эмасман. Шунинг учун бугун ёшларга, талабаларимга, невараларимга қараб «Китоб ўқинг! Китоб ўқинг! Китоб ўқинг!» дея хитоб қилишдан чарчамайман. Лекин афсуски, бу хитобим кўпинча жавобсиз, акс садосиз қолади. Китоб ўқийдиганлар сони йил сайин камайиб боряпти.

Масалан, бундан 20–30 йиллар аввал ўртамиёна бирор роман 20–30 минг нусхада босилар ва тез тарқаб кетар эди. Камдан-кам ҳолларда босиладиган китобларнинг тиражи 60 ёки 75 мингга етарди. Фақат бир-икки ҳолдагина (масалан, Умар Хайём рубоийлари) 2 миллион нусхада босилганди. Ўша пайтларда биз собиқ тузум халқи дунёдаги энг саводхон халқ, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам дунёда энг кўп ўқийдиган халқлар сирасига киради, деб мақтанар эдик. Бироқ амалда бу гап унча тўғри эмас эди. Шундай бир рақам келтираман. Агар ўшанда халқимизнинг умумий сони 20 миллион кишини ташкил қилса, ҳар бир китоб, боринг ана 50000 нусхада тарқалса, бу умумий аҳолининг 0,25 фоизини ташкил қилади. Албатта, бу рақам (ҳатто бир фоиз ҳам эмас!) бирон Африка давлатидан ёхуд Афғонистонникидан кўп, дея ўзимизга тасалли беришимиз мумкин. Лекин унинг ҳаддан ташқари кам экани ўз-ўзидан аён кўриниб турибди. Энди ҳозирги даврни олсак, китоб ўқийдиганлар сони бундан-да камайиб кетаётганини айтадиган бўлсак, уни мустақиллик йилларининг маданий-маънавий кўрсаткичи, деб аташга тил бормайди.

Агар миллатнинг савияси, ақлий-интеллектуал салоҳияти китоб ўқиш билан боғлиқ бўлса, бу масалада жамиятнинг бугунги аҳволи ғоятда ачинарлидир. Китоб босиш, уни тарқатиш, китоб ўқиш соҳасида зудлик билан тезкор чоралар кўрилмаса, тез орада интеллектуал қашшоқланиш жараёни ўнгланилмас тус олиши мумкин. Айрим ёшларнинг бу соҳадаги эпизодик муваффақиятларига алданмаслик керак. Айрим ёшлар ўртасида китоб ўқиш бобида ғоятда бир томонлама қарашлар ҳукм суради. Бу фикрларга кўра,

бугун ёшларга ўқиш учун янги китоблар йўқ, ёзувчилар янги асарлар ёзиб бермаётирлар. Иккинчидан, телевизордай қулай восита турганда китоб ўқиб, вақтини беҳуда ўтказишнинг нима кераги бор? Баъзи бир тадбиркорга ўхшаганроқ одамлар ўртасида бундан ҳам бешбаттарроқ қарашлар юради. Уларнинг фикрича, ёнингда пулинг бўлса бас, сенга керак билим эгасини ҳамма вақт сотиб оласан. Бундай қарашлар китоб ўқишга эринадиган ўта ялқов одамларнинг ахволи, руҳиятини акс эттиради. Бундай одамлар китоб деганда фақат бугунги ўзбек адабиётини тушунади, шекилли. Ҳолбуки, биз китоб ўқиш тўғрисида гапирганда, умуман, жаҳон адабиётини назарда тутамиз.

Яна бир муҳим масала: фақат битта адабиёт билан чекланиб қолинса, бошқа халқларнинг адабиётига мурожаат қилинмаса, одам ўз дунёсини ғоятда кемтик ва ғариб қилиб қўяди. Шу ўринда, китоб ўқиш телевизор кўришга қараганда бекиёс муҳим экани тўғрисида Нобель мукофотининг лауреати, бутун дунё микёсида китобнинг оташин тарғиботчиси Ҳерман Ҳессенинг фикрини айтиб ўтаман: унинг айтишича, китобнинг телевидениедан афзаллиги шундаки, истаган вақтда китобни ёпиб, ўқиган нарсанг тўғрисида ўйлаб кўриш ёки баҳслашиш мумкин. Бу эса китоб орқали қабул қилинадиган билимлар ва ахборотларни янада чуқур ўзлаштириш имконини беради. *(Ҳерман Ҳессенинг бу борадаги фикрлари билан мазкур тўпламдан ўрин олган мақоласида тўлиқ танишишингиз мумкин – муҳ.)*

Хуллас, китоб ўқишни истамаган ёки эринган одам ўзини оқлаш учун истаган миқдорда бўлар-бўлмас баҳоналар топиши мумкин. Ўзини ҳақиқий зиёли деб ҳисоблайдиган, тафаккур нури орқали миллатнинг қалби ва йўлини ёритишни мақсад қилиб олган одам китоб ўқишни ўз фаолиятининг энг зарурий қисми, деб ҳисоблайди. Бунда унинг учун китобнинг нархи, топилиш-топилмаслиги, қайси тилда ёзилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас.

Мен шу пайтгача китоб ҳақида ёзган мақолаларим ёнига яна биттасини тиркаш учун жаҳд қилган эканман, бу гал менинг тақдиримда ҳал қилувчи роль ўйнаган бир қатор китоблар ҳақида батафсилроқ гапирмоқчиман. Эҳтимол, менинг тажрибам фарзандларимга, набираларимга, шогирдларимга ва умуман, бугунги ёшларимизга ибратли сабоқ бўлса. Шоядки, китоб яна жамиятда ўзига муносиб ўрин эгалласа ва инсофли, диёнатли, виждонли жамият қуришимизга, Президентимиз айтганидек, Ватанимиз-



нинг буюк келажагини таъминлашга ёрдам берса. Ҳарҳолда, китоб кўнгилларга нур бўлади, инсоннинг ич-ичидаги инсонийлиги тезроқ уйғонади.

Мен, аввалги бир мақоламда эслаганимдек, китоб ўқишни жуда эрта бошлаганман. Биринчи ўқиган асарим арман ёзувчиси Ованес Туманяннинг «Гикор» деган ҳикояси бўлган. Адашмасам, уни тўртинчи ёки бешинчи синфнинг ўқиш китобидан ўқиган эдим. Ҳикоя жуда мунгли эди. Гикор етимча, у этикдўзга шогирдлик қилади. Ёш боланинг ҳаёти шунақа оғир кечадики, ўзим тенги бу бола чеккан азобларни кўриб, раҳминг келмасдан бошқа иложинг йўқ. Уни бўлар-бўлмас баҳона билан уриб-сўкишади, оғир уй ишларини буюришади. Оиладаги ёш болаларга қарайди, битган этикларни буюртмачиникига олиб боради. Хуллас, бола бечоранинг бош қашлашга вақти йўқ. Овқатни ҳам чала-ярим ейди, ҳамиша чалақурсоқ бўлиб юради. Гикор менга тенгкур эди, ўзимнинг акам ёки укамдек ачиниб кетдим. Анча вақтгача ҳикоядан таъсирланиб юрдим.

Кейин шунақа ҳикоялар босиладиган китобларни қидира бошладим. Кўп ўтмасдан қўлимга 30-йилларнинг биринчи ярмида босилган жигарранг муқовали китоб тушди. Муқовада ёғочдан ясалган ўйинчоқ қилич ушлаган боланинг сурати бор эди. Бу – Америка ёзувчиси Марк Твеннинг «Том Сойернинг саргузаштлари» деган романи эди. Яқинда ўзбек тилига таржима қилинган экан. Кейин китоб яна икки марта нашр қилинди. Бу ўринда таржимон Пирназаровнинг хизматларини икки оғиз бўлса-да, таъкидлаб ўтиш лозим. Афсуски, мен у одам билан таниш эмасман. Унинг тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасман. Лекин унинг таржимасида Марк Твеннинг романи ўн минглаб ўзбек китобхонларига жуда тансиқ совға бўлган эди. Роман чиндан ҳам жуда юксак савияда ёзилганди. Том Сойер – океан ортидаги Американинг овлоқ вилоятларидан бирида, Миссисипи дарёсининг бўйларида яшайдиган бир ўсмир. У ўзининг рисоладаги тенгқурларидан фарқ қилади. У билан солиштирганда, одоб даражасидан чиқмайдиган, хушахлоқ, катталар чизиб берган йўлйўриққа амал қиладиган тенгкурлари жуда сийқа ва зерикарли кўринади. Том жуда шўх, ерга урса кўкка сапчийдиган, шу билан бирга, ўта топқир, ҳаракатчан бола. Роман иштирокчиларидан бири уни келажакда Америка президенти бўлади, деб башорат қилади. Бу башорат қай даражада рўёбга чиқиш-чиқмаслигини айтиш қийин-у, лекин унда лидерлик хусусияти бор – у ҳамиша

қалтис ва ҳатто хавфли ишларни бошлаб юради, мураккаб вазиятлардан қутулиш йўлларини топади. Масалан, девор оқлашдек зерикарли ишни ўзи учун мароқли ва фойдали ўйинга айлантиради, ғорда адашиб қолишганда Беккини қутқариб олиб чиқади. Топқирлик билан иш юритиб, ҳинди Жоннинг хазинасини топади ва ҳоказо. Буларни ўқир экансиз, улар сизга ҳам жуда яқин, мароқли кўринади. Бу образ шу қадар самимий яратилганки, кўп ўтмай, у сизнинг жон қадрдон дўстингиздек туюлиб қолади. Сиз унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини мароқ билан кузата бошлайсиз.

«Том Сойер» болаларга аталган – унинг қаҳрамони 12–13 ёшда ва китоб ҳам худди шу ёшдаги болаларга мўлжалланган. Лекин болалар адабиётининг бадиий юксак асарларини нафақат болалар, балки катталар ҳам зўр қизиқиш билан ўқийди. Бунинг асосий сабаби, китобнинг том маънодаги ҳаётийлигида. Унда бирон эпизод йўққи, у ўзининг сунъийлиги билан сизнинг ғашингизга тегсин. Ўқиш жараёнида ўзбек китобхони Том Сойернинг америкалик эканини пакқос унутиб юборади. Китобхон умуман миллатни хаёлига ҳам келтирмайди – чиндан ҳам Том Сойер бутун жаҳондаги ҳаётни безаб, ҳамма қитъаларда бир хил сифатларга эга бўладиган болалар миллатига мансубдир.

Ўша кезларда Марк Твеннинг яна бир романи ўзбек тилига таржима қилинган эди. Бу «Геклберри Финнинг саргузаштлари» бўлиб, у Том Сойернинг давомидай кўринади. Уларда муштарак қаҳрамонлар бор – Гек Том Сойернинг ўртоғи. Улар биргаликда яна ўша мураккаб ва баъзан хатарли саргузаштларини давом эттирадилар. Гек Томдай топқир бўлмаса-да, лекин ундан ортиқроқ даражада эркинликни севадиган бола. Буюк адиб бу асарида ҳам турли қонун-қоидаларга қаттиқ амал қилиб, инсон шахсини, эркини бўғадиган мунофиқона ҳаёт тарзини, риёкорликни қаттиқ танқид қилади. Унга сохта одобliликдан кўра, ўйлаб топилган саргузаштлар ардоқли. Бу ўринда, Том ва Гекнинг дарё бўйлаб жанубга сузишар экан, Жим деган негрни қочқин қул деб кўрсатишлари эътиборга лойиқ. У аллақачон озодликка чиққан бўлса-да, буни Жимнинг ўзи асар охирида билиб олади. Бу романда нафақат «кўча боласи» Гек, балки кечаги қул Жим ҳам меҳрибон ва эзгу одамлар сифатида кўрсатилган. Ўтган аср, яъни XIX аср охирларида ирқчилик қарашлари кучли бўлган бир шароитда Марк Твеннинг тутган мавқеи чин маънода гуманистик характерда эди. Ҳеч шубҳа йўққи, бу икки роман ёшларни олижаноблик руҳида тарбиялашда, инсондаги самимийликни кўрсатишда жуда муҳим ўрин тутади.



Албатта, Марк Твеннинг бу икки асарини ҳар қанча мақтаса оз – улар жаҳон болалар адабиётининг дурдона намуналари бўлган эди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолади. Лекин гап бошқа ёқда: қандай қилиб мен 11–12 ёшга кирганимда айни шу китобларга рўпара келдим. Эҳтимол, уларнинг ўрнида китобхонлик йўлига қадам қўйганимнинг илк фурсатларида бошқа бирон ўртамиёна, саёз, зерикарли асарга рўпара келганимда, уларни охиригача ўқиб чиққунча сиқилиб, хуноб бўлиб, ёрилиб кетай деганимда, китоб ўқишни умуман йиғиштириб қўйган бўлармидим. Афтидан, ёш китобхон учун ҳақиқий санъат намуналарига дуч келиш ғоятда муҳим бўлса керак. Бу ўринда катталарнинг ва айниқса, ўқитувчиларнинг ёшларга ўз вақтида ёрдамга келиши, маслаҳатлари билан уларни тўғри йўлга солиб юриши ғоятда муҳимдир.

Хуллас, мен Марк Твенни бир умрга севиб қолдим – унинг каттакон боши, ҳурпайган сочлари, қалин мўйлови, лабидан тушмайдиган трубкаси, ақл-идрок нурларини таратиб турадиган кўзлари юрагимга муҳрланиб қолди. Назаримда, 40-йилларда Марк Твеннинг бошқа асарларини топиш амри маҳол эди. Уруш тугаганидан кейин унинг танланган асарлари ҳам, бошқа китоблари ҳам кенг чоп этила бошлади. Бизнинг уйда адибнинг 12 жилдлик танланган асарлари бор, мен йиллар давомида уларни тез-тез қайта варақлаб тураман.

Айтмоқ кераккки, адибнинг «Янки қирол Артур саройида» деган романи, «Шаҳзода ва гадо» асарлари жуда юксак фазилатларга эга бўлиб, улар ўрта асрлардаги Оврўпа ҳаёти тўғрисида, бугунги куннинг удумлардан фарқи ҳақида чуқур маълумотлар беради.

Марк Твен – ҳаётсевар, қувноқ, юмор туйғуси кучли ёзувчи. Бу, айниқса, унинг юмористик ҳикояларида аниқ кўринади. Американинг кичик шаҳарларидан бирида ўзига хос характерга эга бўлган бир одам бўлган экан. У, ким билан бўлмасин, гаров ўйнамаса туролмас экан. Масалан, деворда иккита мусича турган бўлса, қайси бири олдин учади, деб ҳам гаров ўйнай берар экан. Лекин унинг энг севган гарови ҳам бор экан. Бу – унинг қурбақаси бўлиб, ўша атрофдаги қурбақалар ичида энг узоққа сакраши билан шуҳрат топган экан. Қурбақасининг бу хусусиятини билган юртдошлари у билан гаров ўйнашдан кескин бош тортишибди. Энди у вазиятни билмайдиган бирор келгинди одамни кутадиган бўлиб қолибди. Кунлардан бирида шундай одам рўпара ҳам келибди. «Қурбақаларимизни сакратиб, гаров ўйнаймиз» деган таклифга

у «менда қурбақа йўқ-да» деб жавоб берибди. Ютишига астойдил ишонган гаровпараст: «Бўлмаса, менинг қурбақамни пойлаб туринг, мен ботқоқдан сизга қурбақа олиб келиб бераман» дебди. Айтганидай, кўп ўтмай ботқоқдан қурбақа ҳам олиб келибди. Каттагина пул қўйиб, мусобақани бошлашибди. Бироқ не кўз билан кўрсинки, ҳар қанча туртмасин, унинг чемпион қурбақаси сакрамабди. Меҳмон ютибди ва пулни олиб жўнаб қолибди. Ютқазган мезбон нима қилишини билмай, қурбақасининг оёғидан ушлаб кетаётган экан, унинг оғзидан бир ҳовуч қўрғошин ўқлар тушибди. Келган меҳмон ҳам анойи эмас экан...

Марк Твенда бундай қувноқ ҳикоялар ҳам кўп. Хуллас, Том Сойер менга бу буюк ёзувчининг бадиий дунёсига чуқурроқ кириш имконини берди.

*2004 йил 19 ноябрь*

Тахминан 41–42-йилларга келиб мен ўқийдиган китоблар сафи ўзбек халқ достонлари ҳисобига кенгайди. Билмайман, ўша кезларда Алпомиш, Гўрўғли, Авазхон каби фольклор қаҳрамонларининг номи қаердандир қулоғимга чалиниб қолди. Гўрўғли ҳақидаги туркум достонлар қирқтадан ошиқ экан, деган гапни эшитиб ҳайратланганим эсимда – қирқ достондан иборат асарни тасаввур қилолмай, анча қийналгандим. Кейин бизнинг нашриётларимиз бирин-кетин ўша достонларни чиқара бошлади. Уларнинг бир қисми лотин ёзувида, яна бир қисми янги қабул қилинган кириллча ёзувда босилди. Мен бувимнинг у ёғидан ўгирилиб, бу ёғидан ўгирилиб, анча пулини олдим ва ўша китобларни харид қилдим. Булар «Гўрўғлининг туғилиши», «Маликаи айёр», «Қундуз билан Юлдуз», «Авазхон ва Зулфизар», «Балогардон», «Равшан», «Хуш гелди», «Ширин билан Шакар», «Дали» каби достонлар эди.

Улар билан танишишга фақат мен эмас, бувим ҳам қизиқиб қолган эди. Мен ҳар куни овоз чиқариб ўқиб берар, кейин бувим иккимиз ўқиганларни муҳокама қилар эдик. Бир куни марказий китоб магазинида туркман тилидаги «Гўрўғли»ни кўриб қолдим. У шу пайтгача кўрганларим ичида энг каттаси эди. Туркманларда бу китоб Гўрўғлининг туғилиши билан бошланиб, вафоти билан тамом бўлар экан. Ҳаммаси бўлиб ўн икки достон кирар экан ва ҳаммаси битта китоб қилиб босилган экан. У ёқ-бу ёғини варақлаб кўрсам, матнга тишим ўтадиган. Пулини сўрасам жуда қиммат – йигирма сўм экан. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, мунғайиб чиқиб кетаётсам, сотувчи менга кўзи тушиб сўз қотди: «Қиммат деяпсанми? Унақа дема. Китоб ҳеч қачон қиммат бўлмайди. Бу китоб ҳозир 20 сўм бўлса, яна 10–15 йилдан кейин ўз-ўзидан нархи оша беради».



Хуллас, олдим. Жуда яхши китоб экан. Дарҳақиқат, мана, ўша китобнинг уйга келганига 60 йилдан ошди. Бугун китобнинг қиммати чиндан ҳам  кўпайса кўпайдики, тушгани йўқ. Ҳозир у топилмайдиган ноёб китоблар сирасига киради. Ўша йили нима сабабдандир китоб дўконига анча-мунча туркманча китоблар келиб қолган эди. Улар қаторида Мулла Нафаснинг «Зуҳра ва Тоҳир» достони ва Каминанинг асарлари ҳам бор эди. У пайтларда «Тоҳир ва Зуҳра» эртаги оғзаки айтилиб юрса-да, китоб ҳолида чоп этилмаган эди. Илк марта бу қиссанинг тўла матни билан туркман тилида танишган эдим. Каминанинг лирик ва ҳажвий шеърларини ўқиб, унинг катта шоир эканига амин бўлдим. Бундан ташқари, унинг тўғрисидаги ажойиб латифалар ўзбекларнинг латифаларини эслатар эди. Бундай латифалар мароқ билан ўқилади ва улар кишини топқирликка, зукколикка ўргатади.

Шу ўринда, ўша 40-йилларнинг бошида босиб чиқарилган бир китобчани ҳам тилга олмай ўта олмайман. Бу китоб олти китобчадан иборат бўлиб, тузувчи – қўқонлик адабиётшунос Шариф Риза Насриддин афанди ҳақидаги латифаларни чоп эттирган. Бу олтита юпқа китобча ўқилавериб титилиб кетган, лекин ҳозиргача қўлимдан тушмайди – у уйимиздаги энг севимли китоблардан. Мен бу китоблардан кулишни ўргандим, ҳаётдаги жиддий ҳодисаларнинг замиридаги кулгини пайқашни ўргандим. Турли қийинчиликлар ва мушкулотларга подшо Сулаймон каби «Ин ҳам гузарат» деган қарашдан келиб чиқадиган бўлдим.

Энди достонларимизга қайтсак. Мен айни ёшлик йилларимда уларга рўпара келганимдан, улар орқали она тилимизнинг гўзалликларини кашф қилганимдан ғоят мамнунман. Фақат бу эмас, Гўрўғли туркумига кирадиган достонлар турли саргузаштларга бой, сирли воқеалар бир-бирини алмаштириб туради. Уларда тасвирланган қаҳрамонлар довюрак, дадил, адолатли, ҳақиқатгўй одамлар. Улардан хоҳласанг-хоҳламасанг, олижанобликни ўрганасан, инсоф ва диёнатни, шижоатни ўрганасан.

Достонлардаги шеърий парчаларни айтмайсизми. Улар бирбиридан гўзал, улардаги ўхшатишлар, муболағалар ва тилдаги бошқа приёмлар жуда нозик дид билан қўлланилган: «От боради

ариллаб, Отган ўқдай вариллаб» ёки «От чопса гумбурлар тоғнинг дараси», яна «Тўқсон кулоч эди унинг ҳассаси, Сарҳовуздан катта эди косаси»...

Тўғри, мен кейинчалик фольклоршунос бўлиб кетганим йўқ, фольклор асарлари тўғрисида мақолалар ёзмадим, лекин бошқа мақолаларимда фольклор образларидан, мақоллардан, бошқа ҳар хил иборалардан кенг фойдаланганман. Улар маърузаларимни ҳам ва ҳатто кундалик нутқимни ҳам безайди. Билмадим, агар мен болалигимда фольклор асарларига рўпара келмаганимда, уларни умр бўйи севиб қолмаганимда, нутқим, ёзма услубим қанчалик қашшоқ ва ғариб бўларди. Бу буюк хазина бутун умрим давомида менга беқиёс кўмак бериб келмоқда.

1942 йилдан бошлаб менинг руҳий оламимни француз адабиёти намуналари забт эта бошлади. Бунга қаршилик кўрсатишнинг ҳеч қанақа имкони йўқ эди. Ғоятда нафис, турфа хил рангларга, нозик кузатишларга бой бўлган француз адабиёти ҳар қандай одамни маҳлиё этар эди. Шунинг учун унинг иродасига бўйсундим. Яъни, француз адабиёти намуналарини ўқий бошладим. Менга рўпара келган асарлар мазмунининг теранлиги, таъсир кучининг зўрлиги билан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳозирга қадар дўконга чиққан ҳар бир янги французча асарни харид қилишга ҳаракат қиламан. Далиллар учун мисол келтираман. Анатоль Франс деган ёзувчи ўтган. Унинг «Кренкебиль» деган қиссаси ҳануз ёдимда.

Кренкебиль – қашшоқ, бечораҳол, мискин бир одам. Унинг устидаги бир сидра кийимидан бошқа эгнига иладиган ҳеч вақоси йўқ. Унинг бола-чақаси ҳам йўқ, яккабош. Тўғри келган жойда ётиб, тунаб кетаверади. У ёғоч аравачасини кўчама-кўча тарақлатиб судраб, одамларни кўкат сотиб олишга даъват қилади. Унинг дунё ташвишлари билан иши йўқ, газета ўқимайди, китоб кўрмайди. Фақат бир кунлик тирикчилигини кўтарадиган кўкат сотса бўлгани – ўша куни ундан бахтиёр одам йўқ – аллақандай қувноқ қўшиғини хиргойи қилиб, ҳаммага табассум ҳадя қилишни канда қилмай юраверади. Лекин бир куни тасодифан – бунақа ишлар аслида ҳам тасодифан юз беради – Кренкебиль тошга қоқилиб тушади ва французча қабилда «тфу, сигир!» деб сўкинади. Аксига олиб, шу ўртада полициячи турган экан. Францияда ўша пайтларда полициячиларнинг ҳақоратомуз лақаби «сигир» экан. Полициячи «мени масхара қилаяпти» деб Кренкебилни участкага олиб кетади. Шўрлик бунақа қилиш хаёлида ҳам йўқлигини айтиб, ўзини оқлолмайди.



Хуллас, уни бир неча ойга қамашади. У турмадан чиққанида қиш бошланиб қолган эди. Аввалига бир неча кун озодлик гаштини суради. Аммо совуқ кучайиб, кечалари тунаб қоладиган жойи бўлмай совуқнинг азобини тортгандан кейин турманинг қадрига ета бошлайди: иссиқ жой, овқати тайёр – Кренкебилга бундан бошқа яна нима керак? У турмага қайтиш йўлини ўйлай бошлайди. Аммо буни қарангки, у жамиятда турмага ҳам осонликча тушиб бўлмас экан. Кренкебиль бир неча марта полициячиларнинг ёнига бориб, аввал пастроқ овозда, кейин овозини баралла кўтариб: «Сигир, сигир!» деб сўкинади. Лекин полициячилар олдиларига солиб қувлаб юборади, холос. Шўрлик Кренкебиль қиличини яланғочлаган қаҳратон совуқ билан юзма-юз қолади...

Мен 13–14 ёшларимда француз адабиётидан биринчи ўқиган ва мени умрбод француз адабиётига мубтало қилган асар Жюль Верннинг «Сирли орол» деган романи эди. Адашмасам, бу – Жюль Верннинг ўзбек тилига таржима қилинган биринчи асари бўлса керак. Унинг бошқа баъзи бир асарлари урушдан кейингина таржима қилинди. «Сирли орол» ҳажман кичкина асар бўлиб, лекин мазмунан теран, унда қаҳрамон қилиб олинган одамлар мард, матонатли, ҳар қандай қийин вазиятда йўлини йўқотмайдиган, хатарларни писанд қилмайдиган олижаноб кишилар эди.

Америкадаги Шимол ва Жануб уруши вақтида инженер Смит бошчилигидаги тўрт киши жанубликлар қўлига асир тушиб қолишади ва душман ўзи учун тайёрлаб қўйган ҳаво шарида қочишади. Ҳаво шарида учар эканлар, улар кўпгина қийинчиликларга йўлиқишади: ҳаво шарининг юки оғирлик қилиб, у сувга қулай дейди – денгиз қутуриб, уларни ютаман дейди. Шу аҳволда улар зўрға бир оролга етиб олишади. Бу орол катта кемалар йўлидан четда жойлашган, кимсасиз орол экан. Беш киши инженер Смит бошчилигида бу ерда ҳаётларини нолдан бошлашади ва кўплаб табиий қийинчиликларни енгиб, хавфхатарларга чап бериб, оролда тураржой қуриб олишади. Ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилиш учун қуроллар ясашади ва ҳатто икки-уч йилда тасодифан қай бирларининг чўнтагида сақланиб қолган бир дона буғдойдан катта бир буғдойзор ҳосил қилиб, унинг нонини ея бошлашади.

Қизиғи шундаки, улар кимсасиз оролда бир неча йил туришса-да, бирор марта нолишмайди, бирор дақиқа тушкунликка берилмайди. Оқиллик ва аҳиллик билан иш юритиб, беш киши баҳамжиҳат яшайдиган бинойидек жамият қуриб олишади. Ха-

тарли вазиятларни енгиб чиққан бу матонатли одамларни яхши кўриб қолишдан ўзга иложинг қолмайди. Уларни ўзингга ўрнак қилиб олгинг, уларга ўхшашга ҳаракат қилгинг келади. Эҳтимол, улғайганингда бу туйғу ўзгарар, бошқача тусга кирар, лекин улғайгунингча бир неча йиллар мобайнида бу олижаноб истак бадан-баданларингга витаминдек сингиб боради ва сен шу идеалингга мослашишга ҳаракат қиласан. Шу тарзда бу идеал, тўла бўлмаса-да, қай бир тарзда қалбингга сингиб, улғайганингда ҳам бот-бот сени ўз измига солиб туради. Бадиий адабиётнинг қудрати ҳам шунда – бирор яхши асарнинг сеҳрига тушган китобхон умрининг охиригача қарамликдан бутунлай қутулиб кета олмайди. Қарамлик – кўп ҳам мақталадиган нарса эмас, лекин адабиётга қарамлик қарамликлар ичида энг ёмони ҳам эмас.

«Сирли орол»нинг кучи яна шунда билиндики, мен уни ёзган адибнинг қанақа одамлигини билгим келиб қолди. Унинг бошқа асарларини қидиришга киришдим. Афсуски, у пайтларда унинг бошқа асарлари ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган экан. Китоб дўконларида унинг «Бачагони Капитан Грант» деган икки жилдли романи бор экан. У тожик тилида эди. Лекин ўтган асрда ишланган жуда яхши суратлар билан чоп этилган эди. Китобни сотиб олдим, варақлаб, тахминан гап нимада эканини билиб олдим.

Бу гал адиб ҳалокатдан қутулиб қолган 3–4 кишининг Австралия қитъасини кесиб ўтганини тасвирлайди. Бу саёҳат ҳам хавф-хатарларга ва саргузаштларга тўла бўлиши билан бирга, Австралия қитъаси тўғрисида мукаммал маълумот беради. Лекин бу китобдан кўнглим тўлмади, чунки тожик тилига тишим ўтмасди. Ҳар қанча таталамай, унинг маъносига етолмадим, ичим куйганича қолаверди. Кейин секин-аста Жюль Вернниниг кимлигини бир оз бўлса-да, билиб олдим. У жуда сермаҳсул ёзувчи экан – умрининг охиригача олтмиштадан ортиқ роман ёзган экан. Бу одам адабиётда илмий фантастика жанрига асос солибди: ўша пайтда, яъни XIX асрда илмда уч бериб турган илмий муаммолардан кўпчилигини олиб, уларнинг келгусида қандай самаралар беришини кўрсатибди. Унинг бир қанча романида ойга саёҳат, космосга учиш тўғрисида гап кетади. Унинг романидаги космик кемалар фазода вазифаларини бажариб, ерга қайтишди.

Шу ўринда қизиқ бир тафсилотни ҳам эслаб ўтай: буни Жюль Верн ижодини обдан текширган адабиётшунос Андреев аниқ кўрсатган: Жюль Верннинг космик кемалари Тинч океандаги



ороллардан бири ёнига қўнади. Буни қарангки, ҳозирги Америка кемалари ҳам шу орол яқинидаги Жюль Верн белгилаб берган ерга қўнар экан. Кўринадики, назаркарда адиб, хаёлотининг кучи билан, ўтган аср ўрталарида бугунги кемалар қўниши лозим бўлган жойларни аниқ айтиб берган. Ҳолбуки, Жюль Верн физик ёки химик бўлмаган, у геолог ёки географ ҳам бўлмаган, лекин шундоқ бўлса-да, турли илмий муаммоларни шу қадар яхши билганки, бунинг натижасида уларнинг ривожланиш истиқболларини жуда ойдин кўра олган.

Унинг асарларидаги воқеалар дунёнинг ҳамма қитъаларида, ер остида, ер устида, денгизда ва сувда содир бўлади. Лекин бу одамнинг ўзи бирор марта дунёнинг бирор бурчига саёҳат қилгани маълум эмас. Унинг энг катта саёҳати шундан иборат бўлганки, у ўзининг яхтасида Ўрта ер денгизининг соҳилга яқин жойларида сайр қилган, холос. Романларида ҳикоя қилинган воқеаларнинг ҳаммасини ўз ичидан тўқиб чиқарган, яъни хаёлотининг кучи билан яратган. Ўша кезларда, айтганимдек, фақат «Сирли орол»гина ўзбек тилига таржима қилинган бўлиб, «Из пушки на луну», «80 тысяч километров под водой», «Север против юга», «Пятьнадцатилетний капитан» каби жозибадор номлар билан аталган асарлари рус тилига таржима қилинган экан. Бир ўртоғим китобларни рус тилида ўқишни маслаҳат берди. Аввалига қийин бўлди. Ҳижжалаб, таталаб ўқир эдим-у, лекин барибир ҳеч нарса тушунмас эдим. Чидам билан 15–20 саҳифани шу тарзда ўқийвердим. Ниҳоят, матн ичидан қандайдир яхлит нарсалар кўрина бошлади. Айниқса, китобдаги расмлар ёрдамида гап нима тўғрисида бораётганини англай бошладим. Ҳадемай, рус тилидаги китобларни бемалолроқ ўқишга киришдим.

«Ўн беш ёшли капитан» Жюль Верннинг энг яхши асарларидан биридир. Вазият тақозоси билан 15 ёшли Дик Сент кемага бошлиқ бўлиб қолади ва ундаги йўловчиларни Жанубий Америка соҳилларидаги бир манзилга етказиши керак. Йўл жуда хатарли – бўронлар, денгиз оқимлари, сув ости тошлари. Бунинг устига Дик кемани бошқаришни яхши билмайди. Бироқ бу қийинчиликлар бошқа бир мушкулот олдида арзимаган нарса бўлиб қолади. Муғамбирлик билан кемага чиқиб олган Негоро деган одам кема компасини бузиб қўяди. Шунинг оқибатида улар Жанубий Американи орқада қолдириб, Африка соҳилларига келиб қолади. Бу ерда Негоро кемадагиларнинг ҳаммасини қул қилиб сотиб юборишни мўлжаллайди. Улар билан Негоро ўртасида ҳаёт-мамот

кураши бошланади. Бу орада кема аҳли пиёда Африка қитъасини кесиб ўтишга отланади. Шу баҳонада ёзувчи Африканинг табиатини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, кўллару дарёларини, маҳаллий қабилаларнинг яшаш шароитини батафсил кўрсатади. Пировардида, адолат тантана қилади. 15 ёшли капитан ва оила аъзолари бошидан кечирган саргузаштларни 15 ёшли китобхон юраги ҳаприқиб, ҳаяжон билан ўқийди.

*2004 йил 26 ноябрь*

Мен ёшлик чоғларимда бошимни кўтармай ўқиган бу китобларимнинг ҳаммасини бошдан-оёқ айтиб беришим мумкин. Лекин ҳозир ёшлигимдаги китобхонлигим тўғрисида ҳисоб бермоқчи эмасман. Бундай ҳисобот бир неча юз саҳифани ташкил қилган бўлур эди. Мен бугунги ёшлар учун фақат бир нарсани таъкидламоқчиман. Шуни билингларки, масалан, Жюль Верннинг китоблари бугун ҳам заррача эскиргани йўқ – бугун ҳам сиз уларнинг саҳифаларини очсангиз, ҳам бир олам завқ оласиз, ҳам дунё ҳақидаги тасаввурларингиз кенгаяди. Бу ўлмас асарлар бугун ҳам сизга мунтазир.

Яна иккита ёзувчини тилга олмай ўтолмайман. Буларнинг бири – Александр Дюма. Негадир, ҳозирги айрим адабиётшунослар Дюмага менсимайроқ қарашади, унинг асарларини ўртамиёна асарлар қаторига қўшишга ҳаракат қилишади…

Дюма жуда кўп асар ёзган. Эҳтимол, унинг ҳамма роман ва қиссалари ҳам бирдай юксак фазилатларга эга эмасдир. Аммо, «Граф Монте Кристо», «Уч мушкетчи», «Йигирма йил ўтгандан сўнг», «Ўн йил ўтгандан сўнг», «Графиня де Монсоро» каби асарлари борки, улар яратилган давридан бери ҳамма қитъаларда миллионлаб китобхонларнинг кўнглини олиб келмоқда.

Мен ҳам улар қатори ёшлигимдан бери ёзувчи асарларини ва, айниқса, «Граф Монте Кристо»ни қайта-қайта ўқиганман. Асарнинг ҳажми жуда катта, лекин бирор ўринда зерикиб қолмайсиз, бирор саҳифасини қолдириб кетиш хаёлингизга келмайди. Бунинг устига унинг қаҳрамони Эдмон Дантес ҳаддан ташқари олижаноб – у ёвузликка қақшатқич зарба беради ва енгилмас сиймо сифатида кўринади. У ҳар қадамида одамлар ўртасидаги адолатни қарор топтиришга ҳаракат қилади ва бу йўлдаги курашида ҳамма машаққатларга қарамай ғалаба қозонади. Китоб ўқувчида ҳаётда адолат ва яхшилик ғалаба қозонишига ишонч руҳини тарбиялайди.



Французларнинг атоқли ёзувчиси Виктор Гюго асарлари одамларни маънавий тарбиялашда жуда катта роль ўйнаган ва ҳозир ҳам шу миссияни давом эттирмоқда. Унинг «Денгиз заҳматкашлари» романи ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ ўзбек тилига таржима қилинган ва лотин ёзувида нашр этилган эди. Мен бу китобни уруш йиллари ўқиган эдим ва унда тасвирланган Дерушетта деган қизни севиб қолган Жиллиатнинг одамгарчилигидан, беғаразлигидан завқланган эдим. Дерушетта йигитга қайрилиб ҳам қарамайди. Дерушетта отасининг кемаси ҳалокатга учраб, қоя тошлар орасида сиқилиб қолади. Жиллиат ёлғиз ўзи кемани бу асоратдан қутқариб олади. У ҳатто денгиз тубидаги саккизоёқ билан ҳаёт-мамот жангига киришиб, бир ўлимдан қолади. Аммо жавобсиз муҳаббат, одамларнинг лоқайдлиги, ноҳақ камситилишлар уни ҳалок қилади. У қоятош устида ўтириб, ботаётган қуёш нурлари билан хайрлашиб, ўзини кўтарилаётган шиддатли оқим остига – ўлим чангалига ташлашга чоғлаётган пайтда Дерушетта қаллиғи билан кемада сафарга кетаётган бўлади. У бу гал ҳам Жиллиатга қайрилиб қарамайди...

Виктор Гюгонинг менга жуда қаттиқ таъсир қилган романи «Хўрланганлар» бўлган. Унда инсоний меҳр, ўзгаларга улашилган саховат хусусида гап боради.

Жан-Валжан болалигида нон ўғирлаб, қамалади. Қамоқдан бир неча марта қочишга уринганидан сўнг унинг муддатига муддат қўшилаверади. Пировардида, ноҳақ равишда уни ашаддий жиноятчига чиқариб қўйишади. Ниҳоят, кўп йиллардан сўнг у сургундан халос бўлади. Бироқ ёнида пули йўқ, оч, қашшоқ Жан-Валжан кўчама-кўча дарбадар юришга мажбур бўлади. Бир шаҳарчада яшайдиган, бутун умр одамларга меҳр кўрсатган, саховатли дин пешвоси дайдиб юрган Жан-Валжанни энг азиз меҳмондай қабул қилади, унга уйидаги якка-ю ягона дастурхонини ёзиб меҳмон қилади, ювилган, дазмолланган чойшабларни ёзиб жой солиб беради. Унинг олдидаги дастурхонга қимматли кумуш идишларини қўяди. Бу идишлар ҳам унинг бирдан-бир бойлиги эди. Жан-Валжан миннатдорчилик ўрнига бу идишларни ўғирлаб, тўрвасига солиб олади. Эртасига эрталаб, ҳали роҳибнинг уйидан узоқ кетиб улгурмасидан, полициячилар ундан шубҳаланиб ушлашади ва тўрвадан роҳибнинг кумуш идишларини топишади. Бу ўғирлик учун у янгидан қамалиши аниқ эди. Бунинг учун роҳиб унинг ўғирлик қилганини бир оғиз тасдиқласа кифоя эди. Полициячилар роҳибнинг уйига келиб, Жан-Валжан тўрвасидан

идишларини олиб кўрсатишади. Роҳибнинг меҳрибончилигига ўғирлик билан жавоб берган, тузини еб тузлуғига тупурган Жан-Валжан тақдирга тан бериб, қамоққа олиб кетишларини кутади. Шу пайт яна мўъжиза юз беради – роҳиб кумуш идишларни Жан-Валжаннинг олдига суриб қўйиб, «Бу буюмлар сизники, кеча мен уларни сизга тортиқ қилган эдим», дейди...

Бу олижаноблик Жан-Валжаннинг бутун ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборади, чунки у шу ёшга кириб, одам зотидан биринчи марта яхшилик кўриши, ширин гап эшитиши эди. Жан-Валжан бундан кейинги ҳаётини тўлалигича одамларга яхшилик қилишга бағишлайди. Бу Жан-Валжан ҳаётидан олинган кичкинагина бир эпизод, холос. Шундан кейин салкам 1000 бетли романда унинг яхшилик учун, адолат учун кураши жуда ёрқин тасвирланади.

Нафақат Гюго, Дюма, Жюль Верн, балки яна бошқа ўнлаб француз адибларининг китобларида маънога бениҳоя бой бундай ибратлар, панд-насиҳатлар кўкдаги юлдузлардай жимирлаб нур таратиб ётибди. Улардан фойдаланмаслик гуноҳи азим. Шундай неъматлардан фойдаланмасак, уволи тутмайдими?

* * *

Ҳа, француз адабиёти улуғ адабиёт. Қолаверса, фақат француз адабиёти эмас, бутун Оврўпа адабиётида ҳар бир одам ўзининг умрбод севимли асарига айлантириб олса арзийдиган асарлар кўп. Лекин яна бир миллий адабиёт борки, унинг жуда ажиб анъаналари мавжуд – рус давлатида қандай ҳаёт қарор топмасин, унда қанақадир илғор ғояларни кўра оладиган, теран инсоний мазмунга эга бўлган юксак бадиий фазилатли адабиёт мавжуд бўлади. А.М. Горький мақолаларидан бирида рус адабиётини «саволлар адабиёти» деб атаган эди. Бу адабиёт ҳаётдаги мураккабликларни акс эттиради-да, «Ким айбдор?» деган савол қўяди (Герценнинг машҳур асарига шама қилиняпти). Ёки ҳаёт зиддиятларидан қутулиш йўлларини тасвирлайди-да, «Нима қилмоқ керак?» деб савол қўйилади (Чернишевскийнинг шу номли романи назарда тутиляпти). Л.Н. Толстой, Ф.М. Достоевский, А.П. Чехов каби ёзувчиларнинг асарларида саволлар сарлавҳага чиқарилган бўлмаса-да, уларнинг мазмунида катта-катта муаммолар ўртага қўйилган. Бу адабиётда, хоҳ кичик жанрда бўлсин, хоҳ йирик жанрларда бўлсин, марказига кўпинча оддий инсон тақдири қўйилади-да, шу орқали китобхоннинг виждонига мурожаат қилинади. Бир қарашда арзимайдиган, майда масаладай кўринган



воқеалар тасвирга олинади-да, улардан жуда катта умумлашмалар чиқарилади. Бундай асарлар ҳар қандай одамни теварак-атрофдаги одамларга синчиклаброқ назар ташлашга ундайди. Халқ ғамидан ғамнок бўлишга даъват этади. Биргина мисол келтираман: бир кучук болани сувга чўктиришда қандай катта маъно бор? Тўғри, жониворларга шафқатсиз бўлиш ёмон. Лекин бундан бутун оламга татийдиган фожиа ясаб бўлармикин? Ажойиб ёзувчи Тургенев бу кичик ҳикояни том маънода умумбашарий муаммога айлантирган. «Муму»ни ўқиб юрган кезларимда ҳеч кимга билинтирмай мен ҳам йиғлаганман.

Ҳозиргача уни ларзага тушмай эслолмайман. Ҳозир ҳам Герасимнинг тунд қиёфаси, итоаткорлиги, бекасининг буйруғи билан энг севган яқини, энг вафодор дўстини сувга чўктириши, Мумунинг эса Герасимга ишониб, унинг бирон ёмонлик қилиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмай, ҳатто ғиштларни бўйнига бойлаб ўзини сув узра кўтарганда ҳам, хўжайинига мунчоқ кўзларидаги ёшини йилтиллатиб, мўлтираб турганларини ўқиганимда, ҳар қандай бағритош одам ҳам чидаб туролмаса керак, дея ўйлайман. Кейин бирдан маълум бўладики, ҳикоя фақат ит тўғрисида эмас, кўпроқ одам тўғрисида, унинг бағритошлиги, зулмкорлиги тўғрисида экан. Ўзгаларни одам ўрнида кўрмаслик, меҳрсизлик одамлар ҳаётида ҳали кўплаб носозликларни вужудга келтиради...

Қизиғи шундаки, ҳикоядаги воқеа ўйлаб чиқарилган эмас экан. Мумунинг ўлимига, Герасимнинг қўрғондан кетишига сабабчи бўлган хоним – Тургеневнинг онаси экан. Бу ҳикоя ёзилгандан кейин она-бола ўртасига совуқчилик тушади ва Тургенев ҳам худди ҳикоядаги Герасимдек уйини тарк этиб, Германияга жўнайди ва узоқ вақт у ерда қолиб кетади...

Бу ҳикоя одатда мактаб дастурига ҳам киритилади. Табиийки, китобхонлар ҳикояни ўқигач, виждонларида нимадир ғимирлаб, нимадир жунбушга келса керак ва улар бутун умрлари давомида бу фожиани эслаб, этлари жимирлаб юришлари муқаррар.

Рус адабиётида мен ўқиган ва бугун одамларга тавсия қилишим мумкин бўлган китоблар рўйхатининг ўзи катта бир китоб бўлади. Шунинг учун уларнинг ҳаммасини эмас, Лев Толстой асарларидан баъзиларини айтиб қўя қоламан. Чунки Толстой ва Достоевскийларнинг асарлари ўзини маданиятли ҳисоблаб юрган ҳар бир одам ўқиб чиқиши зарур бўлган асарлардир. Уларнинг лирик асарлари ҳамма замонлар йигит ва қизлари дунёқарашини

тўғри шакллантиришда, «яхши» дегани нима-ю, «ёмон» дегани нима – жавоб топишда ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Бир талай қиссалари ва ҳикоялари эса одамга битмас-туганмас завқ беради, инсон тўғрисидаги ҳақиқатларни кашф этишда беминнат ёрдамлашади.

Мен Толстойнинг «Кавказ асири» ва «Базмдан сўнг» деган ҳикояларини 40-йилларнинг бошида, ҳали уруш бошланмасидан ўқиган эдим. Улар китобча ҳолида алоҳида нашр қилинган, лотинча ёзувда бўлиб, биринчи бетида Толстойнинг сурати бор эди. Бу фотосурат эмас, қўлда чизилган расм эди – унда ҳар томонга тарвақайлаган соқолига оқ оралаган, кўринишидан аллақачон юз ёшларни қоралаб қўйган бир пири муршид иягини столга қўйиб, алланималарни ёзиб ўтирарди. Бу чол менга, Қўқонда турганимизда бизникига келиб, дам солиб кетадиган бир жуҳуд чолни эслатарди. У бизга дам солиш билан чекланмай, ўзларининг диний байрамида тайёрланадиган ширинликларни олиб келарди.

«Кавказ асири» ажойиб асар экан. Унда Кавказдаги урушда доғистонликлар қўлига асир тушиб қолган икки рус зобитининг – Жилин ва Костилинларнинг саргузаштлари тасвирланган. Китобнинг мазмуни шундоққина кўз ўнгимда турибди. Уларни гаровга Абдул (Абдулла бўлса керак) олганди, вақти-вақти билан зобитларни чуқур ўрадан чиқариб олиб, «Твоя урис хорош, моя Абдул хорош» деган гаплар билан мулоқотга киришишга ҳаракат қилади. Уларга уйларидан пул олдириб келиб, асирликдан қутулишини талаб қилади. Бунга Костилин кўнади, Жилин эса камбағал бўлгани учун бу пулни тополмайман, деб рад қилади. Шуниси эътиборга лойиқки, Толстой «татарлар»ни қандайдир ваҳший ва ёвуз одамлар сифатида кўрсатмайди, ўқувчида уларга нисбатан нафрат туйғусини уйғотмайди. Аксинча, уларни расамадаги инсонлар сифатида тасвирлайди. Ҳикояда 7–8 ёшлардаги татар қизи Динанинг ҳам образи бор. У асирларга овқат олиб келиб туради. Бу ўйинқароқ, қора кўз қизалоқнинг ҳар куни зиндон тепасида пайдо бўлиши асирларнинг кўнглини кўтаради, уларга ёруғ дунёдан саломлар келтиргандай бўлади. Жилин лойдан қўғирчоқ ясаб, қиз учун зиндоннинг лабига қўйиб қўяди. Бу қўғирчоқлар қизнинг илиқ муносабатларини янада кучайтиради. Асирларнинг уйидан пул келавермагач, уларни ўлдиришга қарор қилишади. Бу маслаҳатдан хабар топган Дина асирларни огоҳлантириб қўяди ва улар қочишга отланадилар. Татарлар буни билиб қолиб, отларда уларни қувлашади. Лекин асирларни ўша жойга яқин ҳудуддаги



рус аскарлари қутқариб олади. Буни қарангки, асар мудҳиш воқеалар ва оғир қисматлар ҳақида ҳикоя қилса-да, у қандайдир ички нурга эга ва у бутун ҳикояга жозиба бахш этиб, уни нурлантириб туради. Ҳикоядаги умумий руҳ ўша пайт Россиясидаги расмий доираларнинг маҳаллий халқларга қарашидан кескин фарқ қилади.

Уруш йилларида Толстойнинг «Хожимурод» қиссаси ўзбек тилида босилиб чиқди. Бу қисса ҳам муаллифнинг бошқа асарлари каби ғоятда юксак фазилатларга эга эди. Бу қисса ҳам китобхонга Кавказ халқларининг ўтмишдаги ҳаёти, мардлиги ва ватанпарварлиги тўғрисида кенг тасаввур беради. Бу қисса ҳам «Кавказ асири» ҳикояси каби ўқувчида ёзувчига нисбатан чексиз ҳурмат туйғусини уйғотади.

*2004 йил 3 декабрь*

Умуман, Толстой асарларининг деярли ҳаммаси ўзбек тилига таржима қилинган. «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Казаклар»… «Тирилиш» романи эса Мирзакалон Исмоилий таржимасида икки жилдда босиб чиқарилган эди. Бу романда ёзувчи маънавий-ахлоқий масалаларни қўяди ва китобхонни ўз виждонига қулоқ тутиб, ҳалол ва пок яшашга ундайди.

Бош зодагон Нехлюдов судга маслаҳатчи бўлади ва суд мажлисларининг бирида Катюша Маслова билан учрашиб қолади. Нехлюдов ёшлигида ўз қишлоғига бориб, у қизнинг бошини айлантириб, номусига текканди. Шундан кейин у қишлоқдан жўнаб кетади. Қиз эса моддий қийинчиликлар исканжасида фоҳишалик йўлига киради, ичкиликка берилади ва пировардида одам ўлдиришгача бориб етади.

Шундай қилиб, Нехлюдовнинг ўйлаб-ўйламай қўйган ўша қадами бир одамнинг мутлақо бахтсиз бўлишига, умрини елга совуришига, жамиятнинг қуйқасига айланиб қолишига сабаб бўлади. Нехлюдов суд мажлисида ўтириб, қизнинг фожиасига бошдан-оёқ ўзи сабабчи бўлганини чуқур англайди ва қилган ишларидан пушаймон қила бошлайди. Энди нима қилиб бўлса ҳам айбини енгиллатиш учун қизнинг қисматини ўзгартирмоқчи бўлади. Унинг кетидан эргашиб Сибирга кетади ва ҳатто кейинчалик уйланмоқчи ҳам бўлади. Романда Нехлюдовнинг виждонан қийналишлари ва изтироблари теран очиб берилган.

Бундан ташқари, романда чоризмнинг судлов тизими ҳам жуда қаттиқ фош қилинган – судьялар судлов вақтида ҳар нимани

ўйласалар ўйлайдилар-у, фақат ўз ихтиёридан ташқари гуноҳкорга айланган инсонга ҳамдардликни ўйламайдилар, инсон тақдирига лоқайд қарайдилар, меҳр-мурувват, шафқат нима – билмайдилар.

«Тирилиш» романи бутун дунёда кенг шуҳрат топди, чунки бу асарда инсоннинг қадри, меҳр-муҳаббат масалалари улуғланган, шафқатсизлик ва ёвузлик қораланган эди. Тўғри, кейинроқ чаласавод баъзи адабиётшунослар ва файласуфлар романда олдинги сурилган ахлоқий муаммолар христиан фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган, деб асарни камситмоқчи бўлишган. Ҳолбуки, таҳлилда муайян даражада диний талқинлар бўлса-да (бунинг ҳам нимаси ёмон?!), китоб яхлит олганда, китобхонни ўзгаларга меҳр-мурувват билан яшашга ундайди.

Мен бу ерда адабиёт дунёсининг намуналаридан бир қисмини тилга олдим, холос. Булар денгиздан бир томчи.

Ҳолбуки, буларнинг ёнига яна Шарқ адабиёти – араб, форс, турк, ҳинд, хитой, япон адабиёти намуналарини қўймадим. Бундай қилмадим – сизни аядим – шундай катта рўйхатни кўриб қўрқиб кетманг, дедим. Лекин сиз қўрқманг, сузишни ўрганиш мақсадида сувга тушдингизми, дадил, қулочни катта отиб сузаверинг, албатта, соҳилга етиб борасиз. Китобларнинг ўзи сизга қанот бўлиб, муроду мақсадингизга етишингизга кўмак беради.

Шу пайтга қадар биз фақат бадиий асарлар тўғрисида гапирдик. Ҳолбуки, ўқилиши, тўғрироғи, доимий равишда ўқиб борилиши керак бўлган китобларнинг яна бир тури бор. Улар ҳужжатлар ва фактлар асосида ёзилади. Баъзан биринчи қарашда зерикарли кўринади. Ҳақиқатан ҳам уларни ўқиб, бадиий асар ўқигандек завқланиб мароқланмайсиз. Бироқ, бундай китоблар бадиий асарларга қараганда ҳам бир неча баравар фойдалироқдир. Уларда бирон илмий муаммо ҳақида мукаммал маълумотлар бериладики, натижада бундай китобларнинг маърифий аҳамияти ғоят беқиёс бўлади. 60-йилларда Янг деган олимнинг «Минг қуёшдан яқинроқ» деган китобини ўқиган эдим. Янг физик, китоби ҳам физика муаммоларига бағишланган. Тўғрироғи, унда жаҳон физикларининг атом бомбасини яратиш устидаги изланишлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади. Натижада, бу муаммога доир билимлардан анча хабардор бўласиз, атом энергиясининг инсоният учун зарари ва фойдаси ҳақида унутилмас тасаввур ҳосил қиласиз.

Ёки бундан анча йиллар аввал «Охотники за каучуком» деган китоб ўқиган эдим. Унда каучукнинг кашф этилиши, унинг саноатдаги ўрни, бутун инсоният хўжалигини бошқа изга солиб юборгани жуда қизиқарли ҳикоя қилинган. Китобни энг яхши саргузашт романдай ўқиб чиқасиз. Каучук изловчилар уни Амазонка соҳилларидаги чангалзорлардан қидиришади. Ваҳший ҳайвонлар, йиртқич жониворлар, заҳарли илонлар, соғлиққа зарар етказадиган ҳаво, тимсоҳлар, ерли ёввойи қабилалар ва булардан бошқа яна ҳар қадамда учрайдиган хавф-хатарлар. Буларнинг бари каучук изловчилардан мислсиз жасоратни, довюракликни талаб қилади. Муаллиф шундай саргузаштлар ёрдамида Аргентина ва Бразилиянинг табиати, тоғлари, дарёлари, ўрмонлари тўғрисида батафсил маълумот беради. Китобхон нафақат каучук ва унинг тарихи, балки уни излаган одамларнинг тақдири билан ҳам танишади. Пировардида унинг қалбида бутун умр бўйи сақланиб қоладиган таассуротлар пайдо бўлади.

Бир вақтлар улардан бошқа ҳам кўпгина илмий-оммабоп китоблар ўқигандим. Уларнинг ичида, айниқса, кичик ва ўрта ёшлиларга мўлжалланганлари бир дунё эди. Уларнинг муаллифлари кутилмаганда сизга қизиқ-қизиқ саволлар беради. Кейин ўзлари бу саволларга қизиқарли қилиб жавоблар беришади. Масалан, «Бешта кўйлакни кетма-кет кийганда иссиқроқ бўладими ёки бешта кўйлакнинг қалинлигидаги битта кўйлак кўпроқ иссиқлик берадими?», «Нега уйнинг томи устида коньки учсангиз сирпанмайди-ю, муз устида сирпанади?», «Қачондан бери қошиқвилкаларда овқатланиладиган бўлинган?», «Илк китоблар қанақа кўринишга эга бўлган?» деганга ўхшаш саволлар бўларди. Кейин, айтганимдай, уларга жавоб берилар эди. Жавоб бериш жараёнида олис тарихнинг унутилган саҳифаларига мурожаат қилинар ва сиз кутмаган ғаройиб фактлар, ҳодисалар очиб бериларди.

Бундан 30–40 йиллар аввал Москвадаги «Ёш гвардия» нашриёти «Эврика» («Топдим») деган серияда китоблар чоп эта бошлади. Улардан камида 100 таси нашр этилди. Уларнинг муаллифлари академиклар, фан докторлари, инженерлар, турли атоқли ихтирочилардир. Улар илм-фаннинг ва турли-туман хўжалик муаммоларининг энг долзарбларини қизиқарли шаклда ҳикоя қилиб берганлар. «Эврика» туркумидаги китоблар жуда катта маърифий аҳамиятга эга – улар китобхоннинг билим бойликларини тўлдиради, савиясини кенгайтиради. Биргина мисол келтираман: математик олим академик Китайгородский «Renrcsa» деган китоб ёзган. «Renrcsa» – лотинча сўз бўлиб, русчада «чепуха» деган маънони билдирар экан. У тилимиз ва турли фанлардаги

жуда кенг тарқалган бир иллатни танқид қилади – айрим одамлар узундан-узоқ жимжимадор ва баландпарвоз жумлалар тузиб, гўё ўзларининг қимматли фикрларини баён этади. Уларнинг назарида, жумла қанчалик дабдабали ва мураккаб бўлса, шунча олимона бўлади. Бу жимжимадорлик жумладаги маъно қашшоқлигини яширишга хизмат қилади. Натижада, кўпгина китоблардаги юзлаб жумлалар зоҳиран қараганда, жуда илмий кўринса-да, аслида ҳеч қандай маъно англатмайди, пуч гапларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

«Озодлик қуёшининг илиқ нурларидан баҳраманд бўлган, кўнгли қувончу шодликларга тўлиб тоғдай кўтарилган, дили дарё, серсаховат, меҳнат майдонида мислсиз жонбозликлар кўрсатган деҳқонларимиз об-ҳавонинг очиқ кунларидан фойдаланиб, яхши ниятлар билан ерга ғалаба чигитини қададилар».

Ана шу бесўнақай жумлани оладиган бўлсак, унда «деҳқонлар чигит экдилар» дегандан бошқа ҳеч қандай маъно йўқ, қолган иборалар бўшлиқни тўлдириш, матнга ортиқча дабдаба бағишлаш учун хизмат қилади, холос. Академик Китайгородский ана шундай маъносизликларни «чепуха» деб атайди. Улар нафақат жимжимадорлиги билан ғашга тегади, балки саводсизлигимизни, фикрий қашшоқлигимизни яширишга ҳам хизмат қилади.

Хуллас, шунга ўхшаш мисоллардан аён бўладики, илмий-оммабоп китоблар ҳам ўқувчи учун ғоят катта фойда келтириши мумкин. Демак, мен ёш укаларим ва сингилларимни китоб ўқишга даъват қилганимда, фақат бадиий асарларнигина назарда тутаётганим йўқ.

Кези келганда яна бир нарсани айтиб ўтмоқ керак. Кўпгина ёшлар ҳозирги пайтда «китоб» деганда ўзбек адабиёти намуналаринигина тушунади ва уларнинг етишмаслигидан, янги асарлар камчиллигидан зорланади, бу билан китоб ўқимасликларини оқлашмоқчи бўлишади. Йўқ, биродарлар, «китоб» деганда бутун жаҳон адабиётини англамоқ керак, шунда ҳам фақат бугунги жаҳон адабиётини эмас, кўп асрлар давомида Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бетиним яратилган энг яхши асарларни назарда тутмоқ лозим. Акс ҳолда, биз ўзимизни жуда катта маънавий бойликдан маҳрум қилиб қўямиз.

Муҳтарам китобхонлар! Бу мақолада, юқорида айтганимдек, кишига билим берадиган ва битмас-туганмас завқ-шавқ бағишлайдиган айрим китобларнинг сюжет ва мазмуни тўғрисида жуда қисқа ва мухтасар гапирдим. Мақсад – бу намуналарни ту-



шунтириб, сизни китобга жалб қилишга уринишдир. Шоядки, сиз ҳеч қурса шу айтилган асарларни ўқисангиз-у, китобга ошно бўлиб қолсангиз, уни энг қадрдон дўстингиз, деб билсангиз ва бўш вақтингизнинг ҳаммасини китобга бағишласангиз!

Китобдан узоқ турадиган баъзи бир одамлар «Э-э, китобинг қурсин, йиғиштир!» деб болаларини койийди. Мени ҳам болалигимда «Камроқ ўқи, миянг суюлиб кетади» деб урушганлари-урушган эди. Билмадим, миям суюлиб кетган бўлса, кетгандир, лекин бош чаноғидан сизиб чиқиб тўкилиб кетгани йўқ. Шунинг учун бундан хавотир олиб, китобдан юз ўгирмоқлик ақлдан эмас.

Ҳар бир одам фарзандларига, қариндош-уруғларига бир дунё бойликни совға қилишни истайди. Улар қаторида мен ҳам борман. Лекин менда тилла тангалар, дуру жавоҳирлар йўқ. Мен буларнинг ўрнига ҳаммага китоб ўқишни маслаҳат бераман. Умрни ўтказиб юбормай, ўқинглар, биродарлар, чунки ўтмишда яратилган ва бугун ҳам янгидан битилаётган китоблар бу дунёнинг дуру жавоҳирлари, энг катта бойлиги демакдир, чиндан-да бебаҳо, эскирмайдиган хазинадир. Шу хазина сизга муштоқ!

*2004 йил 8 декабрь*

ҲЕРМАН ҲЕССЕ

## ЖАҲОН АДАБИЁТИ КУТУБХОНАСИ

Бирор мақсад йўлида таҳсил кўриш ҳали ҳақиқий таълим бўлмайди. Камолот йўлидаги ҳар қандай интилиш сингари ҳақиқий таълим ҳам ўз-ўзича теран мазмунга эга. Жисмонан бақувват, эпчил ва келишган бўлишга интилишдан мақсад – бадавлат бўлмоқ, шон-шуҳрат нурларига бурканиб яшамоқ, чексиз қудрат соҳиби бўлмоқ эмас. Бироқ, бу интилиш туфайли бизнинг ҳаётга муҳаббатимиз янада ортади, биз янада шодмонроқ ва масрурроқ бўлиб қоламиз, ўзимизни соғломроқ ҳис қилиб, турли хил тажовузлардан яхшироқ ҳимояланган, деб биламиз. Худди шунга ўхшаш «таълим»га, яъни маънавий ва руҳий баркамолликка интилиш – аллақандай маҳдуд бир аъмолга олиб борадиган изтиробли йўл эмас, балки онгимизнинг кенгайишини мустаҳкамлайдиган қувончли ҳодисадир. Шунингдек, у бизнинг ҳаётий имкониятларимизни ҳам мустаҳкамлайди. Шу важдан чинакам таълим ҳам чинакам маънавий маданият каби бир вақтнинг ўзида ҳам истакларнинг рўёбга чиқиши, ҳам янги интилишларга турткидир. Бу интилишлар ҳамма жойда муайян мақсадга эга бўлади. Шу билан баробар ҳеч қаерда эришилган маррада тўхтаб қолмайди. У чексизлик сари саёҳатдир, коинот сари уйғунликдир, вақтдан ташқарида бўлиш иштиёқидир. Таълимнинг мақсади айрим қобилиятлар ва самараларни ривожлантириш эмас, балки ҳаётимизга маъно бахш этишга кўмаклашишдир, ўтмишни идрок этишу келажакни қарши олишга мардона тайёрланишга ёрдам беришдир.

Ана шундай таълимга олиб борадиганлар ичида энг муҳими – жаҳон адабиётини ўрганишдир, кўпгина халқларнинг ёзувчилари ва мутафаккирлари асарлари ичида бизга ўтмишдан туҳфа бўлиб қолган фикрлар, ҳикматлар, тажриба, рамзлар, хаёллар ва аъмолларнинг ҳудудсиз хазинасини изчиллик билан бобма-боб ўзлаштиришдир. Бу йўл ниҳоясиздир, ҳеч ким ҳеч қачон унинг поёнига етолмайди, ҳеч ким ҳеч қачон бутун инсоният яратган адабиётни қўя турайлик-у, лоақал юксак маданиятли биргина халқ яратган адабиётни ўрганиб тагига етолмайди. Лекин биринчи даражали бирон мутафаккир ёки адиб ижодининг мағзини чақиш – бу инсоннинг ўзлигини намоён этишдир, қалашиб ётган ўлик маълумотларга дахлдор бўлишдан эмас, балки жонли онг ва руҳга ҳамнафас бўлишдан туғиладиган масрурлик туйғусидир. Биз учун имкон бор қадар кўпроқ ўқиш ва уқиш муҳим бўлмаслиги керак, балки дурдона асарларни бемалол, эркин ва ўзимизга маъқул тарзда танлай олишимиз ҳамда бўш вақтларимизда бутун вужудимиз билан уларга берилиб, улардан ҳақиқатни идрок этишда инсон нақадар буюк кўламлар ва теранликка эришганини тасаввур қилиш муҳимдир. Ўқишдан мақсад ҳаётнинг жамики ранглари ва жилолари қалбингда акс садо бермоғига эришмоқ, инсоният юрагининг тепишига ҳамоҳанг бўлмоқдир. Зотан, ҳайвоний эҳтиёжларни қондириш масаласини қўйиб турсак, ҳар қандай ҳаётнинг маъноси ҳам охир пировардида ана шундадир. Китоб ўқиш бизни аталадай суюлтириб юбормаслиги, балки сафарбар қилмоғи лозим, бизнинг калламизни ҳаёт тўғрисидаги бўлар-бўлмас икир-чикирларга, маъносиз гапларга тўлдириб ташламоғи, бизни сохта таскинлар билан овутмоғи керак эмас, балки аксинча, ҳаётимизга янада юксакроқ, янада тўлароқ маъно бахш этмоғи лозим.

Бироқ, ҳар ким асарларни ўзича танлайди, ҳар бир инсоннинг жаҳон адабиёти билан танишув йўли ўзига хос. Бу нафақат китобхоннинг ана шу олижаноб эҳтиёжга қанча вақт ва қанча маблағ ажрата олишига, балки яна бошқа кўпгина турфа хил шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Масалан, бир одам файласуфлар ичида энг донишманди деб Афлотунни, энг севимли шоир деб Ҳомерни билади ва шу икки сиймо бу одам учун ўзида бутун адабиётни тажассум этган бўлади, у нималар ҳақида мулоҳазалар юритса ҳам шу сиймоларга таянади ва ҳамма масалаларни олиб келиб уларга боғлайди. Бошқа одамлар учун эса уларнинг ўрнини бошқа номлар эгаллаши мумкин. Кимдир олижаноб поэтик образлардан лаззатланиш иқтидорини касб этади, унга хаёлот оламининг анвойи ўйинлари кўпроқ хуш ёқади, тил мусиқасидаги дилрабо оҳанглар қалбини қитиқлайди, бошқа одам эса ақлиётга

мансуб асарларни кўпроқ ёқтиради. Яна кимдир эса она тилида ёзилган асарларни бошқа ҳамма асарлардан юқори қўяди ва бошқа ҳеч қандай асарни ўқимайди, бошқа бир одам эса, айтайлик, француз, юнон ёхуд рус тилида яратилган асарларни бошқа ҳеч қайсига алмаштирмайди. Бироқ, шуни инобатга олиш керакки, энг ўқимишли одам ҳам бор-йўғи бир неча тилни билади, холос, бошқа замонлар ва бошқа халқларнинг ҳамма муҳим асарлари ҳам немис тилига ағдарилган эмас ва умуман, кўпгина асарлар борки, уларни бошқа тилларга таржима қилиб бўлмайди. Масалан, поэтикани олайлик. Шеърият сарбаланд мисраларда ифодаланадиган гўзал ҳаётий мазмунга эга. Лекин, шу билан бир қаторда унда ижодий тилнинг мусиқаси ҳам тажассум топади – бу бошқа олам билан ҳаётий жараёнлар ўртасидаги уйғунлик рамзидир. Бундай шеърият ҳамиша шоирнинг ноёб тили билан боғлиқ. Бу тил нафақат шоирнинг она тилидир, балки шоирнинг шахсий тили ҳамдир. Бундай поэтик тил фақат шу шоирники бўлмоғи мумкин, бинобарин, уни бошқа тилга ағдариб бўлмайди. Бағоят олижаноб ва қимматли поэтик асарларнинг баъзи бирларига, масалан, провансал трубадурлар шеъриятига камдан-кам одамнинг тиши ўтади, кўплар учун унинг маъноси ҳам қоронғи. Негаки, уларнинг тили шу шеъриятни барпо этган маданий муҳит билан йўқ бўлиб кетган. Эндиликда уларни олимларгина кўп йиллар мобайнида катта машаққат билан ўрганмоқлари мумкин. Бироқ биз – немисларнинг омадимиз бор экан – бизда тирик ва ўлик тиллардан қилинган кўпдан-кўп чинакамига яхши, ҳақиқатан бебаҳо таржималар мавжуд.

Жаҳон адабиётига жонли бир нарса янглиғ муносабатда бўла олиш учун китобхон ўзига кучли таъсир кўрсатган асарларни аллақандай қолиплар ёхуд таълимий дастурлар асосида эмас, балки ўзлигини таниш орқали ўрганмоғи муҳимдир. У бурч йўлидан эмас, ишқ йўлидан юрмоғи лозим. Бирон-бир дурдона асар машҳур бўлгани учун ва уни билмаслик уят саналгани учунгина бу асарни ўқиб чиқмоққа ўзини мажбур этмоқ хатодир. Аксинча, мутолаа, танишув ва муҳаббат ҳар бир кимса учун табиий бўлмоғи лозим. Кимдир гўдаклик чоғида – мактабга қадам қўйган кезлардаёқ ўзида гўзал шеърларга муҳаббатни кашф этади, бошқаси ватанининг тарихи ёхуд ривоятларини севиб қолади, учинчиси, эҳтимол, халқ қўшиқларидан лаззатланар, тўртинчи



одам эса адиб туйғуларини синчиклаб тадқиқ қилиб, улар бағоят юксак ақл-идрок билан ифодалаб берилганига ишончи комил бўлганидан кейингина мутолаадан масрур бўлмоғи мумкин. Йўллар мингта. Мактабдаги ўқиш китобидан ёхуд календардан бошлаб, Шекспир, Гёте ва Данте билан тугамоқ мумкин. Бизга мақташган бирор китобни ўқимоқчи бўлсанг-у, гўё у бизнинг китоб сийратига кирмоғимизни хоҳламагандек қаршилик кўрсатса, китоб бизга маъқул бўлмаса, тоқатимизни тоқ қилиб, иродамизни сафарбар этиб, уни бўйсундирмоғимиз шарт эмас. Шунинг учун болаларни ва ўспиринларни бирон муайян китобни ўқиб чиқишга ҳеч қачон мажбур қилиш керак эмас, чунки бу йўл билан унинг назарида энг гўзал асарларни қадрсизлантириб қўямиз ва умуман, ундаги мутолаага бўлган иштиёқни йўққа чиқариб қўйиш ҳам мумкин. Ҳар бир одам ўзига маъқул бўлган адабий асарлар, қўшиқлар, очерклар, эсселардан келиб чиқиб, уларга таяниб, бу борадаги изланишларни давом эттиради.

Майли, муқаддимани бас қилайлик!

Жаҳон адабиётининг муҳташам галереяси ҳар бир одамнинг нигоҳи қаршисида очиқ ва ҳеч ким унинг бойлигидан чўчимаслиги керак, чунки бу ўринда миқдорнинг аҳамияти йўқ. Шундай китобхонлар борки, улар бутун умрлари бўйи ўн-ўн бешта китоб билан кифояланади. Шунга қарамай, улар ҳақиқий китобхонлардир. Бошқа тоифа китобхонлар ҳам бор – улар ҳамма нарсани ўқиган ва истаган нарса ҳақида гапира олади, лекин, барибир, уларнинг меҳнатини зое кетган, деб ҳисобласа ҳам бўлаверади. Негаки, таълим дегани шундай нарсадирки, у таълим оладиган ёки таълим берадиган кимсани, яъни характерни, шахсни ҳам тақозо қилади. Қаердаки улар бўлмаса, таълим берилса-ю, таълим оладиган одам бўлмаса, таълим гўёки ҳавога кетаётгандек бўлса, Худо ёрлақаганда фақат билим майдонга келади, лекин муҳаббат туғилмайди, ҳаёт юзага келмайди. Муҳаббатсиз мутолаа, ҳайратсиз билим, қалбсиз таълим – руҳ қаршисидаги энг оғир гуноҳлардир.

Ўз вазифамизни адо этишга киришайлик, олимона мақомни даъво қилмай, масалани тугал ёритишга интилмай, моҳиятан олганда, фақат ўзимнинг шахсий ҳаётимда ва шахсий қироатхонлигимда орттирган тажрибамга таяниб, мен бу ўринда жаҳон адабиётининг хаёлан мўъжазроқ кутубхонасини

тасвирлашга уриниб кўраман. Аммо аввал китобларга қандай муомала қилиш тўғрисида баъзи бир амалий машғулотларим билан ўртоқлашмоқни хоҳлар эдим.

Кимки дастлабки босқичдан ўтган бўлса ва кимки китобнинг мангу оламида, жиндай бўлса-да, ўзини ўз уйидагидек бемалол ҳис қила бошлаган бўлса, кўп ўтмай, у китобларга янгича муносабатда бўла бошлайди. Энди унинг учун китобнинг мазмунийлиги эмас, балки ўзи ҳам бир буюм сифатида қадрли бўлиб қолади. Китобни ўқишгина эмас, харид қилиш ҳам кераклиги ҳақидаги гап унинг учун борган сари ҳақиқат сифатида аён бўла боради. Кекса китобсевар ва катта кутубхонанинг эгаси сифатида ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтмоғим мумкинки, китоб олди-сотдиси нафақат муаллимлар ва китобфурушларнинг рўзғор тебратиши учун керак. Китоб мутолаа қилишгина эмас, уларга эгалик қилиш ҳам одамга мутлақо ўзига хос қувонч бахш этади ва мутлақо ўзига хос алоҳида бир дунёни ташкил қилади. Моддий аҳволингиз мушкулроқ бўлса, камхаржроқ бўлсангиз, бунақа қусурларни писанд қилмаган ҳолда аста-секин, изчил, донолик ва топқирлик билан, арзон халқ нашрларига таяниб, турфа хил китобларни мунтазам титкилай-титкилай ўз кутубхонангизни жамғаришга киришсангиз, бу сизга бир олам завқ-шавқ ва туганмас қувонч бахш этади.

Яхши таҳсил кўрган ва бунинг устига бели бақувват одамлар эса жуда яхши, жуда чиройли нашр қилинган севимли китобларни қидириб топсалар, ноёб қадимий китобларни йиғсалар, ўзларида борларининг муқоваларини янгилаб, уларни ноёб, чиройли, меҳр билан ўйлаб топилган либосларга буркасалар, буларнинг баридан лаззат топишлари мумкинки, оламда унга тенг келадиган бошқа лаззатни ўйлаб топишнинг ўзи қийин. Бунда ҳам тежаб қолинган чақаларни режа билан харжлашдан тортиб, орқа-олдига қарамай, бемалол совуришгача йўллари кўп, қувончлари ҳам кўп.

Ўз кутубхонасини жамғаришга киришган одам, аввало, фақат яхши нашрлардан харид қилиш йўлларини ўйламоғи лозим. «Яхши нашрлар» деганда, мен нафақат қиммат китобларни назарда тутяпман. Синчиклаб тайёрланган ва олижаноб руҳият одамларига ярашиқлик эҳтиром билан нашр этилган асарлар ҳам «яхши нашрлар» сирасига киради. Жуда қимматбаҳо, муқоваси яхши теридан ишланган, зарҳал нақшлар билан безатилган, ичида яхши



расмлари бор нашрлар бўлади. Лекин баъзан бундай нашрлар дидсиз ва ғариб бўлади, билъакс шундай халқ нашрлари борки, улар устида виждонан меҳнат қилинган ва нашр намунали чиққан. Бир бемаза ҳодиса анча кенг илдиз отган – жуда кўп ҳолларда ноширлар виждонларига хилоф равишда муаллифларнинг шунчаки танланган асарларини куллиёт деб нашр қилишади. Бундан ташқари, турлиноширлар битта муаллифнинг бир хил китобини турфа хил номлар билан чоп этишади. Ахир, бир ёзувчининг пурмаъно танланган асарларини шу муаллиф асарларини кўп йиллар мобайнида қайта-қайта мутолаа қилиб келган одам теран бир ҳурмат ва муҳаббат билан тартиблайдими ёки тасодифан рўпара келган бирор адабиётчи шундай буюртма олиб, мутлақо лоқайдлик билан шоша-пиша тартиблайдими – бари бир эмас-да! Бундан ташқари, масаланинг яна бир муҳим томони бор: ҳар қандай дуруст деб ҳисобланадиган нашрда матн жуда синчиклаб текшириб чиқилган бўлмоғи керак. Ҳамиша шундай нашрлар учраб турган ва ҳозир ҳам учраб туради – уларда ҳамма яхши кўрадиган машҳур асарлар олдинги нашрлардан кўчириб босилаверилади-ю, биринчи манба билан солиштириб чиқилмайди, натижада матнларда иллатлар кўпайиб кетади, ғализликлар ва хатолар учраб туради. Мен кишини лол қолдирадиган кўплаб мисоллар келтирмоғим мумкин эди. Лекин таассуфки, бу масалада китобхон қўлига бирон-бир тугал йўриқнома тутқазиб бўлмайди, бирон-бир ношир чиқарган китобларини яхши ёки ёмон намуна сифатида кузатишнинг иложи йўқ. Деярли ҳамма немис ноширларининг классикларни нашр этиш ишида бир нечта яхшилари бўлса, бир неча муваффақиятсизроқ чиққан нашрлари ҳам бор. Масалан, баъзи бир ноширлар Ҳейне асарларини тўла нашр этишади-да, уларни биринчи манбалар билан юксак савияда солиштириб чиққан бўлишади, лекин шу ноширнинг ўзи бошқа ёзувчиларнинг асарларини қониқарсиз тарзда нашр этади. Аммо, бу ҳол доимо рўй беравермайди. Бир донгдор нашриёт классиклар асарларини нашр этар экан, ўнлаб йиллар мобайнида Новалис асарларини яққол сезилиб турадиган бепарволик билан нашр қилиб келди. Фақат яқиндагина у Новалис асарларининг янги нашрларини ҳамма талабларга жавоб берадиган даражада босиб чиқарди. Бироқ, сиз ўзингиз учун бирон нашрни танлар экансиз, қоғознинг созлигигаю муқовасининг чиройлилигига учманг, балки матннинг

пишиқлигига қаранг. Фақат ташқи безакларнинг тўкислигига маҳлиё бўлиб, ҳамма классиклар асарларини бир хил тарзда нашр қилинган нусхаларнигина харид қилишга интилиш керак эмас. Бундай нашрларнинг энг яхшисини тинмай излаш керак. Аммо шундай китобхонлар ҳам борки, улар қайси ёзувчининг асарларини тўлароқ ҳажмда харид қилишни, қайси бир ёзувчининг эса айрим асарлари билан қизиқиш мумкинлигини мустақил ҳал қила оладиган иқтидорга эга. Баъзи бир муаллифларнинг куллиёти йиллар мобайнида нашр қилиниб келинмоқда ва бу иш қачон поёнига етиши ёлғиз Худонинг ўзигагина маълум. Бундай ҳолларда унча тўла бўлмаса-да, бирон-бир замонавий асарлар тўплами билан қаноатланиш керак бўлади ёхуд аввал чиққан нашрларни букинистлардан харид қилган яхшироқ. Баъзи бир немис ёзувчиларининг сайланмалари уч ва ҳатто тўрт мартадан жуда яхши нашр қилинган, баъзи муаллифларнинг асарлари бўлса, фақат бир марта нашр қилинган, айрим ёзувчиларнинг асарлари эса, афсуски, бирон марта ҳам нашр этилган эмас. Ҳамон Жан Полнинг куллиёти йўқ, Брентанонинг биронта маъқулроқ тўплами нашр этилмаган. Фридрих Шлегелнинг ёшликда яратган асарлари ғоятда муҳим, лекин Шлегелнинг ўзи уларни кейинчалик биронта ҳам тўпламга киритган эмас. Бу асарлар бундан бир неча йил муқаддамгина намунали тарзда нашр қилинган эди. Бироқ ўшандан бери анча вақт ўтиб кетган бўлса-да, улар тўлдирилиб қайтадан нашр қилингани йўқ. Баъзи бир ёзувчилар кўп йиллар мобайнида унутилиб келинди (масалан, Хейнзе, Гёльдерлин, Дросте) ва фақат бизнинг кунлардагина янгидан нашр этилди. Бизда арзон халқ нашрлари мавжуд – уларнинг ичида ҳамма замонлар ва ҳамма халқларнинг асарларини топиш мумкин. Шак-шубҳа йўқки, бу нашрлар орасида «Универсал кутубхона» нашри, аввалгидек, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Баъзи бир ёзувчилар борки, мен уларни яхши кўраман ва уларнинг энг майда, энг арзимас асарларини ҳам харид қилишга ҳаракат қиламан. Менда бу ёзувчиларнинг турли йилларда чиққан китобларидан иккита ва ҳатто учтадан бор, негаки, ҳар бир нашрдаги китобга бошқаларига кирмай қолган бирор асари киритилган бўлади. Ўзимизнинг мулкимиз масаласида, яъни энг яхши ёзувчиларимиз асарлари масаласидаги аҳвол шу тарзда экан, бошқа тиллардан қилинадиган таржима асарлари борасидаги аҳвол янада нозикроқдир. Негаки, немис тилига қилинган



классик таржималарнинг сони чиндан-да унчалик кўп эмас. Булар Мартин Лютер томонидан қилинган «Инжил»нинг немисча таржимаси, Шлегель-Тик томонидан амалга оширилган Шекспир асарларининг таржимасидир. Зўр маҳорат билан қилинган бу ажойиб таржималарда хорижий асарлар бизнинг тилимизда кўп йиллик узоқ умр касб этди, лекин боқий умр касб этгани йўқ. Вақти-соати келиб «узоқ умр» дегани тамом бўлади. Лютер таржима қилган «Инжил»ни ҳам аллақачон замондошларимизнинг кўпчилиги тушунмай қолган бўлур эди. Бироқ, унинг тили мунтазам равишда қайта ишланиб, янги даврга мослаштириб турилди. Эндиликда эса биз «Инжил»нинг немис тилига буткул янги таржимасининг босилиши арафасида турибмиз. Бу таржима Мартин Бубер раҳбарлигида амалга оширилган. Бу китоб тубдан ўзгариб келган – ундан биз болалигимиздан яхши таниш бўлган китобни топиб олишимиз амри маҳол бўлади. Лютер таржима қилган «Инжил»нинг тили 1500 йиллар атрофидаги даврга мос келади. У пайтларда ҳозирги замон немис тили эндигина бошланган эди. Ўшандан бери анча вақт ўтди. Бу масалада Оврўпада истисно қилиш мумкин бўлган бирдан-бир шахс Дантедир. Унинг достонидан катта-катта парчаларни итальянлар бугун ҳам ёддан билади. Оврўпанинг бошқа биронта ёзувчиси матнга махсус ишлов берилмасдан ва таржима қилинмасдан туриб бу қадар узоқ умр кўришга эришган эмас. Аммо, Дантенинг немис тилига қилинган қайси таржималари орқали ўқимоғимиз керак, деган масала биз – немислар учун ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога айланган. Негаки, ҳар қайси таржима Дантега озми-кўпми яқин келади, холос. Бироқ, ҳар гал таржиманинг бирор жойи бизга қаттиқ таъсир қилганида биз ҳовлиқиб асл нусхани оламиз-да, эски итальян шеърияти уммонига шўнғиб, унинг ўзидан ҳузурланишни маъқул кўрамиз.

Жаҳон адабиётидан кичикроқ бирон кутубхонани тузишга киришар эканмиз, даставвал, ҳар қандай руҳият тарихининг битта қоидасини ўзлаштириб билмоғимиз керак. Бу қоидага биноан, энг қадимий асарлар бошқаларига қараганда энг кам даражада эскирган бўлади. Бугун тилларда достон бўлиб юрган ва ҳамманинг диққат-эътиборини жалб қилаётган нарса эртага ҳамманинг назаридан қолмоғи мумкин, бугун янги бўлиб кўринган ва ҳамманинг қизиқишини туғдирган асар индинга бундай бўлмай

қолиши мумкин. Аммо, аллақачон бир неча аср умр кўриб қўйган ва ҳали ҳам унут бўлмаган, вақт қаърига сингиб йўқ бўлиб кетмаган асарга берилган баҳо, афтидан, бизнинг давримизда ҳам айтарлик ўзгаришларга учрамаса керак. Биз инсон руҳининг муқаддас шаҳодатномалари бўлмиш энг қадимий асарлардан – диний китоблар ва мифлардан бошлаймиз. Мен кутубхонамизни ҳаммамизга маълум бўлган «Инжил» билан бир қаторда қадимий ҳинд донишмандлигининг бир парчаси билан, яъни «Веданта» билан очар эдим. «Веданта» дегани «ведаларнинг сўнги» деган маънони билдиради ва упанишадларнинг сайланмаси шаклига эга. «Будданинг деганлари»дан териб олинган жойларни ҳам уларнинг ёнига қўямиз. Худди шу жойда муҳимлиги жиҳатдан улардан қолишмайдиган «Гильгамеш»ни ҳам жо қиламиз. «Гильгамеш» қадимги Бобилда туғилган эпосдир. У ўғли билан яккама-якка жангга киришган қудратли паҳлавон ҳақидаги қўшиқдир.

Қадимги Хитойдан биз Конфуций суҳбатларини, Лао-Цзининг «Даодэцзин»ларини ҳамда Чжуан-Цзининг маталларини оламиз. Шу билан биз бутун инсоният адабиётининг энг авж пардаларида янграган асосий куйини олган бўламиз. Бу куй ўзида меъёр ва қонунга интилишни ифодалайди. Бу интилиш эса жуда аломат тарзда Эски Аҳдларда ва Конфуцийда тажассум топган. Унинг моҳияти – бу дунёнинг ёвузликларидан халос бўлиш йўлларини пайғамбарона излашдирки, уни ҳиндилар ва Янги Аҳдлар тарғиб қилади. Бу минг қиёфали фоний дунёнинг нариги томонидаги, яъни боқий дунёдаги сир-асрорларнинг мангу уйғунлигини идрок этишга интилишдир, бу худолар тимсолида тажассум топган табиат ва руҳият кучларига эҳтиромдир ва деярли шу билан бир вақтнинг ўзида худоларнинг моҳияти – уларнинг бор-йўғи рамзлар эканини билмоқдан ёки тусмоллаб пайқамоқдан, соҳиби қудрат бўлмоқ ёхуд ожизлик, музаффарлик ёхуд ғам-ғуссага ғарқ бўлмоқ фақат ва фақат инсоннинг ўзига боғлиқ эканини англамоқдан иборатдир. Бу китобларнинг миқдори кўп бўлмаса ҳам, уларда мавҳум тафаккурнинг ҳамма кўринишлари, нафосатнинг жамики мусиқаси, бу фоний дунёдаги мавжудликнинг барча омонатлиги ва шу ҳолнинг нечоғлик кулгили эканини англаш ўз ифодасини топган. Классик хитой шеъриятидан танлаб олинадиган саҳифаларни ана шу асарлар ёнига қўймоқ керак.



Шарқда кейинги даврларда яратилган асарлардан «Минг бир кеча»ни кутубхонамизга қўшмасак, у жуда ғариб бўлиб қолади. Негаки, бу асар поёнсиз лаззат манбаидир, дунё китоблари ичида тимсолларга энг бойидир. Гарчанд курраи заминдаги ҳамма халқлар бир-биридан гўзалроқ ва ажойиброқ эртаклар яратишган бўлса-да, шу сеҳрли мумтоз китобнинг ёнига ака-ука Гриммлар томонидан қайта ишланган ўзимизнинг немис халқ эртакларини қўшиб қўйсак, дастлабки пайтларда кутубхонамиз учун шунинг ўзи кифоя қилади. Форс лирикасидан ҳам бир дастасини яхшилаб саралаб олсак, бу ҳам кутубхонамиз учун жуда-жуда маъқул бўлар эди, лекин афсуслар бўлғайким, ҳали немис тилида бунақа китобга эга эмасмиз, немисчага фақат Ҳофиз билан Умар Хайёмгина ағдарилган, холос.

Оврўпо адабиётига ўтайлик. Бениҳоя бой ва ранго-ранг дунёни ташкил қилувчи антик адабиётдан ҳаммадан аввал биз Ҳомернинг икки улуғ достонини танлаб оламиз. Бу достонлар қадимги Юнонистоннинг жамики нафаси ва руҳини бизга етказиб бера олади. Бироқ, Эсхил, Софокл ва Еврипидлардек учта буюк фожианависларни ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Уларнинг ёнига мумтоз лирик шоирларнинг асарларини ўз ичига олган «Антология»ни қўшамиз. Юнон донишмандлиги хазинасига мурожаат қилар эканмиз, биз яна бир кемтикликка рўпара келиб озурда бўламиз!

Юнонистоннинг энг таъсирчан ва эҳтимолки, энг муҳим бўлмиш файласуфи Суқротнинг асарларини биз парча-парча ҳолида бошқа файласуфларнинг ва биринчи навбатда, Афлотун ва Ксенофонт асарларидан излаб топишга мажбурмиз. Суқротнинг ҳаёти ва таълимотидан қимматли парчалар бир бутун китобга жам қилинса, бундай китоб биз учун энг улуғ неъмат бўлур эди. Филологлар бу ишга қўл уришга журъат қилишмаяпти, негаки, бу ишнинг чиндан ҳам анча-мунча нозик томонлари бор. Соф файласуфларнинг ўзини мен кутубхонамизга киритмайман. Биз учун Аристофан ҳам бениҳоя зарурдир – унинг комедиялари кўпдан-кўп Оврўпо юмористлари сафида муносиб равишда биринчи ўринда туради. Биз Плутархнинг ҳам кам деганда битта ёки иккита китобини олмоғимиз керак бўлади, чунки у кўпгина қаҳрамонларнинг ҳаёт йўлини маҳорат билан тасвирлаб берган. Кутубхонамизда Лукиан бўлмаса, яна бўлмайди, чунки у ҳам истеҳзоли бадиий тўқиманинг устасидир. Шундан кейин

биз эътиборимизни қаратмоғимиз лозим бўлган яна битта жуда муҳим китоб қолади – бу юнон худолари ва қаҳрамонларининг бошидан кечган воқеалар тасвирланган китобдир. Юнон асотирларини оммабоп тарзда баён қилиб берган асарлар кўп эмас. Шу сабабдан Густав Швабнинг «Мумтоз қадимият қиссалари» китобига мурожаат қиламиз. У анча-мунча гўзал мифларни ёқимли шаклларда баён қилиб берган. Айтганча, ҳозирги пайтда Швабнинг иқтидорли издошлари ҳам пайдо бўлиб қолди. Альбрехт Шеффер юнон қиссаларини баён қилувчи китоб ёзяпти, унинг дастлабки қисмлари нашрдан чиқа бошлади.

Римликлар ҳақида гапирсак, мен уларнинг ёзувчиларига қараганда ҳамиша тарихнависларини афзал кўриб келганман. Лекин шундай бўлса-да, Вергилий, Гораций ва Овидийларни кутубхонамизга киритамиз. Шунингдек, уларнинг ёнига Тацитни ҳам тиркаб қўямиз, у билан ёнма-ён яна Светонийни, Петронийнинг «Сатирикон»ини ҳамда Апулейнинг «Олтин эшак»ини жо қиламиз. «Сатирикон»да Нерон замонасидаги хулқ-атворлар ғоят закийлик билан тасвирланган. Сўнгги икки асарда биз Римда, цезарлик даврида антик мумтозлик ичидан емирила бошлаганини кўрамиз. Бирмунча шумлик билан ёзилган ана шу китобларга қарама-қарши турадиган яна бир улуғ китоб бор – у ҳам Рим қуёши ботишга юз тутган даврларда лотин тилида ёзилган бўлиб, бошқа дунё ҳақида – илк христианлар дунёси тўғрисида ҳикоя қилади. Бу – авлиё Августиннинг «Иқрорнома»сидир. Бу асарда қадимги Римнинг бирмунча салқин тортган ҳарорати бошқа – янги бошланиб келаётган ўрта асрларнинг иссиқроқ ҳарорати билан алмашади.

Ўрта асрларнинг руҳият дунёсини бизнинг ота-боболаримиз яқин-яқинларгача «зулматли» деб атаб келишган ва унга анча беписанд қарашган. Шу сабабли ўша асрлардаги лотин адабиётининг таржималари ва нашрлари бизда анча кам. Бундан Поул фон Винтерфельднинг «Лотин ўрта асрларидаги немис ёзувчилари» деган китобигина мустасно. Бу китоб учун кутубхонамиз эшиклари ҳамиша очиқдир. Ўрта асрларнинг ажойиб руҳининг ифодаси ва гултожи сифатида адабиётда Дантенинг «Илоҳий комедия»си яшашда давом этмоқда. Италиядан ташқарида, илмий доираларни айтмаганда, бу китоб камдан-кам қўлларда жиддий ўқилади. Ҳолбуки, бу китоб инсониятнинг минг йилларда бир марта яра-



тиладиган ноёб китоблари сирасига киради ва жуда катта таъсир кучига эга.

Итальян адабиётининг бизга яқин замонларда яратилган асари сифатида Боккаччонинг «Декамерон» асарини оламиз. Бу машҳур ҳикоялар тўпламини, унинг «шаккоклиги» важидан, баъзи одамлар унча хуш кўрмайди. Ҳолбуки, бу асар Оврўподаги ҳикоячилик санъатининг улуғ дурдонасидир – у ҳайрон қоладиган даражада жонли эски итальян тилида ёзилган ва жаҳоннинг ҳамма маданий тилларига кўп марталаб таржима қилинган. Аммо унинг ёмон нашрлари ҳам ҳаддан ташқари кўпки, улардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Боккаччонинг немисча нашрлари орасидан мен «Инзельферлаг» нашриётида чоп этилган китобни тавсия қилган бўлардим. Гап шундаки, Боккаччонинг тақлидчилари жуда кўп бўлган, улар уч аср мобайнида беҳисоб миқдорда унга тақлид қилиб асарлар яратган, уларнинг орасида машҳур асарлар ҳам бор, лекин уларнинг ҳеч қайсиси Боккаччодан ўтиб кета олган эмас. Шундай бўлишига қарамай, ўша асарлардан сарасини кутубхонамизга киритсак, чакки бўлмасди (Масалан, Паул Эрнстнинг «Инзельферлаг» нашриётида чоп қилинган китоби ва яқинда Ланберт Шнайдер нашриётида чоп этилган уч жилдлик залворли сайланмалари мавжуд). Уйғониш давридаги ҳикоянавис итальян шоирларидан Ариостони назардан қочирмаслик керак. Унинг Роланд ҳақидаги достони мўъжизавий сеҳркор саҳифаларга тўлиқ романтик асардир, унда кишини лол қолдирадиган ажойиб манзаралар ҳам, маҳорат билан тасвирланган топилмалар ҳам сероб. Бу шоир ҳам кўпдан-кўп издошларини вужудга келтирди, уларнинг орасида энг кейингиси ва афтидан энг яхшиси Виланд бўлса, ажаб эмас. Шу асарнинг ёни-берига биз Петрарканинг сонетларини жойлаштирамиз ва шунингдек, ўз даврининг ўртасида қоядай мағрур қад кўтариб турувчи Микеланжелонинг мўъжазгина шеърий китобини ҳам унутмаслигимиз керак. Итальян Ренессансининг томир уриши қандай бўлганидан гувоҳлик берадиган Бенвенуто Челлинининг таржимаи ҳолига ҳам кутубхонамиздан ўрин берамиз. Ундан кейинги итальян адабиёти намуналарига кутубхонадан унчалик кенг ўрин бермасак ҳам бўлаверади. Кейинги ёзувчилардан Гольдонининг иккита-учта комедиясини ва Гоццининг романтик йўналишдаги эртак-пьесаларини олсак бўлади. Ўн тўққизинчи асрдан эса ажойиб лирик шоирлар Леопарди ва Кардуччиларга ўрин берамиз.

Ўрта асрларнинг ғоятда гўзал асарлари сирасига француз, инглиз ва немис христиан қаҳрамонлик қиссалари ҳам киради. Булар орасида ҳаммадан аввал, қирол Артурнинг давра столи теграсидаги рицарлар ҳақидаги асарларни айтмоқ керак. Оврўпо бўйлаб кенг тарқалган бу сюжетларнинг бир қисми немис халқ китобларида ҳам сақланиб қолган. Улар бизнинг кутубхонамизда фахрли ўрин эгаллашга муносибдир. Ҳозирги пайтда унинг энг яхши нашри Рихард Бенц томонидан тайёрланган. Гарчи бу асар оригинал бўлмай, кенг тарқалмаган материалларни қайта ишлаб, ҳар хил тиллардан қилинган таржимаси бўлса-да, «Нибелунглар ҳақида қўшиқ» ва «Кудруна» каби асарлар билан бир қаторда турмоғи керак. Провансал трубадурларининг шеърлари тўғрисида юқорида гапириб ўтдик. Энди навбат Вальтер фон дер Фогельвайдега, Готфрид Страсбургскийга, Вольфрам фон Эшенбахга, уларнинг асарларига (Вальтернинг шеърлари, Готфриднинг «Тристан»и ва Вольфрамнинг «Парсифал»ига) келди. Биз уларни ҳам худди миннезингерларнинг яхши танланган рицарлик қўшиқларидай бажонидил кутубхонамизга қабул қиламиз. Шу тариқа, биз ўрта асрларнинг ниҳоясига ҳам етиб келдик. Христиан лотин адабиётининг сўна бориши ва ривоятларни озиқлантирадиган йирик манбаларнинг заифлашиши билан ўша пайтда Оврўпо ҳаётида ва адабиётида алланечук бир янгилик рўй берди; аста-секин лотинчадан бир қатор миллий тиллар ажралиб чиқди ва ортиқ монастирларга мансуб бўлмаган исмсиз адабиёт эмас, балки муайян муаллифга эга бўлган шаҳар дунёвий адабиёти шаклланди. (Италияда бу жараён Боккаччодан бошланган эди.)

Ўша кезларда Францияда ўзига хос, яккаю ягона туғма шоир Вийоннинг истеъдоди гулғунчадай очилди. Унинг ҳеч қанақа қолипларга сиғмайдиган безовта шеърлари бекиёсдир. Француз адабиётига чуқурроқ кирар эканмиз, биз унда ўзимизга зарур бўлган кўпгина асарларга рўпара келамиз: Монтеннинг лоақал битта бўлса-да, эсселар китобига эга бўлмоқ керак, иккиюзламачи мунофиқларнинг ашаддий душмани бўлган, қувноқ юмор устаси Франсуа Рабленинг «Гаргантюа ва Пантагрюэль» асари ҳам зарур китоблардан, сўққабош мутафаккир, художўй, бу дунё неъматларидан қўл ювган Паскалнинг «Фикрлар»и ва яна «Овлоқда яшовчи одамга мактублар»и ҳам зарур. Булардан



ташқари, кутубхонага Корнелнинг «Сид» ва «Гораций»си, Расиннинг «Федра»си, «Гофолия» ва «Береника»си ҳам ғоятда керакли – улар бизга француз театрининг оталари ва классиклари тўғрисида тасаввур беради, аммо бу ўринда истеҳзо ва пичинглар устаси, «Тартюф»нинг муаллифи комедиянавис Мольер ҳам бор – унинг танланган асарларини биз тез-тез қўлга олиб туришни истаймиз. Лафонтеннинг «Масаллар»и билан нозик дидли Фенелоннинг «Телемах»и ҳам назардан соқит бўлмаслиги лозим. Менимча, Вольтер драмаларини олмасак ҳам бўлаверади, шекилли, шунингдек, унинг достонлари ҳам шарт эмас, бироқ унинг ғоятда гўзал насрий асарларидан бир-иккитасига, биринчи навбатда, «Кандид» билан «Задига»га эга бўлмоқ зарур. Унинг истеҳзоси ва яхши ниятлилиги узоқ вақтларгача жаҳонга француз руҳи деб аталган нарсанинг намунаси сифатида хизмат қилиб келган. Аммо, худди инқилобий Франция каби Франция турфа хил қиёфага эга. Шу важдан, Вольтердан ташқари Бомаршенинг «Фигаро»си ҳам, Руссонинг «Иқрорнома»си ҳам бизга керак. Аммо – бу не ҳол? «Жиль Блаз»ни паққос унутиб қўйибман-ку! Лесажнинг бу романи ғоятда ажойиб. Аббат Превонинг таъсирчан севги қиссаси бўлмиш «Манон Лесконинг тарихи»ни ҳам бутунлай унутибман. Улардан кейин бу икки ёзувчининг меросхўри сифатида француз романтизми келадики, унда ҳам кўплаб донгдор романнависларни тилга олиш, юзлаб асарларнинг исмини эслаш мумкин. Лекин, келинглар, чиндан-да энг ноёб ва энг бекиёс асарларни танлаб олаверайлик. Булар – даставвал Стендаль (Анри Бейл)нинг «Қизил ва қора» ҳамда «Парма ибодатхонаси» романлари. Бу романлар мутлақо янгича тоифага мансуб адабиёт намуналаридир. Бу адабиёт қайноқ қалб билан ундан устун турадиган, ҳеч нарсага ишонмайдиган ҳушёр ақл ўртасидаги курашдан туғилган адабиётдир. Бодлернинг «Ёвузлик гуллари» деган шеърлар китоби ҳам ноёбликда улардан қолишмайди. Бу муаллифларнинг ёнида Мюссе яратган қалбимизга яқин образлар ва Готье билан Мюрже сингари мафтункор романтик ҳикоянавислар анча майда кўриниб қолади. Бундан кейин Бальзакка навбат келади – унинг романларидан бизнинг кутубхонамизда ҳеч бўлмаганда «Горио ота», «Гранде», «Сағри тери» ва «Ўттиз яшар аёл» деган асарлар бўлмоғи керак. Ана шу эҳтиросли, материалга бой, ҳаёт барқ уриб турган асарлар қаторида Мерименинг маҳорат билан ёзил-

ган новеллаларини ва нозик дидли француз адиби Флобернинг асосий асарлари бўлмиш «Бовари хоним» билан «Туйғулар тарбияси» романларини териб қўямиз. Шундан кейин бир неча пиллапоя пастга тушамиз – Золяга мурожаат қиламиз. У ҳам ўзининг «Аббат Мюренинг қилмишлари» деган романи билан бизга керак. Шунингдек, Мопассанни ҳам бир қанча мажруҳ, лекин чиройли новеллалари билан қаторга қўшиб оламиз. Шу тарзда биз янги замонлар ҳудудига етиб келамиз, лекин яна кўпгина олижаноб асарлар билан тўқнаш келмаслик учун унинг чегарасидан ҳатлаб ўтмаймиз. Бироқ, Поль Верленнинг шеърларини ҳам эсимиздан чиқармаймиз. Бу шеърлар, сирасини айтганда, француз поэзиясидаги энг кўтаринки ва энг нафис шеърлардир.

Инглиз адабиётини Чосернинг «Кентербери ҳикоялари»дан бошлаймиз. XIV аср сўнгида ёзилган бу ҳикояларнинг сюжети қисман Боккаччодан олинган, бироқ Чосерда улар жаранглаши жиҳатидан анча янгидир. Бу китобнинг ёнига Шекспир асарларини қўямиз, лекин танланган асарларини эмас, ёзган асарларининг ҳаммасини қўямиз. Бизнинг устозларимиз Мильтоннинг «Бой берилган жаннат» асари тўғрисида катта эҳтиром билан гапирар эдилар, аммо орамизда уни ўқиган бирорта кимса бормикин? Йўқ. Шундай бўлгач, ундан воз кечамиз. Тўғри, эҳтимол, бундай қилишимиз адолатдан бўлмас, аммо на илож? Честерфильднинг ўз ўғлига ёзган мактублари соғлом ахлоққа унчалик тўғри келмайди, лекин шундай бўлса-да, биз уни оламиз. «Гулливер»нинг муаллифи бўлмиш Свифтдан биз нимани олиш мумкин бўлса, ҳаммасини оламиз. Унинг улкан қалби, аччиқ ва аёвсиз юмори, яккаликдаги даҳолиги, ҳамма инжиқликлари ва эркаликларидан юқори туради. Даниэль Дефонинг кўпдан-кўп асарлари ичида биз учун энг муҳимлари «Робинзон Крузо» ва «Молль Флендерс»дир. Классик инглиз романларининг салмоқли қатори шу асарлардан бошланади. Имкони бор қадар Филдингнинг «Том Жонс»и ва Смоллетнинг «Перегрин Пикль» романини қўлга киритмоқ лозим. Бироқ, Стерннинг «Тристрам Шенди» ва «Сентиментал саёҳат» романлари кутубхонамиздан, албатта, ўрин олмоғи зарур. Бу икки китоб характерига кўра мутлақо инглизча китоблардир, уларда ҳисчанлик кўз очиб юмгунча ғаройиб юморга айланиб кетади. Романтик қўшиқчи Оссиан масаласига келадиган бўлсак, Гётенинг «Вертер»идан топадиган қаноатимиз унинг



ўрнини боса олади, деб ўйлайман. Шелли ва Китснинг шеърларини эсдан чиқармаслик керак. Улар жаҳонда мавжуд бўлиши мумкин бўлган энг яхши лирик шеъриятнинг сара намуналаридир. Байрондан эса – мен бу ажойиб романтик шоирни ҳар қанча ҳурмат қилмай, унинг битта катта достони, масалан, «Чайльд Гарольд»и бизга кифоя қилади. Вальтер Скоттнинг романларидан ҳам фақат биттасини – масалан, «Айвенго»ни олсак етади. Гарчи жуда мажруҳона китоб бўлса-да, шўрпешона Куинсининг «Банги инглизнинг иқрорномаси»ни олиш керак. Маколей ва Карлейль эсселари тўпламини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Ўта инглизча закийлиги учун Карлейлнинг «Сартор Ресартус»ини олсак ҳам чакки бўлмайди. Шундан кейин Теккерей ва Диккенс каби йирик юлдузларнинг китобларига мурожаат қиламиз. Теккерейнинг «Шуҳратпарастлик бозори»ни оламиз. Диккенс асарларида ўқтин-ўқтин ортиқча ҳиссиётларга берилиб турса-да, инглиз адиблари ичида энг улуғворидир. Унинг меҳрга тўла қалби бор, ғоят мароқли ғаройиблиги мавжуд. Бу муаллифнинг «Пиквик клуби мактублари» билан «Копперфильд»и, албатта, кутубхонамиздан ўрин олмоғи жоиз. Унинг издошлари ўртасида, назаримда, энг эътиборга лойиғи Мередит ва унинг «Худбин» романидир. Ўрни келиб қолса, «Ричард Феверел»ни харид қилсак ҳам зарар қилмайди. Гарчи таржима қилишга мутлақо бўй бермаса ҳам Суинбернинг гўзал шеърларини ва Оскар Уайльднинг бир-иккита асарини, даставвал, «Дориан Грей»ни ҳамда бир нечта эссесини олмоқ зарур. Америка адабиётидан, майли, Эдгар Понинг бир жилд новеллаларини киритайлик. Шунингдек, Уолт Уитменнинг чинакам дадиллик билан ёзилган кўтаринки шеърларини ҳам оламиз.

Испан адабиётидан даставвал, албатта, Сервантеснинг «Дон Кихот»ига эътиборни қаратамиз. Бу асар ҳамма даврларда яратилган асарлар ичида энг улкани ва айни чоғда, кишини лол қолдирадиган даражада маҳорат билан ёзилган. Бу роман икки ўлмас қаҳрамоннинг тарихидан иборат бўлиб, уларнинг бири хаёлида тўқиб чиқарган ёвуз кучлар билан жанг қиладиган дарбадар рицар, иккинчиси эса, унинг семиз бақалоқ қуролбардори Санчодир. Айни чоқда, бу ёзувчининг новеллаларидан ҳам юз ўгирмаймиз. Улар ривоят санъатининг чинакам хазинасидир. Биз машҳур испан саргузашт романларидан бирини – шовваз

Жиль Блаз салафларидан бири ҳақидаги асарни ҳам кутубхонамизга кўшиб кўямиз. Танлаб олиш ҳар қанча мушкул бўлмасин, мен Кеведо-и-Вильегаснинг «Дон Паблос исмли бир шарлатан ҳаётининг тарихи» китобини маъқул кўрардим. Бу ширадор асар ғаройиб саргузаштларга ва ёрқин закийликка тўла. Испан драматургларининг мағрур ва олижаноб қаторидан биз Кальдеронни ажратиб олишни маъқул кўрамиз. У – буюк шоир, ҳам дунёвий, ҳам руҳий саҳналарнинг сеҳргар устасидир.

Биз яна анча-мунча адабиётларга синчиклаб назар солмоғимиз керак. Масалан, нидерланд ва фламанд адабиётларини олайлик. Биз улардан Шарль де Костернинг «Тиль Уленшпигел»ини ва Мультатулининг «Макс хавелаар»ини танлаб оламиз. Костернинг романини «Дон Кихот»нинг укаси деса ҳам бўлади. Бу – фламанд халқининг эпосидир. «Хавелаар» бўлса Мультатулининг асосий асари. Бундан бир неча ўн йиллар аввал, у ўз ҳаётини эзилган малайя халқининг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашга бағишлаган эди.

Яхудийлар бутун дунёга тарқалиб кетган халқдир. Улар жуда кўп жойларда ва жуда кўп тилларда ўзларининг асарларини қолдиришган. Биз ҳам бу ўринда улардан баъзи бирларини эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Жумладан, испан яхудийси Иегуда Халевининг иврит тилида ёзган шеърлари ва мадҳиялари шундай асарлардандир. Хасид афсоналари ҳам ғоятда диққатга сазовордир. Биз уларнинг баёнини Мартин Бубернинг «Ваалшем» ва «Улуғ Маггид» деган китобларидан топмоғимиз мумкин.

Скандинав дунёсидан биз кутубхонамизга ака-ука Гриммлар таржима қилган «Катта Эдда ҳақида қўшиқ»ни оламиз, шунингдек, Скальд Эгилнинг исланд сагалари ҳам ёхуд Бонуснинг «Исланд китоби»дагига ўхшаш қайта ишланган сагалар сайланмаси ҳам кутубхонамиздан ўрин олишга лойиқдир. Янги даврдаги скандинав адабиётидан биз Андерсен эртакларини, Якобсен насрини, Ибсеннинг асосий асарларини, Стриндбергнинг бир нечта китобини ҳам оламиз. Тўғри, бу икки муаллифнинг асарлари келажак китобхонларини унчалик қизиқтира олмаслиги ҳам мумкин.

Айниқса, ўтган асрдаги рус адабиёти ғоятда бойдир. Рус тилининг буюк классиги Пушкин таржима қилиб бўлмайдиган шоирлар сирасига киргани учун Гоголдан бошлаб қўя қолайлик. Биз кутубхонамизга унинг «Ўлик жонлар»ини оламиз. Шунингдек,



унинг қиссаларини ҳам оламиз. Тургеневнинг ҳозирда бир қадар унутилаётган дурдона асари «Оталар ва болалар» ҳам кутубхонамиздан ўрин олади. Гончаровнинг «Обломов»и ҳам шунақа. Гончаров улуғ санъат яратган адибдир, бироқ унинг ваъзхонлиги ва ислоҳот бобидаги интилишлари таъсирида баъзан санъатига соя тушмоқда. Биз, албатта, «Уруш ва тинчлик» романини ҳам олмоғимиз зарур (афтидан, бу асар энг яхши рус романи бўлса керак). «Анна Каренина»ни ҳам оламиз, аммо айни чоқда Толстойнинг халқона эртакларини ҳам эсдан чиқармаймиз. «Ака-ука Карамазовлар», «Жиноят ва жазо» романлари, шунингдек, зўр илҳом билан ёзилган «Телба» асари билан Достоевский ҳам кутубхонамизда ўз ўрнини эгалламоғи керак.

Шундай қилиб, биз Хитойдан бошлаб Россиягача кўпгина халқларнинг адабиётларини кўриб чиқдик, илк антик даврлардан бошлаб бизнинг кунларимизгача етиб келдик. Бу жараёнда кўпгина ажойиб ва муносиб асарлар кўз ўнгимизда намоён бўлди, бироқ ҳали ҳам ўзимизнинг немис адабиёти хазинасига етиб келганимизча йўқ. Бу масалада биз «Нибелунглар ҳақида қўшиқ», ўрта аср сўнгларига мансуб баъзи бир асарларни эслаб ўтдик, холос. Энди эса биз бажонидил ана шу немис адабиёти дунёсига шўнғиймиз ва гапни 1500 йилга мансуб асарлардан бошлаб, назаримизда, ундан бошқаларидан кўра яхши кўришга ва ўзлаштиришга кўпроқ арзийдиган асарларни танлаб оламиз.

Мақоламизнинг бошида Лютернинг асосий асарини тилга олиб ўтдик. Бу немис тилидаги «Инжил» эди. Бироқ, биз унинг кичик асарларидан таркиб топган бирон-бир сайланмасини ёки унинг халқ рисолаларини ёки «Алёрлар»идан сайлаб олинган қисмини ёки бўлмаса, 1871 йилда антология тарзида нашр қилинган «Лютер – немис адабиётининг классиги» деганга ўхшаш бирон китобни ҳам кутубхонага оламиз.

Аксилислоҳот даврида Бреслауда ғалати бир одам пайдо бўлди. У ёзувчи эди. Ундан бизга юпқагина битта шеърлар китоби етиб келди, бироқ шу юпқа китоб немис диний адабиётининг ғоятда нафис бир гули бўлиб қолди. Бу шоирнинг исми Ангелус Силезиус эди. Шуни ҳам айтиб қўймоқ керакки, Гётегача бўлган давр лирикаси ҳақида тасаввур ҳосил килмоқ учун кўпдан-кўп сайланмалардан биттасигина кифоя қилади. Лютер замонидан эса бизнинг кутубхонамиз учун Нюренберг шаҳридан

чиққан халқ шоири Ганс Сакс энг муносиби бўлиб кўринди. У билан ёнма-ён Гриммелсхаузеннинг «Симплициссимус» асарини қўямиз. Бу дурдона асар оригинал прозанинг ёркин ва янги намунаси бўлиб, унда ўттиз йиллик урушнинг даҳшати ва кулфатлари акс садо бериб туради. Гриммелсхаузеннинг қаватига кирадиган моҳир юморист Кр. Рейтер ҳам ўзининг «Шельмуф» асари билан бизнинг муҳаббатимизга сазовор бўладиган адибдир. Кутубхонамизнинг бу бўлимига XVIII асрда яратилган «Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари»ни ҳам киритамиз. Шу тарика биз немис адабиётининг буюк асри остоналарига етиб келамиз. Қувонч билан кутубхона токчаларига Лессинг асарларини териб қўямиз. Унинг сайланмаларини қўйиш шарт эмас, лекин мактубларини, албатта, қўймоқ зарур. Клопшток-чи? Унинг қасидаларини аллақачон кутубхонамизга қўйиб қўйганмиз – шунинг ўзи кифоя. Гердер масаласига келсак, бу ўринда анчагина мушкуллик бор. У аллақачон паққос унутиб юборилган ёзувчилар сирасига киради, лекин шундай бўлса-да, бу адиб ҳали ўз ролини бутунлай ўтаб бўлган, деб айта олмаймиз. Ҳали-ҳануз унинг йирик асарлари тўла нашр этилмаган бўлса-да, ўқтин-ўқтин уларни варақлаб, ўқиб турса арзийди. Реклам ва Крёнер томонидан чоп этилган дурустгина сайланмалари бор.

Виланднинг тўла асарлар тўпламини ҳам кутубхонага киритиш жуда зарур. Лекин, ҳозирча унинг «Оберон»ини олиш билан чекланамиз, шунингдек, имкони бўлса, «Абдеритлар тарихи»ни ҳам оламиз. Виланд топқир, зукий, ёқимли, шакл бобида моҳир хаттот, антик адабиёт ва француз адабиёти мактабида таҳсил кўрган. Маърифатпарварлик даври ғояларининг тарафдори, лекин буни хаёлоти ҳисобидан қилмайдиган адибдир. У жуда ўзига хос сиймо ва унинг унутилиши адолатдан эмас. Ҳамёнимиз кўтарадиган бўлса, кутубхонамизга Гёте асарларининг энг яхши ва энг мукаммал нашрини киритамиз. Унда шоирнинг баъзи бир тасодифий қўшиқлари ва айрим мақолалари ҳамда тақризлари бўлмаслиги ҳам мумкин, аммо унинг адабий асарлари, шунингдек, лирик шеърлари ҳеч қандай қисқартиришсиз тўла киритилмоғи керак. Гётенинг китобларида биз учун қалбимизнинг қисмати бўлиб ҳисобланган нарсалар ўз овозини касб этади ва кўп нарсалар узил-кесил, шунингдек, тугал шаклга эга бўлади. «Вертер»дан «Новелла»гача, илк шеърлардан «Фауст»нинг иккинчи қисмигача



Гёте қандай йўлни босиб ўтган-а! Гёте асарлари билан бир қаторда қўлимизда унинг биографиясига доир ҳужжатлар билан бирга Эккерманнинг «Гёте билан гурунглар» китоби ҳам, ёзишмаларидан баъзи бир парчалар ва айниқса, Шиллер билан фон Штайн хоним билан ёзишмалари бўлмоғи керак. Ёш Гётенинг дўстона даврасига мансуб бўлган ижодкорлар томонидан ҳам кўпгина салмоқли асарлар яратилган. Афтидан, уларнинг орасида энг гўзали – «Генрих Штиллингнинг ёшлиги» деган асар бўлса, ажаб эмас. Бу жозибадор китобни Гёте асарлари ёнига тиркаб, шунингдек, Маттиас Клаудиуснинг асарларини ҳам шу ерга қўямиз.

Шиллер масаласида мен бир қатор ён босишларга тайёрман. Гарчи, мен унинг асарларининг кўпчилигини қўлимга олмай қўйган бўлсам-да, яхлит олганда унинг ўзи инсон сифатида, унинг руҳи ҳамда ҳаёти мен учун ғоятда ардоқли ва улуғ ҳодисадир. Унинг насрий асарларига (тарихий ва эстетикага доир) эътибор берайлик, шунингдек, 1800 йил теварагида ёзилган йирик поэмаларини ҳам назардан соқит қилмайлик. Буларнинг ёнига Петерсоннинг «Шиллер билан гурунглар» китобини ҳам тиркаб қўяйлик. Ўша даврда яратилган асарлардан мен бажонидил кўпгина нарсаларни олган бўлардим. Булар Музеус, Хиппель Тюммель, Мориц, Зойменинг китобларидир. Аммо, биз бебурд бўлмаслигимиз керак ва Мюссе билан Виктор Гюго асарларига ўрин берилмаган кутубхонамизга кўламига кўра улардан бўшроқ бўлган асарларни олиб кирмаслигимиз лозим.

1800 йил теварагидаги давр ғоят ноёб, маънавий жиҳатдан Германиянинг энг бой, биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган давридир. Юқоридаги адибларни олмаганда ҳам, биз бу даврдан бошқа бир қатор биринчи даражали муаллифларни олмоғимиз керак. Уларнинг айримларини яқин-яқинларгача баъзи бир замонавий оқимлар тўсиб қўйган эди, адабиёт тарихини ёритувчи айрим мутахассислар уларни бир томонлама тавсифлаганлар ёхуд – умуман унутиб юборилган, ё ўзининг тўғри баҳосини ололмаган. Жумладан, Жан Поль деган ёзувчи бор. У энг истеъдодли немис ёзувчиларидан биридир. Минглаб талабаларга дарслик ўрнида хизмат қилиб келаётган оммабоп адабиёт тарихларида бу адиб тўғрисида шундай мулоҳазалар учрайдики, улар аллақачон унутилиб кетган танқидий мулоҳазалардан кўчириб олинган. Бу мулоҳазалар бизнинг адибимиз шакл-шамойилини бутунлай

бузиб кўрсатади. Шунинг учун Жан Полнинг топиш мумкин бўлган энг тўла нашрини кутубхонамизга қўшиш билан аламдан чиқайлик. Бу ишимизни ҳаддан зиёд даражада чегарадан чиқиш деб ҳисоблайдиган одамларни мен унинг лоақал асосий асарларини – «Шўхлик йиллари», «Зибенкез» ва «Титан»ни қўлга олишга даъват этардим. Шунингдек, биз латифанамо воқеаларни зўр маҳорат билан ҳикоя қилиб берадиган И. П. Хебелнинг «Қутича»сини ва лирик шеърларини ҳам унутмаслигимиз керак.

Сўнгги пайтларда Гёльдерлиннинг бир нечта яхши ва тўла нашри пайдо бўлди. Биз улардан бирини мамнуният билан мажмуамизга қўшиб оламиз. Биз бу олижаноб инсоннинг руҳига тез-тез мурожаат қилиб турамиз, унинг овозига қулоқ тутамиз. Унинг бир ёнида Новалиснинг асарлари, иккинчи томонида эса Клеменс Брентанонинг асарлари турмоғи лозим. Афсуски, ҳали-ҳануз Брентанонинг тузукроқ нашри йўқ. Гарчи унинг ҳикоялари ва эртаклари ҳам унутилиб кетмаган бўлса-да, унинг шеърларидаги теран мусиқа камдан-кам одамнинг қулоғига етиб борган. Унинг «Клеменс Брентанонинг баҳорий гултожи» деган китоби унинг ўзига ва синглиси Беттина шарафига қўйилган муштарак ҳайкал бўлди. Ва, албатта, немис китоблари орасида энг ўзига хосларидан ва энг гўзалларидан бири бўлмиш Брентано ва Арним томонидан нашрга тайёрланган «Боланинг сеҳрли хазинаси» деган немис халқ қўшиқлари тўплами ҳам кутубхонамиздан ўрин олмоғи мумкин. Арним ҳикоялари тўпламининг бирон-бир дурустроқ нашри ҳам бизда бўлмоғи керак. «Уруғнинг катталари» ёки «Мисрлик Изабелла» каби ажойиб асарларнинг кутубхонамизда бўлмоғи зарурдир. Арним асарлари ёнига Тикнинг новелла жанрига мансуб бир қанча асарини қўямиз. Улар орасида, биринчи навбатда, «Малла Экберт», «Ҳаёт жўш урмоқда» ва «Севеннадаги исён» асарлари турмоғи керак. Шунингдек, немис романтизмининг энг инжиқ намунаси бўлмиш «Этик кийган мушук» пьесасини ҳам унутмаслигимиз лозим. Таассуфлар бўлғайким, Гёрреснинг биронта ҳам ярокли нашри йўқ. Фридрих Шлегелнинг «Мерлиннинг тарихи» каби дурдона асари ҳам кўп йиллардан бери чоп этилгани йўқ.

Фукенинг бизнинг диққатимизни жалб қилиши мумкин бўлган бирдан-бир «Ундина» деган ғоятда ёқимли асаридир.

Генрих фон Клейстнинг ҳамма асарлари – драмалари ҳам, новеллалари ҳам, мақолалари ва латифалари ҳам бизда бўлмоғи ке-



рак. Уни ҳам ўз халқи анча кейин кашф қилган эди. Шамиссодан биргина «Петер Шлемили»ни олсак етади. Бу асар ҳажман кичкина бўлса-да, кутубхонамизда фахрли ўрин эгаллаши мумкин бўлган асарлардан. Эйхендорфнинг иложи борича мукаммалроқ асарлари тўпламини оламиз – унда ижодкор шеърларидан ва ҳаммага маъқул бўлган «Бекорчи» қиссасидан бошқа қиссалари ҳам бўлмоғи керак, лекин унинг драмалари ва назарий асарларидан воз кечиш ҳам мумкин. Гофман асарларидан бир қанчаси кутубхонадан жой олишга муносибдир. Гофман романтизмнинг моҳир насрнависи, шунинг учун биз унинг нафақат қисқа асарларидан воз кечмаймиз, балки «Шайтоннинг элексири» деган романини ҳам оламиз.

Гауфнинг эртаклари билан Уланднинг шеърларидан биронтасини танлаб олиш мумкин, лекин Ленау билан Дростенинг шеърлари муҳимроқдир. Уларнинг иккови ҳам шеърининг, тилининг оҳангдорлиги жиҳатидан бетакрордир. Бизда Фридрих Хеббель драмаларининг битта-иккита жилди, албатта, бўлиши керак. Унинг «Кундаликлар»идан ҳам кўз юмиб бўлмайди, тўлиқ бўлмаса ҳамки, улар кутубхонада бўлиши лозим. Шунингдек, Ҳейне асарларининг хасислик қилмай амалга оширилган тузукроқ нашрини ҳам олиш керак. Бу нашр, албатта, унинг насрий асарларини ҳам ўз ичига олган бўлмоғи шарт. Бундан сўнг бизга Мёрикенинг тузукроқ босиб чиқарилган нашри керак. Унда, биринчи навбатда, шеърлари, сўнгра «Моцарт» бўлиши зарур. Имкони бўлса, «Рассом Нольтен»ни ҳам эсдан чиқариш керак эмас.

Буларнинг ёнига немис прозасининг сўнгги классиги Адальберт Штифтерни қўшиш керак, айниқса, унинг «Этюдлар»ини, «Кеч куз»ини, «Витико» ва «Ола-чипор тошлар» асарини ҳам назарда тутмоқ жоиз. Ўтган асрда швейцарияликлардан немис адабиётига учта адиб кириб келди. Булар – бернлик Иеремия Готхельф, деҳқонлар ҳаётидан олинган қишлоқ ҳаётининг манзараларини маҳорат билан тасвирлайдиган цюрихлик Готфрид Келлер ва К. Ф. Майердир. Ули Готхельф ҳақидаги иккала романни ҳам, «Яшил Генрих» ва «Зелдвиллик одамлар»ни, Келлернинг «Ҳикматлар»ини, Майернинг «Юрг Енач»ини ҳам оламиз. Майер билан Келлер шеърлар ҳам ёзишган, уларни ва яна бошқа кўпгина муаллифларни ҳам қидириб кўрамиз. Уларнинг ҳаммасини номма-ном айтиб чиқиш қийин. Шунингдек, янги шеъриятнинг бирор-бир тузукроқ маж-

муасини ҳам излаймиз. Бундай мажмуалар анчагина. Истаган одам яна Шеффелнинг «Эккехард»ини қидириб кўрсин. Мен Вильгельм Раабенинг ҳимоясига ҳам икки-уч оғиз сўз айтган бўлардим. Унинг «Абу Тельфан»и ва «Вабо аравачаси» кутубхонамизда бўлса, чакки бўлмасди.

Шу нуктада биз ишни тугатсак ҳам бўлади, аммо бундан мақсад, албатта, ҳозирги китоб дунёсидан иҳоталаниб олиш эмас, йўқ, ҳозирги асарлар учун калламизда ҳам, кутубхонамизда ҳам жой топилиши керак. Бироқ, гап шундаки, ҳозирги адабиёт бизнинг мавзуимизга унчалик дахлдор эмас. Қайси асарлар олтин хазинадан ўрин олиб, бир нечта авлод ҳаёти мобайнида амал қилишини бизнинг давримиз ҳал қилиб беролмайди. Обзоримизнинг сўнггида ўгирилиб қилинган ишга назар ташлар эканман, унда анча нарса қолиб кетганини ва кўпгина кемтиклар борлигини айтмасдан туролмайман. Жаҳон адабиёти кутубхонасига «Барон Мюнхаузеннинг саргузаштлари»ни киритсагу, ҳиндиларнинг «Бхагавадгита»сини киритмасак, тўғри бўлармикин? Мен адолатли бўлишга ҳаракат қилиб, эски испанларнинг сержило комедияларини, сербларнинг халқ қўшиқларини, шотланд эртакларини, ирландларнинг парилар ҳақидаги афсоналарини ва яна кўпдан-кўп бошқа асарларни кутубхонага киритмай тўғри қилдиммикин? Келлернинг ҳикоялар тўплами чиндан ҳам Фукидиддан устун келадими ёки «Рассом Нольтен» ҳиндиларнинг «Панчатантра»сини ёхуд хитойларнинг туш таъбирларига бағишланган «Ицзин» китобини орқада қолдириб кетадими? Йўқ, албатта, бундай бўлмайди. Шундоқ бўлгандан кейин жаҳон адабиётидан мен тартиблаган кутубхонани осонгина бирёқламаликда айблаш мумкин. Аммо, унинг ўрнига мутлақо адолатли тарзда, мутлақо холисанлилло тарзда бошқа кутубхона билан алмаштириш мушкул, қолаверса, бунинг сира иложи йўқ. Ундай бўладиган бўлса, бундай кутубхонага биз болалигимиздан кўникиб қолган муаллифлар ва китобларнинг ҳаммасини киритмоқ керак бўларди; улар ҳамма адабиёт тарихларида бор, уларнинг мазмунини ҳар гал аввалгисидан кўчириб олишади; уларнинг ҳаммасини чиндан ҳам ўқиб чиқмоқлик учун умр қисқалик қилади. Тўғрисини айтганда, немис шоирининг гўзал ва яхши шеъри мен учун қуруқ ва бемаза таржимада ўқийдиган санскрит адабиётининг намунасидан кўра эъзозли ва ардоқлидир. Немис шоири шеърининг ҳар бир сатридан



ва ҳатто ҳар бир товушидан олам-олам завқ-шавқ оламан. Бундан ташқари, ёзувчиларни билиш ва уларнинг асарларини баҳолаш кўпинча тақдирнинг турли-туман ўйинларига боғлиқ бўлади. Биз бугун шундай ёзувчиларни ҳурмат қиламизки, йигирма йил аввал уларни, умуман, адабиёт тарихидан топиб бўлмас эди. Ё парвардигор, мен жуда катта хато қилиб қўйибман-ку – шоир Георг Бюхнерни бутунлай унутибман. «Войцек», «Дантон», «Леонс ва Лена» каби асарларнинг муаллифи бўлмиш бу шоир 1837 йилда оламдан кўз юмган эди. Албатта, унинг асарлари бизнинг кутубхонамизда бўлмоғи керак. Биз замондошларга немис классик адабиётида муҳим ва долзарб бўлиб кўринадиган асарни биронбир адабиёт билимдони чорак аср муқаддам «мангу сўлмас асар» деган бўлса, бу ҳамиша ҳам тўғри бўлавермайди. Немис халқи И. В. Шеффелнинг «Зекингенлик карнайчи» деган (1854 йил) лиро-эпик достонини ўқиб юрган кезларда ва олимлар ўз асарларида Теодор Кёрнерни бизга классик ёзувчи деб тақдим қилиб юрган пайтларда Бюхнер маълум эмас эди, Брентано тўлалигича унутилиб кетган эди, Жан Поль эса ўз истеъдодини исроф қилиб бўлган даҳоларнинг қора рўйхатида тилга олиниб юрарди.

Ўз навбатида, ўғилларимиз ва невараларимиз ҳам бизнинг қарашларимиз ва баҳоларимизни ўтакеттан даражада қолоқ деб ҳисоблашлари турган гап. Бу қисматдан бизни ҳатто илмий даражаларимиз ҳам сақлаб қололмайди. Аммо баҳоларнинг мудом ўзгариб туриши, даҳоларнинг унутилиб юборилиши, бир неча ўн йилликлар ўтгач янгидан кашф этилишлари ва кўкларга кўтариб мақталишлари – одамларнинг заифлиги сабабли ёхуд уларнинг беқарорлиги важидан рўй бермайди, балки бу ҳол муайян қонунларга бўйсунади. Бу қонунларни аниқ шаклларга солиб айтиб бериш мумкин бўлмаса-да, уларни ҳис қилиш мумкин ва тусмоллаб билса бўлади. Халққа таъсир кўрсатган ва муайян вақт ҳудудларидан ташқарида ҳам ўзининг қадр-қимматини намойиш эта олган ҳар қандай маънавий бойлик инсоният хазинасига кириб қолади ва янги оқимларга боғлиқ равишда, навбатдаги ҳар бир авлоднинг янги маънавий эҳтиёжларига кўра истаган вақтда хазинадан олиб чиқилиши, текшириб кўрилиши ва янгидан ҳаётга қайтарилмоғи мумкин. Бизнинг боболаримиз, нафақат Гётени бутунлай бошқача тарзда мутолаа қилганлар, нафақат Брентанони унутиб юборганлар, нафақат бир замонлар жуда машҳур бўлган Тидге, Редвиц ва бошқа шоирларни

қайта баҳолаганлар, балки улар, шунингдек, инсониятнинг энг буюк асарларидан бири бўлмиш Лао-Цзининг «Даодэцзин» асаридан бутқул бехабар ҳам бўлишган, негаки, қадимги Хитойнинг ва унинг доноликларининг кашф этилиши боболаримиз замонасида эмас, фақат бизнинг давримиздагина рўй берди. Шак-шубҳа йўқки, бунинг эвазига биз авлод-аждодларимизга яхши маълум бўлган маънавият дунёсининг кўпгина улуғ ва ғоятда ажиб соҳаларини назардан соқит қилиб қўйдик. Невара-чевараларимиз бу бойликларни қайтадан кашф этмоқлари лозим бўлади.

Албатта, биз фараз қилинаётган кутубхонамизни тартиблар эканмиз, анча-мунча қўпол тарзда ҳаракат қилдик, чунки баъзи чинакам хазиналарга эътибор бермадик, йирик-йирик маданий соҳаларни эътиборимиздан соқит қилдик. Масалан, мисрликларни биз қайси гўрга гумдон қилдик? Ахир, уларнинг салкам икки минг йиллик маданияти бор-а! Бу маданият энг юксак даражада тараққий этган ва ички яхлитликка эга бўлган маданият. Мисрликларнинг жуда ажойиб сулолалари бор эди, уларнинг диний тизимлари бениҳоя ривож топганди, уларда марҳумларга сиғиниб, уларни юксак қадрлаш маданияти мавжуд эди. Наҳотки, буларнинг бари бизнинг кутубхонамиздан ўрин олишга ҳақли бўлмаса? Йўқ, ҳар нима деганингизда ҳам бундай қилиб бўлмайди. Менинг назаримда Миср тарихи муайян тоифага мансуб китобларда – альбомларда акс этганки, мен уларни мутлақо назардан соқит қилганман. Миср санъати бўйича бир неча асар бор. Булар орасида биринчи навбатда Штайндорфф ва Фехҳаймернинг жуда яхши безатилган альбомларини таъкидлаш лозим. Улар менинг қўлимга тушган ҳам эди. Агар мен Миср ҳақида бирон нарсани биламан деб ўйласам, шу китоблар туфайли билганман. Аммо, бизни Миср адабиёти билан таништириши мумкин бўлган китобни мен билмайман. Кўп йиллар муқаддам мен жуда катта эътибор билан Миср дини ҳақидаги бир асарни ўқиб чиққан эдим. Унда Миср матнларидан парчалар, қонунлар, қабр тошларидаги ёзувлар, мадҳиялар ва ибодатлар матнларидан намуналар берилган эди. Аммо мен буларнинг барига ҳаддан ташқари катта қизиқиш билан қараганимга қарамай, хотирамда жуда кам нарса қолган. Негаки, у китоб классик асарлар сирасига кирмас эди. Шуваждан бизнинг кутубхонамизга Мисрдан ҳеч нарса киргани йўқ. Лекин, барибир, хотирам заиф ва кўп нарсалар эътиборимдан четда қолиб кетаверади. Менинг Миср ҳақидаги тасаввурим – фақат дин тарихига бағишланган ўша альбомлару бояги китоб асосида шаклланган эмас. Мен буни энди англаб турибман. Улардан кўпроқ даражада мен Миср ҳақида Геродот асарларидан маълумот олганман. Геродот юнон адиблари орасида менинг энг севимли ёзувчиларимдан биридир. У Мисрга зўр қизиқиш билан қараган ва сирасини айтганда, у мисрликларни ўз ватандошларидан ортиқроқ ҳурмат қилган. Мен бўлсам буларнинг барини эсимдан чиқариб ўтирибман. Бу хатомни тўғрилаш керак ва уни юнонлар орасида энг фахрли ўринга қўйиш керак.

Мен таклиф қилаётган хаёлий кутубхонанинг таркибини қайта-қайта хаёлдан ўтказар эканман, унинг анчагина тўлиқ эмаслигини, кемтиклари кўп эканини кўраман. Лекин мени ҳар нарсадан ортиқ хижолатга солаётган жиҳат – унинг шакл-шамойилини бекаму кўст кўриш истаги эмас. Мен кутубхонамизни яхлит бир бутун нарса сифатида тасаввур қилишга ҳарчанд уринмай, гарчи у субъектив тарзда тартибланган бўлса-да, у қандайдир билимларга ва тажрибага таяниб танлаб олинди деб ўйламай, менинг назаримда, унинг асосий қусури китоблар танланишининг субъективлигида ва тасодифийлигида эмас, балки, аксинча, деган хулосага келаман. Бизнинг хаёлан барпо этаётган кутубхонамиз ҳар қанча қусурларига қарамай, ҳаддан зиёд даражада идеал кўринади. У, назаримда, ҳаддан ташқари тўғри танлангандек, ҳаддан зиёд даражада тақинчоқлар солиб қўйиладиган қутичага ўхшайди. Ҳар қанча яхши асарларни унутиб қолдирган бўлмайлик, ҳарҳолда, бу кутубхонага адабиётда ҳамма замонларда яратилган энг дурдона асарлар кирган: пишиқлиги ва объективлиги жиҳатидан қараганда бизнинг кутубхонамиздан мукаммалроқ жамғармани тасаввур қилиш қийин. Аммо мен хаёлимда барпо қилаётган кутубхона тўғрисида ўйлар эканман, мен унинг истеъмолчиси ва эгаси ким бўлиши мумкинлигини ҳар қанча уринмай, тузукроқ кўз олдимга келтиролмайман. Бу – илмга муккасидан кетган, кексайиб қолган, кўзлари ичига ботган, кечалари китоб устида кўп ўтиргани сабабли ранги заъфарон тус олган қария эмас. Бу – ўзининг ҳашаматли кулбасида дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан баҳраманд бўлиб умргузаронлик қилаётган олифта йигит ҳам эмас, у қишлоқ ҳокими ҳам, роҳиб ҳам, бирор муҳтарам хоним ҳам эмас. Бизнинг кутубхонамиз жуда чиройли ва мукаммал кўринса-да, у унчалик ўзининг бетакрор шаклу шамойилига эга эмас: ҳатто, ҳар қандай кекса китобпараст одам ҳам унинг катало-

гини ўзи учун асос қилиб олса бўлаверади. Мен шу кутубхонамизни реал ҳаётда кўрсам, «ҳа, бу кутубхона унча чакки эмас экан», деган фикр хаёлимга келади. Унда биронта ҳам вақт синовидан ўтмаган, текшириб кўрилмаган асар йўқ. Бироқ, наҳотки, унинг эгасида ўзи қизиқадиган бирор нарса бўлмаса? Наҳотки, унинг ҳаммасидан афзал кўрадиган бирор шоири ёхуд адиби бўлмаса? Наҳотки, унинг қалбида иккита-учта адабиёт тарихидан бўлак теран ўрин олган асарлар бўлмаса? Агар бордию унинг кутубхонасида, масалан, Диккенснинг ёки Бальзакнинг иккитадангина асари бўлса, шулар етарлими? Қолаверса, мен жаҳон адабиётидан бу китобларни донолик билан бенуқсон танлашга ҳаракат қилиб, бизимни ўзим менга бегона бўлган нарсаларни ҳам, албатта, билишга ва тушунишга мажбурлаб, турли йўлларга кириб кўрдим. Аммо, фақат маърифатли бўлиш мақсадида ва ҳамма нарсадан хабардор бўлиб қўйиш ниятида китоб ўқиш, хорижий адабиётларни ўрганишга менинг қурбим етмас экан. Китоб дунёсида менинг қалбимда ўқтин-ўқтин бирор муҳаббат алангаси лов этиб ёниб қолар, мен бирон-бир янги кашф этилган асар ёхуд муаллифдан завқланар эдим, янги эҳтирос оловида коврилар эдим. Қалбимда бунақа эҳтиросларнинг анча-мунчаси бир-бирини алмаштириб турган, уларнинг баъзи бирлари баъзан қайтадан қалбимда жўш урарди, баъзилари эса фақат бир бора лов этиб ёниб, кейин мангуга сўнарди. Шунинг учун юқорида зикр этилган китобларнинг деярли ҳаммаси менинг кутубхонамда мавжуд бўлса-да, у мен таклиф қилаётган кутубхонага унча ўхшамайди. Унинг қай бир бўлимлари шахсий эҳтиёжлар таъсирида анча кенгайиб кетган, баъзи бир қисмларидаги китоблар эса зарурат юзасидан олинган ва улар унча кўп эмас, бошқа баъзи бир китоблар бўлса баъзи арзанда фарзандларимдек, ювиб-таралган, яхшилаб парвариш қилинган, авайлаб-асралган тусга эга роман бўлса, демак, бу китобларни унга биров мажбурлаб олдирган экан-да? Агар бордию у кутубхонасидаги китобларни шахсан ўзи мутлақо эркин танлаган бўлса ё у иккала ёзувчини ҳам яхши кўрарди ва уларнинг китобларини кутубхонасига кўпроқ қўйиган бўларди ёки улардан биттасини бекиёс даражада ортиқ кўрган бўларди. Масалан, у дағалроқ Бальзакка қараганда латофатли, ёқимтой, меҳр-мурувватга тўла, ҳаддан зиёд силлиқ Диккенснинг китобларини кутубхонасидан чиқариб ташлаган бўларди. Менга ёқадиган кутубхоналарнинг ҳаммаси ана шунақа алланечук шахсийрок сифатларга эга.



Шундоқ бўлгандан кейин мен ҳаддан зиёд тўғри, ҳаддан зиёд ўртача рўйхатни қайта бошдан бетартиб ҳолатга келтирмоқчиман ва бу кутубхонамни жам қилишда ўзимнинг китобхонлик майлларимни изҳор ва иқрор қилиш йўлидан бошқа йўл топа олмадим. Одатда, китобларга муносабатда шахсий сифатлар, шахсий дидлар, шахсий қизиқиш майллари устун турса шунақа бўлади. Менинг ҳаётимда жуда эрта ёшимдан китоблар менга жуда яқин бўлган.

Бунга ўхшаш афзал кўрилган ва айрича муҳаббат билан парвариш қилинган қисмлар менинг кутубхонамда ҳам бўлган, бу ўринда уларнинг ҳаммасини санаб чиқишнинг имкони йўқ, лекин энг муҳимларини санаб ўтмасам бўлмайди. Бундан ташқари, айрича олинган ҳар бир одамда жаҳон адабиёти қанақа акс этиши тўғрисида, бу адабиёт уни гоҳ бир томондан, гоҳ иккинчи томондан қандай қилиб ўзига тортиб туриши тўғрисида, унинг феъл атворини шакллантиришда қандай таъсир кўрсатиши ва баъзан инсон қандай қилиб унга фармонбардорлик қилиб, уни мажбурлаши, унинг устидан зўравонлик қилиши тўғрисида бир оз гапириб бермоқчиман.

Китобга муҳаббат ва китобхонлик иштиёқи менда жуда эрта туғилган. Болалигимда илк бор билганим ва китобларидан фойдаланишим мумкин бўлган бирдан-бир кутубхона бобомнинг кутубхонаси эди. Кутубхона жуда катта эди. Ундаги мавжуд минглаб китоблар билан менинг ишим йўқ эди. Тарихий ва жўғрофий йилномалар, инглиз ва француз тилларидаги диний асарлар, инглиз тилида ёшлар учун чиқарилган календарлар, зарҳаллашган ибратномалар, муқовалари ҳафсала билан картондан ишланган, даста-даста тахланиб, тизимчалар билан маҳкам қилиб бойлаб қўйилган илмий асарлар бунақа катта миқдорда бу кутубхонага қаердан келиб қолганига сира ақлим етмасди. Уларнинг бари чанг босиб ётар, назаримда, улар эътибор беришга ҳам арзимайдигандай кўринарди. Бироқ, мен бу кутубхонани оз-оздан кашф қила бордим ва кўрдимки, унда бошқа қисмлар ҳам бор экан. Уларда мен бир қанча китоблар топдим ва айни шу китоблар мени бу қадар зерикарли бўлиб кўринган улкан кутубхонани бошдан-оёқ титкилаб чиқишга ундади ва унинг ичидан бир қатор бениҳоя мароқли китоблар топдим.

Айниқса, «Робинзон Крузо» билан бирга «Минг бир кеча» жуда ҳам қизиқарли китоблар эди. «Робинзон Крузо»да Гранвил-

нинг жуда чиройли расмлари бор эди. 30-йилларда немис тилида нашр қилинган иккита залварли «Минг бир кеча»да ҳам яхши расмлар кўп эди. Бу икки китоб туфайли билдимки, бу тубсиз уммонда дурдоналар ҳам бор экан. Мен баланд-баланд токчаларга зич қаторларда турган китоблар орасидан дурдона асарларни қидиришни давом эттирдим. Мен кўпинча соатлаб баланд нарвонлар устида ўтирардим ёки полда уюлиб ётган китоблар ёнига ётиб олиб, уларни титкилардим.

Ана шу сирли ва чанг босган китоб залларида мен сўз санъати бобидаги биринчи қимматли кашфиётимни қилдим: ўзим учун XVIII аср немис адабиётини инкишоф этдим. Бу ғаройиб кутубхонада XVIII аср немис адабиёти анча мукаммал ва тўкис ҳолда мавжуд эди. Унда нафақат «Вертер», Клопштокнинг «Мессиада» достони ва Ходовецкийнинг расмлари ишланган бир нечта мажмуалар бор эди, балки Гаманнинг тўққиз жилдли тўплами, Юнг-Штиллинг, Лессингнинг куллиётлари, Вайсе, Рабенер, Рамлер, Геллертларнинг шеърлари, олти жилдли «Софиянинг Мемелдан Саксонияга саёҳати», бир қанча адабиёт газеталари ва Жан-Полнинг турли китоблари ҳам кутубхонадан жой олган эди. Бундан ташқари, яна шуниси эсимдаки, мен ўшанда биринчи марта Бальзакнинг номини ўқидим – кутубхонада унинг ҳаётлигида немис тилида нашр этилган, картон муқовали бир нечта китоби бор экан. Мен бу ёзувчининг китобини ўшанда қандай қилиб биринчи марта қўлга олганим ва ўқиб ҳеч нарсани тушуна олмаганимни эсимдан чиқарганим йўқ. Унинг китобларидан бирини ўқишга киришишим билан қаҳрамоннинг бошидаги моддий муаммолар жуда батафсил тасвирланганига рўпара келдим: унинг сармояси ҳар ойда қанча даромад келтириши, онасидан қолган мероснинг миқдори қанча экани, навбатдаги меросларга қандай умид боғлаётгани, қарзлари қанча экани ва ҳоказолар муфассал баён қилинган эди. Буларни ўқиб, роса ҳафсалам пир бўлганди. Мен эҳтирослар ва низолар тўғрисида, ваҳший мамлакатларга саёҳатлар ва ишқий саргузаштлар тўғрисида ўқимоқни хоҳлаган эдим, бунинг ўрнига эса менинг тумшуғимга бир йигитнинг ҳамёнини тиқиштиришди, у пайтларда мен, албатта, ҳамёнпамён деган нарсалардан жуда узоқ эдим. Мен мовий китобчани ижирғаниб жойига қўйиб қўйдим ва ўшандан кейин анча вақтгача Бальзакнинг биронта ҳам асарини ўқимадим, фақат орадан кўп



йиллар ўтгандан кейингина Бальзакни ўзим учун кашф этдим, лекин бу галги кашфиётим жиддий ва бир умрга етадиган кашфиёт бўлди.

Аммо, мен учун энг асосий воқеа – бобомнинг кутубхонасида XVIII аср немис адабиётини кашф қилишим бўлди. Мен танишган нарсаларнинг кўпчилиги унутилиб кетган эди. Булар Бодмернинг «Ноем»и, Гесснернинг «Иддилиялар»и, Форстернинг «Саёҳатлар»и, Маттиас Клаудиуснинг ҳамма асарлари, сарой маслаҳатчиси Эккартсхаузеннинг «Бенгал йўлбарс»и, И.Т. Гермеснинг монастир ҳаётига бағишланган «Зигварт» деган асари, Хиппелнинг «Рицарь ҳаётининг қинғир-қийшиқ йўллари» асари ва яна бошқа беҳисоб асарлар эди. Бу эски китоблар орасида бемазалари ҳам кўп эди. Кейинчалик мен ҳақли равишда уларни унутиб юбордим, баъзи бир асарларни ҳам вақт-соати билан рад этдим.

Аммо бу асарлар ичида бениҳоя ажойиблари ҳам бор эди. Булар Клопштокнинг беназир қасидалари, Гесснер ва Виланд асарларининг латофатли сержило саҳифалари, Гаман даҳосининг ҳаёлни ларзага солувчи чақинлари ва бошқа асарлар эди. Бироқ, мен номуносиб асарларни ўқиб чиққанимдан ҳам ўкинмайман, негаки, муайян тарихий давр билан атрофлича ва батафсил танишиш ҳам фойдали нарса. Хулласи калом, мен бутун бир асрлик немис адабиёти билан шу қадар батафсил танишиб чиқдимки, ҳатто мутахассислар ҳам у билан менчалик кенг танишмаган бўлсалар керак. Бир қисми аллақачон эскириб кетган бу китоблардан мен учун бениҳоя қадрдон бўлган жонажон она тилимнинг – немис тилининг муаттар бўйи уфуриб турарди. Бу тил айни XVIII асрда ўзининг гуллаб-яшнаш даврига қадам қўйиш арафасида турган эди. Мен немис тилини айни шу кутубхонада ана шу мажмуалардан, ана шу чанг босиб ётган романлару қаҳрамонлик достонларидан ўрганганман. Шундан кейин кетма-кет Гёте асарлари билан ва янги даврдаги немис адабиётининг энг олий навли гуллари билан танишганимда менинг немис тилини ҳис қилишим, унинг нозик жилоларини сезишим шу даражага етган эдики, Гётени ва немис классик адабиётини вужудга келтирган алоҳида маънавият дунёси менга жуда яқин ва ғоят табиий бўлиб туюлди. Ҳозир ҳам ўша адабиётга муҳаббатим сўнгани йўқ ва ҳозиргача ҳам китоб токчаларимда ўша унутилиб кетган асарлардан анча-мунчаси савлат тўкиб турибди.

Орадан бир неча йил ўтди. Бу йиллар мобайнида мен кўп нар-
са ўқидим ва кўп нарсани билиб олдим. Энди мени руҳият тари-
хининг бошқа соҳалари ўзига жалб қила бошлади. Бу – қадимги
Ҳиндистон эди. Қадимги Ҳиндистонга олиб борадиган йўл тўғри
ва текис йўл бўлгани йўқ. Турли одамларнинг воситачилиги ёрда-
мида мен бир қатор машҳур асарлар билан танишдим. Ўша кезлар-
да бундай асарларни теософияга мансуб деб ҳисоблашарди ва улар
гўёки диний фикрларни ўзида мужассам этган деб ҳисобланарди.
Бу асарларнинг баъзи бирлари ёстиқдай катта-катта, баъзилари
эса шапалоқдай рисолачалардан ўзга нарса эмас эди, лекин шакл-
шамойиллари қандай эканидан қатъи назар, уларнинг бари киши-
ни диққинафас қилиб юборадиган, ошкора насиҳатгўйлик билан
суғорилган асарлар эди. Руҳоният масалаларига бағишланган бу
асарлар алланечук таркидунёчилик руҳи билан суғорилган эди.
Тўғри, бу асарлар кишини ўзидан итармас эди, лекин уларнинг
насиҳатгўйлиги жинимга ўтиришмасди. Бироқ, шунга қарамай,
бирмунча вақт давомида улар менинг диққат марказимда бўлди
ва орадан кўп ўтмай, мен уларнинг жозибадорлик сирини билиб
олдим. Бу китобларнинг муаллифлари гўё кўзга кўринмайдиган
дин пешволари эди, лекин улар тарғиб қилган қарашларнинг ман-
баи битта эди. Бу – ҳинд манбаи эди. Мен изланишларимни да-
вом эттирдим ва кўп ўтмай бир нарсани кашф қилдим. Бу манба
– «Бхагавадгита» асари эди. Мен юрагимни ҳовучлаб уни ўқишга
киришдим. Таржима жуда ёмон эди. Ўшандан бери бу асар-
нинг уч-тўртта таржимасини ўқиб чиқдим, лекин ҳозирга қадар
тузукроқ таржимани учратганим йўқ, лекин шундай бўлса-да,
мен биринчи марта тадқиқотларимда излаган ёмбининг заррала-
рини ҳис қилган эдим – мен жамики мавжудотларнинг яхлитлиги
ҳақидаги Осиё ғоясини кашф этдим. Бу қараш ҳиндча қиёфага
эга эди. Мен улардаги арзимас таълимотлардан юз ўгирдим. Ма-
салан, жонларнинг бошқа шаклларда ёхуд махлуқларда яшашни
давом эттиришлари ҳақидаги назариялари менга фақат биринчи
қарашдагина муҳим кўринди. Кейинчалик мен уларнинг жўнлиги
ва торлиги учун аччиқланишни йиғиштириб қўйиб, биринчи ман-
балардаги ақлим етадиган маъноларни ўзлаштиришга ҳаракат
қилдим. Мен Ольденберг ва Дойсеннинг асарлари билан, шунинг-
дек, улар санскритдан қилган таржималар билан, Леопольд Шрё-
дернинг «Ҳиндистоннинг маданияти ва адабиёти» деган китоби



ва ҳинд адабиётидан қилинган бир қанча эски таржималар би-
лан танишиб чиқдим. Ўша йилларда мен Шопенгауэр ғояларига
қизиқиб қолган эдим. Улар билан бирга қадимги ҳинд фалсафаси
ва донишмандлиги бир неча йил мобайнида муттасил мени тарк
этмади ва менинг ҳаётимга ҳам, тафаккуримга ҳам жуда кучли
таъсир кўрсатди. Лекин шундай бўлса-да, менинг қалбимдаги
қониқмаслик туйғуси йўқ бўлиб кетгани йўқ. Нима сабабдандир,
улардан кўнглим тўлмаётганини ҳис қилардим. Биринчидан, ме-
нинг қўлимга тушган ҳиндча асарларнинг ҳамма таржималари
анча-мунча ғариб эди. Фақат Дойсеннинг «Олтмишта упанишад»
деган китоби билан Нойман немис тилига ағдарган «Будданинг
ваъзлари»гина ҳинд дунёсини танишимда менга тиниқ тасаввур
берди ва кўпдан-кўп лаззат бағишлади. Аммо, гап фақат таржи-
мадагина эмас. Ҳинд дунёсидан мен ниманидир излаган эдим,
аммо мен излаган нарса унда йўқ эди. Мен ҳинд дунёсида аллане-
чук ўзига хос донишмандлик борлигини, бўлиши мумкинлигини
ва ҳатто бўлмоғи муқаррар эканини сезиб турардим-у, лекин ҳеч
қаерда уни сўзда тажассум топган ҳолда тополмас эдим.

Агар китобларни ўқиш жараёнида туғиладиган истакларнинг
рўёбга чиқиши тўғрисида гапириш мумкин бўлса, орадан кўп
йиллар ўтгандан кейингина янги китоблар билан танишганим-
дан сўнг орзуларим ушалди. Ундан аввал эса отамнинг маслаҳати
билан Грилль таржимасида Лао-Цзи билан танишдим. Ўшандан
кейин бирин-кетин қўлимга хитой китоблари туша бошлади. Улар
Рихард Вильгельм таржимасида нашр қилинган хитой классикла-
рининг бир туркум асарлари эди. Мен бу асарларни немислар-
нинг ҳозирги маънавий ҳаётидаги энг муҳим ҳодисалардан бири
деб ҳисоблайман. Биз инсоният маданиятининг энг олижаноб, энг
тараққий этган самараларидан бирини қўлга киритдик. Ҳозирга
қадар бу буюк бойликдан немислар бебаҳра қолиб келмоқда эди,
бундай нодонликни кўрганда мийиғимизда кулиб қўйишдан ўзга
иложимиз йўқ эди. Шуни ҳам таъкидламоқ керакки, биз бу асар-
ларга одатдаги йўл билан, яъни лотинча ва инглизча таржималар
орқали эришганимиз йўқ, уни учинчи ёхуд тўртинчи қўлдан ол-
ганимиз йўқ, балки бевосита хитой тилидан қилинган таржима
туфайли эришдик. Бу таржимани умрининг ярмини Хитойда
ўтказган, Хитойнинг маънавий ҳаётида ўзини ўз уйидагидек ҳис
қиладиган немис амалга оширган. У хитой тилинигина эмас, не-

мис тилини ҳам яхши билади ва ўз тимсолида хитой маънавиятининг ҳозирги Оврўпо учун аҳамиятини чуқур идрок этган. Бу туркум китоблар Йенда Дидерихс нашрида «Конфуций гурунглари» билан очилади. Мен бу китобни буюк бир ҳайрат билан, худди эртак ўқиётгандай завқ-шавқ билан ўқиганимни ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. У менда ғоятда янги ва айни чоқда бениҳоя аниқ, таниш, ардоқли ва ширин акс садолар берган эди. Ўшандан бери бу туркум катта салмоқ касб этди: Конфуцийдан кейин Лао-Цзи, Чжуан-Цзи, Мэн-Цзи, Люй Бувэй чиқди, хитой халқ эртаклари нашр этилди. Бир вақтнинг ўзида бир нечта таржимон хитой шеърияти ва халқ китобларининг таржимаси устида муваффақият билан иш олиб боришди: бу соҳада Мартин Бубер, Х. Рудельсбергер, Пауль Кюнель, Лео Грайнер ва бошқалар кўпгина гўзал асарлар яратишиб, Рихард Вильгельм бошлаб берган ишни тўлдиришди.

Мана, бир неча ўн йилдирки, мен бу хитой китобларидан битмас-туганмас лаззат олиб келмоқдаман, бу лаззат тобора кенгайиб, чуқурлашиб боряпти, бу китоблардан бири доимо каравотимнинг ёнида турадиган бўлиб қолган. Ҳиндиларда етишмайдиган нарсаларнинг ҳаммаси бу китобларда кўплаб миқдорда мавжуд: булар ҳаётга яқинлик, энг юксак маънавият талабларига мос келишга интилиш билан ҳиссиётнинг мафтункорлиги ўртасидаги уйғунлик, юксак илҳомкорлик билан кундалик оддий, жўн ҳаёт ўртасидаги қатламларнинг кенглигидир. Агар Ҳиндистон руҳият ва ҳиссиёт чўққиларини роҳибона тарзда бу дунё ташвишларидан этак силташ йўли билан забт этган бўлса, қадимги Хитой маънавиятга сиғиниш йўли билан бундан ҳам ортиқроқ мўъжизаларга эришган. Бу маънавиятда табиат ва руҳият, дин ва кундалик ҳаёт бир-бирига душманлик руҳи билан суғорилган зиддиятлар эмас, балки дўстона муносабатда турувчи соҳалардир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳар қайсисига муносиб эҳтиром кўрсатилади. Агар ҳиндиларнинг дунё ташвишларидан этак силташи ўз талабларининг кескинлигига кўра ёшларга хос бўлган муросасизликка эга бўлса, Хитойнинг донишмандлиги кўпни кўрган тажрибали, ақли комил, ҳазил-мутойибага ҳам бегона бўлмаган одамнинг донолигидир. Умр йўлларида орттирилган тажриба бу одамнинг ҳаётдан ҳафсаласини пир қилмаган, ақлининг ўткирлиги эса уни бадхулқ одамга айлантириб қўймаган.



Сўнгги йигирма йил мобайнида немис забонлиларнинг энг яхши вакиллари бу табаррук шарбатдан тўйиб ичишди ва Рихард Вильгельмнинг хитойшунослик фаолияти баъзи бир бақироқ, бир ёниб сўнадиган оқимлар ёнида борган сари салмоқлироқ ва таъсирчанроқ бўла борди.

Ҳозирги дунё китобларга менсимай қараш дардига йўлиққан. Бугун шундай ёшлар кўпайиб қолдики, улар жонли ҳаётни эмас, китобни яхши кўришни кулгили ва номуносиб бир иш деб билишади. Улар бизнинг ҳаётимизни ҳаддан зиёд қисқа ва ҳаддан зиёд қимматли деб ҳисоблашади, шунинг учун уни китоб ўқишга сарфламаслик керак, деб билишади. Бундай ёшлар ҳафтасига олти марталаб кўплаб соатларини ресторанда ўтириб, музика эшитишга ва рақс тушишга сарфлашни афзал кўради. Дорилфунунлардаги, фабрикалардаги, биржалардаги ва кўнгилхушлик қиладиган жойлардаги «реал» ҳаёт ҳар қанча тўлқинли бўлмасин, биз ҳар куни икки соат вақтимизни ўтган замонларнинг фалсафасини ва адабий асарларини мутолаа қилиш билан ўтказмасак, ҳақиқий ҳаётга яқинроқ бўла олмаймиз. Албатта, кўп китоб ўқиш зарарли ҳам бўлиши мумкин. Китобни ҳаёт билан рақобатда биринчи ўринга қўйиш унча жоиз ҳам бўлмаслиги мумкин. Лекин, шунга қарамай, мен ҳеч кимни китобдан эҳтиёт қилмоқчи эмасман.

Яна кўп гапларни айтиб, кўпгина мулоҳазалар билдириш мумкин эди. Юқорида зикр қилинган эҳтиросларим ва қизиқишларимга кейинчалик яна биттаси қўшилди: менда ўрта асрлардаги христианларнинг асл ҳаётини билишга иштиёқ пайдо бўлди. Мени христиан динининг сиёсий тарихи тафсилотлари қизиқтиргани йўқ. Бу тафсилотларга мен лоқайд эдим. Мени иккита йирик куч ўртасидаги – черков билан императорлик ҳокимияти ўртасидаги зиддиятлар кўпроқ қизиқтирарди. Мени, айниқса, монастирлар ўзига тортарди, бироқ мен аскетизми туфайли монастирларга қизиққаним йўқ. Мен уларнинг санъати ва адабиётида жуда ажойиб хазиналарни топдим. Шунинг учун монастирлар мени ўзига мафтун қилдики, мен ана шу маданият ва олимлик марказида, бутун вужуди билан художўй одамларга паноҳ бўлган бу масканларда мазҳаблар ҳаёти ғоятда ибратли, ҳавас қилса арзигулик тарзда кечадиган бўлиб кўринди. Ўрта аср монастирларига қилган сайрларим оқибатида менга жуда маъқул тушган бир қанча китоб топдим. Лекин, ростини айтган-

да, улар бизнинг хаёлий кутубхонамизга тўғри келмас эди. Бироқ, уларнинг орасида бир нечта шунақалари ҳам борки, мен уларни рўйхатимизга қўшиб қўйсак арзийди, деб ўйлайман. Масалан, Таулернинг ваъзлари, Зузонинг «Ҳаёт»и, Экхартнинг ваъзлари шулар жумласидандир.

Бугун менга жаҳон адабиётининг идеали бўлиб туюлган нарсалар менинг ўғилларимнинг назарида бир томонлама, кемтик, кулгили бўлиб кўриниши мумкин. Худди шунга ўхшаб, эҳтимол, бир замонлар менинг отамга ёхуд бобомга ҳам улар шундай туюлгандир. Аммо, шундай бўлиши муқаррар эканига тан бермоғимиз лозим ва ўзимизни бобокалонларимиздан донороқ деб ҳисобламаслигимиз зарур.

Холисликка ва адолатга интилиш ҳар қанча гўзал бўлмасин, биз бу идеалларга эришиш мумкин эмаслигини эсда тутмоғимиз жоиз. Ахир, муҳташам жаҳон кутубхонасидан кўзланган мақсад илм чўққиларини забт этиш эмас ёки оламдаги ҳамма нарса тўғрисида мулоҳаза юритиш ҳуқуқини ўзлаштириб олиш ҳам эмас, бизга очилиши мумкин бўлган дарвозалар орқали руҳиятнинг муқаддас хазиналарига кирмоқдир. Майли, ҳар бир одам ўзи нимани англашга ва севиб қолишга қодир бўлса, шундан бошласин. Энг юксак маънодаги қироатхонликка газета ўқиб ёки тасодифий олди-қочди асарларни ўқиб эришиб бўлмайди, бунга фақат дурдона асарларни мутолаа қилиш орқалигина эришмоқ мумкин. Тўғри, баъзан дурдона асарлар қўлма-қўл юрадиган олди-қочди асарлардек кишини аллаловчи бўлмаслиги мумкин. Улар ўзларига жиддий муносабатда бўлишни талаб қилишади, улар ўзларининг фатҳ этилишларини истайди. Расиннинг бирор драмасидаги бир маромдаги, пўлат каби қуйиб қўйилган шаклларни ёхуд Стернинг ё Жан Полнинг турфа хил ранглар билан товланиб турадиган нозик юморини ўзлаштиришдан кўра бирон американча рақсни ўрганиб олиш анча-мунча осон-да!

Дурдоналар бизга муносиб эканларини намойиш этишларидан олдин биз ўзимизнинг уларга муносиб эканимизни намоён этмоғимиз зарур.



СТЕФАН ЦВЕЙГ

## КИТОБ – ТУРФА ДУНЁНИНГ ОЧҚИЧИ

Инсон заковатининг икки кашфиёти ер юзидаги ҳар қандай ҳаракатнинг бирламчи асоси бўлди: ўз ўқи атрофида айланадиган думалоқ ғилдиракнинг кашф этилиши туфайли фазода ҳаракат қилиш имкони туғилди, ёзувнинг кашф этилиши сабабли эса маънавият оламидаги ҳаракат дунёга келди. Қачонлардир, қаердадир бўйсунмас ёғочни эгиб, ундан доира ясаган аллақайси исмсиз кимса инсониятни мамлакатлар ва халқлар орасидаги масофаларни енгиб ўтишга ўргатди. Арава алоқалар, юк ташишлар, саёҳатларга имкон туғдирди, табиат иродаси билан вужудга келган чегараларни бекорга чиқарди. Табиат иродаси билан мевалар, тошлар, буюмлар ҳамда маъданлар улар майдонга келган жойларнинг бир иқлимий худудларида сақланиб турарди, арава буни ҳам чиппакка чиқарди. Эндиликда ҳар бир мамлакат ўз-ўзича эмас, қолган дунё билан яқин мулоқотда яшай бошлади. Шимол билан Жануб, Шарқ билан Ғарб, Эски дунё билан Янги дунё бу кашфиёт ёрдамида бир-бирига яқинлашди. Ғилдирак парвознинг елиб-югуришида, автомобилнинг шамолдек олға учишида, пропеллернинг қуюндек айланишларида ўз шаклларини мунтазам такомилга етказиб бориб, ниҳоят ернинг жозиба кудратини енгиб чиқди. Шунингдек, ёзув ҳам папирус ўрамидан, оддий бир саҳифадан китобгача олис йўлни босиб ўтиб, инсон қалбининг пешонасига битган ҳаётий тажрибанинг фожиона маҳдудлиги устидан ғалаба қозонди: китоб бор жойда инсон ортиқ ўз савиясининг тўрт девори ичида ўз-ўзи билан ёлғиз қололмайди, у ўтмиш ва ҳозирги замоннинг ҳамма ишларида, бутун инсониятнинг фикрлари ва ҳисларига дахлдор бўлади. Эндиликда бизнинг маънавий дунёмизнинг ҳамма ёки деярли ҳамма ҳаракати китобга боғлиқ бўлиб қолди. Моддий дунё самоларида ҳаётнинг намоён бўлиш шаклларини биз маданият, деб атаймиз. Китобсиз шу маданиятнинг зоҳир бўлишига имкон бўлмасди.

Аммо китобнинг ана шу оламлар барпо эта оладиган илҳомбахш қудратини биз хусусий ва шахсий ҳаётимизда салмоқли сонияларлагина идрок этамиз. Негаки, китоб кўпдан бери кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб қолган ва биз шу китобга хос бўлган мўъжизага дуч келганда ҳар гал яна ва яна завққа тўлиб қойил қолиш қобилиятини йўқотиб қўйганмиз. Биз ўзимиз бехабар ҳолда ҳар гал нафас олганимизда кислород ютамиз ва ана шу кўз илғамас кимёвий ашё билан қонимизни озиқлантирамиз ва янгилаймиз. Худди шунга ўхшаш сезмаймизки, биз китобга қадалган нигоҳимиз билан узлуксиз равишда маънавий озуқа оламиз ва бу озуқа ақлимизни ё янгартади, ё толиқтиради.

Бизлар кўп асрлик ёзув салтанатининг фарзандларимиз, шунинг учун ўқиш бизга оддий иш бўлиб қолган, уни деярли автоматик тарзда адо этамиз. Мактабнинг биринчи синфидан бошлаб ёнимиздан нари кетмайдиган китоб эса ҳаётимизга шу қадар сингишиб кетганки, биз уни кўпинча бепарволик билан, ҳаяжонга тушмасдан қўлга оламиз. Бамисоли китобни эмас, кўйлагимизни, сигаретамизни ёхуд оммавий ишлаб чиқаришнинг истаган маҳсулотини олаётгандаймиз. Хазинага осонгина эришиш мумкинлиги бизни ўша эътибордан маҳрум этади. Фақат мавжудлигимизнинг чинакамига ижодий, ўйчан мулоҳазадаги онларидагина биз кўниккан ва одатланиб қолган китоб яна қайтадан мўъжизакорлик касб этади. Фақат ва фақат теран мушоҳадалар юритишнинг ана шу ноёб соатларида биз китобнинг ҳаётимизга бахшида этадиган сеҳрли, файзиёб қудратини онгимиз билан ҳаяжон ичида идрок этамиз. Бу фазилат китобни биз учун шу қадар азиз ва мўътабар қиладики, йигирманчи аср фарзандлари бўлмиш бизлар китобдан ортиқ мўъжизаларни, қудратимизни, ички рўёмизни тасаввур қилолмаймиз. Бундай дақиқалар жуда ноёб, аҳён-аҳёндагина содир бўлади, аммо, айни шунинг учун ҳам уларнинг ҳар бири узоқ йиллар мобайнида хотирамизда яшайди. Мен, масалан, бизнинг шахсий оламимиз, ички дунёмиз кўзга кўриниб турадиган ва айни чоқда кўздан пинҳон бўлган китоблар дунёси билан нечоғлик теран алоқада экани узил-кесил намоён бўлган кунни, жойни ва соатни ҳозирга қадар аниқ эслайман. Мен кўзим ярқ этиб очилган ва билимим теранлашган ўша дақиқани айтиб беришга ўзимни ҳақли, деб ҳисоблар эканман, бу билан камтарлик доирасидан чиқиб кет-



япман, деб ўйламайман. Негаки, бу дақиқа ҳар қанча тор шахсий аҳамиятга моликдай кўринмасин, унинг аҳамияти менинг тасодифий шахсиятим худудларидан анча ташқарига чиқади.

У пайтда мен йигирма олти ёшда эдим, ўзим ҳам китоблар ёза бошлаган эдим. Яъни, туманли орзулар, ғоялар, хаёлотларнинг сирли эврилишлари тўғрисида, бир қатор ҳайрон қоларли муболағалар ва ўзгаришлардан кейин бадиий ният картон муқовали тўртбурчак китобга айлангунча қандай босқичларни бошидан кечириши тўғрисида сал-пал тасаввурга эга эдим. Ҳа, биз бу нарсани «китоб» деб атаймиз, у сотилади ва сотиб олинади. Унинг нархи бор, у худди ихтиёрсиз буюмдай магазин (дўкон) пештахтасида ётади. Шунга қарамай, унинг жонли қалби бор – унинг ҳар бир нусхаси сотиладиган буюм бўлса-да, ўз-ўзига мансубдир, ўз-ўзига ва яна аллакимга мансубдир. Бу аллаким – китоб саҳифаларини қизиқиш билан варақлайдиган ва ундан ҳам ортиқ даражада уни ўқийдиган одам. Лекин китобнинг ҳақиқий эгаси уни шунчаки ўқийдиган кимса эмас, уни ўқиб лаззат ола биладиган кимсадир. Хуллас, мен ўзим китоб ёзишнинг баъзи бир сирларидан воқиф эдим. Китоб ёзишнинг сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган баъзи бир жиҳатлари бор. Бу жараён оқибатида сенинг шахсиятинг томчилай-томчилай ўзгаларнинг қон томирига қуйилаётгандай бўлади. Тақдиринг ўзгалар тақдирига, ҳисларинг уларнинг ҳисларига, фикрларинг фикрларига сингади. Мен булардан воқиф бўлсам-да, лекин матбаа сўзининг жами таъсир кучининг моҳияти, ҳамма сеҳру жодуси, ҳамма теранлиги, ҳамма қудрати менга ҳали тўла намоён бўлганича йўқ эди, мен булар тўғрисида ҳали ғира-шира ва думбулроқ тасаввурга эга эдим. Буларни мен кунларнинг бирида кашф этдим. Ҳозир шу кун, шу соат ҳақида гапириб бермоқчиман.

Мен пароходда кетмоқда эдим. Итальян кемасида Ўрта Ер денгизи бўйлаб сузиб, Генуядан Неаполга, Неаполдан Тунисга, Тунисдан Жазоиргача бормоқчи эдим. Сафар бир неча кун давом этмоғи лозим эди. Кемада эса йўловчи йўқ ҳисоби. Шундай бўлдики, мен кема командасидан бир ёш итальян йигит билан тез-тез ҳамсуҳбат бўладиган бўлиб қолдим. У ошпазнинг ёрдамчисимиди, хоналарни супуриб-сидирар, палубани қиртишлаб артар, хуллас, рутбалар ҳақидаги умуминсоний

таснифга биноан, қора ишчилар қиладиган юмушларни бажарар эди. Мен яшнаб турган бу қоракўз, қорамағиз йигитчани кўрганимда чинакамига ҳузур қилардим. Жилмайганда унинг садафдек бир текис тишлари кўринарди. У тез-тез жилмайиб турар, ўзининг оҳангдор ва ихчам тилини яхши кўрар ва итальян тилининг мусиқасига маънодор қўл ҳаракатларини илова қилишни ҳеч унутмасди. Унинг юз ифодаси ҳам жуда бой эди, истаган одамнинг қилиқларини бир зумда илиб олар ва уларни юзида ифодалаб, майна қиларди. У тишсиз капитаннинг кавшашини кўрсатар, қари инглизнинг чап елкасини олдинга чиқарган ҳолда палубада қандай одимлашини ифодалар, тушликдан кейин ошпаз ўзининг саъй-ҳаракатлари билан қаппайган йўловчиларнинг қорнига назар ташлаб сиполик билан сайр қилишини ўхшатарди. Қўлига тушь билан сурат ишланган дўнг пешоналик бу йигит, ўзининг айтишича, кўп йиллар мобайнида ватанида, яъни Липар оролларида қўй боққан экан. Бу қорамағиз йигит билан гап сотиш менга жуда хуш ёқарди – у жуда содда ва ҳар гапга ишонаверарди. Менга маъқул тушиб қолганини ва у билан бажонидил суҳбатлашишимни дарров сезиб олди. Шунинг учун у ўзи тўғрисида билганларининг ҳаммасини менга оқизмай-томизмай тўкиб солди ва икки кун ҳам ўтмай биз жуда иноқ бўлиб қолдик.

Кейин бирдан бизнинг орамизда кўзга кўринмайдиган тўсиқ пайдо бўлди. Биз Неаполда лангар ташладик. Кемага кўмир ортдик, сабзавот ва почта олдик, йўловчилар чиқди, хуллас, одатда пароходлар оладиган юкни олиб, очиқ денгизга чиқдик. Мана, мағрур Лозилип муштдеккина адирга айланиб, Везувий устидаги булутлар парчаланиб, енгил папирос тутунидай ҳалқачаларга бўлинди. Шунда бояги йигит оғзини тўлдириб илжайганича тўсатдан ёнимга келди-да, ҳозиргина олган, увадаси чиқиб кетган мактубни менга кўрсатди ва уни ўқиб беришимни илтимос қилди. Дабдурустдан мен унинг гапини англаёлмадим. Ўйладимки, Жованни бирон ажнабий тилда – немисчами, французчами мактуб олган, албатта, қиз боладан – бунақа йигитнинг қизларга маъқул бўлмаслиги мумкин эмас – ҳозир у ана шу муҳаббат изҳори битилган мактубни итальян тилига ағдариб беришимни сўраяпти. Бироқ, мактуб итальян тилида ёзилган эди. Ундай бўлса, йигит мендан нима



истаяпти? Унда нималар деб ёзишганини билиб қўйишимни истаяптими? Йўғ-е, дея эътироз билдирди Жованни астойдил хуноб бўлиб, хатни овозимни чиқариб, унга ўқиб беришимни илтимос қиляпти. Шунда ҳамма гапга тушундим: бу чиройли, ақлли, хушхулқли, қилиқлари ўзига ярашган йигит итальян миллатининг статистика томонидан белгилаб берилган ўқишни билмайдиган етти ё саккиз фоизига кирар экан. У саводсиз экан. Оврўпода тугаб бораётган бу тоифанинг вакили билан авваллари бирон марта суҳбатлашганимни эслай олмадим. Жованни менга рўпара келган биринчи саводсиз оврўполик эди ва мен унга лол қолиб, таажжуб билан қарадим. Қараганда ҳам ортиқ дўстга ёхуд оғайнимга қарагандек эмас, бирор музейга қўйилган буюмга қарагандек бўлдим. Мактубни мен унга, албатта, ўқиб бердим. Уни аллақандай чевар қиз ёзган экан. Исми Маринами ёки Каролинами экан. Мактубда истаган мамлакатда ёки истаган тилда қизлар бунақа йигитларга нима деб ёзса, шулар ёзилган эди. Жованни лабларимнинг ҳар бир ҳаракатини синчиклаб кузатиб турди ва мен сездимки, у ҳар бир сўзни эслаб қолишга ҳаракат қиляпти. Ҳар бир сўзни эслаб қолишга уриниш, диққатини бир нуқтага жамлаш унинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Ҳатто, унинг пешонасида чукур ажинлар пайдо бўлди. Мен мактубни тушунарли бўлсин учун дона-дона қилиб, икки марта ўқиб бердим. У ҳар бир сўзни шимиб олаётгандай эди. Бундан унинг кўзлари чарақлаб кетди, лабларига эса очилган атиргулдай қизил югурди. Аммо, шу дақиқада унинг ёнига кема зобитларидан бири келди ва Жованни ғойиб бўлди. Сизларга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлган тарихим ана шунинг ўзи.

Сирасини айтганда, кўзим кейинроқ очила бошлади. Мен шезлонгда ёнбошлаб, жануб тунининг тароватидан лаззатланмоқда эдим. Кишини лол қолдирадиган кашфиётим менга тинчлик бермасди. Мен умримда биринчи марта саводсиз одамга дуч келишим эди, бу одам унақа-бунақа одам эмас, оврўполик эди. Бунинг устига эс-ҳуши жойида, унча-бунча заkий, у билан худди ўз тенгимдай суҳбатлашгандим. Менинг фикри-зикримни бир нарса банд қилиб олганди – ёзувни яқинига йўлатмаган бу мияда олам қандай акс этмоғи мумкин? Бу фикр оромимни олиб, ҳатто мени қийноққа солиб қўйди.

Ўқий олмаслик нима эканини тасаввур қилиб кўришга уриниб кўрдим, ҳатто ўзимни ўша одамнинг ўрнига қўйиб кўришга ҳам уриндим. Мана, у қўлига газета олди, бироқ унинг бирон жойига тушунмайди. Мана, у қўлига китобни олиб, салмоқлаб кўради – бир бўлак ёғочга ёхуд темирга қараганда енгилроқ, тўртбурчак олақуроқ кераксиз буюм – у китобни нима қилишни билмай, қайтариб жойига қўяди. Мана, у китоб дўконининг олдида тўхтади – аммо бир-биридан бежирим, ранг-баранг, сариқ, кўк, қизил, оқ чорбурчак буюмлар. Муқовасига зарҳал ҳарфлар билан номи ёзилган китобларнинг ҳаммаси унинг учун томошага қўйилган ясама мевалардан ёки ҳид ўтказмайдиган қутилардаги атирлардан фарқ қилмайди. Мана, унинг ҳузурида Гёте, Данте, Шелли каби муқаддас номлар тилга олинади, бироқ бу номлар унинг юрагини ларзага солмайди. Унинг учун бу сўзлар қуп-қуруқ маъносиз бўғинлар қалашмасидан бошқа нарса эмас. У шўрлик қора булутлар ортидан яркираб кўринган кумуш ойдай ёлғиз биргина мисра одамга тўсатдан қандай ҳузурбахш этишини билмайди, китоб туфайли сен бошқа бир одамнинг ҳаётига кириб боришингни, унинг тақдири сени ларзага солишини билмайди. У ўзи билан ўзи овора, негаки, китобни билмайди, унинг ҳаёти калтакесакники янглиғ аянчли, оламдан ажралган ҳолда ҳаёт кечирувчи бу одамнинг шунақа ҳаётга қандай дош бераётганини, ўзининг қашшоқлигидан нечун бўғилиб қолмаганини тушуниб бўлмайди. Қандай қилиб тасодифан кўзинг тушиб қолган ёхуд қулоғингга чалинган нарсадан бошқа ҳеч нарсани билмай яшамоқ мумкин, қандай қилиб китоблардан эсувчи дунё шабадаларидан бебаҳра нафас олмоқ мумкин? Мен борган сари ҳафсала қилиб китоб ўқишни билмайдиган ва шу важдан маънавият оламидан ажралган одамнинг аҳволини тасаввур қилишга уриндим, олим бир дона суякка қараб қадимги одамнинг шаклу шамойилини тиклагани каби мен ҳам унинг яшаш тарзини сунъий тарзда кўз ўнгимда тикламоқчи бўлдим. Аммо, бунақа одамнинг миясини тасаввур қилолмадим, гаранг одам бировнинг гапириб берганига қараб, мусиқанинг сеҳрли кучини англаёлмаганидек, мен ҳам бутун умри давомида биронта китоб ўқимаган оврўполикнинг фикрлаш тарзини англаёлмадим.

Шу тарзда саводсиз одамнинг ички дунёсига кириб боролмаганимдан кейин вазифамни енгиллатмоқчи бўлдим – энди



ўз ҳаётимни китобларсиз тасаввур қилмоқчи бўлдим. Аввалига ёзув воситасида ва биринчи навбатда китоблар орқали билган нарсаларимнинг ҳаммасини қай бир муддатга ҳаётимдан ўчириб ташламоқчи бўлдим. Аммо, биринчи қадамларданоқ муваффақиятсизликка учрадим. Мен «ўзлигим» тарзида англаб келган воқелик, ундан билимларни, тажрибани, бегоналарни ҳис қила билиш қобилиятини, одамлар билан муштараклик туйғусини, ўзимнинг қадр-қимматимни, қўйингки, китоблар туфайли эришган нарсаларимнинг ҳаммасини мосуво этишга уринишим биланоқ, бўлак-бўлак бўлиб парчаланиб кетди. Ҳар бир буюмнинг кетидан, ҳар бир ҳодисанинг ортидан китоблардан олинган хотиралар ва кузатишлар чўзилиб келарди, айрим олинган ҳар бир сўз хотирада ўқилган нарсаларнинг қанча-қанчасини қалаштириб ташларди. Масалан, мен Жазоир ва Тунисга кетаётганимни эслашим ҳамоно «Жазоир» сўзининг теварагида, ҳатто менинг ихтиёримдан ташқари яшин тезлигида юзлаб хотира ва тасаввурлар намоён бўларди: Карфаген, Ваал, Саламбо сиймолари, Тит Ливийнинг Зама ёнидаги жанг ҳақида ҳикоя қилувчи сатрлари, пунийликлар билан римликлар ўртасидаги, яъни Сципион лашкарлари билан Ганнибал қўшинлари ўртасидаги тўқнашув ва яна худди шу манзаранинг ўзи Грильпарцернинг драматик, буларнинг ичига Деоакруанинг рангдор сурати ҳамда Флобернинг табиат тасвири ёриб киради. Яна Сервантес айни Жазоирга ҳужум вақтида Карл V қўшини томонидан жароҳатлангани... хуллас, «Жазоир» ва «Тунис» деган сўзларни биров эшитар-эшитмас тарзда ва ҳатто ичимда айтганимда ҳам минглаб бошқа тафсилотлар худди сеҳру жодудек хотирамда гавдаланади. Икки минг йиллар мобайнидаги урушлар, ўрта асрлар тарихи – хуллас калом, хотирамда гавдаланадиган манзараларнинг сон-саноғига етиб бўлмайди. Бутун умрим давомида нимаики ўқиб, уққан бўлсам, уларнинг ҳаммаси тасодифан тилимга келиб қолган биргина сўзнинг мўъжизавий бойишига хизмат қилади. Шунда англадимки, кўпгина тармоқларга бўлиниб кетадиган эркин ва кенг фикрлаш қобилияти ёхуд инояти, яъни оламни бир томондан эмас, кўп томондан билишга имкон берувчи бирдан-бир тўғри, ажойиб восита ўз шахсий тажрибасидан ташқари кўпгина мамлакатлар, халқлар ва замонларнинг китобларида тўпланган ва

асралган тажрибаларни сингдирган одамларгагина насиб этар экан. Шунда мен китобдан махрум одамнинг накадар маҳдуд кўриниши мумкинлигини кўз олдимга келтириб, даҳшатга тушдим.

Аммо, буларнинг барини ақл тарозусига солиб кўриш иқтидорининг ўзи, кўпрок Жованнининг ўзи оламни идрок этишдек улуғ шодликдан махрумлиги важидан чукур изтироб чекиш қобилияти, бошқача айтганда, тасодифан йўлиққан бегона одамнинг тақдиридан ларзага тушишдек бетакрор салоҳият менда китобга яқинлигим туфайли пайдо бўлган эмасми? Ахир биз китоб ўкир эканмиз, бегона одамларнинг ҳаёти билан яшай бошлаймиз-ку, оламга уларнинг кўзи билан қараб, уларнинг мияси билан фикрлай бошлаймиз-ку. Ёлғиз ана шу ҳузурли ва илҳомбахш дақиқа туфайли менга китоблар инъом этган сон-саноқсиз бахтли онларни кўз олдимга келтирсам, бутун вужудим қайноқ миннатдорлик туйғуларига тўлиб-тошади. Хотирам қаъридан буни тасдиқлайдиган мисоллар бири кетидан бири чиқиб келаверади. Улар осмондаги юлдузлар каби бир-бирига қалашиб кетади. Айрим воқеалар эсимга тушади. Бу воқеалар менинг ҳаётимни билимсизликнинг тор қафасларидан халос этганди, менга тажриба ва билим бахш этган эди. Кичкина бола бўлганим учун бу билим ва тажрибани ўша пайтдаги менинг жисмоний кучларим тўла ўзлаштириб олишга ожизлик қиларди. Буни энди тушуниб етдим – худди шу сабабдан бола Плутархнинг тарихий тасвирларини ўқиганда, Мичман Изининг саргузаштлари ҳақидаги ёхуд Чарм Пайпоқнинг жасоратлари тўғрисида ўқиганда, унинг қалби эртаклардагидек яшнаб очилади, негаки, улар билан бирга шаҳарлик одамнинг хонадонига тийиқсиз эҳтирослар ёпирилиб киради. Шу билан бирга, бу эҳтирослар дунёси мени тўрт девор ичидан ёруғ дунёга олиб чиққан эди. Китоблар умримда биринчи марта менга дунёмизнинг худудсизлигини ва унинг бағрига сингишнинг лаззатини намойиш қилди. Бизнинг руҳий ҳаракатларимизнинг кўп қисмини, ўзлигимиз худудларини кенгайтириш истагини бизга китоб юктирган, бизнинг ҳаётимизга мазмун бахш этган, бизга муқаддас истаклар ато этган, чунки китоб бизни янги таассуротлар жомидан яна ва яна тўйиб ичмоққа мажбур қилган. Мен китоблар туфайли қабул қилган залворли қарорларимни хотирладим, аллақачон бу дунёни тарк этган адиблар билан учрашувларимни эсладим – бу учрашувлар баъзан мен учун аёллар билан ёхуд дўстларим билан учрашувлардан муҳимроқ бўларди. Китоб саҳифалари устида ўтказилган муҳаббат тунлари эсимга тушди – бундай чоғларда юксак лаззатни деб уйқуни бутунлай унутасан. Бу тўғрида ҳарчанд ўйламай, барибир, битта тўхтамга келдим: бизнинг маънавий дунёмиз миллионлаб заррачалар каби айрим-айрим таассуротлардан таркиб топади. Бу таассуротларнинг жуда оз қисми шахсан кўрган ва кечирганларимиздан туғилган бўлади. Уларнинг кўп қисми эса ўқиган ва уққан, ўрганган китобларимиздан бизга ўтган бўлади. Буларнинг ҳаммасини хаёлимдан ўтказиш ғоят мароқли эди. Менга китоблар ато этган, ҳозирги унутиб юборганим бахтли дақиқаларни яна эсладим. Уларнинг бири иккинчисини етаклаб келар ва самонинг қора духобаси узра сочилган саноқсиз юлдузларни санаганда бўладигандай ҳар гал саноқдан адаштириб, янгилари пайдо бўларди. Мен ўзимнинг ички дунёимга назар ташлашга ҳаракат қилганимда англадимки, бизнинг бу юлдузли самомиз ҳам сон-саноқсиз машъаллар нуридан чароғон ва биз, яъни маънавий лаззатланиш бахтига мушарраф бўлган одамлар иккинчи оламга эгамиз. Бу олам нур таратиб, сирли мусиқа садолари остида теграмизда айланади. Китоблар ҳали менга ҳеч қачон ўша дақиқадагидай яқин, ардоқли бўлмаган эди. Ҳолбуки, ўша дақиқада қўлимда бирорта ҳам китоб йўқ эди. Фақат китоб тўғрисида ўйлагандим, холос. Лекин ўйлаганда ҳам бирдан кўзи ярқ этиб очилган одамга хос теран бир миннатдорлик билан ўйлагандим. Шундай қилиб, арзимас бир тасодиф туфайли, яъни саводсиз бир одам билан учрашув оқибатида мен китобнинг жами сеҳру жодусини чуқур ҳис этдим. Бу саводсиз одам баайни биздек яратилган эди. Аммо, ягона бир қусури сабабли оламлар ичида энг олийси – маънавият оламига кира олиш қобилиятидан маҳрум эди. Китоб эса уни ўқиёлган ҳар бир одамга ҳар бир соат, ҳар дақиқада бутун оламнинг теранлигини намоён қилади.

Аммо кимки умрида бир марта ёзилган ва босилган нарсанинг баҳосини билган бўлса, сўзнинг жамики бекиёс теранлиги билан бирга унинг ёрдамида маънавий мулоқотга киришишнинг баҳосини билган бўлса – бу билимга битта китоб

ёрдамида эришганми ёки кўп китоблар воситасида эришганми, бундан қатъи назар – бугунги кунда жуда кўп одамларни чулғаб олган ночорликни кўриб, дардкашлик билан мийиғида кулиб қўяди. Китоблар замони ўтиб кетди, эндиликда техника тилга кирмоқда, дея ташвиш чекадилар улар – граммафон, кинематография, радио – сўз ва фикрни моҳирроқ, қулайроқ ифодаловчи воситалар китобни сиқиб чиқармоқда ва ҳадемай китобнинг маданий-тарихий вазифаси ўтмиш ҳодисаси бўлиб қолади, дейишади. Бундай қараш жуда тор, чекланган қарашдир. Бу ноқис фикрдир. Негаки, минг йил аввал китоб туфайли бизнинг қаршимизда намоён бўлган мўъжизадан афзал бўлган ёки лоақал у билан қиёсласа бўладиган бирорта мўъжизани техника қачон, қаерда содир қиляпти? Химия бутун дунёни китобчалик ларзага солишга қурби етадиган портловчи моддани кашф қилгани йўқ. Умрибоқийликда матбаа белгилари билан қопланган бир парча қоғоздан ўтиб кетадиган пўлату темир-бетон қани? Биророта энергия манбаи баъзан мўъжазгина бир жилддан таралладиган нурга тенг келадиган нур яратишга муваффақ бўлган эмас. Электр қуввати ҳеч қачон матбаа сўзидан пайдо бўладиган электр қудратига молик бўлмайди. Китоб дегани – қаримайдиган ва енгилмас, вақт ҳукмига бўйсунмайдиган, энг мағизи бут, энг мазмундор ва турфа хил шаклдаги қудратдир. Шундоқ бўлгач, китоб нега техникадан чўчисин? Ахир техника шу китобларнинг ёрдамида мукаммаллашади ва тарқалади-ку. Фақат бизнинг шахсий ҳаётимизда эмас, ҳамма жойда китоб ҳар қандай билимнинг ибтидосидир, ҳар бир илмнинг ибтидосидир. Бинобарин, сен китобга қанчалик яқин бўлсанг, сенинг нигоҳинг қаршисида олам шунчалик теран намоён бўлади, чунки унинг мўъжизакор ёрдами туфайли сенинг нигоҳинг сон-саноқсиз одамларнинг ички нигоҳи билан бирлашиб кетади. Китобни севсанг, сен оламни юз қатла тўлароқ ва теранроқ мушоҳада қиласан ва олам қалбига кириб борасан.

*1996*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
AXBOROT RESURS MARKAZI



## МУНДАРИЖА

Китобсевар ва китобсўярлар тўғрисида достон ........ 3
Адабиётки бор – одамлар учун ........ 8
Биринчи мўъжиза ........ 24
Адабиёт – ҳаёт дарслиги ........ 35
Телевидение ва адабиёт ........ 47
Адиб кутубхонасида ........ 57
Хазина ........ 81
Китобсиз яшаб бўлмас ........ 87
«Гўрўғли» баҳонасида ........ 95
Боқий мўъжиза ........ 103
Истиқлол адабиёти энг илғор адабиётдир ........ 113
Истеъдод билан учрашиш – байрам ........ 118
Адабий танқид ва янгича тафаккур ........ 135
Модернизм – жўн ҳодиса... эмас ........ 146
Адабиёт андозаларга сиғмайди ........ 154
Китобни танлаб, мақсад билан ўқиш керак! ........ 158
«Қутлуғ қон»нинг шарофати ........ 162
Бир мақсад йўлида ........ 169
Эътиқод сарчашмаси ........ 179

***«Китобларим ҳақида» туркумидан***

Юрак садоси ........ 184
Имтиҳондаги ўйлар ........ 191
Китоб менинг тақдиримда ........ 196

***Китобларга оид таржималар***

*Херман Ҳессе.* Жаҳон адабиёти кутубхонаси ........ 218
*Стефан Цвейг.* Китоб – турфа дунёнинг очқичи ........ 253

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

**ОЛАМНИНГ ҚАЛБИ**

***ёхуд китоб менинг тақдиримда***

*Тошкент «Маънавият» 2014*

Муҳаррир *Б. Умаров*
Мусаввир *К. Попова*
Техн. муҳаррир *Ш. Соҳибов*
Мусаҳҳиҳ *Ш. Илҳомбекова*
Компьютерда тайёрловчи *Г. Отаскевич*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 07.10.2013 й. да рухсат этилди.
Бичими 60x90/16. Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли б. т. 16,5. Нашр т. 14,16. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 13-720. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 18–12.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2014.